



- **Буважон, мушук нимадан тарқалган?**
- **Мушукми? Мушук — арслондан, болам.**
- **Ит-чи?**
- **Ит — бўридан.**
- **Одам-чи?**
- ...

## МУҚАДДИМА ЎРНИДА

... У хуржунини елкасига олиб, узоқ юрди. Кўчки босган ерга етиб келгунича оёқлари қақшаб кетди. У ҳали кўчки нима эканини билмасди. Белга қадар қорга ботган кезлари изига қайтганидан пушаймон бўлар, чиқиб олганда эса: «Ота юртдан узилгандан кўра музлаб ўлганим афзал», деб қўярди.

Оқшомга бориб унинг силласи қуриди, очикди. Шунда ҳам тўхтамади. Фақат шом қоронғусидагина тамадди қилиб олиш мақсадида хуржунини ерга қўйди. Ўтириб, нафасини ростлади. Кейин қўлини хуржунга тикди. Силлиқ, совуқ, юмалоқ бир нарсага қўли тегди. Сесканди. Хуржуннинг оғзини очиб, икки қўллаб уни чиқарди. Чиқарди-ю, серрайиб қотиб қолди. Нафаси ҳам, юрак уриши ҳам тўхтади. У хуржундан... акасининг калласини олган эди!..

Тоғлар ҳам қотиб қолди. Осмон ҳам. Дунёнинг ҳаёт томирларидан жон чиқиб кетди. Бир зум, фақат бир зум шундай бўлди. У қўлидаги каллани ташлаб юборди. Акасининг кесилган боши қорга чўкди. Унинг қалбидан отилган фарёд сукунатни қалқитиб юборди. Тоғлар акс-садо берди. Йўқ, акс-садо эмас бу. Тоғлар ҳам фарёд чекди. Бу фарёдни қорлар ўзига шима олмади — осмон бағрига сингдирди.

Ҳозиргина оқлиги билан кўзни қамаштираётган қор бир нафасда қоп-қора бўлиб қолди. Кейин аста қизарди. Чўққилардан қип-қизил қон оқиб кела бошлади. Иссиқ қон уни ҳам бағрига тортиб, аввал товонини куйдирди, кейин баданига тарқалди. Сўнг мияси қизий бошлади. Томоғи қуриб, қонни симира кетди. Самирган сайин ичи куяверди. Кейин қон қорга сингиб, атроф аста оқарди. Шунда у қорга ботиб турган каллани авайлаб қўлига олди. Юмуқ кўзларни, ўсиқ қошларни силади. Силай туриб вужудидан яна фарёд отилиб чиқди.

Осмон қаърига икки кунгача фарёд отилиб турди. Кейин бу овоз бошқа ерларга кўчди.

У озиб-тўзиб кетди. Борар жойини ҳам унутди: телба бўлиб қолди. Каллани қўлидан қўймай, тентираб юраверди. Бир ерда оёғи тойиб, пастга қараб юмалаганида уни йўқотди. Алам билан нола чекди. Охири бир юмалоқ тошни калла хаёл қилиб авайлаб олди. Қош-кўзни излади. Тополмай уввос солиб йиғлади. Лекин уни ташлаб юбормади. Эҳтиётлаб кўтариб юраверди.

Орадан бир неча кун ўтгач, савдо важдан Кошғарга бориб-келиб юрувчи ўзбеклар уни кўриб қолиб, хачирга мингаштириб олдилар. Чарх ураётган қузғунлар емишларидан маҳрум

бўлдилар. Кўчкини пастлаб ўтган савдогарлар йиғисидан безор бўлиб, уни яна ташлаб кетдилар.

Қузғунлар яна емиш умидида унинг устида чарх ура бошладилар...

## ЭЛЧИЛАР

Ноғоралар чалинди. Жарчилар жар солиб, бухороликларни баланд минора атрофига тўпладилар. Сарой ва дин, тижорат ва иродат аҳли одатларини қилиб, минорага яқинроқ ердан жой олдилар. Юзу кўзларида ҳадик зоҳир бўлган аҳли ано билан аҳли ниёз эса панароқда туришни афзал кўрдилар.

Жарчилар Бухоро салтанатида «шаккок» пайдо бўлгани, Вобкент минораси сиртида тик юргани, амир ҳукми билан бугун унинг улкан минорага рўпара қилинажagini каллаи саҳарлаб фуқарога маълум этдилар.

Тўпланганлар бу гапларга бир ишониб-бир ишонмай, гангиб, ора-сира баҳслашиб, «шаккок»нинг олиб келинишини кутар эдилар:

— Минора сиртидан юргани ёлғон бўлса-чи?

— Боши кетади.

— Рост бўлса-чи?

— Бари бир боши кетади.

Минорага яқин турганлар ҳам бўлажак воқеани ўйлашар, аммо четдагиларга ўхшаб, фикрларини тилга узатмас эдилар:

«... Агар-чи, «шаккок» чиндан ҳам минора сиртида тик юра олса, у одам эмас, иблис бўлади. Иблис фуқаро орасига айландими, имон кетади. Имон кетса, давлат таянчидан айрилади. Фарғона музофоти қақшаб, Бухородаги йиртиқ чопонлар ғимирлаб турганда бу нимаси эди? Худо бу офатни уларга не учун раво кўрди? Қайси гуноҳлари учун жазоламоқчи? Иблис шу қадар қудратга эга экан, уларнинг жонини суғуриб олиши ҳам мумкин-ку? ... Атрофда сипоҳилар мунча кам?...»

Ана шу саросима билан орқага қараганда тисланишга жой йўқлигини кўргач, ноилож юрак ютиб, жойларида қотиб қолавердилар.

Ниҳоят, оёқ-қўлларига кишан урилган «шаккок»ни олиб келдилар. Баланд бўйли, елкалари кенг, кўзларида ўт чақнаб турган сарпойчан бу одам аравадан бамайлихотир тушиб, минора томон юрди. Бунни кўриб, оломон бир гувранди.

Амир фармони ўқилди.

Майдонга сирли сукунат чўкди.

«Шаккок» кулимсираб тураверди.

Оломон ҳайратда...

Муллаваччалар даврасидаги қорувли йигит «шаккок»ни кўрди-ю, тили калимага келмай қолди. Бухороликлар орасида «Табиб афанди» деган ном билан маълум бўлган одам кўзида эса нечундир ғазаб учқунланади.

«Шаккок» одамлар орасидан уни излаб топгач, яна кулимсиради. Кишанлар ечилишини ҳам кутмай минора сиртига оёқ қўйди. Қадди бир оз қияланиб турди-да, кейин ростланди. Кишанларни шарақлатганча, тик юриб кетди.

Четроқда турганлар калима келтириб, ваҳимага тушиб, қоча бошладилар.

«Шаккок» миноранинг нариги томонидан юриб тушганида майдонда қўрқувдан титраётган беш-ўн сипоҳидан бўлак ҳеч ким қолмаган эди. «Шаккок» бир ножўя ҳаракат қилса, улар ҳам қочиб қолишга тайёр эдилар. Аммо унинг ҳаракатида тажовуз сезилмади. Кулимсираганича аравага чиқиб ўтирди. Сипоҳийлар нима қиларларини билмай, яна зиндон сари юрдилар.

Ертаси куни Бухоро халқини ташвишли хабар уйғотди: минора сиртида тик юрган «шаккок» қанотли махлуққа миниб, учиб кетибди! Соқчиларнинг барчаси унинг ўрнида — зиндонда ухлаб қолишганмиш...

Таҳликада қолган шаҳарда Оллоҳ йўлига қурбонлиқлар аталди. Одамларнинг ҳаловати йўқолди. Барча қиёматнинг ҳақ эканига ишониб турган кезде, кунчиқар томонда кучли гулдирак товуши эшитилди. Кейин фалак қарсиллаб, иккига ажралиб кетгандай бўлди. Одамлар рози-ризолик тилашиб, қиёматни кута бошладилар. Аммо ваҳимали гулдирак узоқлаша бориб, замин ҳам, само ҳам жимиб қолди.

Саросима билан кутилган қиёмат содир бўлмади.

Худди шу онда Ер курраси атрофида йўлдош каби айланаётган ясси кема сайёрадан узоқлашиб, Сомон йўли томон учди.

Кеманинг учбурчак шаклидаги асосий хонасида Бухоро халқини саросимага солган «шаккок» — Танг сайёрасининг элчиси Лукн бошини эгиб ўтирарди. Ундан икки қадам нарида турган сафар раҳбари — ерликларга «Табиб афанди» сифатида танилган Рҳақ ҳам жим эди.

... Лукн қилган ишидан вақти чоғ бўлиб, амир зиндонда хотиржам ётар эди. Истаса, шу оннинг ўзида зиндондан чиқиши, аркка кириши, ҳаммаёқнинг тўс-тўполонини чиқариши мумкин эди. Уни Рҳақдан бўлак ҳеч ким ушлаб қололмасди. Дарвоқе, Рҳақ... Лукн Табиб афанди либосидаги ўзининг ҳамроҳини кўз олдига келтирганда юзида ғолиб кишининг мамнун ва мағрур кулгиси пайдо бўлди. Ҳа, Рҳақ — ерлик одамлар онгига юксак баҳо бериб юрган донишманд бугун беадад саросимага тушди. Лукннинг минора сиртида юришиёқ одамларнинг ақлини олди. «Улар қумликлар панасидаги фазо кемасини кўришса борми, эслари оғиб қолиши тайин. Бу одамлар тараққиёт йўлига чиқа олмайдилар. Рҳақ энди бунга ишонган бўлиши керак». Ерликлар «Осмон» деб атовчи бу қора бўшлиқда Танг деган сайёра борлигини рад қилиб бўлмаганидек Лукннинг назарида бу фикрини инкор этиш мумкин эмас. Унинг учун ерлик одамларнинг саросимага тушишларидан кўра, ҳамроҳи кўзидаги ташвишни кўриш муҳим эди. Лукн бу ташвишни кўрди! Бу ташвиш пардаси ортида мағлуб одамнинг нигоҳи яширин деб ўйлаган. Лукн баҳсларнинг ўз фойдасига ҳал бўлганига, Танг сайёрасига — она юртига ўзининг мутлақ тасдиқланган фикри билан қайтажагига амин эди.

Ана шу ишонч унинг вужудига роҳат бахш этди. Бутун чарчоқлари ҳовур каби кўтарилгандай бўлди. Зиндонга яқинлашишга юраги дов бермаётган соқчиларга қараб, кулимсираб қўйди-да, ғадир-будир тошлар устига узала тушди. Шу қўйи кўзи илинди.

Зиндонда мамнун ётган Лукн янглишган, ҳамроҳи кўзидаги ташвишни тўғри уқмаган эди. Рҳақ эса, аксинча, унинг мамнунлиги боисини яхши англаб, қайтиш тадоригини тезлаштирди. Тунда зиндонга яқинлашиб, ҳали ҳам тили калимага келмаётган, на амирга бўйсуниб «шаккок»ни кўриқлашни, на қочиб қолишни билмай каловланиб турган соқчиларга биоток оқимини йўллаб, ухлатди. Соқчилар яқинлашаётган қора шарпани кўришди-ю, аммо ухлаб қолганларини ўзлари ҳам сезишмади. Эрталаб оқшомда ўзларини «шаккок» зиндонда кўриб, «жонларини омон сақлаб қолган Оллоҳга» минг карра шукр қилиб, «осмондан қанотли одамсимон махлуқот тушиб, оғзидан ўт пуркагани, ана шу оташ забтида ухлаб қолишгани, кейин «шаккок» қанотли махлуқ елкасига миниб учиб кетгани»ни бири олиб-бири қўйиб айтиб берди. «Ухлаб қолган бўлсаларинг, «шаккок»нинг учиб кетганини қандай кўрдиларинг?» дегувчи зот топилмади.

Рҳақ зиндонда ётган Лукнга биоток оқимини йўллаб, уни янада қаттиқроқ ухлатди. Сўнги ишларга халақит бериши мумкин бўлгани сабабли уни Ер доирасидан узоқлашгунларича уйғотмади.

Лукн қоп-қоронғи бўшлиқда учиб кетаётган кемада уйғониб, аввалига гангиб қолди. Сўнг ерлик одам қиёфасидан чиқиб, асл шаклига кирган — бўйи икки баравар узайиб, қўли кичрайган, бурни ўрнида тангадек тешик қолган, оғзининг катталиги ўзгармаган, аммо сочи

чин рангини олиб, ям-яшил бўлган сафар раҳбарига кўзи тушиб, ҳаммасини фаҳмлади. Рҳақга ғазаб билан тикилди...

Ер томон учаётганларида уларнинг зиммаларига фақат бир вазифа — сайёрада истиқомат қилувчи жонзотларнинг тараққиёт даражасини ўрганишгина юкланган эди. Ер ҳаётига аралашиб қатъиян ман этилгани учун ҳам улар одам қиёфасига кириб олгандилар. Ерга қилинган аввалги икки сафар машқ тарзида бўлган, буларники эса дастлабки жиддий тадқиқот саналарди. Мана шу тадқиқот самараси кўп нарсаларни, хусусан, Ер сайёрасининг тақдирини ҳал қилиши мумкин эди.

«Мўлжалдаги ишлар рисоладагидай давом этиб, тадқиқотлар ниҳоясига етай деб қолган эди. Сўнгги хулосаларга келганда Лукннинг асаби чидаш бермадимикин?»

Рҳақ шуларни хаёлдан ўтказиб, ҳамроҳига норози қиёфада боқди:

— Камерага кириб чиқ, — деди у босиқроқ гапиришга тиришиб.

Лукн истамайгина ўрнидан турди. Рҳақнинг норози нигоҳи унинг изларига қадалди.

Дастлабки кузатувлардан сўнг, Ердаги (у пайтда сайёранинг номи Ер деб аталишини билишмасди) тараққиёт даражасининг Тангга нисбатан анча орқада экани тахмин этилган эди. Рҳақ сайёра сатҳига тушган кунлари буни дарров фаҳмлади. Бироқ, унинг ўткир зеҳни Тангда маҳв этилган нарсаларни ҳам илғади. Одамларнинг ўзаро самимияти, меҳри, муҳаббати, олижаноблиги, дўстлиги, айна чоқда, мунофиқлиги, адовати, қаҳри, макри, пасткашлиги, бир-бирига ёвлиги унинг учун янгилик эди. Ерликлар ҳаёти унинг фикрини шу номуносибликлари, шу мураккаблиги билан банд қилди. Ер ҳаёти Лукннинг ҳам эътиборини тортган бўлса-да, у масалага ўзгача ёндашган, кўрганларини ўзгача таҳлил этган эди. Ҳамроҳининг айри қарашларини анча илгари сезган, бироқ жиддий эътибор бермаган Рҳақ минора воқеасидан икки кун аввал бўлган баҳсда Лукннинг фикрлари фақат нотўғригина эмас, балки зарарли эканини англаган эди.

Ер ҳисоби билан салкам бир йил давом этган кузатувдан сўнг, Лукн «Одамзот тараққиёти таназзулга юз тутган», деган қарорга келибди. «Ўзини «инсон» деб атовчи бу жонзотлар бир-бирларини еб битирадилар. Ерда ҳаёт тугайди. Тафаккур даражалари ўсишдан тўхтаган...» Рҳақ бу ақлни ҳазм қила олмас, айна вақтда, ҳамроҳини фикридан қайтариш кўлидан келмас ҳам эди. Лукн Бухоро халқини саросимага солиш билан ўз ҳақиқатини исботламоқчи бўлди. Бу унинг қабиҳлиги эмас, балки калтабинлиги оқибати эди.

Лукн ген камерасида асл қиёфасига кириб қайтди. Рҳақ бўлиб ўтган кўнгилсиз воқеадан сўз очмади. Кема Қуёш мажмуаси сарҳадига яқинлашиб қолган эди. Иккови ҳам уйқу камерасига киришдан олдин сўнгги тайёргарликни кўришди. Қурилмаларнинг ишлашини синчиклаб кузатгач, учиб ихтиёрини автомат-навигаторга топшириб, бир-бирларига бош ирғаб қўйишди-да, ўз бўлмаларига киришди.

Лукн зиндонда ухлаб қолганидан сўнг қандай воқеалар содир бўлганини энди фаҳм этган эди. «Рҳақ маккорлик қилди, — деб ўйларди у. — Мен баҳсдаги фикримни амалда исботламоқчи эдим. У ишимга нима учун аралашди? Баҳсда мағлуб бўлишдан қўрқдимми? Ахир унинг баҳсда енгилиши мағлубият эмас, аксинча, сафаримизнинг яхши натижа билан тугашини белгиловчи омил эди-ку? Ерликларни ҳимоя қилиши тушунарсиз бир ҳол. Минг афсуски, сафарга мен эмас, у раҳбар. Бўлмаса жазосини олар эди».

Лукн уйқу камерасига киргач, дарҳол ором топди. Рҳақ эса камерага киришга ошиқмади. У Лукннинг норозилик билдиришини кутган, шунга яраша жавоб тайёрлаб, баҳсга шай турган эди. Ҳамроҳининг индамагани уни ажаблантирди. «Бу тангликларга хос ҳиссизлигимми ё фурсат келишини кутмоқчимми? Балки ноҳақлигига амин бўлгандир? Йўғ-е!» Рҳақ «Лукн ўлибтирилибди» деган гапга ишониши мумкин эди, аммо унинг фикридан қайтишига сира ишона олмасди. Фикрини ўзгартирадиган жонзотда бошқалар қисматига нисбатан ачиниш, бошқаларни тушунишга нитилиш, бошқалар бахтидан лаззатланиш ҳисси бўлиши керак.

Лукнда бундай ҳис йўқ! Демак, фикрида қатъий туради. Асосий баҳс Тангда бошланади. Донишмандлар иккига бўлинишлари мумкин. Баҳсда қай бир томон ғолиб келади — бу ноаниқ.

Рҳақ шаффоф қувур шаклидаги уйқу камерасига кириб кўк рангли симларни билагига, сариқ рангисини энгагига танғиганидан сўнг, белгиланган режа бўйича юзгача санамай ухлаб қолиши керак эди. Лекин унинг аъзолари бу сафар режага амал қилмади. Кейинги кунлардаги воқеалар Рҳақнинг асабларини қақшатиб юборган эди. Ҳозир, мажбуран ухлаши керак бўлган онда, яна ўша минора, ғолибликдан масрур турган Лукн, зиндонда ерпарчин бўлиб ётган Салимхўжа, ёноғидаги кулгичи ўзига ярашиқли дуркун Назира кўз олдидан бир-бир ўтаверди...

Назира? Вожаб! Назирани нечун эслади? Ердан олиб қайтаётган беҳисоб таассуротлари орасида нечун бу маъсуманинг нигоҳи булут бағрини ёриб чиққан яшин сингари хотираларини тўзитиб юборди? Назира... Назира... Дилбар қиз... Аммо уни ҳозир эслаши жоиз эмас. Юртига омон-есон етиб олиши учун ухлаши зарур! Шунинг учун Ердан олиб кетаётган хотираларни, шулар тўдасида Назиранинг узорини ҳам қувишга ҳаракат қилди. Чўғ каби йилт этиб кўз очган ҳар қандай хотирани беаёв ўчираверди.

Шу зайлда ухлаб қолди.

... Рҳақ қанча ухлаганини билмайди. Миясидаги қайси бир ҳужайра заифгина бир титраб, уйғониб кетди. Ёнбошига ўгирилди: Лукн хотиржам ухляпти. Юрак уришини қайд этувчи тасма унинг ғоят осойишталик билан ором олаётганини билдириб турибди.

Рҳақ ҳамроҳининг юзига тикилиб қолди.

«Бир мақсад билан йўлга чиқиб, икки хил фикрда қайтпмиз. Ер тангликлар учун яна муаммолигича қолади. Агар Лукн фикрини исботлай олса, Ернинг тақдири ўша дамнинг ўзидаёқ ҳал бўлади: тафаккур даражаси ўсишдан тўхтаган сайёра Танг қарамоғига ўтиши керак! Ерликлар ҳамма нарсадан — тилдан, тарихдан, меҳрдан, дилдан... маҳрум этиладилар. Қадам олишлари ҳам, сўзлашлари ҳам Танг истаги бўйича бўлади. Ернинг тараққиёти, ўз ихтиёрига зид равишда, тангликлар томонидан тезлаштирилади. Оқибат эса...»

Бу фикрдан Рҳақнинг вужуди сесканди. «Йўқ, — деди у ўзига-ўзи, — бундай бўлиши мумкин эмас. Шубҳасиз, Тангда Лукнни қўллайдиганлар топилади. Лекин бу масалада яқдиллик бўлишига ишонмайман!»

Рҳақ автомат-навигаторнинг ишини текшириб кўргач, яна уйқу камерасига кирди.

Бу сафар ҳам кўп ухламади. Кимдир туртиб уйғотгандек бўлди. Оёқ-қўллари нима учундир оғир, аъзойи бадани зирқирайди. У бошини қўллари орасига олиб узоқ ўтирди. Эшик очилиб, кимнингдир юзи кўринди. Рҳақ унинг кимлигини илғай олмади. Эшик қандай тез очилган бўлса, яна шундай тезликда ёпилди. Рҳақ ўрнидан туриб тор даҳлизга чиқди. Ҳеч ким йўқ. У беихтиёр изига қайтиб Лукн ётган камерага қаради. Лукн йўқ! Рҳақ ҳайратдан донг қотди. Шу пайт орқасида шарпа сезилди. У шахт билан ўгирилди. Кимдир бошқарув хонасига ўтди. Рҳақ тез-тез юриб, кеманинг асосий бошқарув хонасига кирди. Ҳеч ким кўринмайди. Асбоблар бир меъёрда гувилляпти. Кема гўё қоронғи бўшлиқда муаллақ тургандай. Кимдир унинг елкасига қўл ташлади. Бўйнига кимнингдир илиқ нафаси урилди. Рҳақ гангиб қолди. Атрофида ҳеч ким йўқ. У яна шошиб изига қайтди: Лукн жойида ухлаб ётибди. Рҳақ яна шарпа сезди. Бошқарув хонасига кирди. Лукннинг камерасига қайтди...

«Нима бу? Галлутсинатсиями? Асабларим қақшаб, ўзимни эплаёлмай қолдимми? Яна кимдир юргандай бўляпти. Шарпа. Йўқ одамнинг шарпаси. Йўқ одам... Нимага чўчиёпман? Йўқ одам кўрқинчлими? Ёвудан ҳам баттарроқ. Ёвуд билан рўпара бўлсанг, ўлдириб қутуласан. Йўқ одамдан-чи? Уриб бўлмаса, чопиб бўлмаса. Қандай қутулиш мумкин? Йўқ одам хаёлимда-ку! Қаердан келди? Нима учун хаёлимдан жой бердим? Ҳали йўлнинг ярми босиб ўтилмади. Кемада ёлғиз ўзим бедорман. Бошқа ҳеч ким йўқ. Шарпа ҳам йўқ. Лукн ухляпти. Бир ўзим бедорман. Бир ўзим...»

Рҳақ шу зайлда ўзини ўзи ишонтара бошлади. Шарпа ҳар қанча хаёлини чалғитса ҳам эътибор бермади. Асаблари бир оз осойиш топгач, уйқу камерасига кирди.

Яна чўчиб уйғонди. Яна аъзойи бадани зирқиради. Бошқарув хонасига чиқди. Кутилмаганда экран ёришиб, Фид кўринди. Ҳамиша жиддий боқувчи ботиқ кўзлар, ўсиқ қош, бир текис оқарган соч, пастки лабининг ўнг томони сал тортилиб турибди. Овози ўша-ўша дағал:

— Сен янглишдинг, Рҳақ. Энди ҳукмни ўзинг чиқарганинг маъқул.

— Ҳукм? Нима учун?

— Янги тартиблар беҳато ишлашни талаб этади.

— Бундай тартибларни фақат жоҳилларгина жорий қилади!

— Зукколарнинг изми ҳамиша жоҳиллар қўлида бўлиб келган.

— Янглишяпсан! Донишмандлар ҳеч қачон жоҳиллар қаршисида тиз чўкмаганлар.

— Аммо улар билан доимий кураш олиб боришга мажбур бўлганлар. Вақт ва қувватни беҳуда сарф этиш зукко учун оғир азоб эканини унутяпсан.

— Мақсадингни англамаяпман?

— Ҳукм чиқаришинг керак.

— Қандай ҳукм?

— Сен ўз-ўзини ўлдириш масаласига қандай қарайсан?

— Бундай аҳмоқона ўй сира хаёлимга келмаган.

— Ўйлаб кўр...

— Эсингни йиғ, Фид!

— Ўйлаб кўр... Энг тўғри йўл — шу...

Рҳақ ўрнидан туриб кетди. Кўзларини уқалади. Эcran қорайиб турибди. Яна галлютсинатсиями? Рҳақ бемаъни хаёлларни миясидан қувиб чиқариш учун диққатини бир ерга тўплашга уринди. Ўзини ўзи чалғитди. Сўнг яна уйқу камерасига кирди.

Энди аввалгидан ҳам камроқ ухлади. Назарида Фид тепасида тургандай туюлди. Кўзини кескин очиб атрофига аланглади. Ўрнидан турди. Лукн ётган камерага қаради; ҳамроҳи уйқуда. Кейин бошқарув хонасига кириб экранга тикилди. «Фид бошқа кўринмайди, аввалгиси галлютсинатсия эди. Ўзимни ўнглаб олдим. Бўш келиш йўқ...» дея ўзига далда берди. Ҳар қандай шароитда ўзини қўлга ола биладиган Рҳақ Ерга қилинажак сафар олдидаги тайёргарлик даврида ҳам синов камерасида кўп марта якка ўзи яшаган, сунъий галлютсинатсияларнинг барчасига бардош бера олган эди. Ана шу синовни инobatга олиб узоқ муддатли учишга чидайман, деб ўйларди. Аммо у энг муҳим бир нарсани — Ерга ўтган умрини, ҳиссиётлар оқимидаги ўзгаришларни ҳисобга олмаётган эди. Гарчи икки сайёра ўртасида алоқа ўрнатиш учун асосий омил ҳисобланган сув, ҳаво, тупроқ таркиби бир хил бўлса-да, у Ер сайёрасида ўзини кутилмаганда ўзгачароқ ҳис этди. Рҳақ бу хира юлдузда молекуляр комплексларнинг вужудга келиши учун зарур бўлган органик бирикмалар мавжудлигини, бу моддаларнинг эришига мос суюқлик ҳам борлигини яхши биларди. Аммо илмий кузатиш ва тадқиқотларга бўйсунмайдиган талай омилларни кейинроқ пайқади. Фақат пайқаб қолмай, уларни алоҳида меҳр билан ардоқлай бошлади. Одамларнинг ўзаро муносабатидан келиб чиқадиган бу омиллар унинг руҳиятига таъсир кўрсатган, шу сабабли ҳудудсиз фазосаробининг домидан қутула олмаётган эди.

У қорайиб турган экранга қараб ўзини ғолиб сеза бошлади. Рҳақ галлютсинатсияни чекинтирганига амин эди. Ҳатто ғолиблик нашидаси қўнғир юзида ҳам сезилди. Ўзини чалғитиш учун кундаликларини варақлайман деб курсига энди ўтирганида, экран яна ёришди-ю, Фиднинг совуқ, қаҳрли юзи кўринди. Рҳақнинг бадани жимирлади.

— Кутмовдингми? — деди Фид киприк қоқмай.

— Кутган эдим. Лекин истамагандим.

— Истак билан мажбурият бошқа-бошқа нарса. Тангда истак деган тушунчага барҳам берилганини унутдингми?

— Аксинча, афсус билан эсладим.

— Рҳақ! Сен Танга қайтпасан. Ундан қочаётганинг йўқ. Юртингдаги тартибларни афсус билан эслаш ҳуқуқидан маҳрум эканингни унутма.

— Ҳаққим йўқлигини яхши биламан. Аммо начора, афсус билан эслайдиган тартиблар кўплигини Ерда аниқ сездим.

— Биздаги тартиблар осмондан олинган эмас. Минг йилларни оралаб ўтиб, пишиб-етилган. Унга шак келтирма.

— Биз минг йиллар давомида гангиб юрган эканмиз.

— Рҳақ, тилингни тий! Сенга нимамиз ёқмай қолди, айт, балки янглишаётгандирсан?

— Қани энди янглишаётган бўлсам. Бу қадар ёнмас эдим.

— Айт.

— Фид, сен менинг қанча болам борлигини биласанми?.. Йўқ. Бошқаларникини ҳам билмайсан. Мен ҳам шундай — хабарсизман. Чунки биз фақат хизмат юзасидан алоқа қиламиз. Бизга фақат бир нарса — юксалиш учун ишлаш, ишлаш учун юксалиш керак. Бурч, садоқат, меҳр деган тушунчалар тараққиёт йўлидаги ғов... Фид, сен севиб уйланганмисан? Уйламай қўя қол. Ҳаммамиз компьютернинг маълумотларига қараб уйланганмиз. Назаримизда севгимиз алдамчи, компьютер эса алдамайди. Биз юксалиш учун ишлашимиз, ишлаш учун юксалишимиз керак. Фид, сайёрамиз хавф остида қолса аҳволимиз нима кечади, сен ҳеч ўйлаганмисан?

— Уйламай-чи? Биз бу хавфни лаҳзада бартараф этамиз. Сен қудратимизга ҳам ишонмай қолдингми?

— Ишонаман. Аммо фазонинг қай бир нуқтасида биздан ўн карра қудратлироқ онгли жонзот бўлса-чи?

— Йўқ, бу фаразинг ноўрин. Энг олий онг фақат Тангда мавжуд. Биз табиатни енгган ягона олий онг эгаларимиз.

— Сен ҳақсан. Аммо хавф туғилиб қолса, енгилга чоғимиз келмайди. Бизнинг бир-биримизга қадримиз йўқ, бир-биримизни қўллаб-қувватламаймиз. Шунинг учун ҳам ожизмиз.

— Бекор айтибсан. Қадримиз бор. Бир-биримизни қўллаб-қувватлаймиз ҳам. Танг аҳолиси ўртасида энг яхши муносабат мавжуд.

— Сен энг яхши деб атаётган муносабат қуруқ, сохта.

— Ҳиссиётга берилиш — танглик руҳияти учун ошиқча юк, Рҳақ.

— Мен фақат ана шу юкни кўтариб юришга мингдан-минг рози эдим.

— Рҳақ, руҳинг хасталанибди. Танг тарихини кавлаштириб юрганингаёқ буни сезиб эдим.

— Фид, энди тарихни очиш вақти етди.

— Йўқ, асло! Танг тарихини ўрганиш — тараққиёт йўлидаги асосий ғов. Тарих фақат махсус гуруҳ учун очиқ. Ўтган замондаги хатолар таҳлил қилиб турилса, бас. Бошқалар фақат юксалишни ўйлаши керак. Орқада ҳеч нима йўқ!

— Фид, фикринг ўзгариб қолибди. Сен Лукннинг гапларини айтяпсан.

— Мен ўзимнинг гапларимни айтяпман. Мен — Лукнман!

Рҳақ сесканиб, кўзини юмиб очди. Дарҳақиқат, экрандан Фид эмас, Лукн қараб турар эди. Рҳақ жон ҳолатда экранни кафтлари билан тўсди. Тасвир йўқолди. У телба бир аҳволда ўрнидан туриб кўзларини уқалади. Экран қорайиб турибди. Яна галлутсинатсиями? Нима бу, ҳалокат белгисими? У бошини чангаллаб ўтирди. Кейин хаёлини жамламоқ учун кўзларини юмиб, столни беихтиёр черта бошлади. Назарида кўли оғирлашаётгандай, ҳаракат мушкуллашгандай туюлди. Кўзини очиб бақариб юборай деди: бармоқлари бештадан бўлиб қолибди! Худди ерликларникидай — бешта! У кўзларини маҳкам юмиб, кейин яна очди. Йўқ. Бармоқлари бешта эмас, тангликларникидай учта. Демак, яна галлутсинатсия. Асаблари панд беряпти. Қандай бўлмасин ухлаши керак. Йўқса, манзилига етиб боролмаслиги мумкин.

Кема бир маромда учиб борар, Рҳақнинг асаблари эса тобора издан чиқар, ноҳуш кечинмалар ўтида қовуриларди. Кейинги кунларда кўзига фақат Фид — Ерда ҳаёт борлигини

башорат қилган донишманд Фид кўринади. Қандайдир ҳукм чиқаришга, уни ижро этишга ундайди.

Рҳақ Фид билан кўп жиҳатдан ҳамфикр эди. У галлютсинатсия домидан озод бўлган кезлари хаёлий баҳсларни эслаб ҳайратланди. Чунки Тангда Фид билан бирон-бир муаммо устида бунчалик қаттиқ тортишмаган эди.

Танг фазогирлари жуда кўп юлдузларга бордилар. Лекин ҳеч бирида онгли мавжудот учратмадилар. Донишмандлар марказида эндигина таҳсилни тугатган Фид катталиги жиҳатидан ҳам, нури жиҳатидан ҳам ўзгалардан фарқ қилувчи юлдуз атрофида ҳаракат қилаётган нисбатан майда ва нурсиз тўққиз юлдузни кузата бошлаганида унга айтарли аҳамият беришмади. Бир томонда ўзини қоя деб ҳис қилувчи донишмандларнинг тахмини исботланмай турганда, бу «гўдак»нинг фаразларига ким ҳам эътибор қиларди? Фид мақсадга фақат иқтидор билан эмас, балки сабр-тоқат билан ҳам борилажагини яхши биларди. У ультрабинафша спектрометр ёрдамида ёрқин юлдузга яқинлик бўйича учинчи турувчи, катталиқда эса бешинчи ўринда турувчи хира юлдуз атмосферасининг кимёвий таркибини аниқлаб, ундаги водород ва гелий миқдори Тангники каби эканини айтганда ҳам, хира юлдуз атмосферасида сув буғи мавжудлигини спектроскопик тадқиқотлар исбот этгандан кейин ҳам шуҳратга умид қилмади. У ўзини донишманд санайдиган, аслида «нима учун кундузи ёруғ, тунда қоронғи бўлади» деб бош қотириб юрадиган чала олимлар қаторида навбат кутишга мажбур бўлди. Бу унинг иззатнафсига тегса-да, сайёрада жорий бўлган қонунга тик боролмаслигини билиб, тоқат қилди. Тангда унинг кашфиётидан ҳайратланиб, биринчи бўлиб қутлаган кимса Рҳақ эди. У дўстининг тахминларига ишонарди. Фаразларнинг исбот этилиши Рҳақ учун нур устига аъло нур бўлган эди.

Биринчи фазогирлар Ерга сафар қилиб қайтишганда уларнинг қувончи чексиз эди. Фазогирлар иккинчи учишга тайёрланаётган вақтларида Рҳақ учинчи — энг муҳим сафарга ўзи боражагини ҳали билмасди. Мана учинчи тадқиқот ҳам тугаяпти. Энди тўртинчисига ким бораркин?

Бу савол ерда эканидаёқ Рҳақнинг кўнглига ғулғула солган, дилида: «Имкон бўлса яна ўзим келардим», деган умид ҳам уйғонган эди. Кўнглини безовта қилаётган хаёлий баҳсмунозаралардан кейин Рҳақнинг Ерга яна қайтиш ҳақидаги илинжи барбод бўла борди.

... Бу сафар ҳам чўчиб уйғонди. Яна Фид билан рўбарў бўлишини эслаб юраги орқасига тортиб кетди. Бир нуқтага тикилиб хаёлини тўплади. Бошқарув хонасига ҳам, Лукн ётган камерага ҳам қарамай, Ердан олиб кетилаётган «ўлжалар» турувчи бўлмага кирди. Кафтдек экран бурчагидаги қўнғир мурватни буради. Экранда Ер тасвири кўринди; дарахтлар гуллаган, паға-паға оқ булутли осмон ер билан қўшилиб кетгандай— осмон акси ерга тушяптими, ё аксинчами, билиб бўлмайди. Ариқларда сувлар тўлиб, хас-хашакларни суриб оқади...

Рҳақ бу тасвирга қараб енгил тортди. «Бу хонага аввалроқ кирсам бўлмас эканми», деб ўйлаб юмшоқ ўриндиққа ўрнашиб ўтирди. Шу пайт орқа томондан бир овоз келди. Рҳақ чўчимади. Аксинча, овозни қайта кутди. Овоз яна эшитилди. Рҳақ ўртанди: у Назиранинг беозор кулгисини эшитган эди. У орқасига ўгирилишдан чўчиди — қараса, Назира ҳуркиб учиб кетадигандай эди. Қиз рўпарасига келмаса ҳам майли, фақат кулгиси эшитилиб турса бас. Худди шу кулги унинг назарида кемадаги ноҳуш нарсаларнинг барчасини қувиб чиқаради.

Назира... Назира... Нимага кулмаяпти. Нимага жимиб қолди? Табиб афандига — Рҳаққа айтадиган гапи йўқми? Хайрлашмай кетган «беоқибат» Табиб афандидан хафами? Шунинг учун ҳам ёлғизлик тўрларида бўғилаётган Рҳақ ҳузурига кечикиб келдими? Назира... Нимага жимиб қолди?

Рҳақ чидай олмади. Орқасига ўгирилди: нигоҳи қора қутиларга урилди. — Назира йўқ! Фид адоқсиз баҳслари билан унинг юрак-бағрини қон қилиб юборди. Хотирасида қизнинг тикланиши балки шу яраларга малҳам қўярмиди? Рҳақни руҳий ҳалокатдан асраб қолармиди?



Экрандаги тасвир сўнди. Рҳақ уни қайтадан қўйди. Сўнг қора қутилардан бирини очиб, қўлига илинган китобни олди: Ҳофиз Шерозий. Назиранинг акаси Тўхтамурод хўб таърифни келтирган эди. Шоирнинг бир байти Рҳаққа ажабтовур туюлиб, ёдлаб олган эди:

*Агар он турки шерозий ба даст орад дили мо ро,  
Ба ҳоли ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухоро ро.*

Китобни қўлига олиб варақлади-ю, шу байтни эслаб кулимсираб қўйди. «Ерликларнинг муҳаббатидан ақл лол қолади, — деб ўйлади у. — Битта ҳол учун икки шаҳар бермоқчи. Суриштиришса ошиқнинг икки тангаси йўқдир. Лекин ихтиёрида икки шаҳар эмас, икки дунё бўлса ҳам гўзалнинг бир холига алмаштириб ташлаши тайин. Ерликларнинг муҳаббати шунақа— ошиқ одам эсини йўқотиб қўяди...» Рҳақга бу нарса аввал эриш туюлган, ерликларга хос кераксиз ҳис деган хулосага келган эди. Кейин, чуқурроқ ўйлаб кўриб, одамларни бир-бирига худди шундай муҳаббат боғлаб турганига ишонди.

Кимдир қўшни бўлмада туриб, пичирлаб шеър ўқигандай бўлди. Рҳақ сергакланди. Кимдир хўрсинди. Яна шеър ўқиди — Назира! Ҳа, Рҳақ унинг овозини илк марта шу зайлда эшитган эди.

... Девор ортида бир қиз овозини кўтармай ғазал ўқирди. Рҳақ қувурга тиқилиб, сув йўлини тўсиб қўйган хашақларни олиб ташлаш учун девор томон яқинлашганда, қиз боланинг овозини эшитиб, тўхтади. Ишқий ғазални тинглаб, қизнинг ёшини чамалади: ўн олти-ўн еттида бўлса керак. Рҳақ девор яқинида кўп турмади. Сув йўлини очиб, ҳужрасига қайтди.

Ҳозир ҳам Назира қўшни бўлмада туриб ғазал ўқиётганга ўхшади. Рҳақ қулоқ тутди: ғазалнинг сўзларини англамади.

Овоз тинди. Рҳақнинг хотирасидаги қиз қаёққадир йўқолди.

Рҳақ уни қайтариш истагида шоша-пиша қутини титди — қиз севган китобни ахтарди. Топди. Ўша заҳоти қизнинг овози келди, ҳатто экранда ўзи ҳам кўринди.

«Сиз Зебунисо бегимнинг ғазалларини яхши кўрасизми? Акамга Ҳофиз Шерозий билан Фузулий бўлса, бас. Шоирларга ҳушлари йўқ. Эшитинг-а:

*Киприги — ханжар, карашма — тиғ, кўз ташлаш — яшин,  
Гар шаҳид бўлмоқчи эрсанг, карбало бу ердадир...*

Бу байтларга ҳазрат Навоий ҳам офарин айтган бўлар эдилар. Акам: «Яхши байт айтиш фақат эркаларга хос», дейдилар. Нодирабегимни ҳам назарга илмайдилар. Сиз доно одамсиз, акамга айтинг: бу қадар бемехр бўлмасинлар...»

Бошқарув хонасида чақирув сигналлари янграб, экрандаги тасвирни ҳам, Рҳақнинг хаёлларини ҳам тўзатиб юборди. Рҳақ шошиб ўрнидан турди.

Кема Тангга яқинлаша бошлаган эди. Дам ўтмай Лукн ҳам уйғонди.

Қолган кунлар Рҳақ учун азоб бўлди. Лукн билан деярли гаплашмайди. Галлютсинатсиядан қутулди. Назиранинг овози ҳам эшитилмайди. Юраги тошиб кетаверади. Асаблари қақшайди. Худди жон томири узилиб кетадигандай хавотирга тушадиган бўлиб қолди.

Рҳақ кеманинг Танг саҳнига оҳиста қўнишини ҳам сароб деб ўйлаб, узоқ вақт жойидан жилмай ўтирди. Ён-атрофидаги тасвир ўзгармагач, туши эмас, ўнги эканига ишонч ҳосил қилиб ўрнидан турди. Бироқ юра олмади. Оёқлари зилдай оғир эди. У мувозанатини йўқотиб курси суюнчиғини ушлади-да, жойига қайтиб ўтирди. Асбобларнинг ғувиллаши тингач, қулоғи шанғиллади. Кўзларини юмди. Тангга ета олмай ё жинни бўламан, ё ўламан, деган ўй уни исканжага олиб, кўп қийнаган эди. Ниҳоят, Тангга етиб келди. Эс-ҳуши жойида. Саломатлиги ҳам ёмон эмасга ўхшайди. У бахтли тасодиф билан омон қолдими? Йўқ одамнинг шарпаси қанчалар азобга солди? Фид-чи? Яхши ҳамки Назиранинг хотираси далда берди. Йўқса...

«Ҳозир мутахассислар кема эшигини очадилар. Улар орасида Фид ҳам бормикин? Хаёлий баҳсларимизни эшитиб нима деркин?»

## ТОР ДУНЁ

Рҳақнинг асабларидаги салбий ўзгариш қайд этилгач, унинг донишмандларга ҳисоб бериши кечиктирилди. Шифохонада ётиб даволаниши зарур эканлиги ҳақидаги гапни эшитиб, у эътироз билдирди. Чунки Лукннинг маълумотларига қарши курашни кечиктириб бўлмастлигини яхши биларди. Айни чоқда, донишмандлар ҳукмининг мутлақ эканини унутган экан — ноилож шифохонага борди. Борди-ю, баттар сиқилди. Гарчи галлютсинатсия энди таъқиб этмаса ҳам, хаёлий баҳсларга чек қўя олмади. Юраги қон бўлиб кетди. Кўнгли кенгликларни қўмсади. Кенглик... Қаерда бор? Ерда мавжуд эди...

Тангда икки кишига мўлжалланган учувчи ясси учоқлар ихтиро қилинган, кўчаларга эҳтиёж қолмаган, натижада, бир-биридан ўзишга баҳс бойлагандай кўкка бўй чўзган ойнабанд бинолар ораси сўнги имконга қадар торайтирилган эди. Рҳақ Ерда юрганда ана шу учоқларни кўп ўйлади. Баъзан бу ясси учоқлар осомонни худди заъфарон булут каби тўсиб олар, ана шунда бино пойида турган киши ўзини ўрага қамалиб қолгандай ҳис этарди. Тангда ясси учоқ билан бино томига қўниб, ичкарига юқоридан тушишга кўниккан Рҳақ Ердаги бир қаватли содда биноларни кўриб, дастлаб ажабланган эди. Энди билса, ўша бинолар кенгликка эрк бериб тураркан. Тангда эса... бу эскирган ибора. Тангликлар бир-бирига елка тирагудай бўлиб турган баланд ўйларга кўникиб қолишган. Тор дунёга кўз ўрганган. Бироқ кўнгил кўниколмайди.

Ҳозир ҳамма уйқуда. Рҳақ эса мижжа қоқмайди. У бир неча кундан бери бедор. Ҳеч ким билан гаплашмайди. Ҳеч кимга дардини айтолмайди.

Рҳақ навбатчиларни уйғотиб юбормай деб, оёқ учида юрганича даҳлизга, ундан ховлига, ундан тор кўчага чиқди. Ҳаво дим. Тўғрига кетаверди. Қаерга бораётганини ўзи ҳам билмайди. Кўнгли фақат бир нарсани — кенгликни қўмсайди. Тангда бундай жой йўқлигини билса-да, қалбидаги яширин илинжга ишониб боради. Хаёли жиловсиз. Эътиқод, ният, эзгулик қора тамға остида. Бош кўтаришга ожиз. Сурур эса Тангни аллақачон тарк этган... Чунки кимдир, қачондир «бу ҳиссиётлар тараққиётга ҳалал беради», деб барчани ишонтирган, оқибатда сайёрадаги каттаю кичик фақат тараққиётни ўйлаб яшашга кўника борган ва бу қонун тусига кириб қолган эди.

Тонготарда Рҳақ мўъжаз боғ рўпарасидан чиқди. Аслида бу боғ эмас, қачонлардир савлат тўкиб турган ўрмоннинг омон қолган бир бўлаги. Табиатни енгган тангликлар марҳамат тариқасида, тўғрироғи, ёввойи табиатдан ёдгорлик сифатида ҳар ўрмондан мана шундай бўлақлар қолдирган эдилар.

Рҳақ кенгликни шу ердан истаб топмоқчимми?

Дунё тор. Бир қарич ҳам бўш ер йўқ. «Қаердадир кўнгилга таскин бера олувчи, худди Ердагига ўхшаган кенглик бўлиши керак, — деб ўйларди у. — Поёни йўқ уфққа туташиб кетувчи кенгликсиз яшаш мумкин эмас... Алахсираяпманми?.. Тентакман... Бедорлик кучини кўрсатяпти. Саробни орзу қиляпман...»

Рутубат босиб турган бинолар орасида юриб, толиқди. Танг қуёши — Заураининг сарғиш нурларида жилваланувчи шиша бинолар, унинг назарида, кенгликнинг сарҳади. Рўпарасидаги боғ — ўрмоннинг омон қолган бўлаги ҳам чегара. Кенглик ҳар томондан ўраб олинган. Сиқикда қолган. Кўнгил шу чегарани ёриб ўтишни истайди.

Рҳақ дарахтзорга кирди. Аввал қуриб-қақшаб ётган сўқмоқдан, сўнг майса қоплаган заҳкаш ердан юриб кетди.

Сокинлик. Гўё шаҳарнинг асабни эговловчи шовқини ҳам жилвагар баланд бинолар оралаб шу дарахтзор томонга оқади-ю, дастлабки майсаларга дуч келгач, зах ерга сингиб кетади. Ҳатто қушларнинг чуғури ҳам эшитилмайди. Дарвоқе, қушлар... Уларнинг номлари ҳам, суратлари ҳам тарих саналиб, Тангнинг ёш авлодларидан сир сақланади. Ҳимоясиз қушлар Танг ҳавосидаги кескин ўзгаришнинг дастлабки қурбонлари бўлишди. Лекин ҳеч ким бунга эътибор бермади. Ҳатто кислород миқдорининг камайиши ҳам тангликларни ташвишга солмади. Ҳам яссилик, ҳам тиккалик бўйлаб юра олишга қодир, фақат юксалиш учун ишлаётган, ишлаш учун юксалаётган бу олий онг эгалари учун сунъий кислород кашф этиш қийин эканми? Ҳаво— сунъий, озуқа — сунъий. Фақат аъзолар, юрак росмана. Бироқ, уларнинг ишлаши ҳам ғайритабиий.

Рҳақ тўхтаб, атрофига зийраклик билан боқди.

Осудалик... Тангнинг бу бир парча ерида осудалик ҳукмрон. Кенгликнинг эса чор-атрофи сиқиб қўйилган. Табиат замон ҳукмида. Дарахтларнинг тўрт қулоч баландликка қадар тик ўсган танаси, кескин ёйилган шохларида ҳаёт нишонаси сезилмайди — ҳаракат йўқ. Чўп устига омонат қўйилган ликопчани эслатувчи бу дарахтлар шамолга қарши курашишни, эгилиб-букилиб қаршилиқ кўрсатишни, оқибатда эса ғолиблик виқори билан қад ростлаб, савлат тўкиб туришни унутишган. Рҳақнинг назарида булар мўртроқ шишадан қилинган, чертиб юборсанг, шоху барглари дув тўкиладигандай эди...

Дарахтзор оралаши билан бирдан димоғига шифохона ҳиди урилди. Дарахтзорда бундай бўй нима қилсин? Рҳақ бу ҳидни хотирасида олиб келган. Дам ўтмай бу ҳид бошқа ислар билан қоришиб кетди. У ҳолсизланиб, дарахтга суянди. Барча нарсаларга қизиқишсиз, бефарқ қаровчи кимсалар барглар орасидан мўралагандай бўлишди. Уларнинг кўзлари бўм-бўш кенгликка қадалган... «Бўлмаган гап! Бўш кенглик ҳеч ерда йўқ... Ҳатто хаёл ҳам банд. Тасаввур кенгликни унутган. Нимани излаяпман? Кенглик — балки ўлим чоҳидир? Шу чоҳ кенгликка олиб борар? Агар шундай бўлса, ҳаракатим бесамар. Излаганим сайин ўлим мендан қочяпти. Наҳот қолган умрим бекинмачоқ билан ўтса? Ё Ердан олган таассуротларим аста-секин ювилиб кетармикин? Мен ҳам аввалгидай ҳиссиз, бераҳм, бееътибор бўлиб қолармиканман? Бераҳмлик... Илгари бундай деб ўйламас эдим. Авваллари жазога тортилаётганлар қисматига ачинмасдим. Ҳатто... ўғлимга ҳам. У ўртоқлари билан гуруҳ тузиб, тараққиётни изига қайтаришни хаёл қилганда кўп жиҳатдан ҳақ эканини билардим. Била туриб ҳайрихоҳ бўлолмадим. Муддаосига ета олмаслигига кўзим етса ҳам тўхтатишга ҳаракат қилмадим. Вақтимни аядимми? Ҳа, мен умримнинг ҳар бир нафасини тараққиёт, фақат тараққиёт учун сарф қилишни ўйлардим. Болаларни бир сўз билан жазодан олиб қолиш имкони бўла туриб, нимага қутқармадим? Худбин эдимми? Донишманд икир-чикирлар билан эмас, илм билан машғул бўлиши керак, деган «ғоя»га шунчалик қул эканманми? Ахир менинг қисматим ҳам бошқалар учун, ҳатто жазосини олган ўғлим учун икир-чикир масала бўлиши мумкин-ку? Нимага бунга фаҳламаган эдим? Нақадар жаҳолат! Тараққиёт ва жаҳолат! Мен ўтган йўлимга нима учун бу қадар кеч разм солдим? Агар Ерга бормаганимда шу фикрлар хаёлимга келар эдимми?..»

Рҳақ бу саволларига жавоб топа олмади.

Дарахт панасидагилар Рҳақдан нигоҳ узмай жим туришибди. Улар Рҳақнинг дардли ўйларига бефарқ. Қарашлари жонсиз, ҳаракатсиз. Улар аста-секин дарахтзорга сингиб кетдилар.

Рҳақ яна ичкарилади. Кафтдек ялангликка чиқиб, тўхтади. Ўртада катта харсанг. Бу атрофда бошқа тош йўқ. Илгари харсанг остидан сув қайнаб чиқарди. Синиб тушган шох-шаббалар, кўкатларда қумурсқалар ўйнаб юрарди. Энди сув қуриган. Қумурсқалар ҳам йўқ. Бошқа сувли, нам ерларни излаб кетишдимикин, ё қирилиб битишдимикин?..

У Ердаги булоқларни эслади. Қулоғи остида сувнинг шилдираши эшитилиб энтикди. Боши айланиб, ўтириб қолди. Бир зум кўзини юмиб очди. Энди барглар орасидан ерликлар қараб

тургандай бўлди. Бу кўзларни кўргач, увишган қони юришиб кетгандай, бадани илиб, асаблари тинчлангандай туюлди. Яқин ўртада булбул сайради. Рҳақ Тангда булбул бўлганми-йўқми, билмайди, лекин унинг овозини Ерда дастлаб эшитганда юртида ҳам шундай қушча бўлишини жуда-жуда истаган эди... Барглар шитирлади. Гўё ерликлар кўзларини юмиб-очиб: «Қандай харобазорда юрибсан?» деб ҳайратланаётгандай туюлди. Рҳақ чуқур хўрсинди-да, кўзи беркилган булоққа қаради. Кейин бошини қўллари орасига олиб, харсанга ўтирди. Кетгиси келди. Қаёққа боради? Яна ўша шиша қаср — шифохонагами? Нонушта пайти яқинлашди. Шунга шошиляптими? Очдан ўлмаслик учун овқатланиб, сўнгги нафасини кутиб ётишга ошиқяптими?

«Уф... дунё тор... жуда ҳам тор...»

Рҳақ изига қайтди. Дарахтзордан чиқиб, йўл четида турган кимсага кўзи тушди. Тўхтади. Дарахтзор томонга қараб турган киши эса юра бошлади. Фидми?

— Фид... — Рҳақнинг лаблари титраб кетди.

— Рҳақ! — Фид тез-тез келиб ҳамрозини қучоқлаб олди.

— Фид...

— Гапирма, ҳаммасини биламан. Кундаликларингни ўқидим.

— Мен янглишибманми?

— Ҳозир бир нарса дейиш қийин.

— Ахир...

— Бехато фикрлашнинг нималигини биласанми? Мутлақо фикрламайдиганларгина хато қилишмайди.

— Фид, фақатгина сен шундай деб ўйлайсан. Аммо кўрганларимни тасаввур қилишинг жуда қийин.

— Тасаввур қилдим. Кундаликларингни ўқиб, суратларингни кўрдим. Лукннинг ҳисоботини ҳам эшитдик. Сен беҳад ҳиссиётга берилибсан. Шунинг учун ҳам таассуротларинг тарих тамғаси билан сир сақланади.

— Фид, ахир...

— Баҳслашма. Ҳозирча баъзилар Лукннинг фикрини ёқлаяпти. Ерда шом палласи бошланганига ишонишяпти.

— Йўқ, Фид! Бўлмаган гап! Мен ҳали фикримни исбот қилиб бераман. Аввалги фазогирлар Ернинг турли нуқталарида турли давраларда уйғониш бўлган, фан бирмунча тараққий этган, кейин сўнган, деб тўғри фараз қилганлар. Биз фақат бир нуқтада бўлдик. Мен уларнинг уйғонишига аминман. Мен ёшлар билан кўп мулоқот қилдим. Уларда интилиш бор. Биз қайтар чоғимизда кучли портлаш содир қиладиган маънавий қудрат тўпланаётган эди. Мен сенга бир суҳбатни айтиб бераман. Улардаги тарих ёпиқ дарвоза эмас, демак, уйғонадилар.

Рҳақ Бухоронинг пастак ҳужраларидан бирида бўлган суҳбатдан таъсирланиб, уни ёдига муҳрлаб олган эди. Ҳозир шуни баён қила бошлади.

## ТАБИБ АФАНДИ

Рҳақ Ерга қадам қўйиши билан энг аввало одамларга яқинлашиш йўлини ўйлади. Тангда берилган талай тавсияномалардаги турли йўл-йўриқларни мутлақ қонун деб билмади. Чунки улар одамлар ҳаёти, феъл-атворини яхши ўрганмай туриб тузилганди. Линкосмофон ёрдамида Ердаги катта халқлар тилини ўрганган Рҳақ одамлар ичида юриб, уларнинг қизиқишларига зеҳн солиб, табибликни танлади. Худди шу табиблик туфайли одамлар билан яқин алоқа боғлай оларди. Рҳақ ўйлаганча бўлиб чиқди. Тез орада унинг дўстлари кўпайди.

Лукн Рҳақнинг тутган йўлини ёқламай, тавсияномаларга суяниб, одамларни четдан кузатишни маъқул кўрди. Рҳақ бунинг номақбул йўл эканини билса ҳам, оқибати нима билан

туғашини кутиб, монелик қилмади. Лукн ўзининг Ерга нисбатан кашф этган ҳақиқатини исбот этмоқ учун кунботар томонда авж олаётган муҳориба майдонларига йўл олди.

Халқ табобатини ўрганган Рҳақ эса одамлар орасида турк фуқароларининг эътибори баланд эканини фаҳмлагач, ўзини турк элидан келган табиб деб таништириб, Бухоронинг кунчиқар томонидаги даҳадан бир ҳужрани ижарага олди. У табобатда қўлланилаётган дори-дармонларнинг аксарияти бефойда эканини билар, аммо Танг табобатининг йўлларини қўллай олмас ҳам эди: бу билан ўзини фош қилиб қўйган бўларди. Ерликлар ҳаётига фаол аралашуш қатъий тақиқлаганига қарамай, Рҳақ баъзан ўзи сезмаган ҳолда хасталарни биоток оқимлари билан даволаб юборар, кейин ҳиссиётга берилгани учун ўзини койирди. Хасталарнинг тез даво топиши изсиз кетмади. Бурни анчайин беўхшов, қулоғи эса, аксинча, кичик, кўзлари ботикроқ, ранги оқ-сарикқа мойил, дам ҳаддан зиёд секин, дам сакрагудай бўлиб юрадиган Рҳақ «Табиб афанди» деган ном билан тез орада эл оғзига тушди. Оқибатда у Бухоро фуқароси ичида янгича фикрлашлари билан ажралиб турувчи зиёли ёшларга яқинлашди. Бу ёшларнинг фикрлари турлича бўлса-да, мақсадлари бир эди. Уларни ҳозирча фақат шу мақсад бирлигига ушлаб турар, келажакни кўра олиш хислатига эга бўлган Рҳақ вақти келиб бу яқдилликнинг дарз кетишини яхши биларди.

Уй эгаси — ўзини одампарвар деб билувчи йигит ҳужрасида йиғилганларида, баъзан, Табиб афандини ҳам чорлашарди. Уларнинг суҳбатларини бир четда жимгина тингловчи Рҳақ баҳсларга айтарли қўшилмас, аммо қай бирининг ҳақ, қай бирининг ноҳақ эканини фаҳмлаб ўтирарди.

Жавзонинг аввалида даврага меҳмон қўшилди. Уни «Сабоҳиддин» деб таништирадилар. Буғдойранг, қўллари катта-катта, елкалари пишиқ, калта соқол-мўйловли, симоби салла ўраган бу муллаваччага Рҳақ дастлабки куниеқ эътибор қилди. Сабоҳиддин даврадагилардан фақат овозининг жаранги билан эмас, кескинлиги, журъати, энг муҳими, эл учун астойдил қайғуриши билан ажралиб турарди. Зоҳиран бошқалар ҳам кўпнинг иши деб қўйғурардилар. Аммо уларнинг ҳар бирида ўз манфаатини ўйлаш ҳисси яширинганини Рҳақ билиб турарди.

Сабоҳиддиннинг ё учинчи, ё тўртинчи келишида баҳс бехосдан очик курашга ўтганди. Ўша кунни барча шомга қолмай йиғилган бўлса-да, уй эгасидан ҳануз дарак йўқ эди. Даврадагилар хавотирланиб энди тарқалишга тараддудланганларида Шоазиз терга пишган ҳолда кириб келди.

— Узрлиман, афандилар, айбситманг, — деди у астойдил хижолат чеккан ҳолда ҳамма билан бир-бир қўл олишиб сўрашар экан. — Шундайин ажиб бир суҳбатга берилдимки, уни узишга сира журъат қилолмадим. Марҳамат, афандилар, ўтиринглар, ҳозир дастурхон тузайман.

Даврадагилар бунга ҳожат йўқлигини айтиб, эътироз билдиришса ҳам, Шоазиз дастурхон тузади. Қўли ишда бўла туриб, кечикиш боисини баён қилди:

— Писташиканон<sup>1</sup>дан ўтиб ҳовуз лабига бораётган эдим. Қарасам, Кўкалдошнинг шундай биқинида кишиларнинг ҳожатини чиқариб ўтирувчи мирза имлаб чақиряптилар. Илгари бир-икки салом-алик қилиб эдим, юз ўгириб кетишим айб бўлар, деб ёнларига бордим.

— Мулла йигит, сизни бир сирдан воқиф қилайми? — деб қолдилар.

Ажабландим. Яна амир ҳақида иғво сўз айтиб шўримни қуритмасалар эди, деб ҳайиқдим ҳам. Атрофга қарасам, айғоқчи зоти йўқдай. Мирза хавотиримни сездилар.

— Сиз зинҳор чўчиманг, айтадурганим яхши гап,— дедилар.

— Айтинг, — деб рўпараларидаги бўйрага чўқдим.

— Тунов оқшомда бир йигит менга китоб келтириб, эвазига пича ақча сўради. Қайнотасидан мерос экан. «Ўзимнинг ақлим етмайди», деб ташлаб кетди. Уйга бориб бу китобни ўқидиму ҳанг-манг бўлиб қолдим. Ўзбекларнинг донишманд алломалари бу қадар кўп деб сира ўйламагандим, — дедилар мирза ёқаларини ушлаб.

<sup>1</sup> Pista chaquvchilar mahallasi

— Дунёвий илмларнинг аксарига ўша табаррук алломалар пойдевор қўйиб кетганлар, фақат буни элимиз дуруст идрок қилмайди, — дедим.

— Сиз каби мулла йигитлар бу юмушни бўйнига олса ажиб савоб иш бўлар эди, — дедилар у киши афсус билан. Кейин ал Форобий, ал Хоразмий ал Фарғоний, ал Беруний, ибн Синодан тортиб мирзо Улуғбекка қадар ўтган алломаларни бир-бир айтиб бердилар. Бу табаррук зотларнинг номлари қаторида ҳали биз эшитмаган шундай алломалар бор эканки, тинглаб ҳайратга ботдим, афандилар. Сизнинг бунда кутиб ўтирганингиз ҳам хаёлимдан кўтарилибди. Мирзанинг сўзлари тугагач, ўзимга келиб, шошқич йўлга тушдим. Кела-келгунимча элимиз бу зоти табаррукларнинг даҳосидан бебаҳра экан, бунга ким айбли, деб ўзимга-ўзим савол бердим. Кейин, энг аввало амир тузуми айбли, деган тўхтамга келдим.

— Амир «алломалар мероси маҳв этилсин», деб олий фармон чиқарибдими? — деди Сабоҳиддин унинг сўзини бўлиб. Шоазиз бундай луқмани кутмагани учун жавобга тараддудланди. Жўрабоши Салимхўжа унинг жонига ора кирди:

— Бундай фармон қоғозда бўлмаган тақдирда ҳам амалда мавжуд, мулла, — деди у одатдагидай босиқ оҳангда.

— У ҳолда айбномани англаёлмай қолдим, — Сабоҳиддиннинг соддадиллик билан айтган бу гапи Шоазизнинг ҳикоясини узиб, баҳснинг бехос бошланишига сабаб бўлди.

— Амир тузумининг айбини билмоқ учун кўзни очиб атрофга зеҳн солмоқ кифоя. Сиз, мулла, диний таҳсилдан бўлак нарсаларни кўп ҳам эътиборга олмайсиз. Умид қиламизки, бу суҳбатлардан сўнг оқ-қорани дурустроқ идрок эта бошлайсиз. Мен энди айбномамизни сизга шарҳлаб берай: алломалар меросидан баҳраманд бўлмоқ учун энг аввало янги мактаблар очмоқ зарур. Энг муҳими — мактабни аҳли дин назоратидан холи қилмоққа эҳтиёж мавжуд.

— Демак, алломалар хазинасига ғайридинлар йўли билан бормоқ керак экан-да? — деди Сабоҳиддин норози оҳангда.

— Йўқ, — деди Салимхўжа кулимсираб. — Ундай эмас. Агарчи мактаб яна ҳозирги мулларар қўлида қолар экан, дунёвий илмларга йўл очилмайди. Сиз каби муллаваччаларни Ўрусияга, Қоҳирага, ҳатто инглизлар юртига таҳсил олгани юбормоқ даркор. Мадрасаларда замонавий илмларга йўл очмоқ жоиз. Жаноби пайғамбаримизнинг «Бешиқдан то лаҳадга қадар илм олинг» дейилмиш муборак ҳадисларини сизга эслатмоқ ўринсиздир.

— Расулиллоҳ, саллоллоҳу алайҳи васаллам, даъватларини нотўғри англабсиз, — деди Сабоҳиддин. — Пайғамбаримиз алайҳиссалом умматларини исломий илмларни эгалламоққа ундаганлар.

— Ҳай, ҳай — деди Салимхўжа унинг сўзини бўлиб.— Жаноб пайғамбаримизнинг даъватларини мен эмас, сиз нотўғри англаган кўринасиз. Муҳтарам пайғамбар афандимизнинг «Илм олмоқ учун ҳатто Чинга ҳам боринг» дейилгучи шарафли ҳадисларини инкор этмассиз?

— Бу саҳиҳ ҳадислар. Рад этмоқлик — шаккоклик.

— Бале қорим, бале. Энди қўлимизга мантиқ тарозисини олайлик. Ҳамонки сиз билан бизга ҳатто Чин мамлакатига бориб илм олмоқлик фарз этиляпти экан, айтинг-чи, Чин мамлакатида қандай қилиб исломий илм олмоқлик мумкин? Ахир у ер бутпарастлар юрти, исломиятдан ғоятда узоқлар-ку? Алқисса, шарафли ҳадисда дунёвий илм олмоқлик ҳам назарда тутилган. Фақат ухравий масалаларга банди бўлиб қолиш жамиятни ҳам, хусусан, шариатни ҳам бўғиб туради. Насронийлар буни бизлардан аввалроқ англаб етдилар. Шу боис ҳам тараққиёт бобида анча илгарилаб кетганлар, десам фикримни инкор этмассиз, а? Мавжуд дунёвий илмлар ҳам Оллоҳнинг иродаси билан юзага келган экан, демак, уларни ҳам ўрганиш фарздир. Шулар хусусида амир ўйламай ким ўйласин? Амир юртнинг отасиман, дейди-ю, лекин мамлакат равнақи йўлида жон куйдирмайди. Раъиятнинг равнақи илму урфон билангина бўлади. Файзуллаҳўжанинг Петербургда таҳсил олиб қайтганини айтиб эдим. Ўша зот падари бузургворларининг бутун ақчаларини шу хайрли ишга сарф этмоққа қарор берганлар.

— Ҳаммасини-я?! — деди Шоазиз бу гапга ишонқирамай.

- Ҳа, ҳаммасини.
- Оталарининг ақчалари амирникидан ҳам кўп дейишарди?
- Амир ақча бермаган тақдирда ҳам, йўлга ғов солмаса гўрга эди.
- Амир ҳеч қачон муроасага келмайди, — деди Шоазиз асабий қўл силтаб. — Уни маҳв этиш керак, тамом!
- Ундан кейин-чи? — деди Сабоҳиддин уй эгасининг кескин гапидан таажжубга тушиб.
- Ундан кейинми? — Шоазиз, «айғоқчи эмасмикин бу муллавачча?» деб иккиланди. Кейин Сабоҳиддинни Салимхўжа бошлаб келганини эслаб, фикрини яширмади. — Кейин эркин жумҳурият барпо этамиз. Шундагина юртимиз қад кўтаради.
- Сиз айтганча бўлса, қад кўтаролмайди, — деди Салимхўжа эътироз билдириб.
- Нима учун?
- Жумҳуриятни ким бошқаради?
- Биз каби зиёли аҳли билан катта сармоя эгалари. Айтайлик, Файзуллахўжа. Ахир бу ишга катта сармоя керак.
- Йўқ, Шоазиз афанди, амирни халқ маҳв этар экан, меҳнатни халқ қилар экан, демакки, халқ жумҳурияти барпо бўлиши керак. Файзуллахўжа ҳам шу фикрда.
- Халқ дедингизми? — Шоазиз истехзо билан жилмайди. — Эплай олмайди!
- Бекор гап! Сиз ҳозиргина тилга олган зоти табарруқлар ҳам шу халқнинг фарзандлари эканини унутманг.
- Инчунин, биз ҳам, сармоя эгалари ҳам.
- Тўғри. Аммо сармоя эгалари меҳнат аҳлига қайишмайди.
- Сизнингча, халқ жумҳуриятини оддий одамлар бошқарадиларда? — деди Сабоҳиддин.
- Ҳа.
- Мен халқ деганда деҳқонни ҳам, ҳунармандни ҳам, ўғри-муттаҳамни ҳам тушунаман, — деди Шоазиз. — Одамлар орасида инсоф эгаси ҳам, худобезорлар ҳам бор. Жумҳурият тахтига инсофдан наридагилар ўтирса, у ҳолда юртнинг аҳволи не кечади?
- Бундайларга халқ йўл бермайди. Ахир у оқ-қорани ажратади, кимни сайлаётганини билади-ку?
- Салим афанди, сиз саробни орзу қияпсиз, — деди Шоазиз.
- Сиз эса бир жоҳилни иккинчиси билан алмаштирмақчисиз, холос.
- Фикри ожизимча, амир маҳв этилган тақдирда энг тўғри йўл ислом жумҳурияти барпо этмоқдир, — деди Сабоҳиддин. — Халқни фақат дин аҳлигина тўғри йўлга сола олади. Фақат исломгина бандаларни бадкорлик, инсофсизлик, бузуқликдан асраб қола олади.
- Сабоҳиддиннинг бу фикри ўтга мой сепгандек бўлиб, Шоазиз билан Салимхўжа унга қарши баҳсга берилдилар.
- Менга дедиларки, сиз, муҳтарам қори афандим, ўтган ойдаикин, Туркиядан қайтмиш экансиз. Ундаги аҳволотни биздан кўра сиз дуруст фаҳм этасиз. Бизим фикри ожизимизча, қачондир қудрат касб этган турк султонлиги алҳол таназулда эмиш. Ахир бу дамларга қадар усмонли мамлакатни нечун дин аҳли таназулдан асраб қололмади?
- Бу пичинг ўринсиз, тақсир, — деди Сабоҳиддин.— Усмонли турк султонлари, гарчи ўзларини «халифа» атасалар ҳам, динда беқарор, иймонда заиф эдилар.
- Қорижон, турк улуғларига нисбатан қаттиқ кетмадингизми? — деди Салимхўжа, баҳс оҳангини юмшатиш баҳонасида. — Туркияга сафар этмоғингиздан аввал фикрингиз ўзгача эди. Усмонлилар учун жон бермоққа тайёр эдингиз?
- Ҳақ рост, — Сабоҳиддин шундай деб, айбига иқрор одам каби бош эгиб, сукут сақлади. Даврадагилар ундан жавоб кутишса-да, шошилишмади, бошқа лўқма ташлашмади. Сабоҳиддин жавоб қайтармоққа мажбурият сезиб, аста бош кўтарди-да, Салимхўжага қаради: — Тақсир, султон бошқа, халифа бошқа. Иккови бир вужудга жо бўлолмайди. Уларнинг инқироzi сабабини шу ҳолатдан изламоқ жоиз. Мамлакатнинг хароблиги эса Анвар пошшо, Талъат

пошшо, Жамол пошшо, яна аллақанча пошшо-пошшоларнинг ножўя саъй-ҳаракатлари туфайлидир.

— Шуни билганингиз ҳолда Чаноққалъада қўлингизга қурол олдингизми?

— Чаноққалъа ўзга бир масъаладир, тақсир. Унда уч юз мингдан ошиқ мўъмин шаҳид бўлди. Шаҳидларнинг руҳи ҳурмати бу воқеа хусусида билмай туриб бир сўз айтманг. Унда Оллоҳнинг мўъжизаларига на-да биз, балким ғайридин ғанимлар ҳам имон келтирдилар. Ғолиблик шарафи бизларга насиб этди.

«Мўъжиза» сўзини эшитиб, Салимхўжа Сабоҳиддинга бир қараб олди. Сабоҳиддин сафардан қайтган кезлари кўрганларини баён қила туриб, ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам ақлини лол қолдирган бир мўъжизани айтган эди.

Чаноққалъа бўғозига эгалик қилиш ниятидаги инглиз ва фарангилар дунёнинг турли мамлакатларидан аскарлар жалб этганларида Сабоҳиддинга ўхшаган ёшлар унинг ҳимоясига отланган эдилар. Аслида Сабоҳиддин шаҳидлик мартабаси орзусида борганди. Аммо уни кофир ўқи олмади. Уч юз минг шаҳидга насиб этган бахт унга берилмади. У сўнгги жангда шаҳид қони ила тупроқни беамоғига ишонган эди. Улар тўрттагина қолган эдилар. Ортларида тик жарлик — тўрт терак бўйи пастликдаги қояларга денгиз мавжлари урилади. Бўғозга суқилиб кира олган кемадан тушган саноқсиз аскарлар уларни шу ерга қадар сиқиб келдилар. Сабоҳиддин биродарлари билан ўлимни кутмоққа шай турганида бир булут парчаси пайдо бўлди. Асрий арчалар билан бурканган Чаноққалъа<sup>2</sup>да булут парчаларининг сузиб юриши тасодифий ҳол ҳам, мўъжиза ҳам эмасди. Аммо мана шуниси мўъжиза кўрсатиб кетди: пала-партиш ўқ отиб, аста-аста силжиб келаётган ғанимлар устига булут бостириб келди-ю, ўқ овозлари тинди. Сўнг булут тезгина тарқалди. Аскарлар эса изсиз йўқолдилар. Бу ҳолатдан Сабоҳиддин ва унинг биродарлари қанчалик ажаблансалар, кемадан туриб кузатаётган инглизларнинг таажжублари уларникидан кам эмасди. Сабоҳиддин ва унинг биродарлари ҳам таажжуб, ҳам ҳадик билан, тинмай калима келтирганлари ҳолда, ҳозиргина аскарларга тўлиб турган майдонни босиб ўтдилар. Бир қуролми ёки бир кийим қолдиғиними учратишмагач, илоҳий мўъжизага иймон келтириб, ён чўққидаги биродарларига қўшилдилар. Ўша куни бошқа жанг бўлмади. Кемадан ғанимнинг яна юзга яқин аскарлари тушди, аммо жангга киришмади. Шериклари йўқолган майдонда бирон изга дуч келиш илинжида анчагача изғиб юрдилар. Кейин кемага қайтдилар...

Бу воқеа суҳбатга аралашмай ўтирган Табиб афанди қиёфасидаги Рҳақга ҳам маълум эди. Шу боис у ҳам, худди Сабоҳиддин сингари Салимхўжадан бирон луқма кутган эди, Бироқ, сўз Шоазиз томонидан айтилди:

— Қорижон афанди, шаҳидлик Оллоҳ йўлидаги жангда бўлгувчи эди, сизнинг иштирок этганингиз тарафкашлик уруши эмасми?

Сабоҳиддин унга бургутқараш қилди:

— Билмасангиз сўзламангиз, — деди у.

— Билиб сўзлайман мен, — деди Шоазиз қайсарлик билан. Туркия ила Олмония бир тараф, Инглистон, Фарангистон ила Русия яна бир тараф бўлиб урушганларидан Оллоҳ йўлида, Оллоҳ ризолигида не манфаат бор?

Сабоҳиддин булар билан Чаноққалъа муҳорабаси ҳақида баҳс юритмоқни лозим топмади.

— Тақсир, агар Чаноққалъадаги ҳолатларни узоқдан бўлса-да, кузатганингизда ҳам камина сизга тушунтирмоққа уриниб кўрар эдим. Сиз билан каминанинг бу масъаладаги баҳси кўр ва гарангнинг айтишувига ўхшаб қолар. Яхшиси камина дастлабки сўраганингиз масъала хусусидаги фикримни очиқроқ баён этай. Сиз ундаги ёш турклар ҳаракатига ҳавас этиб, бунда «Ёш бухороликлар» жамоасини тузибсиз. Фикри ожизимча, жумҳурият тартиб этилмиш тақдирда уни шу жамоа бошқармоқ истайди. Ахир Туркияни сиз ҳавас қилганингиз ёш турклар жамоаси хароблик жарига келтириб қўйгани чин-ку? Бунда ҳам шу такрор бўлмасми экан?

<sup>2</sup> Turklar O'rta yer dengizini «oq dengiz» deb atarlar. Marmara dengizi bilan bog'lovchi Dardanel bo'g'ozini esa «Chanoqqal'a bo'g'ozini» deb nomlaganlar.



Сабоҳиддиннинг бу гапларидан сўнг, давра аҳли шаршаранинг совуқ суви остига яланғоч тарзда тушиб қолгандай бир сесканиб олишди. Ҳозиргина айри фикрда турганлар энди яқдил бўлдилар. Сабоҳиддин уларнинг фикру далилларини индамай эшитар, кейин Қуръондан оятлар келтириб, ўз фикрини маъқулларди, айтганидан чекинишни истамасди. Рҳақ баҳсга берилган ёшларга зеҳн солиб, фақат Салимхўжа билан Сабоҳиддингина ўз маслагига чинакам содиқ эканини билиб ўтирарди. Шоазиз бугун Туркий жумҳурият, деб талашаётган бўлса-да, эртага вазиятга қараб фикридан қайтиши, халқ жумҳуриятини ҳам, ҳатто ислом жумҳуриятини ҳам қўллаши мумкин эди. Рҳақ тангликларга хос, кейин бўладиган воқеаларни олдидан сезиш хислати билан дастлаб Салимхўжа тутган йўл ғолиб келишини биларди. Ҳали Сабоҳиддиннинг ўз маслаги йўлида кўп азоб чекиши ҳам унга маълум эди. Машаққатлар Сабоҳиддинни йўлидан қайтара оладими, йўқми? Рҳақ фақат шуни айтишга ожиз эди.

Аксига олиб, Сабоҳиддин кейинги баҳсларга келмади. Рҳақ муаммосига жавоб топиш учун уни мадрасага йўқлаб бориб, суҳбат курадиган бўлди. Рҳақнинг Сабоҳиддин билан қизиқаётганини сезган Лукн ўзбошимчалик билан унинг миясига биоток узатгич ўрнатди. Рҳақ буни билиб ғоят ғазабланди. Бироқ, дардини ичига ютиб, индамади. Чунки Тангда Лукннинг зиммасига шундай вазифа юкланган, у бундай қилишга ҳақли эди.

Рҳақ мана шу гапларнинг ҳаммасини Фидга айтди. Фид уни диққат билан тинглади-ю, жўяли бир фикр билдирмади. Эртага Олий донишмандлар маркази Рҳақнинг ҳисоботини эшитажанини маълум қилиб, уни оромгоҳга бошлади.

## БЕГОНА

Рҳақ Тангга қайтар чоғида яқинлари билан кўришиш онларини, улар билан қандай муомала қилишини кўп ўйлаган эди. Шубҳасиз, ёру дўстларининг айримлари ҳаётдан кўз юмган, бошқаларининг эса ёши улғайган, ҳаётий тажрибалари ошган, дунёқарашлари ҳам қисман (балки буткул!) ўзгарган бўлади. Сирдош бегонага, ҳамфикр эса ғоявий муҳолифга айланса ажаб эмас. Юртдан узоқларда юриш уни ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан ҳолдан тойдирди. Лекин коинотдаги вақт оқими Тангдаги сингари бўлмагани учун йилларнинг ўтгани, ёши улғайгани юзида акс этмади.

Тиббий кузатув муддати тугаб, ҳисоб бергач, у юртдошлари билан мулоқотда бўлди. Кутилмаган воқеалар, гап-сўзларни эшитиб ҳам қувониш, ҳам ғазабланиш, ҳам ҳайратланиш асносида нима учундир бегонасирай бошлади. Ўғли биринчи учрашувдаёқ, отасининг таассуротларини эшитиб, уни кераксиз ҳиссиётга берилишда айблашдан тоймади. Ҳеч нарсани билмаган ҳолда, сўраб-суриштирамай туриб, уни жамиятга зарар келтирувчи донишмандлар қаторида тилга олди. Ўз фарзандидан бундай айбномани эшитишни Рҳақ сира кутмаган эди. Ёшлар воқеага нисбатан ҳавойи баҳо беришар экан, хафа бўлиши керак эмас. Ахир ҳамма айб ўзларида — катта авлодда-ку?!

Хотини қарибди, юзларини ажин босибди. Айрилиқнинг ҳар йили чеҳрасига биттадан чизиқ тортган. Тез-тез хасталанади. Юраги безовта. Соғинч оташидан ажралиб чиққан ҳар бир хўрсиниш чўққа айланиб юракка доғ бўлиб тушган. Хуллас, кампирга айланаёзган хотинининг умри кипригига илиниб қолган эди.

Рҳақ уйига ҳам сиғмади. Суҳбатдош йўқ. Дардқаш йўқ. Хотини эса... У Ерда юрганида хотини, фарзандига талпинган эди. Етишди. Нимадан норози?! Нима учун ҳамма, ҳатто хотини ҳам бегонага ўхшайди?

Ўғли уйланибди. Аммо ҳалигача фарзанд кўрмабди. Рҳақ бундан таажжубланди.

— Мени невараларим ҳам кутиб олса керак деб ўйловдим, — деди у оила аъзолари жам бўлган маҳалда.

— Нима демоқчи бўлаётганингизга тушундим, — деди ўғли Рҳаққа ёқмайдиган бир оҳангда.  
— Сизни бефарзандлигимиз қизиқтирса керак?

— Ҳа, албатта. Турмуш қуришнинг маъноси...

— Сиз тез эскириш бобида фалсафанинг биринчи ўринда туражагини унутибсиз, чоғи. Турмуш қуришнинг ҳеч қандай маъноси қолмаган ҳозир. Табиий зарурат туфайлигина турмуш қурилади.

— Сен каби «донишмандлар» тўқиган фалсафа эскириши мумкин, аммо ҳаёт фалсафаси ундай эмас. Ҳаёт сўнмаслиги учун насл қолдирилади. Тушуняпсанми, ҳаёт давом этиши учун! — Рҳақ кейинги гапларни чертиб-чертиб гапирди. — Сенинг гапларинг — худбинлик фалсафаси!

Ўғил отасини энди кўраётгандай тикилиб қолди. Кўзлар учрашгач, мийиғида кулди.

— Худбинлар фалсафаси, дедингизми?! — У ўрнидан туриб дераза томон юрди. Зауранинг ўтли тиғини тўсувчи кўкиш пардани кўтарди. Хона ёришиб кетди. Деразани ҳам очди. — Бир қаранг, атроф қандай гўзал!— деди у пичинг аралаш. — Заура сахийлик билан нур сочади. Тўйиб-тўйиб нафас олиш қандай роҳат! Тупроқ унумдор — қуриган чўп тушса ҳам кўкаради!

Рҳақнинг хотини кўкрагини ушлаб йўтала бошлади. Ўғил дарҳол деразани ёпиб, пардани туширди. Онаси тинчлангач, гапини давом эттирди:

— Кўрдингизми? Яхши ҳамки, бахтимизга оддий парда билан сунъий ҳаво бор... Мен фарзандларимга шуларни раво кўришим керакми? Улар туғилиб қанча яшайдилар? Биз — ўзимиз қанча яшаймиз? Сунъий ҳаво, сунъий таомлар билан яна неча йил ҳаёт кечириш мумкин? Бевақт ўлим соя ташлаб турган бир пайтда бола топиш — жиноят. Буни биз — янги авлод тўғри тушуниб етдик

— Сиз, яъни «янги авлод», ниҳоятда тушкунликка берилибсиз. Курашмоқдан чекинишни афзал билибсиз. Биз юксалиш учун ишламоғимиз, ишлаш учун юксалмоғимиз керак! — Рҳақ ўзи сўймайдиган шиорини айтиб юборгани учун ич-ичидан ғижинди. Бироқ, сир бой бермади.

— Курашмоқ... Қандай курашни назарда тутяпсиз?— деди ўғил асабийлашиб. — Курашдан фойда борми? Биз энг бахтиқаро авлодмиз. Бизга қоқсуяк сайёрани раво кўряпсизлар. Биз уни сақлаб қола оламизми-йўқми, билмайман. Қолдиришга арзирли меросимиз бўлмагани учун ҳам фарзанд кўришни истамаймиз. Сизнинг худбинлик ҳақидаги гапингизни қуруқ сафсатага йўйишга мажбурман. Афв этинг. Сиз узоқ вақт бу ҳаётдан ажралиб яшадингиз. Кўп нарсалар ўзгарди. Шуларни ҳисобга олинг, беҳуда баҳслашишни бас қилинг. Ўғил сифатида огоҳлантириб қўйишим лозим эди. Буни бажардим.

Дарҳақиқат, кўп нарсалар ўзгарган, ҳатто ота-ўғил ўртасидаги муомала ҳам бошқача. Рҳақ бу хил муносабатга кўника олмас эди.

Замбаракни тепаликка судраб чиқиш мумкин. Аммо у бехос қўйиб юборилса, ҳеч тўхтатиб бўлмайди: йўлида учраган нарсани босиб-янчиб кетаверади. Танг тараққиёти худди шу замбаракка ўхшайди. Яқиндагина барча илм аҳли замбаракни юқорига чиқариш билан банд эди. Барча уни шунчаки бир тепаликка эмас, балки олий чўққига кўтаришга ва шу ерда ўқ узиб, табиат устидан қозонилган ғалабани тезроқ нишонлашга ошиқди. Ўқ узилди. Улар замбаракнинг ўқ узганида силкиниши, сўнг пастга қараб шўнғиб кетиши мумкинлигини билардилар. Аммо замбарак ғилдиракларини маҳкам тутиб турувчи сим арқонларга ишонгандилар. Афсуски, сим арқон чириган эди. Энди замбарак энг муқаддас фазилатларни, фақат онгли мавжудотга хос меҳр-муҳаббат, оқибат каби ҳис-туйғуларни босиб, янчиб борарди.

Рҳақдаги руҳий ўзгаришни сезган тиббиётчилар уни дарҳол ором олиш учун денгиз соҳилига юбордилар. Рҳақ эътироз билдирмади. Ердаги денгиз мавжларини соғинган эди. «Кўнглим сал-пал таскин топар», дея умид қилди.

Денгиз соҳилидаги бу шаҳар кўриниши ҳам бошқалари каби совуқ, жонсиз. Ойнабанд бинолар жунжикиб тургандай, шовқиндан эса замин титраётгандай туюлади. Соҳил одатдагидай гавжум эмас. Денгиз тўлқинлари аввал қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай қирғоққа бош қўяди, катта-кичик харсангларга тўш уради. Аммо унинг шовуллаши Ердаги каби ёқимли эмас. Шиддати сезилмайди. Гўё заъфарон сув ўлаётгандай.

«Ўлаётгандай? Аллақачон ўлиб бўлган... — деб ўйлади Рҳақ денгизга ҳорғин тикилиб. — Бу сувда нима қолди? Қони сўриб олинди. Сув эмас, кераксиз суюқликка айланди...»

Шаҳар соҳилга қараб бостириб келган. Қирғоқдаги баҳайбат иншоотлар сувнинг қонини сўриб олувчи канага ўхшайди. Беҳад катта қувурлар аждаҳо сингари сувни ҳўплаб шу иншоотларга юборади. Ўнлаб филтр, магнит майдонлари, электр зарядлари сув таркибидаги темир, туз, тиллани ажратиш олади-да, бошқа қувурлар орқали жонсиз суюқликни денгизга қайтариб тўкади.

Рҳақ соҳилда узоқ туриб қолди. Қарашлари вазмин. Толиққан кўзларини бир оз юмиб, Ердаги денгизлар, дарёларни эсламоқчи бўлди. Осойишта, салобат билан оқувчи дарёлар, қўш кокил бўлиб ажрашган, сўнг яна бирлашган ирмоқлар орасида дарахтларга кўмилиб турган оролчалар, қоялар бағридан шиддат билан отилаётган шаршаралар унинг кўз олдига келди. Қўёш нурида товланаётган зумрад томчилар худди юзига урилгандай сесканди. Кўзларини очди: мадорсиз денгиз қалтираб турибди. Шу топда Рҳақнинг оёқлари қувватдан қолгандай бўлди. Назарида бир қадам босишга ҳам қурби етмайди. Томоғи қақраган. Юрак сиқади. Кўнгли ана шу жонсиз денгизнинг қаттиқ тўлғанишини, осмонга сапчишини, сўнг руҳсиз шаҳарлар устига ёпирилишини истади. Нимадир бўлиши керак, нимадир... Бир меъёрда давом этувчи силлиқ ҳаётга кўниколмаяпти. Кўниколмаяпти? Ер табиати, ерликлар унинг руҳини буткул ўзгартириб юборганми? Наҳотки, Ердан олган таассуротлари онгини заҳарлаб, ўз юртига нисбатан бу қадар норозилик уйғотса? Йўқ, йўқ, у Тангдан буткул норози эмас. Фақат ерликларнинг айрим туйғуларини юртдошларига «юқиши»ни хоҳлайди. Денгиздан «сўриб олинган» темир, туз, тилла...келгусида қайта эритилиб, қайта миллиграммларга айланрилиб, сув таркибига қайта сингдирилгани каби, тангликлар унутиб юборган туйғулар юз очса...

Ҳеч бўлмаса муҳаббат уйғонса эди. Йигит қизни суйиб-суйиб эркаласа, қиз йигитга суйиб-суйиб бўса берса... Мана шу соҳилда ширин-ширин орзуларга эрк бериб, тонгларни қаршилса... Суйиб-суйиб турмуш қуришса, суюмли-суюмли фарзандлар кўришса...

Рҳақ хўрсинди. Ажин боса бошлаган кенг пешонасини силади. «Бу қийин масала, — деб ўйлади у. — Муҳаббат уйғонса, нафрат ҳам пайдо бўлади. Кейин рашк бош кўтаради. Яхшиликка қўшилиб ёмонлик, меҳрга қўшилиб ғазаб, садоқатга қўшилиб хоинлик... кириб келади. Ердаги зиддиятларнинг ҳаммаси Тангда ҳам ҳукмрон бўлиб олсачи? Барча шу зиддиятлар орасида ўралашиб қолсачи? Чин муҳаббати қайси, сохтаси қайсилигини билмай гарангсиз юришсачи? Тараққиёт нима бўлади? Йўқ, бизга нафратдан холи муҳаббат, хоинликдан йироқ садоқат, ғазабсиз меҳр, рашк ўрнига ишонч... керак. Фақат ёруғ туйғулар зарур! Бора-бора Ерда ҳам шундай бўлади...»

Рҳақ соҳил бўйлаб бир-икки қадам босди. Оёқлари оғирлашиб қолгандай, боши айлангандай бўлиб тўхтади. Ерга тушиб биринчи қадам қўйганда ҳам худди шу ҳол юз берган эди. Ерга тараққиёти беҳад юқори бўлган сайёранинг вакили сифатида, ғолиб сифатида қадам қўйган эди. Изига ҳиссиз сайёранинг руҳи шикастланган вакил ҳолида, маънавий мағлуб ҳолида қайтди.

Тангда муҳаббат уйғонса эди... Ерда юрганида кўнглида туғилган бу илинжи унинг тинчини олгани учун «Муҳаббат ҳиссини қандай уйғотиш мумкин?», «Тангликлар севишга, севилишга қодирми?» деган жумбоққа ўзича жавоб излар эди. Кейинги кунлар ичи: «Хўш, ўзинг сева оласанми?», «Муҳаббат нималигини биласанми?», «Ерликлар каби муҳаббат йўлида ўзингни қурбон қила оласанми?»... деган саволлар гирдобиде қолган эди. У хотини билан ўтган дамларни, ўғлининг гўдак чоғларини қайта-қайта эслар, ораларидаги муносабатларда меҳр бўлган-бўлмаганини аниқлашга тиришарди. Муҳаббат уйғонган тақдирда муносабатларнинг қандай ўзгаришини чамаларди. Ҳар қанча ўйламасин, жумбоқларга ҳар қанча жавоб изламасин пуч хаёллардан нарига ўта олмас эди.

«Ерликларнинг туйғулари бўлакча эди!..»

Рҳақ ўз ақидасига тобора муте бўлиб борарди. У она сайёрасида эмас, балки Ер билан Танг орасидаги чети-чегараси йўқ қоронғи бўшлиқда муаллақ яшарди. У дам ўзи туғилган сайёрасига талпинарди, дам покиза туйғулари туғилган Ерга интиларди. Аросатда юриш унинг қалбини тобора емирарди.

У ёлғиз эди. Шунда улкан сайёрада якка-ёлғиз... Ёлғизлик ҳалокат билан тугайди. Унинг қисмати ҳам шуми? Тақдирига нима ёзиғлиқ? Ақлдан озишми? Тангга учиб келар чоғидаги хаёлий баҳсларида Фид: «Ўзингни ўзинг ўлдир», деб ундаган эди...

Йўқ! Шундай фикр ўрмалаш билан Рҳақ сапчиб тушарди. Бадбин ўйлардан қутулиш учун хаёлан Ерга қайтарди. Энг биринчи бўлиб... Назира билан учрашарди. Ҳар бир «учрашувдан» кейин: «Нима учун Назирани бу қадар кўп эслаяпман?» деб ҳайрон бўларди. У ҳали бу эслашлар бежиз эмаслигидан, юрагида Назирага нисбатан муҳаббат борлигидан беҳабар эди. «Тангда муҳаббат уйғонсин» дегани, ерликлар севгисига ихлос қўйгани билан, ўзи муҳаббат туйғуси қандай бўлишини ҳали билмас эди. Бўлакча таъбир билан айтилса, муҳаббат нималигини ақлан биларди, аммо бу дардни ҳали танасида синаб кўрмаган эди. Мана, бугун ҳам ёлғизлик комидан қутулиш учун Ерга «қайтганда» Назирани кўрди...

— Бугун чехрангизда ғам борга ўхшайди?

— Дадам айтгандирлар?

— Айтдилар. Куёв қуллуқ бўлсин?

— ...

— Ҳўрсиняпсизми?.. Пичирлаб ғазаллар ўқир эдингиз? Эсингиздами:

*Паришон ҳолинг ўлдим, сўрмадинг ҳоли паришоним,  
Ғамингдан дарда душдим, қилмадинг тадбири дармоним,  
Не дерсан, рўзгорим бўйлами кечсун, гўзал жоним,  
Кўзим, жоним, афандим, севгилим, давлатли султоним!*

— Эсимда... ҳазрат Фузулийдан... Мен... ғазалларга ишонар эдим. Мен... йўқ, айтолмайман. Табиб афанди, айтолмайман, айбситманг.

— Чехрангизга паришонлик ярашмас экан. Ғам чексангиз ўзингизни дардга олдириб қўясиз.

— Дардга?.. Дардга бўйин бериб бўлганман.

— Дардга чалинган экансиз, энди шифо лозим.

— Муолажангиз дадамни бизга қайтариб берди. Умидимизни узиб қўйган эдик... Умрингиз узоқ бўлсин. Табиб афанди... Лекин... Лекин... Сиз дардимга шифо топа олмайсиз. Умидимнинг ришталарини кесиб қўйишди. Мен... тунлари юлдузларга тикилиб ётаман. Қанот чиқариб учгим келади. Ўша юлдузларнинг биронтаси Ермизга ўхшаса дейман. Севишганларнинг қанотлари қайрилмаса, дейман... Табиб афанди, сиз дунё кезгансиз, донишмандсиз, айтинг, Худо не учун бизга севиш бахтини раво кўриб, сўнг айиради?

— Саволингизга энг улуғ донишмандлар ҳам жавоб бера олишмаган.

— Ғазаллардаги фарёдларга энди фаҳмим етяпти.

«Бечораман, бедавоман, қанотларим қайрилган, умидим ришталари кесиб қўйилган...»

Рҳақ — Табиб афанди Назиранинг отасидан хабар олгани кириб, янгиликни эшитган, шундан сўнг қизнинг нима сабабдан паришон бўлиб қолганини англаган эди. Ўша куни қиз унга рўйхуш бермади, гаплашмади. Умуман, Рҳақ Назира билан кам суҳбатлашган. Қиз ўзини ундан олиб қочарди. Рҳақ Назиранинг фикрларини ўқигани учун ҳам қизнинг бир йигитга кўнгил қўйганини биларди. Билгани сабабли қизни ҳадеб кузатишдан ўзини тиярди.

Ҳозир денгиз соҳилида, ёлғизликдан қутулиш учун Ерни эслаган чоғида, Назира билан хаёлан суҳбатлашди. Назарида қиз ўшанда унга — Табиб афандига арзини айтганда худди шу зайлда сўзлаган бўларди. Балки бир байт ҳам ўқирди. Балки мана бу байтни:

*Най киби, ҳар дамки, базми васлингни ёд айларам,  
То нафас вордур қуруқ жисмимда, фарёд айларам...*

Кейин суйган йигитининг дунёда ягона эканини, ўш суюклиси қадар баъмани, хушхулқ, хушахлоқ одам бу олам аро йўқлигини айтарди. «Кўнгил қўйганим борлигини дадамга маълум қилинг, мени ундан айирмасинлар», дерди... Бироқ Назира унга арзи ҳол қилмади. Дардини ичига ютди. Ерлик донишмандлар: «Ёруғ оламда муҳаббатдан кучлироқ нарса йўқ», дердилар. Рҳақ Назиранинг изтиробини кўриб, бу фикрнинг янглиш эканини англади... «Муҳаббатдан ҳам қизлик иффати қудратлироқ экан», деган тўхтамга келди.

«Менинг кўнгил қўйганим бор...» Биргина шу гапни айтиш Назиранинг тақдирини ҳал қиларди. У айтмади, айтолмади. Рҳақ буни жаҳолат деб билиб, қизни айблашни ҳам, бардошига тан бериб, унга ихлос қўйишни ҳам билмай гарангсиб юрди. Орадан анча вақт ўтгандан кейин ҳам тугал бир тўхтамга келолмади.

Назира қанот чиқариб, юлдузларга учмоқчи эди. Юлдузлардан бири шу Танг. Қиз бечора бу ерга келиб нимани кўрарди? Қанот чиқарганига минг пушаймон бўлмасмиди?..

Рҳақ чуқур уф тортди-да, қўлни орқасига қилганича аста юра бошлади. Бир қулочли харсанг пойида сочилиб ётган балиқ суюқларини кўриб энгашди. Кейин мавжланиб турган денгизга қаради. «Ҳали ҳам балиқ бор экан-да? Биз сунъий ҳавога кўникдик. Таркибида ҳеч вақо бўлмаган суюқликда балиқ қандай яшаркин?! Темир, туз, олтин... Жуда қимматга тушяпти бу ашёлар. Ўғлим ҳақ... Биз уларга яланғоч сайёрани қолдирыпмиз. Ҳатто сувнинг ҳам қонини сўриб олдик...»

Денгиз азоб билан тўлғанади. Ожиз тўлқинлар Рҳақни лаънатлагандай бўлади. Денгизнинг алами бор. Қанча лаънатласа шунча оз... У денгиздан кўз узиб, соҳилдан узоқлашди.

Рҳақ Танг марказига қайтганида оқшом чўккан, аммо кундузги жазираманинг нафаси сўнмаган эди. Сайёранинг умуртқасини қирсиллатиб юборгудай бўлиб турган баҳайбат бинолар қизиган тандирдек қайноқ сел уфуради. Қарийб бир-бирига ёпиштириб қурилган баланд иморатлар орасидан шамол ўтмайди. Бинолар дудли булутларга санчилиб тургандай. Рҳақ талаба эканида қайси бир меъмор: «Шаҳарни ҳам энига, ҳам узунасига тўғри чизик бўйлаб кесиб ўтувчи икки кўча бўлиши зарур. Шунда елвизак туриб, ҳаво алмашиниши яхшиланади», деган таклифни ўртага ташлаган эди. Бу гап барчага маъқул келиб, таклифни амалга ошириш чоралари белгиланган, бироқ гап гаплигича қолиб кетаверган эди. Ҳозир кўпчилик ўша таклифни эсламайди ҳам.

Рҳақ уйига қайтганда оила аъзолари овқатланаётган эди. У хотинидан ҳол-аҳвол сўрагач, ювиниб келди-да, тўрга ўтирди. Ўғлига бир қарашда унинг руҳи тушкунлигини сизди.

— Нимага овқат ейишларингнинг мазаси йўқ. Уришиб қолмадингларми, ишқилиб? — деди у ўғлига, нохушликни кўтариш учун.

— Уришиш учун сабаб бўлиши керак, — деди ўғил совуққина. — Бизда кўпдан бери бундай сабаб йўқ.

— Шундай бўлгани маъқул.

— Нохушлигимизни тўғри пайқабсиз. Бугун Мек ўлди.

— Мек? Ким у?

— Эслашга уринманг. Сиз уни танимайсиз. У марҳум дўстимнинг ўғли эди.

— Нимага ўлибди? Касал эканми?

— Овқатингизни енг, кейин айтиб бераман.

Рҳақ, иштаҳаси бўлмаса ҳам ўзини мажбур қилиб овқатланди. Оғзини сочиқ билан артиб ўғлига: «Мен тайёрман, гапингни бошлайвер», дегандай қаради. Хотини билан келини ўрнидан туриб дастурхонни йиғиштиришди-да, қўшни хонага чиқиб кетишди.

— Мен Мекнинг отасини яхши билардим, — деб гап бошлади ўғил. — Биз бирга ишлардик. У эҳтиётсизлик қилиб оққон касалига учради. Айб ўзида: кирма деган жойга кирибди. Касални яшириб юрди. Уйланди. Кейин хотини ҳомиладор бўлди. Қувноқ эди... Туппа-тузук ишлаб юриб, бир куни...ўзини ўзи ўлдирди. Мурдани текшириб, касалини аниқлашди. Ўлим ҳақ эканини билиб...

— Ожизлик!

— Йўқ, ожизлик эмас. У бари бир ўларди. Боласини кўриб ўлишни истамаган.

— Ана шунинг ўзи...

— Илтимос, баҳслашмайлик. Бари бир фикрларимиз бир ердан чиқмайди. Одатда, ҳақиқатни юзага чиқариш учун баҳслашадилар. Мен бундай ҳақиқатни кўрмаяман. Гапимнинг давомини эшитинг: хуллас, бола туғилди. Мен тез-тез Мекни йўқлаб борардим. Жуда нозик, касалманд бола бўлди. Аммо зийрак, ақлли эди. Ўқиш-ёзишни эрта ўрганди. Бир куни борсам, ётибди. Мени кўриб йиғлаб юборди.

— Нимага хафасан? — деб сўрадим.

— Касал бўлганлар ўлар экан, мен кўп касал бўламан-ку, нима учун ўлмайман, — дейди.

«Касалларнинг ҳаммаси ҳам ўлавермайди. Сеники тузаладиган касал», деб юпатишга ҳаракат қилдим. Овуниши қийин бўлди. «Менам ўлишни истайман. Ўлсам ҳамма йиғлайди, менга ачинади. Мени гапиради», дейди. Орзусини қаранг... Ниятига етди. Бугун жони узилди. Аммо ўлими учун ҳеч кимнинг қайғурмаслигини билмай кетди...

— Сен-чи? Сен қайғуряпсан-ку?

— Қайғуришим керак эди. Аммо муҳит бунга йўл бермайди. Мен ҳар бир ҳужайраларим билан ишни, фақат ишни ўйлашим керак. Ўлганлар ўлаверади. Мурдаларни эса дафн гуруҳи кўмаверади. Ҳатто... вақти келиб онам... Ахир, сиз ҳам онангизни дафн этишда бўлмагансиз-ку?!

— Гапни чалғитма. Бир гўдак учун масалани чувалаштириш шарт эмас.

— Мек ўлди. Уни сизнинг тараққиётингиз ўлдирди!

— Тараққиётни биз бошламаганмиз. Тўхтатиш ҳам қўлимиздан келмайди. Ҳадеб таъна қилаверма. Қўлингдан келса, ана тараққиётга қарши курашиб кўр.

— Қўлингдан келса?.. Ҳм. Келмайди!.. Бир марта курашмоқчи эдик. Эсингиздами? Энди... Ўлимимни кутиб ўтиришдан ўзга ҳеч нима қўлимдан келмайди.

Рҳақ ҳозир ўғли билан гаплашиш бефойдалигини билиб қўзғалди. Хотини ётган хонага кирди.

Хотини пинакка кетган экан, шарпа чиқармай изига қайтди. Ўғли қаёққадир ғойиб бўлибди. Рҳақ нима қиларини билмай хона бўйлаб у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

Ўғлининг гапларида жон бор. Рҳақ ўзи истамаган ҳолда унга танбеҳ берди. Аслида Рҳақнинг ўзи ҳам шундай фикрларди. У жон-дилидан ўғлини қувватлагиси келарди, лекин оқибат деган тушунча фарзандини тергашга мажбур этарди. Рҳақ ўғлидаги яхши ҳисларнинг уйғоқ эканидан хурсанд ҳолда, унинг келажагини ўйлаб қайғурарди. Тангнинг маънавий юксалишида у бирон-бир ўзгариш кўргани йўқ, шу сабабли беҳад ташвишланарди.

Ертага ҳалиги гўдак дафн этилади. Аммо бу бола учун ҳеч ким нола чекмайди. Жонзотнинг қадри шунча... Ерда эса бутунлай бошқа эди. Одамлар ҳатто марҳумнинг изидан қабрга киришга ҳам рози бўладилар. Балки, бу ортиқча ҳиссиётдир. Аммо, бари бир куйиниш яхши... Рҳақ юмшоқ, пастак курсига ястаниб ўтириб, ерликларни эслади. Хаёлига куюнчак, айни чоқда, кескин, тўғри йўлни фаҳмлай олмасдан қийналаётган Сабоҳиддин келди.

## ЧОРРАҲАДА ҚОЛГАН МУЛЛА ЙИГИТ

Рҳақ Лукни амир зиндонидан олиб чиққач, Сабоҳиддинни шаҳар дарвозаси ёнида сўнги марта кўрди. Сабоҳиддин юртига — оташда қовурилаётган Фарғона водийсига қараб кетганди. Ҳозир тақдири нима бўлди экан? Балки Лукн ўрнатган биоток узатгичлар ишлаб тургандир, маълумот келаётгандир. Аммо буни Рҳаққа билдиришармикан?

Сабоҳиддин ўша баҳсдан кейин Шоазизнинг хонадонига қадам босмай қўйган эди. Мезон уча бошлаган паллада унинг қўққисдан кириб келганини кўриб, Рҳақ— Табиб афанди таажжубланди. Ўшанда Сабоҳиддин мадрасада бўлиб ўтган гапни айтиб берди. Ҳаммаси тунов кунги хуфтон намозидан сўнг бошланибди:

Намоз тугагач, муллаваччалар имомнинг ҳаракатидаги хотиржамликни кўриб, ваъз айтиш нияти борлигини фаҳмладилар. Бундай пайтда деярли ваъз айтилмас, шу боис муллаваччалар бир оз ажабланган ҳолда бу хуфтон имоматга ўтган мударриснинг сўз бошлашини кутдилар.

— Маълумингизким, Худованди каримнинг назари тушган жаннатсифат Фарғона вилоятида ғайридинлар этагини тутган муртадлар ислом лашкарларига озор етказмоқ қасдига тушганлар. Калимаи шаҳодатга ҳам тили келмай қолган бу осий бандалар, иншооллох, Тангрининг қаҳрига учрагайлар. Жаннатдан шайтон алайҳилаънани қувиб чиқарган, тўлиқ ҳикмат ва қудрати ила Одам Ато ва Момо Ҳаввони яратган Ҳақ таолонинг раҳм-шафқати беқиёс улўғдир. Қуръони шарифнинг Худ сурасида Тангрининг марҳамати шундай тавсиф этилади, — мударрис Қуръонни варақлади. Аммо унга қарамай сўзини давом эттирди:

— Нуҳ алайҳиссалом Оллоҳнинг истаги билан ўз қавмларига юборилдилар. Ва дедиларки: «Албатта мен сизлар фақат Оллоҳгагина ибодат қилишингиз учун келган холис огоҳлантирувчиман. Оллоҳдан ўзгага ибодат қилмангларким, сизларга аламли кун азоби бўлишидан кўрқадирман». Нуҳ алайҳиссаломнинг асосий вазифалари огоҳлантириш эди. Пайғамбарликларининг мазмуни, ғояси эса шунга монанд — Оллоҳдан ўзгага ибодат қилмасликка чорламоқ эди. У зот вазифаларини адо этдилар. Бироқ, қалблари муҳрланган, ҳидоятдан бегона, куфрдаги зодагонлар «Сен ҳам ўзимизга ўхшаган одамсан, сенга эси пастлар, ялангоёқлар эргашяпти халос», деб тўхмат қилдилар. Нуҳ алайҳиссалом дедиларки: «Ей қавмим, мен сизларнинг тақдирларингизни ўйлаб куюняпман. Мен сизларнинг иймонли бўлиб, саодатга эришишингизни истайман халос. Мен бу пайғамбарлик хизматим учун сизлардан мол-дунё сўрамайман. Менга бойликнинг зарурати йўқ-дир. Менинг ажрим фақат Оллоҳнинг зиммасидадир. Ажр-мукофотни Оллоҳ беради, сиз бермайсиз, хавотирланманг. Сиз «Сенга эси пастлар, ялангоёқлар эргашяпти», деяпсизми? Билингким, мен иймон келтирганларни сизларга ёқиш мақсадида ёки сизларни рози қилиш учун ҳузуримдан қувмасман. Мен учун бой-камбағал тенгдир. Мезон — бойлик эмас, муҳими— иймон келтирмоқликдир. Ҳамма гап иймонда! Яна билингким, улар мен учун иймон келтирган эмаслар. Уларнинг иймон келтиришлари Оллоҳга боғлиқдир. Улар роббиларига рўбарў келганларида шарманда бўлмайлик, деб иймон келтирдилар». Нуҳ алайҳиссалом яна қавмларига дедиларким: «Мен сизларга «Ҳузуримда Оллоҳнинг хазиналари бор», демайман. Шу боис сизларга бойлик беролмайман. Ғайбни ҳам билмайман, «Мен фариштаман» ҳам демайман». Афсусларким, иймонсизлар қалблари сўқир бўлгани сабабли ҳидоят йўлини кўра олмадилар. Ва Оллоҳ ўз пайғамбарига дедиким: «Уларнинг қилмишларидан қайғуга тушмагин». Ва ваҳий қилиндиким: «Қавмингдан ҳозиргача иймон келтирганларидан бошқа ҳеч ким энди иймон келтирмас. Энди Бизнинг ҳимоямиз ва ваҳийимиз билан кема ясагин ҳамда зулм қилганлар ҳақида Менга «Уларни ҳам асрагин», деб хитоб этма. Улар, албатта ғарқ бўлгувчилардир». Вақтики етиб, Оллоҳнинг амри ила таннур фаввора отганда, яъниким, Оллоҳнинг азоби— тўфон келганида буюрилдиким: «Ҳар, бир жонивордан бир жуфтдан ол, оила аъзоларингни олгину аҳлингдан кимларнинг ғарқ бўлиши ҳақида Биздан сўз кечган бўлса, улар мустаснодирлар. Кемага фақат иймон келтирганларни ол».

Нуҳ алайҳиссалом амрга итоат этдилар ва дедиларким: «Кемага мининглар, унинг сузиши ҳам, тўхташи ҳам Оллоҳнинг исми ила бўлур. Албатта Роббим кечиримли ва раҳмлидир.»

Тўфон даҳшатли тус олганида кема тоғлардек катталиқда мавж ураётган тўлқинлар оша сузаётганида Нух алайҳиссалом четда турган ўғилларини кўрдилар ва дедиларким: «Ей ўғлим, биз билан бирга мингин, кофирлар билан бирга бўлмагин.» Киши кофир бўлса қийин, у ўзи кўникиб қолган тор доирада фикр юритади. Нодон ўғил тўфон даҳшатини кўра туриб ҳам иймонга келмади, «Тоққа чиқиб паноҳ топаман», деди ва фарқ қилинганлардан бўлди, — имом оятларни ўқимай, ўз тилида шу тарзда баён қилиб бўлгач, мушафни ёпди. Бир оз муддат жим қолди. Сўнг яна сўзини давом эттирди: — Фарғона вилоятидаги ғалаёнлар шу тарихни эслатмайдими? Токи иймонсизлар ҳақ йўлига қайтмас эканлар, Худованди каримнинг қиёмат юбориши аниқ. Сиз билан бизнинг бурчимиз, наинки Оллоҳ-таолодан бандаларнинг гуноҳини сўраб, ибодат қилмоқлик, балки гуноҳкор бандаларни иймонга қайтариш ҳамдур. Тангрининг марҳамати бисёрдир ва ҳақ йўлга қайтган бандаларнинг гуноҳи афв этилғусидир...

Ваъз тугади. Гарчи имом аниқ мақсадни айтмаган бўлса-да, муллаваччалар бу ибратга фақат амал қилмай, ҳар жойда тарғиб этиш лозим эканлигини англаб етдилар.

Мударрис йиғилганларга кетиш учун изн бериб: «Мулла Сабоҳиддин, сиз пича туриб хужрамга киринг, маъқулми?» деди. Сабоҳиддин: «Хўп бўлади, тақсир», деб таъзим қилди.

Хужрада Сабоҳиддин танимайдиган яна икки киши бор эди. Сабоҳиддин катта салла ўраб, заррин тўн кийган бу зотларга салом бериб, остонада таъзим билан туриб қолди.

— Берироқ келинг, ўғлим, тортинманг, — деди хужра эгаси. Сўнг меҳмонларга қаради. — Фарғона музофотига бормоқликни ихтиёр этган мулла Сабоҳиддин деганимиз шу йигит.

— Баракалло, — деди тўладан келган меҳмон. — Ҳазратим сизнинг иқтидорингиз ва эътиқодингиз хусусида кўп мақтов гаплар айтдилар. Инша Оллоҳ, сизнинг бу эътиқодингиз охирада инobatга олинур.

— Инша Оллоҳ.

— Ўғлим, ярангиз азоб бермай қўйдими? — деб сўради хужра эгаси, аммо саволга жавоб кутмай, меҳмонларга қараб сўзлади: — Фалокатни қарангки, мулла Сабоҳиддин кўчада кетар чоғларида бошларига ғойибдан қиррали бир тош келиб тушибди. Хотирим чалғитмаса, бирон ўн кун шунинг азобини тортдилар. Худонинг раҳми келиб, мулла Сабоҳиддинга инсоф эгаси йўлиқибди. Ярани боғлаб мадрасамизга узатиб қўйибди.

Бу гапни эшитиб, Сабоҳиддин хавотирланди. Чунки «инсоф эгаси»нинг минорага тик чиқиб тушганини у ўз кўзи билан кўрган эди. Иблис қўлидан шифо топганини бу олий зотлар билишсами.... Йўқ, хайрият, суҳбат мавзуига қараганда, улар бундан огоҳ эмас кўринадилар. Ҳатто «иблис» ҳақида сўз юритилганда ҳам Сабоҳиддиннинг ярасига шама қилмадилар. Сабоҳиддин енгил тин олди. Бироқ, кутилмаганда бошқа зарбага дучор бўлди. Меҳмонлардан бири чойни ичиб, пиёлани тўнтариб қўйгач, унга мурожаат қилди:

— Мулла Сабоҳиддин, бизни бир нарса таажжубга солди: Марғилон атрофидаги имонсизлар орасида Жамолиддин деган аскарбоши бор эмиш. Ўша сизнинг акангиз эмасми?

Савол кутилмаган бўлса-да, Сабоҳиддин гангимади. Хиёл бош эгиб, сўзловчига лутф билан жавоб берди:

— Тақсир, Оллоҳнинг бандалари орасида аскарбошилар ҳам, Жамолиддин исмли одамлар ҳам кўп. Мен яқин орада уйдан хабар ололмадим. Акамнинг тақдирлари мен учун қоронғу.

— Сизни Новқатдан деб айтдилар. Падари бузургворингизнинг исмлари Жалоллиддин экан, шундайми?

— Ҳақ гап, тақсир.

— У ҳолда биз янглишмабмиз. Ўша имонсиз — сизнинг акангиз!

Гапга мударрис аралашди.

— Тақсир, ҳар ким ўз гуноҳи учун Тангри олдида ўзи жавоб беради. Акаларининг айблари деб мулла Сабоҳиддинни хижолатга қўйиш инсофдан бўлмас. Мулла Сабоҳиддиннинг гаплари чин: Чаноққалъа муҳорабасидан яқинда қайтдилар. Бу орада аҳли байтдан дарак келмади.



— Мулла Сабоҳиддин акаларининг гуноҳлари учун мутлақо изза чекмасинлар. Биз фақат фаразимизнинг ҳақ ё ноҳақлигини билмоқ истагида эдик. Беш бармоқ баробар эмас. Бир пуштикамардан турли фарзандлар бунёд бўлади. Мана, мулла Сабоҳиддин мўмин-қобил йигит эканлар. Биров, шу йигитнинг акаси Оқ пошшо замонида одам ўлдириб, Сибир қилинган деса ишониб бўлмайди.

— Ё алҳазар! — Мударрис ёқа ушлади. — Мен бундан беҳабар эканман. Шу ростми, ўғлим?!

— Йўқ.

— Инкор этиясизми?

— Ҳа, тақсир. Акам қон тўккан эмаслар.

Устоз-шогирднинг сўзлашувига диққат билан қулоқ тутиб ўтирган меҳмонлардан яна бири истехзо билан жилмайди.

— У ҳолда Маъмур бойваччага ким пичоқ урган экан, ё сизми? — деди у.

— Тақсир, сиз мулла Сабоҳиддин билан фақат танишмоқ ниятида эдингиз?

— Ҳа, ҳа. Мулла Сабоҳиддин айтганингиздай, қобил йигит эканлар. Бизнинг бошқа сўзимиз йўқ. Шаръий ниятларига етмоқликларини Оллоҳдан сўраб, дуо қиламиз.

— Ўғлим, сиз бораверинг. Эртага бомдоддан сўнг ҳузуримга яна бир кирасиз.

Сабоҳиддин таъзим билан чиқди. У кутилмаган танишувнинг боисини англай олмади. «Ажаб, мақсадлари фақат мен билан танишишми ё акам ҳақидаги фаразларини ойдинлаштиришми? Истаклари нима? «Маъмур бойваччага ким пичоқ урган экан, ё сизми?» Нимага бундай деб сўради? Наҳот, Маъмур бойвачча воқеаси улар учун ойдин бўлса? Қаердан билишсин? Ким айтиши мумкин? Отамми? Йўқ. Султонмурод аками? Йўқ... Ахир қуръонни ўпиб туриб қасам ичган-ку? Ё сургун азоблари суяк-суягидан ўтиб кетган акам сирни очдимми? Наҳот? Бўлмаса ким? Ҳақиқат шу уч кишидан бошқа ҳеч кимга аён эмас. Ҳатто Маъмур бойваччанинг ўзи ҳам асл қотили ким эканини билмай дунёдан кўз юмди. Орадан шунча йил ўтди. Дунё алғов-далғов бўлиб кетди. Шунақа пайтда Маъмур бойваччанинг ўлдирилиш воқеаси уларга нима учун керак бўлиб қолди? Ё: «Босган ҳар бир изингиздан боҳабармиз», дейишмоқчимми? Ҳар ҳолда, бир сир бор. Бу сир бомдоддан сўнг очилса ажаб эмас».

Сабоҳиддин шу хаёллар ичида қолди. Хужрасига гўё Маъмур бойвачча кириб олгандай, кўзига уйқу илиниши билан босинқираб туриб кетаверди. Бир сафар у хужрага гўшт кўтариб кирди. Гўштдаги қон томчилари ҳали қотмаган. Бойваччанинг бўғзи ҳам қон. «Ажаб, — деб ўйлади Сабоҳиддин, — бўғзи нимага қон? Пичоқни икки кураги ўртасига урган эдим-ку?» Маъмур бойвачча гўштни Сабоҳиддиннинг димоғига тутди. Сабоҳиддин калима келтирмоқчи бўлди. Лекин тили айланмади.

— Калимаи шаҳодатингиз бефойда, — деди бойвачча.

— Нимага келдингиз, кетинг, — деди Сабоҳиддин.

— Мен сизга гўшт олиб келдим.

— Хом гўштни хосияти йўқ. Тезда кетинг!

— Мен ҳақиқатни билишим керак.

— Қандай ҳақиқат?

— Мени ким ўлдирди?

— ...

— Индамайсизми? Мени сиз ўлдиргансиз!

— ...

— Сиз номардсиз! Пичоқни орқадан келиб урдингиз. Юзма-юз келишга ботина олмадингиз.

— Мен ёш эдим...

— Ёш одам қўрқоқ бўлади, деб ким айтди?

— Аламим ичимда.

— Мусулмоннинг қони мусулмон учун ҳаром эканини билмасмидингиз? Мени нима учун ўлдирдингиз? Сизга нима гуноҳ қилиб эдим?

— Сиз оиламиз номусини булғадингиз.

— Мен-а?

— Ҳа, сиз! Янгамни бузуқ йўлга бошладингиз.

— Худо шоҳид, мен бегуноҳман. Сожидани никоҳлаб олганман.

— Ундан аввалроқ-чи? Янгамга номаҳрам бўла туриб, у билан қўшилганингиз ростми?

— ...

— Индамаяпсизми? Демак, сизни ўлдириб савоб қилган эканман.

— Кўз сузган ғунажинни жазоламай, арқон узган буқачани қатл этиш шариатда савоб саналадими?

— Агар у буқача чинакам ҳайвон бўлса — гуноҳ. Аммо одам бўлса — зинокорни ўлдириш савоб.

— Мен сизга гўшт келтирдим. Олинг.

— Тез кетинг... Устимдан босманг! Кетинг деяпман!

— Мен сизни ёнимга чақираман...

Сабоҳиддиннинг нафаси бўғилди. Бақириб юборди. Ўз овозидан ўзи чўчиб, яна туриб кетди. Чап томонига қараб тупурди. Сўнг калима келтирди. Сўнг бунга ҳам қаноат қилмай ҳумдан бир сиқим гуруч олиб ташқарига чиқди. Юлдузлар хира тортиб, уфқ бўзарай деб қолган эди. У гуручни томга сочди. Хужрасига қайтиб киришга юраги бетламади.

Бомдоддан сўнг яна мударрис ҳузурига йўл олди.

— Келинг, ўғлим, қани ўлтиринг. Кечаги гапларни кўнглингизга олманг. Сиз хафа қилиш ниятлари йўқ эди... Руҳингиз чўкиброқ турибди... Ё чиндан...

— Йўқ, тақсир, уларнинг сўзлари заррача оғир ботмади. Руҳсизлигим боиси... биродарлар билан суҳбатга берилиб, уйқуни андак қанда қилибмиз чоғи...— Сабоҳиддин ирим қилиб, кўрган тушини айтмади. Мударрис унинг ботиқ кўзларига қараб ёлғон гапираётганини англаса-да, сир бой бермай, тасбеҳ ўгирганича дуо ўқиди.

— Ишқилиб, Оллоҳ жумла дардмандларнинг дардларига даво бериб, шулар қаторида биродаримиз Султонмуродга ҳам шифои комил ато этсин, — деди бир оз овозини кўтариб.

— Тақсиримдан хабар борми?

— Ҳа, у кишини бетоб деб эшитдик, — мударрис бу янгиликни эътиборсиз хабардай айтиб, сўнг гап мавзуини бутунлай ўзга ёққа бурди: — Сизнинг Чаноққалъа муҳорабасига борганингиз фақат жасорат эмас, иймонингиз кучидан бир нишонадир. Фарғонага қайтмоққа қасд этганингиз бу куч, Оллоҳнинг марҳамати ила, янада қудрат касб этганини аён қилди. Биз бунда кенгашиб, сизга изн бермоқликни лозим топдик. Хатми кутубингиз яқин эди. Сиз айни чоқда фотиҳа олмоққа лойиқсиз. Сиз Худо ато этган қобилиятингиз билан ўзга муллавааччалардан ажралиб турардингиз. Энди волидайн қучоғига бориб, Ҳақ йўлдан қайтган бандаларни инсофга келтириш билан машғул бўлишингиз вақти етди. Мен сизни бу хабардан огоҳ этиб қўймоқчи эдим. Ҳа, дарвоқе, кечаги муҳтарам зотлар агар малол келмаса, сиздан бир дуойи салом бериб юбормоқчи эканлар. Ўшал номани Марғилонга ташлаб ўтармикинлар, деган ўтинчда илтимос қилишди.

— Нимага малол келсин, бош устига, тақсир. Сизнинг хоҳишингиз мен учун амри вожиб.

— Боракалло, ўғлим. Энди боринг, йўл ҳозирлигини кўраверинг.

Сабоҳиддин яна муаммолар чоҳига тушди. Султонмуроднинг эсланиши уни таажжубга солди. Кечаги одамларнинг қотил ҳақидаги гаплари билан мударриснинг дуосида боғлиқлик бордай туюлди. Бироқ, бу илмоқли гаплардан мақсад не эканини англай олмади. Султонмуроднинг бетоблигини айтиш билан сафар тадоригини тезлашга ундадими? Бусиз ҳам учмоққа қанот чиқариб шай турибди-ку? Фарғонага бормоқ ниятини ўзи айтди-ку?.. Сабоҳиддин имом ҳузурида қарздор. Авваламбор Сабоҳиддинга алифни ўргатган одам — шу имом. Қолаверса, ўша мудҳиш кечада, Маъмур бойваччага пичоқ санчган онда воқеага худди шу одам гувоҳ бўлган.

...Кўча кимсасиз ва қоронғи эди. Маъмур бойвачча хиргойи қилиб борарди. Сабоҳиддин писиб келиб унга пичоқ урди-ю, орқасига қараб қочди. Ўн қадам ташламай, бир одамга урилди. Бу одамни мактабдор устози Султонмурод эканини кейинроқ билди. Шарафли Бухорога келишига ҳам шу одам сабабчи. Қайтиш онда ҳам унинг номи тилга олинган. Ишқилиб, охири бахайр бўлсин.

...Сабоҳиддин кетиш сабабини Табиб афандига мужмаллик билан айтиб, бошини қуйи солди. Шубҳасиз, у Маъмур бойвачча воқеасини яширди. Бироқ, одамлар фикрини ўқий оладиган Рҳақ учун бу воқеа қоронғилигича қолмади. Бундан буткул беҳабар Сабоҳиддин сафар вақти-соати ўзи кутганидан ҳам анча илгари келганини, тонгда Бухорони тарк этажани билдирди. Афтидан, у Салимхўжани излаб келган. Баҳонада Табиб афанди билан хўшлашмоқчи эди. Рҳақ буни сезиб, оқшомга қадар Салимхўжани дараклаб топажани, сўнг биргалашиб мадрасага ўтажани айтди. Сабоҳиддин қуллуқ қилиб чиқиб кетгач, Рҳақ уйдаги буюмларини саранжомлади. Чунки у ҳам эртага Танг сари учиши керак. Лукн минорага тик чиқиб тушгач, уларнинг қайтишлари тезлашди. Рҳақ уйқудаги Лукнни саҳро қўйнидаги мўъжаз кемага қўйиб келиб, ўзи Ертада ишларни якунлашга шошилди. Бахтига кун оёқламай туриб, уйига Салимхўжанинг ўзи кириб келди. Рҳақ унга бўлган воқеани қисқа баён этгач, Шоазизнинг келишини кутмай, икковлашиб Сабоҳиддин таҳсил кўраётган мадраса сари йўл олишди.

Сафар тадоригини кўраётган Сабоҳиддин хўжра эшиги олдида Салимхўжа билан Табиб афандини кўриб ғоят қувонди. Салимхўжа билан Сабоҳиддиннинг олти йиллик қадрдонлиги бор. Бухоро тупроғига илк қадам босган чоғида орттирган биринчи ошнаси — шу Салимхўжа. Сабоҳиддин дастлаб жинкўчаларда гангиб, адашиб қолганида Салимхўжа жонига ора кирган эди. Сабоҳиддин хийла бадавлат оилага мансуб бу мулла йигитнинг мадрасада эмас, Петербургда таҳсил олиб қайтганини кейинроқ билди. Уни баъзи замонавий илмлардан, юзаки тарзда бўлса-да, Салимхўжа огоҳ қилди. Аслида, Салимхўжа Сабоҳиддинни шунчаки эмас, балки илмнинг ўзагига қадар ошна этиши мумкин эди. Бироқ, Бухоро мадрасасининг талабаси «шайтон иси анқиб турган бу илмлар» ҳақида сўз очилишини ҳам истамасди. Олти йил бадалида на у, на бу бир-бирининг ақидасини маъқуллади. Аммо, ҳар бири ўзича тўғри деб ишонган ҳақиқат юзасидан тоза кўнгил, чуқур мулоҳаза билан фикр юритгани учун ҳам йиллар ҳатласа-да, дўстлик иплари узилмади. Салимхўжа уни Чаноққалъа сафаридан қайтаришга уринди, бир неча бор «Ёш бухороликлар» деб аталмиш гуруҳ суҳбатига ҳам тортди. Аммо бу йигитларнинг аксари Сабоҳиддинга мақбул келмади. Чунки улар Салимхўжанинг буткул акси, чуқур мулоҳаза юритмай, жўшиб кетишар, ҳатто аҳли жоҳ, аҳли динга қарши сўз айтишдан ҳам қайтмас эдилар. Аҳли донишдаги «Айтган сўзим— ҳожам, айтмаганим — қулим», деган ҳикматга амал қилувчи Сабоҳиддин эса тилни бесуюяк билувчилардан ўзини нари тутарди.

Бухоро аҳли ичида Сабоҳиддин учун ягона чин дўст ҳисобланган Салимхўжа такаллуф кутмаёқ ичкари кириб, бир қават якандоз устида чордана кўрди. Рҳақ унинг ёнидан жой олди. Сабоҳиддин дўстининг келишига интиқ эди. Меҳмон шарафига дастурхон тузашга чоғланганида Салимхўжа рухсат бермади. Билагидан тутиб, ёнидан жой кўрсатди. Сабоҳиддин пойгакроқда, меҳмонларга юзма-юз ўтирди.

— Назаримда хатми кутубга пича вақт бор эди. Қайтишга чоғланганингиздан хабар топиб ажабландим? — деди Салимхўжа унга савол назари билан тикилиб, — яна вужудингиздаги мужоҳидлик қони жўш урдими?

— Ўт тушган онда кимдир ўчирмоққа жазм қилмоғи лозимми? Ё сизнинг биродарларингиз каби ўт ўчирмоқнинг қай усули маъқул, деб фикр талашиб ўтирмоқ жоизми? — Мен дийдор қиёматга қолмаса деган ҳадикда эдим. Айбга буюрманг, аммо хўшлашгани келганингиз ҳолда мени сўроққа тутишингизга ақлим етмай қолди.

— Узрлиман, мулла, айбситманг. Сизни сўроққа тутиш ниятим йўқ эди. Фақат бемаврид кетишингизни мулоҳаза қилиб, мен бўлакча хулосага келиб эдим.

— Қандай?

— Фарғона вилоятидаги афсусга лойиқ воқеалар ҳақида сиз билан кўп баҳс юритган эдик. Вилоятга қадалган икки кўздан бири сармоядорларники, яна бири ғайридин англизники деганимда, фикримни бир қадар маъқуллаган эдингиз?

— Ҳали фикримни ўзгартирганимча йўқ.

— Боракалло. «Ислом лашкарлари» деганингиз чин халоскор эмас, сарҳад ташқарисидаги бегоналар қўлида қўғирчоқ эканини ҳам маъқуллаб эдингиз?

— Бутунича эмас. Ислом лашкарлари ҳозирча улардан кўмак оладилар кейин...

— Кейин... Бугунги кўмак иплари эртага тобе бўйиндаги занжирга айланажак.

— Очиғини айтсам... фикрим ожизлик қилиб қоляпти. Бир томони инглиз, яна бир томони ўрус...

— Сиз шу тобга қадар ўзганинг тузига нон ботирмагансиз. Меҳнат билан улғайгансиз. Меҳнат аҳлига қайишинг, дейман.

— Бундан бўлакчароқ ниятим ҳам йўқ.

— Мулла, ҳақ йўлдан адашмасангиз бас.

— Ҳақ йўлни... ҳақ йўлни фарқлайман, инша Оллоҳ!

— Айбситманг Мулла, гапларим бир оз аччиқ бўлади: Сиз ҳозир кўзингиз юмук ҳолда чорраҳада турибсиз. Фикрим ожиз, деб ўзингиз айтдингиз. Мен сизнинг ислом лашкарлари томонга ўтиб, инглиз ҳарбийларининг қўғирчоғига айланишингиздан кўрқа-ман.

— Худо сақласин! Асти ундай эмас. Ниятим — фақат юртга осойишталик, фароғат тиламоқ.

— Ниятингиз йўлдошингиз бўлсин. Аммо сўзларимни назардан фориф этманг.

— Сахармардонда Бухорони ташлаб чиқаман. Бундан буён Худо хоҳласа, яна кўришармиз. Бугунча дунё ишларини кўя туриб, баҳсга берилмайлик. Бошқа гаплардан гаплашайлик.

Салимхўжа маъқул ишорасини қилди. Онда-сонда Рҳақни ҳам суҳбатга чорлашди. Аммо сўз айланиб яна Фарғона вилоятига бориб тақалаверди. Салимхўжа Сабоҳиддиннинг икки ўт орасида қолиб азобланаётганини сезиб, суҳбатни бас қилди. Саҳарда яна келажagini айтиб, хайрлашди.

Сабоҳиддин уни бомдоддан сўнг анча кутди. Келавермагач, ноилож йўлга чиқди. Жинкўчаларни оралаб бораётган Сабоҳиддиннинг юраги гўё узилиб тушди. Шаҳар дарвозасига етганда Табиб афандини кўрганидан кейин чехраси бир оз ёришди. Аммо юзидаги хавотир кўланкаси йўқолмади. Рҳақ Салимхўжанинг бу тун амир сарбозлари томонидан ҳибсга олинганини айтгач, Сабоҳиддин бирдан кичрайиб чўкиб қолгандай бўлди. Кейин бир қарорга келиб, шаҳар томонга юз бурди. Рҳақ унинг мақсадини англаб йўлини тўсди.

— Қаёққа? — деди у Сабоҳиддинни елкасидан ушлаб. — Борганингиз билан қўлингиздан нима келади? Зиндонда бирга ўтириб, баҳсларингизни давом эттирасизми... Орқага қайтишинг хосияти йўқ. Сиз бораверинг. Салимхўжа ҳақида ўзимиз қайғураемиз...

Сабоҳиддин Табиб афандининг елкасига бош қўйиб, туриб қолди. Кейин қўл олишиб хайрлашди-да, беҳол юриб кетди...

Рҳақ эзилган кўйи бир-бир босиб кетаётган Сабоҳиддинни, ўзгалардан зеҳни билан фарқланиб турувчи Салимхўжани эслаб юраги эзилди. Аслида ўшанда Салимхўжани зиндондан чиқариб, Сабоҳиддинни йўлдан қайтарса бўларкан. Ҳақиқатни эшитиб, бир оз саросимага берилсалар ҳам, ишонишарди. Уларнинг бошига яна қандай ташвиш тушди экан? Ерда Танг кўрсатмаларини бузмай ишлагани учун Рҳақ яна бир афсусланди.

Ҳозир орқа томонда Сабоҳиддин хўрсингандай, илиқ нафаси бўйнига урилгандай бўлди-ю, энтикиб туриб қетди. Орқасига ўгирилиб... ўғлини кўрди.

— Қаерда эдинг? — деди у бир оз довдираган ҳолда.

— Шу ерда... кирганимни пайқамангиз, — ўғли шундай деб унга яқинлашди. — Сиз бошқача бўлиб қолгансиз. Юрагингиздаги гапларни яширяпсиз. Сир бой бермаяпман, деб ўйлайсиз. Ёдлаб олган ақидаларингизни пеш қилиб насиҳат қиласиз. Бунақада ўзингизни еб

қўясиз. — Ўғли киноя билан жилмайди. — Тараққиёт учун хизмат қила олмайсиз. — У шундай деб чиқиб кетди.

Рҳақ ўғлига эътироз билдиришга шу тобда ожиз бўлгани учун ҳам уни изига қайтармади. У Ерда юрганида уйга қайтгач, руҳан эзилишини тахмин қилган, ерликларнинг туйғуларига банди бўлмай деб, худди юқумли касалликдан қочгандай қочишга уринар, йироқлашишга интилгани сайин, ундан узоқлашмай, аксинча, тобора яқинлашарди. Мана, оқибат: ерликларнинг туйғулари қарийб юқди, Лукн минорага чиқиб тушгандан бери қалбида ғимирлаётган норозилик очиқ ғалаёнга айланди. Тангга келгунга қадар ўзи билан ўзи пинҳона олишди. Кейин ўғли билан, Фид билан баҳслашди. «Қачон?» «Нимага?», «Шартми?» «Зарур эмас?» «Ажаб...» Бир тана, бир юракка икки киши хўжайин. Ақл юракка, юрак ҳаракатга, ҳаракат сўзларга монанд эмас. Бири иккинчисини инкор этади. Бири бировига бўйсунмайди. Буни ўғли ҳам пайқабди.

Рҳақ ана шундай оғир аҳволда эди.

Нима учун ҳеч ким йўқламай қўйди? Бу — муддаонинг ўзи бўлса-да, Рҳақ ажаблана бошлади. Айниқса, ҳозир уйга сиғмаётган пайтида кимнингдир йўқлашини кутди. Аммо йўқлов бўлмади.

У, айниқса, Фиддан хабар кутганди. Орадан ойлар ўтяпти, аммо Рҳақ интиқ бўлган гапдан дарак йўқ. Тангда бирон-бир масалани ҳал этиш бунчалик узоққа чўзилмас эди. Фид нима учун жим? Наҳот донишмандлар маркази ҳалигача бир қарорга келмаган бўлса? Ахир муаммо жуда ҳам чигал эмас-ку? Рҳақ Ернинг ҳаётини тўлалигича оқлагани йўқ. У ҳам Лукн каби ерликларнинг ярамас жиҳатларини пайқаган, бундан ғазабланган. Лукн билан унинг хулосаларида асосанбиттагина жиддий фарқ бор: Рҳақ ерликлар келажагига умид билан қарайди. Лукнда мана шу умид йўқ. Ҳар қандай нотўғри хулосанинг, ҳар қандай фожианинг боши умидсизлик эканини англаш наҳот шу қадар оғир бўлса?!

Рҳақни маълумотларнинг қай даражада маъқулланиши эмас, балки Ерга қилинажак янги сафар тақдири кўпроқ ташвишга соларди. Ерга яна тадқиқот мақсадида училадими ё унинг ҳаётига бевосита аралашиш учун сафар қилинадими? Тадқиқот давом эттирилса кимлар боради? Лукнми ёки Рҳақнинг ўзими?...

«Мен албатта боришим керак», — деган қатъий қарорга келган Рҳақни ўша дамдаёқ «Нима учун мен боришим керак?», «Нима учун Ерга қайтгим келяпти?» деган саволлар сиқувга оларди. У турли баҳоналар ўйлаб топиб, ўзини-ўзи ишонтиришга ҳаракат қиларди. Кунлар шу зайлда ўтяпти. Фиддан эса дарак йўқ. Рҳақ ўйлай-ўйлай, «Хабар кутиб, диққинафас бўлмасдан, Фиднинг олдига борганим маъқул», деган қарорга келди. Эртасига нонуштадан сўнг Фиднинг ҳузурига йўл олди.

Дўстининг хонасида бўғилиб баҳслашаётган Лукнни кўрди-ю, остонада тўхтаб қолди. Фид Рҳақни имо билан ичкарига таклиф қилди.

— Нимангизга кериласиз? — деди Лукн кириб келган Рҳаққа эътибор ҳам бермай. — Ўзингиз ҳам фойдали кашфиёт қилганингиз йўқ-ку?

Лукн асабийлашган сайин Фид ўзини хотиржам тутарди. Лукннинг сўнги сўзларидан ҳатто кулиб ҳам қўйди. Фиднинг қандай буюк кашфиёт эгаси экани каттаю кичикка маълум бўлса-да, Лукн уни атайин камситиб, жиғига тегмоқчи эди. Лекин ўқ мўлжалга тегмади — Фид асабийлашмади.

— Мен ерликларни бежиз саросимага солмаганим учун ҳам кериламан, — деди у босиқлик билан.

— Мен бунинг зарарли эканини билмаган эдим.

— Сизнинг онгсизлигингиз ҳам шу.

— Ҳаётда хатолар юз бериб туради, буни унутманг.

— Ҳар нарсанинг чегараси борлигини сиз ҳам унутманг.

— Яхши, унутмасликка ҳаракат қиламан. — Лукн шундай деб ўзини босиб олиш учун чуқур нафас олди.— Энди бу гапларни қўйиб, муддаога ўтайлик.

— Менг қароримни ўзгартирмайман.

— Сиз мени...

— Ҳа. Лаёқатсиз деб биламан. Сиз бу ишга мутлақо нолайиқсиз!

Фид ўрнидан турди-да, дераза олдига бориб, орқасини ўгириб олди. Лукн унга нафрат билан қаради-да, чиқиб кетди. Фид шундан кейингина Рҳаққа ўгирилди.

— Кўрдингми? — деди у эшик томон ишора қилиб.— Темир сандиққа солиб кўмиб ташласанг ҳам иложини топиб тешиб чиқаверади.

— Сендан нима талаб қиляпти?

— Яна Ерга учмоқчи. Қўйиб берсанг, энди Ерни алғов-далғов қилиб қайтади. Минора сиртида юргани учун у жазоланди.

— Ерга яна училмоқчимми?

— Ҳа. Шу масалада сени чақирмоқчи эдим. Келганинг яхши бўлди. Энди Ерда жиддий тадқиқотлар бошлаш вақти етди. Сен билан Лукн тавсия этган икки хил маълумотлар бизни чалғитиб қўйди. Энди Ернинг олти нуқтасига якка-якка ҳолда юборамиз. Қадимда тараққиёти юксак бўлиб, оқибатда уйқуга берилган юртларни чуқур ўрганиш керак.

— Ерга кимлар учади?

— Ҳозирча аниқ бир гап айтиш қийин.

— Тахминий рўйхат бордир ахир? — Рҳақ Фидга яқинлашиб елкасини ушлаб, силтаганини ўзи ҳам сезмай қолди.

— Ўзингни бос, — деди Фид унинг қўлларини елкасидан олиб. — Бу нима қилганинг? Шу асабийлигинг билан Ерга учмоқчимсан?

— Ҳа. Мен албатта учишим керак.

— Нима учун?

— Мен... тахминларимни исбот қиламан.

— Шунинг ўзими?

— Демак... Мен рўйхатда йўқ эканман-да, а?

— Мен бундай демадим шекилли?

Бу гапдан кейин Рҳақнинг чеҳраси очилди.

— Мен рўйхатга номзодингни киритдим. Аммо бу ахволингда тиббий синовдан ўта олармикансан?

— Ўтаман, Фид.

— Яхши. Лукн ўрнатиб қайтган узатгичларнинг айримлари маълумот юбормай қўйди. Балки у одамлар ўлгандир. Сабоҳиддин деган ерликни билармидинг?

— Бу сенга қаердан маълум бўлиб қолди?

— Лукннинг ҳисоботидан. Хуллас, ўшандан келаётган маълумотлар чалкашиб кетди. Ерга борсанг, у одамни топасан. Ўзгариш сабабини билишимиз зарур.

— Фид, ерликларнинг ҳаётини таҳлил қилиш учун аждодларимиз тарихини озгина бўлса ҳам билсам, зарар қилмасди.

— Шарт эмас. Сен кўрганларингни бизга маълум қилавер. Таҳлил этиш махсус гуруҳнинг иши.

— Фид, бир нарсани очик айт, тадқиқотлар тугагандан кейин Ернинг тақдири нима бўлади?

— Очиги, ўзим ҳам билмайман. Аммо Тангнинг тақдирига бефарқ қараш мумкин эмас. Биз эртами-кечми, табиатга қайтадан яқинлашишимиз шарт. Табиатдан узоқлашганимиз сайин ҳамма нарсадан ажралаймиз. Буни фақат сен эмас, бошқалар ҳам тушунади.

— Демак... биз бора-бора ерликлар ҳисобига яшашимиз керак экан-да?

— Жуда унчалик эмас. Биз аввало уларга ёрдам берамиз. Уларнинг онг даражалари бизникидан паст.

— Балки юқоридир?

Фид Рҳаққа тикилиб қолди. Юқори лаби учди. Тескари ўгирилиб олди. Бир неча дақиқа илгари ҳам Лукннинг гапларидан ғазабланиб, шу алфозда дераза ёнига бориб турган эди. Рҳақ бемаврид баҳслашганини сезиб, афсусланди. Фиддан садо чиқавермагач, изига қайтмоқчи бўлди. Эшик тутқичига қўл юборганда бармоқларининг титраётганини кўрди. Қизиқ, асабийлашишга ҳеч бир асос йўқ эди. Аксинча, Ерга учувчилар рўйхатида номзоди борлигини билиб, қувониши лозим эди. Бу хушxabарни интиқлиқ билан кутаётган эди...

— Мен бу хабарни эшитиб, қувонарсан, деб ўйлабман, — деди Фид босиқ оҳангда.

Рҳақ тўхтаб, ўгирилди. Фид ҳамон дераза олдида турарди.

— Фид, ўзим ҳам ҳайронман.

— Агар яна учишни истасанг, саломатлигингни ўйла. — Фид шундай деб унга қаради. Рҳақ гапиролмади. Бошини қуйи эгиб, чиқиб кетди. Даҳлизда ўғлини кўриб, таажжубланиб тўхтади.

— Сен бу ерда нима қилиб юрибсан?

— Сизни излаяпман. Тезда уйга боринг. Онам йўқлаяптилар.

— Уйдан ҳозиргина келдим-ку?

— Тоблари қочди.

— Юр, бўлмаса.

— Мен тажрибахонадаги дўстимга бир оғиз гап айтаману орқангиздан етиб бораман.

Рҳақ шошганича уйга жўнади. Ўғли, айтганидай, орқасидан етиб бормади. Рҳақ хотини ётган хонага кирди. Хотини пинакка кетган экан, чўчиб кўзини очди. Эрини кўриб, маъюс жилмайди.

— Тинчликми? — деди хаста овозда.

Рҳақ нима дейишини билмай иккиланди.

— Тинчлик... қиладиган ишим йўқ, зерикапман, — деди ниҳоят. — Ўзинг тузукмисан?

— Ҳа, бугун анча енгил тортиб турибман. Ўлингиз ҳозиргина кетди.

— Сенга бир нима дедими?

— Ҳеч... Ҳа, айтмоқчи, видеомагнитофонингизга бир нималарни ёзди шекилли.

Рҳақ хонасига кириб, видеомагнитофон тугмасини босди. Кафтдек экранда ўғлининг жиддий қиёфаси кўринди. У шошилмай дона-дона қилиб гапира бошлади:

— Ҳар нарсанинг чеки-чегараси бўлиши керак. Ҳиссиз сайёранинг умри қисқа. Ўтмишини рад этган ва унутган жамиятнинг келажаги ҳам йўқ. Биз норозилик сифатида бутун тўдамик билан ўзимизни қурбон қиламиз. Тангда бир кунмас-бир кун, албатта ҳис-туйғу, меҳр-оқибат кўз очади, деган умид билан ўламиз. — Ўғли бир оз тин олди. Кейин овозини баландлатди: — Нима учун биз фақат юксалишни ва ишни ўйлашимиз керак? Биз авлодларга нимани мерос қилиб қолдирамиз? Ваҳшийликними?

Гап тугаши билан тасвир йўқолди. Рҳақ гангиб, хотини ётган хонага чиқди.

— Нима дебди яна? — деди хотини хавотирланиб.

— Ўзининг ўша эски дарди...

У гапини тугатмай, дераза ойнаклари зириллаб, уй титраб кетди. Хотини ваҳима билан қичқариб юборди.

Рҳақ донишмандлар марказидаги асосий тажрибахона портлаганини, бу мудҳиш ишни амалга оширишда ўғли ҳам иштирок этиб, тўдаси билан бирга ҳалок бўлганини бир неча дақиқадан сўнг билди.

Ўзига суиқасд қилган ёшлар мақсадларини баён қилиб кетган бўлсалар ҳам уларнинг ўлими бахтсиз ҳодиса сифатида қайд этилди. Кераксиз шов-шувга йўл берилмади.

Рҳақ Танга қайтгач, ўзини ёлғиз сезиб, сайёрада туйғуларнинг уйғонишини орзу қилиб юрган эди. Энди билса, у ёлғиз эмас экан. Туйғуга чанқоқлар ҳам бор экан. У ўғлининг ҳалокатидан беҳад изтиробда эди. Аммо зурриёдининг аниқ бир мақсад йўлида қурбон бўлгани уни овунтирарди.

Орадан ярим ой ўтмай, хотини билан ҳам видолашди-ю, тамоман гангиб қолди. Асаблари бутунлай ишдан чиқаётганини англади. Ерга қилинажак сафардан умидини узди. Ана шу кезде яна Фид жонига ора кирди. Уни марказий асаб ҳужайраларини созловчи биотелекамерага жойлаштирди. Шу муолажадан сўнггина у тиббий кузатувдан ўтди. Фид Рҳақнинг илтимосларини бажаришга ҳаракат қилди. Ген камерасига ўрнатилган миянинг телепатик хусусиятини кучайтирувчи мослама қувватини оширишга эришди. Энди Рҳақ инсон қиёфасига киргач, бир неча ўн қадам наридаги одамнинг фикрини уқиб, унга фикран буйруқ бера оладиган бўлди. Ердан узатилган биоток оқимлари асосида тўпланган маълумот билан танишиш Рҳақни беҳад қувонтирди. Чунки бу маълумот Сабоҳиддиннинг кейинги ҳаракатларини баён этарди. Кеманинг махсус бўлмасидаги бу маълумотни Рҳақ фақат Ерга яқинлашган чоқдагина олиб ўқиши мумкин, чунки Ернинг маънавий қиёфаси ҳақида маълумот тангликларга аён бўлмаслиги шарт эди. Учиш онлари яқинлашгани сайин Рҳақни ажиб бир ҳаяжон қамраб борарди. Илгарилари у бундай ҳолга ҳеч тушмаган эди. Энди у ҳиссиз сайёрасидаги тартиблар борасида фикран баҳслашмас, балки кўпроқ Ерни ўйларди. Эски танишларини қўмсарди... У Ерга тушади. Бухорога боради. Ёш бухороликларни бир-бир излаб топади. Сўхбат қуради. Кейин Назирани кўради... Назира унга ғазаллар ўқийди. Кейин ўзи яширинча битган байтлардан... Суюклиси билан топишганини қувона-қувона айтади... Кейин Рҳақ водийларни кезади. Булбулларнинг сайрашини эшитади. Булоқ сувидан симиради...

Рҳақ учиш кунига шу ширин хаёллар билан яшади.

Кемага чиқар маҳалида бирдан нафаси қайтиб, юраги уришдан тўхтагандай бўлди. Кутилмаганда «Яна боришим шартмиди?» деган фикр миясига урилиб, баданига муз югурди. Беихтиёр орқасига ўгирилди: майдонда ҳеч ким йўқ. Узоқда кузатувчилар жойлашган бино. Фид ҳам ўша ерда. Улар билан қайта кўришиш насиб бўлармикин? Ердан қайтганда ҳаммадан ётсираб қолган эди. Эндиги қайтишида қандай ҳолга тушаркин? Ерликларни янада қаттиқроқ яхши кўриб қолармикин ё Лукн каби нафратланиб қайтармикин?

Кема сайёра сатҳидан кўтарилгач, Рҳақнинг юраги қалқди. Назарида қалбининг бир парчаси узилиб қолгандай бўлди. Танг — ҳиссиз бўлса ҳам ҳар ҳолда она юрти эди...

Рҳақ кемада ўз иши билан машғул бўлди. Кераксиз баҳсга берилмаслик учун ҳамроҳларининг сўхбатларидан ўзини четга олди. Муддат етгач, биринчи бўлиб ўйқу камерасига кирди. Тиниқиб ухлади. Галлютсинатсия бу сафар ҳукмини ўтказмади. Қуёш мажмуасига яқинлашганларида уйғонишди. Рҳақ шундагина Сабоҳиддин ҳақидаги маълумотлар билан танишишга тутинди.

## ОРАГА ҚИЛИЧ ТУШДИ

Сабоҳиддин Табиб афанди — Рҳақ билан қўл олишиб хайрлашгач, анча ергача отини етаклаб, беҳол юриб борди. Шаҳар дарвозаси олдидаги бақириқ-чақириқлар эшитилмай қолгач, орқасига қаради. Ҳорғин одамдай чўкиб ётган деворларга маъюс тикилиб турди-да, отига минди. У муддарриснинг ўғитига амал қилиб, оташ аравага минмади, отлик ҳолда Кармана, Самарқанд, Хўжанд, Қўқондан ўтиб, Марғилонни қоралаб бораверди.

У Марғилонга яқинлашганида кун пешиндан оғиб қолган эди. Гузардаги масжид имомига бериб юборилмиш омонат мактубни топширгач, шомга қадар Фарғонага етиб олишни режа қилганди. Масжидга кириб ҳеч кимни учратмагач, гузарнинг нариги бетидаги катта толлар панасида биқиниб турган самовархонага бориб ўтирди. Елкасига сочиқ ташлаган, яктаги устидан боғланган қўшбелбоғдан носқовоғи дўмпайиб чиқиб турган самоварчи бир ликобчада ҳолва, иккинчисида майиз келтириб қўйди.

— Меҳмон сув қайнагунга қадар андак сабр қиладиларми?



— Хижолат бўлманг, шошаётган ерим йўқ. Фақат масжидда ҳеч ким кўринмаётганидан таажжубдаман.

— Э, меҳмон, янги гаплардан хабарлари йўқми ҳали?

— Тинчликми, ишқилиб?

— Бу тунда Холиқберди тўрамнинг волидаи мукаррамаларини қатл қилишибди. Тўрам пешинга етиб келдилар. Ҳозир ҳамма жанозада.

Сабоҳиддин фотиҳа ўқиди. Самоварчи унга қўшилди.

— Қатл қилишибди, дедингизми? — деб сўради Сабоҳиддин ажабланганини яширмай.

— Ҳа, қатл қилишибди, — деди самоварчи хотиржам бир оҳангда. Кейин: «Шундай олатасир замонда бир кампирни ўлдиришса нима қипти? Не-не лочин йигитларнинг боши учяпти-ю! Бу йигит осмондан тушганми, нима бало? Бунча ҳайрон бўлмаса», дегандай ғалати қараш қилди.

— Ҳимоясиз бир ожизада кимнинг қасди бор экан?

— Буниси бизга қоронғи. Юзта оғиздан юз ўн гап чиқяпти ҳозир. Қай бирига ишонишни ҳам билмай қолди киши. Самовар қайнади шекилли, мен борай-чи...

Сабоҳиддин жўмраги чегаланган чойнакдаги чойни бўшатай деганда от дупури эшитилди. Йўлнинг икки чеккасидаги қўшқатор толларнинг ишком бўлиб чирмашган шохлари офтоб нуруни ўтказмагани учун кўча бир оз қоронғироқ кўринарди. Отлиқлар гузарга яқинлашдилар. Олдинда икки сувори. Орқароқда қўқонарава. Аравага тўрт киши чандиб боғланган. Орқада яна ўнга яқин отлиқ аскар. Олдинда келаётган сувориларнинг бири Сабоҳиддиннинг кўзига иссиқ кўринди, тикилиб қаради: акаси! Чойнакни қўйиб, отлиқларга пешвоз чиқди. Акасини чақирайми-чақирмайми, деб иккиланиб турганда, Жамолиддин узун тўн кийиб, салла ўраган укасини таниб, тизгинни тортди-да, «Сабоҳиддин, жигарим!» деб отдан сакраб тушди. Ака-ука бир-бирини бағрига босганича унсиз туриб қолди. Тил ўрнига бир-бирига жуда яқин келган икки юрак гаплашди:

— Соғ-омонмисан, укажоним!

— Худога шукр, омон қайтибсиз. Мени деб не азобларни елкангизга олдингиз. Акамнинг жонини омон сақла, яхши кунларда дийдор кўришайлик, деб ҳар ибодатдан сўнг Оллоҳга ёлбордим. Минг қатла шукр, оҳларим Танграмга етиб борибди...

Одатда узоқ айрилиқдан сўнг топишган аёллар йиғиларини яшира олмайдилар. Эркаклар эса овоз чиқармай кўришадилар. Чунки сўзга оғиз жуфтланса йиғиталаб қалблар иродадан устун келиши мумкин. Аламларини ҳам, дард-ҳасратларини ҳам ичга юта олиш қудратига эга бўлган эркакларнинг заифлигини бундай ҳолларда мижжалар орасидан сизиб чиққан кўз ёшлари ошкор қилиб қўяди. Ҳозир ҳам шундай бўлди.

— Жалолиддинов, йўлдан қоляпмиз!

Соғинган юраклар бир-бирига тўймай қолди.

— Саша, қара, укам келибди. Эсингдами, сенга у ҳақда гапиргандим, — деди Жамолиддин ҳамроҳига қараб.

— Эсимда, эсимда. Жуда аъло иш бўлибди. Аммо ҳозир тўхташга фурсат йўқ. Қайтишда истаганингча кўришаверасан.

— Хўп, ҳозир. Сабоҳиддин, сен шу ерда тура тур. Мен тезда қайтаман.

— Узоққа кетяпсизми?

— Анавиларни Холиқберди тўрага топширамуз қайтамуз.

— Улар кимлар?

— Тўранинг онасини ўлдиришибди. Эшитгандирсан?

— Ҳа.

— Бўпти, укажон: мен келгунимча шу ердан жилма.

— Самоварда бўлмасам, масжиддан топасиз.

Отлиқлар йўлга тушди. Сабоҳиддин жойига қайтди.

— Танишингизни учратдингиз, шекилли, а, меҳмон? — деб сўради самоворчи унга яқинлашиб.

— Танишим эмас, акам бўладилар. Олти йил кўришмаган эдик.

— Олти йил?! Тагин ҳам одам ҳижронга чидайди. Акангиз мардикорга кетган эдиларми?

— Йўқ, мардикорга олиш бошланмасдан бурунроқ Сибир қилишган эди.

— А...а?

— Мен эсам Бухорои шарифга таҳсил олгани кетган эдим.

— Акангиз ўша дамларда ҳам оқпошшога қарши эканлар-да, а?

Сабоҳиддин акасининг сургун қилиниши сабабини айтиб ўтирмай, «ҳа», деб қўя қолди.

— Аравадагиларни қаерга олиб кетишяпти экан?

— Холиқберди тўрага.

— Қотиллар шулар бўлмасин тагин?

— Ҳа, ўшалар экан.

— Ё алҳазар! Улар ҳам шўролардан-ку? Ўзлариникини ушлаб беришибдими?

— Шўролар дейсизми?

— Ҳа-да! Иккитасини яхши танийман. Бири мелесада, биттаси чекадами, қўмитадами ишларди. Ўшаниси бир кун менга пўписа қилган. Вой, онангни кўргурлар-е, ғирт ғаламис экан-да, а, бари? Аммо ушлаб тўрамга топширишлари дуруст бўлибди.

— Нимага?

— Қотилларни топширишмаса, қирғин бўлиши турган гап эди. Худога шукр, бегуноҳларнинг қони тўкилмайди энди.

Аср намози яқинлашгач, масжид атрофида одамлар кўринди.

Сабоҳиддин имомни топиб, Бухорои шарифдан дуо олиб келганини айтди. Имом мактубни олиб ўпди, кўзига суртди-да, токчага олиб қўйди. Намоздан сўнг гаплашамиз, деб гапни калта қилди.

Сабоҳиддин таҳорат олиб намозга кирди. Имом унга ёнидан жой кўрсатди. Намоз тугагач, имом йиғилганларга қараб сўз бошлади.

— Муҳтарам жамоа, бугун Марғилонимизга Бухорои шарифдаги олий мадрасада таҳсил кўриб қайтаётган мулла Сабоҳиддин Жалолиддин ўғиллари ташриф буюрганлар. Иқболимиз кулганини қаранг-ки, у киши бизнинг масжидимизга қадам ранжида қилишни лозим кўрибдилар. Олий зотларнинг суҳбатларидан, илмидан баҳраманд бўлган мўътабар меҳмонимиз ваъза айтиш истагини билдиряптилар. Биз ҳам муҳтарам жанобнинг амри маъруфларига мунтазирмиз.

Сабоҳиддин имомга ҳайрон бўлиб қараб қолди. Имом эса унинг таажжубини сезмаганга олиб, ярим қуллуқ, ярим жилмайиш билан ўрнини бўшатди. Сабоҳиддин мударриснинг ўнгитларини эслаб, Ҳуд сурасини тафсир қила бошлади. Ваъз тугагач, пойгак томонда турган ёш бир йигит уни саволга тутди:

— Биз омиларни айбситмайсиз, тақсир, аммо Оллоҳ-таолонинг тўфон юборишига оид бир ривоятда тўфон қайтганидан кейин Тангри «Енди бандаларимни бундай азобга қўймайман», деб осмону фалакка камалак илган экан?

— Айна рост.

— Агарчи, Оллоҳ-таоло шундай қарор берган экан, шу топга келиб, аҳдини бузиб, қиёматни юбориши мумкинми?

— Тангрим иймонини йўқотмаган бандаларига раҳм-шафқат қилиб, шу қарорга келган эди. Токи иймонсизлар сафи ошиб борар экан, Тангримиздаги раҳм-шафқат жоми ғазаб захрига айланур ва қиёмат қойим бошланур. Аммо Худованди карим ҳидоятдаги бандаларини ҳеч вақт азобга қўймайди. Оллоҳ таборак ва таоло Сод сурасида марҳамат қилиб айтадики, астаъизубиллаҳ: «ам нажаълуллазийна амануу ва аъмилус-салихати калмуфсидийна фил арзи ам нажъалумуттақийна калфужжар», садоқоллоҳулазийм. Яъниким, Ҳақ-таоло дейдиким: «Биз

иймон келтирган ва яхши амалларни қилган зотларни Ерда бузғунчилик қилиб юрувчи кимсалардек қиламизми? Ёки тақводор зотларни фисқу-фужур қилиб юрган кимсалар каби қилар эканмизми?» Алқисса шуки, иймон келтирганлар билан иймонсизлар Оллоҳ ҳузурда тенг эмаслар. Қиёматдаги ажрлари ҳам бўлакча-бўлакчадир.

— Тақсир имонсизлар, бузғунчилар деганда шўроларни назарда тутяптиларми?

Суҳбатга имом аралашди.

— Мулла Сабоҳиддин, изн берсалар, бу саволга мен жавоб қилсам.

— Марҳамат қилсинлар.

— Муҳтарам жамоа, мулла Сабоҳиддин асли водийдан бўлсалар ҳам, кейинги уч йил бадалида биз томонларга энди келишлари. У киши ҳали шўроларнинг қандай кишилар эканини билмайдилар. Шу боис сўроғингизга мен ўзим билганимча жавоб бераман: шўроларнинг бари ҳам имонсиз эмас. Имонлилари ҳам бор. Аммо улар йўлдан адашганлар. Аҳли муслимдан кимда-ким йўлдан адашган бир мусулмон бандасини исломга қайтарса, унинг етти гуноҳидан ўтилиб, охиратда қийноқ азобларидан холи этилур. Агар уч гуноҳкор бандани йўлдан қайтарса, унга жаннатнинг энг кўркам еридан жой ато қилинур. Бу расулиллоҳнинг шарафли ҳадисларидур ва барчангиз уни дилингизга жо қилмоғингиз даркор. Наинки дилга жо этиш, балки кўрган, билган барча биродарларингизни бундан огоҳ қилиш бурчингиздир. Роббимиз Оллоҳ Қуръони азимушшанда марҳамат қиладики, атсаъизубиллаҳ: «Ва ман яъмал минас-солихати мин закарин ав унса ва ҳува муъминун фаулаика ядхулунал жанната ва ла юзламуна нақийран», садоқоллоҳулазийм. Яъниким, кимки у хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл — муъминлик ҳолида савобли ишлар қилса, айнан улар жаннатга кирурлар ва уларга хурмонинг думича ҳам зулм қилинмагай.

— Тақсир, мен бир нарсага тушунмай гарангман,— олдинги қаторда ўтирган самоворчи шундай деб имомга мурожаат қилди. — Мулла Сабоҳиддиннинг акалари шўролардан экан. Мулла акаларини йўлдан адашган ҳисоблайдиларми ёинким иймонсиз деб биладиларми?

— Сиз бу гапни қайдан олдингиз?

— Узоқ айрилиқдан сўнг ҳали-замон топишдилар. Омонлашганларига кўзим тушиб эди. Акалари қотилларни Холиқберди тўрамга топширгани олиб кетаётган эканлар.

Бу гапни эшитиб, имом Сабоҳиддинга ўғринча қараб олди, аммо сир бой бермай жавоб қилди:

— Мулла Сабоҳиддин, янглишмасам, акаларининг бу йўлга кирганларидан беҳабарлар. Акалари билан ҳамсуҳбат бўлиб, у кишининг дилидагиларини билмай туриб, сизга тайин жавоб қилишлари мушкул, шундайми, мулла? — Сабоҳиддин бу саволга ярим таъзим билан жавоб қилди. Имом мамнун бош ирғаб сўзини давом эттирди: — Оллоҳдан умид қиламизким, мулла Сабоҳиддиннинг акалари ҳали имонларини йўқотмаганлар.

Бошқа сўровчилар қолмагач, одамлар тарқала бошлашди. Имом Сабоҳиддинни гилам тўшалган ҳужрага бошлади.

— Мен сиз ҳақингизда аввалроқ кўп ибратли гаплар эшитиб эдим, — деди у Сабоҳиддинни тўрга ўтишга таклиф қилар экан. — Чаноққалъадаги жиҳодда Оллоҳ йўлида жанг қилганингиздан ҳам хабардоримиз.

— Лутфингиздан бағоят миннатдорман. Аммо андек саросимага солиб қўйдингиз. Илгаритдан огоҳ этганингизда...

— Ваъздан огоҳ этишни атайин раво кўрмадим. Сиз энди муллавачча эмассиз. Жамоат ҳамиша сизнинг сўзингизга маҳтал туради. — Имом шундай деб тоқчадаги мактубни олиб ўқиди. Сўнг Бухородаги янгиликлар билан қизиқди. Амир лашкарларидан сўз очди. Гап орасида Жамолиддин исмли аскарбошини дуруст билишини ҳам қистириб ўтди. Кейин: «Ётадурган ерингиз борми?» деб сўради.

— Акамнинг дийдорига тўйсам, деган ниятдаман,— деди Сабоҳиддин шикаста бир оҳангда.

— Бағоят тўғри фикр қилибсиз. Агар акангиз шайтон васвасасига тушган бўлса, у кишини ҳақ йўлга солишга қудратингиз етади, деган умиддаман.

— Инша Оллоҳ.

— Сиз уйингизга ошиқмай, аввал Холиқберди тўрамнинг ҳузурларига борасизмикин?

— Сабаб? — Сабоҳиддин имомга ярқ этиб қаради. Қалин қошлар соя ташлаб турган кўзларда макр кўрди. Гўллик билан тўрга илинган сайдини мамнун бир кайфиятда кузатаётган сайёднинг кулгисини имомнинг юпқа лабларида кўрди.

— Бухородаги олий зотларнинг истаги шундай. Тўрамнинг ҳузурларида қандай юмушга чорланишингизни ўша ерда маълум қиладилар, — деди имом унга синов назари билан қараб. — Мактубда зикр этилишича, олий зотлар Маъмур бойваччанинг асл қотилини билар эканлар.

Бу гапни эшитиб Сабоҳиддин имомга бургут қараш қилди.

— Билсалар, нима қилибди? — деди зардасини яширмай.

— Улар ёпиғлик қозон ёпиқлигича қолсин, мулланинг шаънига доғ тушмасин, деяптилар.

Бу гапни эшитиб, Сабоҳиддин аввалига тилдан қолгандай бўлди. Ҳазабга банди бўлиб қолмаслик учун калима қайтарганича дастурхонни ғижимлади. Имом унинг барча ҳаракатларини хотиржам кузатарди. Шунинг учун ҳам у ўзини босишга ҳаракат қилди:

— Тақсир, Бухородаги олий зотларга мактуб битар бўлсангиз, икки оғиз сўзим бор, қистириб ўтинг. — У овози титраётганини сезиб, озгина сукут сақлади. — Айтингки... улар мен учун бўлак қайғуришмасин. Яна айтингки, мен гуноҳим учун фақат Тангри олдида ҳисоб бераман. Оллоҳдан бўлак ҳеч бир кимса гуноҳимни пеш қилиб мени кўрқита олмайди. Мулла Сабоҳиддин гуноҳидан чўчиб, Холиқберди тўранинг хизматига мажбур бўлади, десалар қаттиқ янглишадилар. Мен жонимни ҳақ йўлига тикканман, буни унутмасинлар.

— Мулла, эсингизни йиғинг.

— Сўзимни бўлмай эшитинг: мен — Муҳаммадур Расуллиллоҳ умматиданман. Жоним битта экан-ку, мингта бўлса ҳам ислом йўлига қурбон қилишдан қайтмайман. Ислом лашкарларига хизмат қилишдай шарафга еткургани учун Оллоҳга минг қатла шукр. Шу сўзларимни ёзинг. Сабоҳиддинни гўдак фаҳмамасинлар.

Шу билан суҳбатга якун ясалди. Сабоҳиддин яна самоварга чиқди. Марғилон бағрида шабада югургилагач, йўл-йўл иштонининг почасини ҳимариб олган бўз ятакли ўспирин атрофга сув сепди. Кун бўйи қуёш заптига банди бўлган ернинг тафти кўтарилди. Самовар аста-секин гавжумлашди. Одамлар бугунги дафн маросими ҳақида, юртнинг бесаранжомлиги тўғрисида суҳбатлашишар, гапга аралашмай жимгина ўтирган Сабоҳиддинга хавотир кўзи билан қараб қўйишарди. Сабоҳиддин чойнакни яримлатмай, самоварчи янгилаб келди.

— Зерикмаяпсизми, тақсир, бир жуфт қўшиққа тобингиз қалай, Рустам қори келганлар, — самоварчи Сабоҳиддиндан жавоб кутмай, ўнг томондаги сўрида ўтирганларга қараб баланд овозда: «Қани, қори почча, бир эшитайлик», деди.

Атрофдан: «Ҳа, бир эшитайлик», «Юракни қон қиладифонидан бўлсин», «Ешитганлар муродларига етсинлар», деган овозлар келди. Тўрда ўтирган кўзлари юмук, чўтир юзли, тўладан келган киши ёнини пайпаслаб танбурни олди. Уни бахмал ғилофдан чиқариб, созлади. Сўнг ҳазин куй янгради. Гўё танбур симлари эмас, ўтирганлар қалбида ғубор босган торлар чертилди. Барча, жумладан, Сабоҳиддин ҳам ажиб бир сирли ҳолат пардасига бурқалди. Бугунги маросим ҳам, алғов-далғовлар ҳам унутилди. Гўё ҳеч ерда уруш-жанжал йўқ, гўё ҳеч ерда қон тўкилмаяпти, гўё ҳеч ким алам билан бошини тошга урмаяпти. Гўё дунёда ҳеч гап йўқ. Фақат оламда шу сўлим самовархона мавжуд. Гўё ер юзига танбурдан таралаётган шу куйгина ҳукмрон. Йўқ, фақат куй эмас, ширали овозда айтилган қўшиқ ҳам бор. Ана, куй пастлаб, қори қўшиқ айта бошлади:

*Сенинг ишқингда, эй номехрибон, бехонумон бўлдум,  
Демон бехонумон, овораи икки жаҳон бўлдум.*

*Лабинг гар бермаса бўса, нечун жон элта олғайман,  
Бу йўлдаким адам саҳросиға эмди равон бўлдум.*

Қўшиқ тугади. Орага жимлик чўкди. Тингловчилар ашула сеҳридан қутулиб, ижрочига олқиш айтишга улгурмай иккинчи қўшиқ бошланди:

*Қани Ширин билан Лайлики, сендин ноз ўрганса.  
Қани Фарҳоду Мажнунким, аларға ишқ ўргатсам...*

Танбурнинг зир титраётган торлари, ҳофизнинг нолали овози ҳаммани банди қилиб қўйган, айниқса водийнинг қўшиқларини, водийнинг гурунглари соғинган Сабоҳиддинни сеҳрлаб олган эди. Гарчи Бухоро билан Фарғона осмони бир бўлса-да, Сабоҳиддин киндик қони тўкилган ерни кўп қўмсарди. Хатм кутубни орзиқиб кутарди. Ота-онаси бағрига интиларди. Уйига мулла йигит бўлиб кириб келишни, хонадонидаги шодиёнани кунда турлича тасаввур этарди. Дунёнинг номардлигини қарангки, унинг қайтиши нотинч кунларга тўғри келибди. У Чаноққалъада эканида: «Танамни қирққа бўлиб, осмонга сочиб юборсалар ҳам майли, дайди шамоллар биргина бўлагимни учириб, қишлоғимга ташлаб ўтса, мингдан-минг розиман», деб хаёл қиларди. Шукрки, ота-онаси бағрига тўрт мучаси соғ қайтпти. Яна оддий мулла эмас, ислом лашкарларининг муродбахш раҳнаمولари қанотига кирувчи эътиборли одам сифатида қайтпти. Мусулмон боласи учун бундан бўлак улўғроқ ажру саодат борми?

Сабоҳиддин қўшиқ сеҳрида шуларни ўйларди. Ўйи ниҳоясига етмай қўшиқ узилди. Отларнинг дупури эшитилди. Юрак эзгуликка қонмади.

— Тўрам! — деди самоварчи. — Тоққа чиқиб кетяптилар шекилли?

— Холиқберди тўра қайси бирлари? — деб сўради Сабоҳиддин.

— Ўзлари кўринмайдилар.

Гўё ердан қайнаб чиқаётгандай отлиқларнинг кети кўринмас эди. Самовархонадагилар фотиҳа ўқиб, аста-секин тарқала бошлашди. Қори ҳам танбурни филофга солди.

— Одамларнинг тинчи бузилди?

— Тўрам шаҳардан кетсалар, осойишталик йўқолади, тақсир. Тўрам кетдиларми, талончилик бошланди, деяверинг.

— Шўролар талашадими?

Самоварчи саволни эшитмагандай гапни бурди:

— Тақсир, агар ётадиган ерингиз бўлмаса, шу сўрига жой қилиб берай.

Сабоҳиддин унга меҳрибончилиги учун раҳмат айтди. Самоварчи эскироқ кўрпача, қаттиқ ёстиқ келтирди. Сабоҳиддин ёнбошлаб ётиб, акасини эслади. Ўша машъум кечада акаси билан бўлган сўнгги учрашуви кўз олдига келди...

У Маъмур бойваччага пичоқ уриб тўғри уйига югурди. Бўзахўрликдан сармаст қайтган Жамолиддин эшик оғзида турган эди. Ҳансираган укасининг қўлидаги пичоқни кўриб ҳайратда қолди. Уни тез ичкарига олди.

— Нима гап?

— Бойваччани ўлдирдим.

— Нимага?

— Оиламиз номусини покладим!

— Тентак! — Жамолиддин шундай деб укасининг юзига шапалоқ тортиб юборди. Сабоҳиддиннинг қўлидаги пичоқ учиб, ерга тушди. Ака-уканинг овозини эшитиб, уйдан дадаси чиқди. Воқеани билгач, карахтланиб туриб қолди. Бу орада кўча томонда шарпа сезилди. Эшик тақиллади. Жамолиддин юрак ютиб эшикни очди. Рўпарада Султонмуродни кўриб, саросимаси бир оз босилди. Султонмурод остона ҳатламай туриб, бош суққанича ичкарига мўралади. Ҳовли

ўртасида қотиб турган ака-укаларни кўриб, манзират кутмаёқ, ичкарига кирди. Сабоҳиддиннинг яктагидан силтаб, ўшқира кетди:

— Бу нима қилганинг, гумроҳ! Қайси иблиснинг васвасасига кирдинг, бадкирдор!

— Ҳай, ҳай, жон тақсирим, деворнинг ҳам қулоғи бор-а... — Жалолиддин унинг одатини яхши билгани учун ялинишга тушди. Султонмурод ягона гувоҳ. Ота унинг оғзини ёпиш учун ҳамма нарсага рози эди. Султонмурод, анчагача поклик ва ҳаромлик ҳақида ваъз ўқиди, орасира Сабоҳиддинни лаънатлаб ҳам қўйди. Ниҳоят, «гуноҳга шерик бўлишга» кўнди.

— Мен сизни деб гуноҳга ботяпман, Жалолиддин. Сиздай олиҳиммат одам учун дўзах оташида куйишга ҳам тайёрман, — деди у охири, — аммо Худо йўлига бир нима атамасангиз бўлмайди.

— Тилаганингизни бераман, — деди Жалолиддин ишнинг енгил кўчганидан қувониб.

— Атаганингиз-да...

— Йўқ, ўзингиз айтинг. Жонимни сўрасангиз ҳам бераман.

— Жонингиз ўзингизга, ана, болаларингизга буюрсин. Худо йўлига қорабайирингизни атасангиз, бас.

Жамолиддин бу гапни эшитиб титраб кетди:

— Бекор айтибсиз! — деди у, тақсирни еб қўйгудек бўлиб.

— Сен тек тур, — деди Жалолиддин уни нари итариб. Кейин Султонмуродга юзланди: — Жон тақсирим, сиз отни нима қиласиз. Ахир улоқ чопмайсиз-ку?

— От менга эмас, Худо йўлига. Оллоҳ кўнглимга шуни солди. Нима қилай?

Кейинги икки йил ичида бутун Ўш, Андижону Марғилон атрофида Жамолиддиннинг қорабайири олдига тушадиган от топилмаётган эди. Қайси бир улоқда қорабайир кўриндими, тамом, манаман деган чавандозлар ҳам совриндан умидларини узадиган бўлиб қолгандилар. Қорабайирнинг баҳоси кун сайин ошиб борар, қирғизлар у ёқда туриб, Тошкентнинг этагидаги қозоқлар ҳам харидор бўлиб келавериб Жамолиддинни безор қилиб юборишганди. Султонмурод буни яхши биларди. Шунинг учун ҳам «худо унинг кўнглига айнан шу қорабайирни солган» эди. Ўткир нафаси ёки зехни билан эмас, хасислиги ва пасткашлиги билан ном чиқарган Султонмуроднинг бу талаби Жамолиддинни бутунлай ҳушидан айирди.

— Ҳе, ўша кўнглингга урай сени... — деб ҳезланиб кела бошлади. Отасининг ҳай-ҳайлашига ҳам қарамади. Ҳали эсини йиғиштириб ололмаган Сабоҳиддин нима қиларини билмай жойида тек тураверди.

Қишлоқ имоми эса, Жамолиддиннинг важоҳатидан кўрқиб, орқасига тисарилди. Бошини кесакига уриб олиб, салласини тушириб юборди. Жалолиддин эшикка кўндаланг туриб, ўғлининг йўлини тўсди.

— Жон болам, қўй, бу шаҳдингдан қайт. Укангни ўйла, жон болам, жувонмарг бўлмасин.

Жамолиддин шундагина хушига келди. Нима қилиб қўйди? Аччиқ устида отига жон куйдириб, укасини ўйламапти-ку?! Бу расво бир балони бошламаса эди.

— Чақиринг, олиб кетсин, — деди Жамолиддин бўғилиб. У ҳовли ўртасида мунғайиб турган укасига ботиниб қарай олмади.

Жалолиддин Султонмуроднинг изидан тушди. Аммо у қоронғи муюлишда кўздан ғойиб бўлган эди. Жалолиддин унинг изини йўқотиб, гаранг бўлиб турганда Маъмур бойваччанинг кўчаси томонда имомнинг жаранглаган овози эшитилди:

— Айюҳаннос, мусулмонлар! Айюҳаннос! Бу қандай бедодлик! Жалолиддиннинг кенжаси Маъмур бойваччани ўлдириб қўйди!

Бўлар иш бўлган эди. Жамолиддин: «Ўғлимни қочириб юбораман», деган хаёлда уйига ошиқди. Султонмуроднинг овозини эшитган ака-укалар гарангсиб ҳамон ҳовлида туришарди.

— Қоч, ўғлим, тоққа чиқиб кет. Фор томонга бор. Эрта-индин ўзим топаман сени, — деди Жалолиддин ҳаллослаб кириб. — Қорабайирга мин, етишолмайди.

— Ҳа, бўлақол, — деди Жамолиддин отасининг гапини маъқуллаб. Кейин отхона томон юрди-ю, дам ўтмай тўхтади. «Йўқ, қочиш фойдасиз», деди ўзича фикрлаб. Сўнг укасига яқинлашди. — Яктагингни еч.

— Нимага?

— Еч деяпман! — Жамолиддин унинг енгидан силтаб тортди. Сабоҳиддин довдираганича қон сачраган яктагини ечиб акасига берди. Жамолиддин уни кийиб, ерда ётган пичоқни олдида, «унингни ўчир», деб кўчага чиқди. Юғуриб келаётган оломон уни кўриб, тўхтади.

— Маъмур бойваччага ким қасд қилди? — деди олдинда машъала ушлаган йигит.

— Мен. Унинг қони билан номусимни покладим.

— Ёлғон гапирма. Укангни чақир!

Одамлар аста бостириб кела бошлашди.

— Яқинлашма! Келганингни чавақлайман! — деб ҳайқирди Жамолиддин. Оломон тўхтади.

— Тақсир қанилар? — деди ҳалиги йигит. Оломон орасидан Султонмурод чиқиб келди. — Қаранг, қотил шуми?

У Жамолиддинга узоқ тикилиб қолди. «Укасини сақлаб қолмоқчимиз? Айни муддао. Ҳам ундан қутуламан, ҳам укасини жиловлаб оламан. Қариганимда асқотади», деб ўйлади. Сўнг паст овозда: «Ҳа, шу. Қоронғида кўзим алдабди. Ана, яктаги ҳам қон. Укаси эмас, шу ўлдирган», деди.

— Қонга қон! — деди йигит.

— Зинҳор! — деди Султонмурод қўлини баланд кўтариб. — Зинҳор озор етказа кўрманг. Гуноҳи бўлса, Оллоҳнинг ўзи жазолайди. Бандага озор бериб сиз ҳам гуноҳга ботманг. Шариат пешволари унинг айбига яраша жазо бергайлар. Зинҳор қўл теккиза кўрманглар.

Жамолиддинни маҳкамага бошлаб кетдилар. Сабоҳиддиннинг дарди ичида қолди...

Шундан бери неча марта ўрик гуллади, неча марта сел келди, дунё остин-устун бўлиб кетди. Аммо оломон олдига тушиб бораётган акаси сира кўз ўнгидан кетмайди. Сабоҳиддин қилмишининг тўғри ё нотўғрилиги, акасининг не сабабдан азобларга рўпара бўлгани тўғрисида кўп ўйлади. Бироқ, калаванинг учини топа олмади...

Узоқ йўл азоби таъсир қилиб, Сабоҳиддиннинг кўзи илинган экан, отларнинг дупуридан чўчиб ўйғонди.

— Тозза кутдингни? — деди Жамолиддин отдан тушар экан. — Хафа бўлма, Тўра бир оз суҳбатга тутиб қолди.

— Холиқберди тўрами? — Сабоҳиддин «янглиш эшитдим шекилли?» деб акасига ажабланиб қаради.

— Ҳа. У билан эски ошначилигим бор, — деди Жамолиддин укасидаги ҳайратни сезмай.

— Холиқберди тўра билан-а?!

Жамолиддин кулди. Илгарилари кулганда кўзлари қисилиб, юмилиб кетай дерди. Ҳозир ҳам шундай бўлган-бўлмаганини Сабоҳиддин қоронғида билолмади.

— Ҳа, Холиқберди тўра билан. Сибирда бир ушоқни бўлиб еганмиз.

— Сибирда? Холиқберди тўра Сибир қилинган эканларми?

— Холиқберди асли тўралардан бўлса ҳам жангари экан. Шунақанги жангарики, уч пахсали деворга миниб, «чух» деса, девор ҳам юриб кетаркан. — Жамолиддин шундай деб яна кулди. — Ҳайит куни жиғига теккан приставни бир уриб, жойлаб қўя қолибди. Қани, юр, борайлик энди.

— Қаерга?

— Казармага борамиз.

— Қаерга?

— Аскарлар ётадиган жойга.

— Кофиру мусулмон аралаш ётаверасизларми?

— Қўрқма, сен кофирларга аралашмайсан. Юравер, менинг уйим бўлак.

Казарма Марғилоннинг кунчиқар томонида, қайси бир бойнинг ёзлик қўрасида эди. Манзилга етгунларича ака-ука бир-бирларига деярли сўз қотмадилар. Сабоҳиддин фақат ота-онасининг саломатлигини сўради. Жамолиддин уйга икки ой олдин борган экан, тайин жавоб айтмади. Казармага келишгач, Жамолиддин дарҳол дастурхон ёзиб, чой-нон олиб келди. Ака-ука бир-бирига тикилиб гапни нимадан бошлашни билмай қолишди. Афатидан, орадаги олти йиллик айрилиқ бежиз кетмаган эди. Сўхбатлари дастлаб қисқа савол-жавобдан нари ўтмади.

— Сибир деганлари дўзахнинг ўзи эмиш, шу ростми? — деб сўради Сабоҳиддин. Аслида, у: «Сибирда юриб кўп азоб чекдингизми?» деб сўрамоқчи эди. Дабдурустдан шундай савол беришни ноўрин деб билиб, гапни айлантирди.

— Дўзах эмас, — деди Жамолиддин укасининг ниятини англаб, — дўзах бўлса кошки эди, жилла бўлмаса исиниб олардик. Жуда совуқ ерлар экан. Ёзининг ҳам тайини йўқ. Лекин одам ҳар нарсага чидаркан.

— Сиз Сибирда, мен бу ерда азобда қолдим, ака. Яктагимни ечиб берганим учун ҳали-ҳали армон қиламан.

— Бу гапларингни қўй, ука. Лойқа сувлар оқиб ўтиб бўлди. Энди покиза сувларни роҳат билан шимириш пайти келди.

— Ака, ўтган ишнинг тўғри ёки нотўғри эканини Тангрининг ўзи баҳолайди. Лекин мен бир саволга жавоб тополмаяпман.

— Нимани сўрамоқчи бўлганингни билиб турибман. Сен не сабабдан қотилликни бўйнимга олганимни билмоқчисан, шундайми?

Сабоҳиддин тасдиқ ишорасини қилди.

— Сен Маъмур бойваччани менинг номусим учун ўлдирдинг. Менинг бепарволигимдан сендаги жангарилик устун келди. Бунинг учун ўзим жазо тортишим керак эди.

— Мени аямадингизми?

Жамолиддин укасининг елкасидан қучди.

— Кел, энди бу ҳақда гаплашмайлик. Бу ишда сенинг айбинг йўқ. Тақсиринг, ҳаммаси Худонинг иродаси, дейди-ку. Мана, соғ-омон дийдор кўришдик. Шунинг ўзи катта гап!

Акасининг Худони пичинг билан тилга олиши Сабоҳиддиннинг ғашига тегди.

— Ака, шўроларнинг бари худобезор, бенамозларми?

— Ҳаммаси эмас.

— Имонлилари борми?

— Ҳаммаси имонли.

— Тушунмадим?

— Имон деганинг эътиқодни англатса, сафимиздагиларнинг ҳаммаси эътиқодли. Айримлар Худога ишонишмайди. Уларнинг эътиқодлари ҳақиқатда.

— Худога ишонишмаса, охиратда...

— Улар охиратга ҳам ишонишмайди.

— Астағфируллоҳ! Одамда ишонч бўлмаса ақлдан озади!

— Бизда ишонч йўқ, деб ким айтди сенга? Бизнинг ишончимиз сеникидан мустаҳкамроқ. Биз мавҳум нарсага эмас, ўз ғояларимизга, иродаларимизга, қилаётган ишларимизнинг фойдали эканига ишонамиз. Сенларда эса бу ишонч йўқ. Сен ўз кучингга ишонасанми? Йўқ. Оллоҳдан марҳамат кутасан. Ироданга-чи? Йўқ. Тангрим берган тақдир, дейсан. Қилаётган ишининг фойда-зиёнини ҳам билмайсан. Охиратда худо ажратиб олади, деб жаврайверасан.

Сабоҳиддин акасига қараб анграйиб қолди. Ўнгими, тушими? Ўз жигарими бу ё акаси либосидаги шайтонми? Унинг тили танглайига ёпишиб қолгандай бўлди.

— Ҳа, оғзингга талқон солиб олдинг? Тўғри гапни тан олишга бари бир мажбур бўласан.

— Жим қолганим ризо аломати эмас. Сиздан шундай гаплар чиқишига ақлим лол. Фурсат борида тавба қилинг!



— Ҳаёт шунақа экан, ука. Азоб тортмагунча оқ-қорани танитай, кўр бўлиб юриверар экансан. Сен ҳам кўзингни оч. Худога сиғиниб юриверма.

— Ака! Менга бундай гапларни айтманг! Одам яратганига сиғинмаса, кимга сиғинади?!

— Ҳақиқатга сиғин, меҳнатга сиғин. Одамнинг бутун бахти ҳам, ҳаёти ҳам ҳақиқат билан ҳалол меҳнатда.

— Ака, демак, сиз ҳам...

— Ҳа, ишонмайман. Калима келтиравер. Яна айтаман: ишонмайман... Худо сен айтганча чиндан бор ҳам бўлсин. Арши аълода сузиб, ердаги воқеаларни кузатаётган ҳам бўлсин. Лекин унда инсоф борми? Мукофотланиши керак бўлган одамни жазолайдиган, жазога лойиқ одамнинг бошини силайдиган Худо кимга керак? Менгами? Йўқ. Сенгами? Сенга ҳам керак эмас. Лекин сен буни тушунмайсан. Мадрасада кўзингга тупроқ сочиб кўр қилиб қўйишган. Ҳа. Юзингдаги икки кўзингда нур бор. Юрагингдаги кўзларинг эса ожиз. Қани айт-чи, қайси камбағалнинг фиғонига Худо қулоқ тутди? Ҳар бир калималаринг «кароматли, шафқатли, раҳмдил Оллоҳ» деб бошланади. Хўш, биз Худога нима ёмонлик қилувдик? Қайси гуноҳларимиз эвазига бу азобларни бизга раво кўрди? Индамайсанми? Ҳа, жавоб бера олмайсан. Чунки мен ҳақман. Ҳозир миянг заҳарланган, буларни тушуниб етишинг қийин. Бора-бора менинг ҳақ эканимга имонинг комил бўлади. Биз камбағалларнинг косаси оқарсин, деб курашяпмиз. Сен ҳам камбағалнинг боласисан. Лекин сафимизга қўшилмайсан, буни яхши биламан. Мен билан бирга бўл, деб ташвиқ ҳам қилмайман. Фақат икки қулоғингга қуйиб ол: босмачиларга қўшилма. Қўшилсанг, орамизга қилич тушган бўлади. Жангда отилган ўқ ака-укани ажратиб ўтирмайди.

— Ахир, ака...

— Гапим эсингдан чиқмасин. Сен бир вақтлар оиламиз номуси учун қайғурган эдинг. Жангари эдинг. Махсимчалик сенга ярашмайди.

Бу гаплар оддий сўзлар йиғиндиси эмас, балки учи заҳарга ботирилган камон ўқлари каби эди. Бу ўқлар Сабоҳиддиннинг юрагига санчила қолса майлига эди, ўларди-ю, бу руҳ азобидан қутуларди. Йўқ, рўпарасидаги акаси эмас, акасининг қиёфасига кирган шайтон алайҳилаъна. Захарли сўз ўқлари эса Сабоҳиддиннинг миясига санчилиб, бутун вужудни ўйиб, куйдириб ўтиб сўнг товонни тешиб, ўпириб чиқиб кетяпти.

Акаси Оллоҳдан юз ўгирибди. Энди акаси иймонга қайтмаса, ундан юз ўгирмоққа мажбур. Яратгани танитай қолган инсон тирик ўликдир. Сабоҳиддин бу гапларни акасига айтмоқчи бўлди, аммо укалик ҳадди бунга йўл бермади. У пайғамбар алайҳиссаломнинг «Оллоҳни ёд қиладиган билан ёд қилмайдиганнинг ўртасидаги фарқ тирик билан ўлик ўртасидаги фарқ кабидир», деган муборак сўзларини бу онда тилга кўчирмак учун ўзида қудрат топа олмади. Буни ўз иймонининг ожизлигидан деб билиб, янада эзилди.

У ҳаж амалларида шайтонга тош отмоқлик қанчалар шарт бўлса, бу онда акасининг қалбида муҳрланган иблисга қарши исён қилмоқлик шунчалар зарурлигини ҳис қилиб, лозим сўзларни айтмоққа шайланиб турганида эшик тақиллаб, аскар йигит кирди-да, Жамолиддинни командир чақираётганини айтди. Жамолиддин анчагача йўқ бўлиб кетди. Сабоҳиддинга қуйилган чой совиди. У буткул карахт бўлиб қолди. Акасининг кирганини ҳам сезмади.

— Афсус, укажон, тезда йўлга чиқишимиз керак экан. — У шундай деб аслаҳаларини тақа бошлади. — Уйга бориб дадамга, бувимга, синглимга салом айт. Мени соғ-омон юрибди, де. Қаттиқ гапларим кўнглингга оғир ботмасин. Эртами-кечми ҳақиқатни билиб олишинг керак. Ҳозир чайналадиган замон эмас. Шунинг учун дангал-дангал гапирдим-қўйдим. — У Сабоҳиддинни бағрига босиб хайрлашди. — Шу ерда дамнинг ол. Навбатчи йигитларга тайинлаб қўйдим. Айтмоқчи, — Жамолиддин жилмайди, — чойдан ич, намозхон йигитлар дамлаган. Фақат уларнинг бошини гангитиб ўтирма.

Жамолиддин шу гапларни айтиб, чиқиб кетди.

Сабоҳиддин ит азобида тонг оттирди. У калаванинг учини йўқотиб қўйган эди. Акаси, Холиқберди тўра... Қачондир ҳамнафас бўлган экан. Энди бир-бировига ёв. Ёв бўла туриб борди-келди қилади. Холиқберди тўра ислом йўлида шамшир кўтарган. Булар эса... Эртага у Холиқберди ҳузурда бўлади. Тўра албатта акасидан сўз очади. Қандай замон бўлди ўзи?.. Сабоҳиддин кўзини юмди. Қўйниларини ёнғоққа тўлдириб, қўча чангитиб юришларини эслади. Кундузи ака-ука бир бўлиб бошқа қўча болалари билан ёнғоқ ўйнашарди. Гоҳ ютиб, гоҳ ютқизиб, гоҳ ярашиб, гоҳ муштлашиб қайтишарди. Жамолиддин укасини бошқалардан ҳимоя қилиб жиққамушт бўларди. Жаҳли чиққанида эса Сабоҳиддинни ҳам аяб ўтирмасди. Оқшом чоғида икковлон ҳовлида ўйнашгудай бўлса, Сабоҳиддин ёнғоғини ютқизиб қўйиб, фирромлик қилар, кейин йиғлар, орага онаси тушгач, ёнғоғини қайтариб олар, аммо қулоқ чўзмадан ҳам қуруқ қолмасди.

Сабоҳиддин шуларни эслаб, энтикди. Акаси унга «Миянг заҳарланган», деди. Сабоҳиддиннинг фикрича эса аслида акасининг онги заҳарланган эди.

«Чойни янгилаб берайми?» деб кирган йигит Сабоҳиддиннинг хаёлини тўзитиб юборди. Сабоҳиддин бунга ҳожат йўқлигини айтди-да, изига қайтмоққа шайланган йигитни тўхтатиб, сўради:

— Тинчликми? Бирон ерни ёв босибдимми?

— Ҳа, Муҳиддин кўрбоши Ўшга ёпишибди чоғи.

Йигит гапни қисқа қилиб, чиқди. Сабоҳиддин «ёв босдимми?» деганда беихтиёр шўроларни назарда тутган эди. Йигит эса айни шу беихтиёрлик билан кўрбошини тилга олди. «Ёв» дейилганда уларнинг икковлари икки оламини назарда тутдилар. Аммо Сабоҳиддин бунга эътибор бермади. Уни бошқа нарса ташвишга солди:

...демак, акаси жангга кетибди.

...демак, ҳаёти қил устида.

...демак, биттагина дайди ўқ уни кофир сифатида...

Шу фикр хаёлига келди-ю, баданига муз югурди. Шайтон васвасасидан қутқаришни сўраб Оллоҳга ёлборди. Яна акасининг жонини омон сақлашни, унга ҳидоят бермоқликни сўраб, дуо қилди. Дуо қилди-ю, бироқ, кўнглининг бир четида илтижолари ижобат бўлмаслигини сезиб, куюнди. Иброҳим алайҳиссалом кофир оталарини мағфират этмоқликни Оллоҳдан сўраганларида дуолари қабул бўлмаган экан. Пайғамбарнингки дуоиси қабул этилмаса, Сабоҳиддинники нима бўлар экан? Оллоҳга таваккул қилмоқдан ўзга чора йўқ.

Сабоҳиддиннинг қулоғига кимдир пичирлагандай бўлди: «Иннаҳу ман яъти Роббаҳу мужриман фаинна лаҳу жаҳаннама ла ямуту фийҳа ва ла яҳя»<sup>3</sup>. Қуръон оятлари Сабоҳиддинни титратиб юборди. У яна дуо қилди. Акасига ҳидоят ва яна ҳидоят тилади. Сўнг ўша овоз яна пичирлади: «Валлазийна кафаруу аъмалухум касараби биқийъати яҳсабуҳуз замъану маа хатта изаа жааҳу ламяжидҳу шайъан ва важадоллаҳа иъндаҳу фаваффаҳу хисабиху валлоҳу сарийъул хисаб. Ав казулумоти фи наҳри лужжийя яғшаҳу мавжун мин фавқийхи мавжун мин фавқийхи саҳабун зулуматун баъдуҳа фавқа баъдин иза ухража ядаху ламякаду яраҳа ва ман лам яъжалиллоҳу лаҳу нуран фама лаҳу мин нурийн»<sup>4</sup>.

Аслида ҳеч ким пичирламаган, Сабоҳиддинга деярли ёд бўлиб кетган Қуръони каримнинг бу оятлари беихтиёр равишда хаёлини ёритган эди.

<sup>3</sup> «Hech shubha yo`qki, kimda kim Parvardigorining huzuriga kofir holidi kelsa, albatta, uning uchun jahannam bor: u joyda u na o`la olur va na yashay olur». (Toho surasi, 74-oyatining ma`no tarjimasini).

<sup>4</sup> Kufirda bo`lganlarning qilgan amallari esa sahodagi sarobga o`xshaydi. Tashna odam uni suv deb o`ylaydi, uning oldiga kelgach esa hech narsa topa olmaydi va Olohni qilgan amalining oldida topur. Oloh tez hisob-kitob qiluvchidir. Yoki kofirlarning qilgan amallari ustma-ust to`lqin va uning ustini qora bulut qoplab olgan dengizdagi zulmatlarga o`xshaydi. Ular ustma-ust zulmatlardir: qo`lini chiqarib qarasa, uni ko`ra olmas. Kimga Oloh nur-iymon bermasa, bas, uning uchun hech qanday nur yo`qdir». (Nur surasi 39-40 oyatlarining ma`no tarjimasini).

Акаси саҳрода адашган ташна одамми? Саробни сув деб интиляптими? Қоқиялптами, йиқиялптами, аъзойи-баданлари тилиняптими? Сув деб ўйлагани саробга етиб боргач, қиёматда нимага эришади? Оллоҳнинг ҳисоб-китобига...

Сабоҳиддин шўроларнинг кучи нечоғли эканини билмайди. Аммо мақсадларидан хабари бор. Салимхўжа билан бу хусусда кўп баҳслашишган. Акасининг гапларига қараганда, Салимхўжа тўғри сўзлаган. Шундай экан, акаси саробга интилиб яшаяпти. Акаси бир-икки гап билан йўлидан қайтувчи гўдак эмас. Аммо қачондир боши деворга бориб тегади. Худони ғазабга келтирган онидан ундан марҳамат кутиш қийин...

Акаси энди нурдан маҳрум этилганми, умид йўқми? Тубсиз денгиз остидаги қоронғу зулматда қолдимми? Бу денгиз устини яна катта тўлқин қоплаб олганми? Зулмат устига яна зулмат... Бу ҳам етмагандай унинг устини яна булут босган... Бу зулматлар остидаги одам Оллоҳнинг нуруни кўра оларми экан? Ҳатто ўз қўлини кўра олмаса... Наҳот шу азоблардаги одам унинг акаси?!

Шуларни ўйлаган Сабоҳиддин беихтиёр пичирлади:

«Нажот бер, Роббим, ўзинг ҳидоят бер акамга...»

Ертами ё индин Сабоҳиддин интилиб келгани ислом лашкарлари қароргоҳига етади. Мусулмонларга омонлик, кофирларга офат тилаб дуолар қилади. Демак, акасига ҳам... офат тилайди. Қандай бедодлик ўзи бу!..

Сабоҳиддин шуларни ўйлаб тўлғанарди...

\* \* \*

Рҳақ биоток оқимлари маълум қилган бу воқеанинг қуруқ баёни билангина танишди. У фақат Сабоҳиддиннинг акаси билан учрашганини ва айри-айри мақсад йўлида ажрашганларинигина биледи. Воқеанинг асосий баёни билан у кейинроқ, Сабоҳиддинни Кесканбел қишлоғидан топгач, танишади. Ҳозирча у уйқудан уйғонган ҳамроҳлари билан Ерга тушиш учун тайёрланиши керак. Кўп ўтмай ясси кемадан олти кичик кемача ажралиб, одам қиёфасига кирган тангликларни Ер сари олиб учеди. Рҳақнинг кемаси аввалгидай Қизилқум марказига қўнади. Унинг ихтиёрида Ер ҳисобича, роппа-роса бир йил вақт бор. Шу бир йил ичида у Танг билан ҳам, Ернинг бўлак нуқталарига тушган ҳамроҳлари билан ҳам алоқа қилмай, мустақил иш кўриши мумкин. Марказнинг белгиланган режаси шундай. Рҳақ биринчи галда эски танишларини излаб топиши керак.

## ДЕВОНА

Рҳақ шаҳарга яқинлашгач, хароба деворни кўриб кўзларига ишонмай қолди. Ер вақти билан йигирма йилдан зиёдроқ вақт ичида кўркамлашиш ўрнига ортга кетган шаҳарнинг манзараси уни беҳад ажаблантирди. Рҳақ одамларнинг юриш-туришига қараб кўп нарса ўзгарганини сизди. Шунинг учун ҳеч ким билан ҳамсуҳбат бўлмай, шаҳар айланди. Бухоро сиртдан қаралса, айтарли ўзгармаган эди. Лукн тик чиқиб тушган минора ҳам ўшандайича турибди. Йўқ, шарафаси сал-пал емирилибди. Нимадир урилганга ўхшайди. Сабоҳиддин ўқиган мадрасадан файз кетган. Муллаваччалар кўринмайди. Ҳужраларга ямоқчилар жойлашибди. Ҳовуздаги сув анча тиниқлашибди. Атрофга ёғоч сўрилар қўйилган. Одамлар чой ичиб, гурунглашиб ўтиришди. Одамлар зоҳиран осойишта эдилар. Ботинан эса ҳадик ва алам ёғида қоврилиб яшардилар. Кулгу билан кўз ёшлари қоришиб кетган эди. Рҳақ уларга яқинлашиб, гурунгларига қулоқ тутди: улар ўзлари ҳақида эмас, Испаниянинг тақдири, финлар билан тузилган битим, Гитлернинг мақсадлари ҳақида, пахта, янги трактор хусусида суҳбат қуришарди. Бу гапларни эшитиб Рҳақ Салимхўжани, унинг орзуларини эслади. Демак, Салимхўжа айтгандай бўлган! Рҳақ шундай кун келишини, ўшандаёқ билган эди. Дарвоқе, Салимхўжа бормикин? Амир чангалидан омон чиқдимикин? Рҳақ ўрнидан туриб, Салимхўжа яшаган уйни қоралаб кетди.

Шаҳарнинг кунботаридаги жинкўчага жойлашган болохонали уйга яқинлашиб, очиқ эшикдан ичкарига қаради. Торгина ҳовли болалар билан тўла. Рҳақ янглишдиммикин, деб ўйлаб орқасига тисарилди. Йўқ, ўша уй. Фақат эшик пештоқиға лавҳа қоқилибди. «Ибтидоий мактаб...»

У нима қиларини билмай турганда эшик оғзида кўзойнак таққан, тепа сочи тўкилган бир киши кўринди. У рўдапо чопон кийган, бурни беўхшов — катта, қулоқлари эса кичкина, букчайиброқ турган, баланд бўйли Рҳаққа бошдан-оёқ разм солди. (Ердаги эски танишлар билан алоқани тикланиши осон бўлсин учун Рҳақ аввалги генетик код асосида одам қиёфасига кирган эди.)

— Биродари азиз, сиз кимни йўқлаб келдингиз?

Рҳақ жавобга тараддудланди. Кейин муддаосини айтди.

— Асадовми? — кўзойнакли кишининг юзида хавотир уйғонди. — Билмайсизми ҳали?

— Нимани?

— Асадов — халқ душмани, отишга ҳукм этилган,— кўзойнакли киши кейинги сўзларни қарийб пичирлаб айтди-да, кўчага чиқиши лозим бўлса ҳам қайтиб ичкарига кирди.

Рҳақ жойида ҳаракатсиз туриб қолди. «Бу одам нималарни валдирайди, — деб ўйлади у, — Асадов халқ душмани? Асадов отилган? Ахир, Асадов амир замонидаги баҳсларда шундай жамиятни орзу қиларди, энг одил жамият шундай бўлади, деб тортишарди-ку? Ҳамиша камбағалга қайишар эди-ку? Уни нима учун отдилар, нима учун халқнинг душмани деяптилар? Нима учун номини тилга олишдан чўчияптилар? Мана бу одам дилида: «Асадов халқпарвар одам, яшаб турган бу уйини йигирманчи йилда болаларга топшириб ўзи кулбасифат уйга чиқиб кетган, бор мол-мулкини ўз ихтиёри билан сўнги тангасигача топширган», деяпти. Тилида эса ўзга гап. Бу нимадан дарак беряпти? Лукнинг башорати тасдиқланяптими? Тили бошқа, дили бошқа халқ тараққиёт йўлига ўта оладими? Ҳозир бирмунча илгарилагандай туюляпти. Лекин қўрқувга асир бўлган бу одамлар хасдан тикланган уйчани қаср деб фараз қилсалар, яқин келажак даврнинг аёвсиз шамоли бу хасларни учираиб, уйчани вайрон қилса-чи? Бу одамлар жар сари бораётганларини англаб ета олармикинлар? Англаб етган онлари вақт ёниб адо бўлмасмикин?»

Рҳақ шу саволларга жавоб ахтарарди. Унинг онги олий даражада бўлса-да, ҳозир жавобга ожиз эди. Саҳрода сувсаб, ҳолдан тойган, ўлим ҳақ эканига ишонаёзган одам кўзига лайли сочларини ёйиб олган мажнунтол, унинг пойида эса сувга лим-лим тўлган ҳовуз кўринса, бечорага ғойибдан куч-қувват қайтади. Ер тирнаб эмаклайди, неча бор ҳушдан кетади, ўзига келиб яна тиришиб эмаклайверади. Сўнг... ўша лайлисочли мажнунтол, ўша сувга лим-лим тўла ҳовуз сароб эканини англайди-ю... Рҳақ ҳозир ўша ташна одам, ўша саробга қараб борган бечора аҳволида эди. У умиди дарз кетган ҳолда изига қайта бошлади. Ҳовузга етмай, ўннга бурилиб, Шоазизнинг уйини қоралаб кетди.

Эшик ичкаридан тамбаланган экан, Шоазизнинг ўзи очди. У анча тўлишган, қорин қўйган, устида оқ кўйлак, оқ шим (Рҳақ шаҳарда юриб, шу кийимнинг расм бўлганини сезган эди), соқол-мўйловини эса қирдириб ташлаган эди. У «Табиб афанди»ни таниса ҳам, танимаганга олди.

— Келинг, ота? — деди у ҳадик билан.

— Сизни бир кўриб кетай деб келдим. — Рҳақ Шоазизга қаттиқ тикилди.

— Танимайроқ турибман? — деди Шоазиз ундан кўзини олиб қочиб.

— Мен... Табиб афандиман. Уйингизда турар эдим...

— Табиб афанди? — Шоазизнинг ранги бўзар- ди-ю, остона ҳатлаб кўчага чиқди. Атрофга олазарақ қаради. — Нимага келдингиз? Сизни биров юбордимми? Чучварани хом санашмасин! Бориб айтинг: сизни танимаيمان. Сизлар билан ҳамтовоқ бўлмаганман. Амир замонида ҳам сиздайин афандиларни кўрарга кўзим йўқ эди, ҳа! Менинг эътиқодимни ҳеч ким буколмайди. Бориб айтинг сизни юборганларга! — Шоазиз шундай деб жазавага тушаёзди. Рҳақ бу гапларга

этибор қилмай қаттиқ тикилганича унинг фикрини ўқий бошлади. Шоазиз баттар саросимага тушди: — Менга бундай тикилманг. Жўнанг! Бу ерда қорангизни кўрмайин! — У шундай деб ҳовлисига кирди-да, эшикни шартта ёпди.

Рҳақ эса турган еридан жилмади. Бир оннинг ўзида Шоазиз вужудида яширинган ҳақиқатни билиб олди. Рҳақ ўша дамлардаёқ Шоазизнинг этиқодсиз эканини башорат қилган эди. Агар Ердан икки-уч одам олиб чиқиб кетишга рухсат берилганда эди, биринчи галда шу Шоазизни мўлжаллаган бўларди. Рҳақ уни дастлаб кўргандаёқ: «Тангбоп одам экан, олиб чиқиб кетсам, ерликлар битта этиқодсиз одамдан қутуларди. Бунинг ярамас одатлари бошқаларга юқмас эди», деб ўйлаган эди. Фикри яна тўғри чиқди.

У изига қайтмоқчи бўлиб беш-олти қадам бос-ди-ю, тўхтади. Аслида, Рҳақни бу кўчага бошлаб келган куч фақат Шоазиз эмас, балки Назирани кўриш иштиёқи ҳам эди. Аммо нима учундир қиз билан учрашувга юраги дов бермади. Ерга учишга тайёргарлик кўриб юрганида яқинлари билан бўладиган учрашувларни турлича тасаввур қиларди. Айниқса, Назирани кўришни.... Ўйлаганлари амалга ошмайдиганга ўхшайди. У шу ҳадик билан Назиранинг эшигидан узоқлашаётган эди, аммо кўп юролмади. Изига қайтиб, икки тавақали эшикни тақиллатди. Эшикни йигирма беш ёшлар чамасидаги жиккак йигит очиб, рўдапо кийимдаги нотаниш одамга ажабланиб қараб қолди, ҳатто салом беришни ҳам унутди.

— Мен Зокир акани йўқлаб келган эдим, — деди Рҳақ унинг ажабланиб турганини сезиб.

— Зокир ака?

— Ҳа, бу ерга келмаганимга ҳам кўп йиллар бўлди. Назира деган қизлари... Шамси деган ўғиллари бор эди...

— Э, Зокир отами? У киши оламдан ўтганларида мен ҳали эсимни танимаган эдим.

— Ўғиллари-чи?

— Тўхтамурод ака... Иброҳимбекка қўшилганлари учун қамалиб кетганлар.

— Назира-чи?!

— Назира опамми? Менинг янгам бўладилар. Акамнинг оилалари. Ҳозир Тошкентда туришади.

Йигит нотаниш кимса юзидаги изтиробни сезиб, уни ичкарига таклиф қилди. Рҳақ ҳовлига қадам қўй-ди-ю, аммо уйга кирмади. Торгина ҳовли ўртасидан ўтган ариқ ҳали ҳам тўлиб оқади. Аммо бир туп ўрик қирқиб ташланган. Ердан икки қарич кўтарилиб турган тўнканинг уст қисми чирий бошлаган. Рҳақ шу ҳовлида, шу ариқ лабида Назира билан учрашувини кўп марта тасаввур қилган эди. Ҳозир ҳовли ўртасида тик турган ҳолда, йигитни ҳайратда қолдириб, нигоҳини сарсари кездирар, Назирани изларди. Назарида, киприклари қуюқ қиз ҳозир қўлида китоб ушлаган ҳолда уйдан чиқиб келадигандай эди...

Рҳақ бир неча кун Бухорода бўлиб, ўзгаришларнинг барчасини фаҳмлаб олди.

Енди у «Табиб афанди»нинг «куни тугаганини» биларди. Шунинг учун кийимларини ўзгартириб олди. Одамларга яқин бўлиш учун яна табобатни танлади. Рҳақ палапартиш узатилаётган биоток оқимига қараб Сабоҳиддиннинг Ўш қасабаси яқинида яшаётганини Ерга тушмаёқ аниқлаб қўйгани учун ҳам кўп адашмади.

У Фарғона водийсини қоралаб борар, ариқлар лабида чайқалиб турган терак-толларни кўрганида ҳам, шарқираб оқаётган сой бўйида дам олганида ҳам, булоқ сувидан симирганида ҳам, кенг далани кўриб кўзи қувонганида ҳам Тангни эсларди. «Ҳар ҳолда Танг ҳам қачондир шундай бўлган», деб қўярди. Учраган қизларни Назирага ўхшатиб, юраги ўртанаверарди. Аввалига Тошкентга бориб, Назирани излаб топмоқчи ҳам бўлди. Аммо қизнинг яраларини янгилаб қўймай деб чўчиди.

Рҳақ Ўшда узоқ қолмай Кесганбелга бораверишдаги каттароқ қишлоққа келиб тўхтади. Ҳовуз атрофида бош эгиб турган мажнунтол соясидаги сўрига ўтирди. Шаҳарча кийинган, ўзбекка унча ўхшамайдиган бу одамни самоварчи дарров сезиб, тоза кўрпача кўтарганича шошилиб келди. Кейин озода дастурхонда қанд-қурс ҳам пайдо бўлди.

Бир пайт кўчанинг нариги бетидаги пастқам бинонинг эшиги шашт билан очилиб, этдор бир киши кўринди. Агар у: «Қўлингдан келса юрит-да, бу ишни!» деб бақирмаганида Рҳақ унга эътибор ҳам бермаган бўларди. У эшикни қарсиллатиб ёпиб, этигининг қўнжигга қамчи билан уриб қўйди-да, чойхона томон юрди. Рҳақ унинг кўзларидан, юришидан жиззакироқ одам эканини сизди. Эtdор киши чойхонага яқинлашди-да, беписандлик билан овозини баландлатиб: «Қани, тоға, яхнадан олинг», деди.

— Ҳа, раис бува, бўғилиб чиқдингиз? — деб сўради самоварчи унга катта сопол пиёлада яхна чой узата туриб.

— Э, бўғилмай бўлами! Бу занғарнинг китобида Кесганбел йўққа ўхшайди. Битта дўхтир бергиси келмайди. Тошкандан одам келармиш, мен кутармишман. Гапини қаранг. Мен раис бўламан-у, унинг нозу фироқига қараб ўтираманми. Тошканидан ўнта дўхтирни бошлаб келиб Кесганбелга ўтқазиб қўйиш қўлимдан келмас эканми? Кимлигимни билмайди-да, бу энағарлар.

Самоварчи бу гапни эшитиб, Рҳақни имлаб кўрсатди. Раис Рҳақга пича тикилиб қаради-да, пиёлани қўйиб, унга яқинлашди.

— Меҳмон, сиз дўхтир эмасмисиз? — деди бу сафар бир оз юмшаб.

— Ҳа.

— Кесганбелга кетяпсизми?

— Топдингиз.

— Топмай-чи! Мен бир қарашда биламан одамни. Тошкандан келяпсизда, а?

— Йўқ.

— Йўғингиз нимаси?

— Мен урушдан қайтпман. Карелияда ўпкамни совуққа олдирибман. Энди тоғли жойнинг ҳавоси покиза, қимизи кўп бўлади, деб келяпман.

— Дўхтирмисиз, ахир?

— Ҳа, ишонмасангиз синаб кўринг. Кўрсатай десам ҳужжатларим йўқ. Йўлда ўғирлатиб қўйдим.

— Ўғирлатиб қўйдим, денг?.. — у Рҳаққа синовчан тикилди. — Урилганларданмасмисиз?

— Синаб, текшириб кўринг, деяпман-ку. Қани, қўлингизни беринг. — Рҳақ уни билагидан ушлаб, кўзига тикилди. — Томир урушингизга қараганда қабзиятдан озор чекасиз. Бошингиз оғриб туради. Ҳозир ҳам оғриқ қўзғалапти.

— Тўғри! — раиснинг кўзлари чарақлаб кетди. — Тўппа-тўғри! Э, юринг, менга ҳужжат-пужжат керакмас. Ҳужжат дегани анови занғарларга керак. Мен улардан рухсат сўраб ўтирмайман. Аммо... ҳеч ким билмасин, а?

Рҳақ жилмайиб, маъқул ишорасини қилди.

— Ҳужжатингиз бўлмаса, исмингиз бордир?

— Ҳа, бор. Исмин Мирзақажом. Мирзақажом Тўхтамирзаев.

— Бўпти, қишлоқчасига Мирзавой, деяверамиз. Маъқулми, кетдик.

Рҳақ — Мирзавойнинг беулов эканини билган раис толга боғлоқлиқ отлардан бирини ечди.

— Ўзимизнинг йигитларники, минаверинг. Улар арава-парава қилиб бораверишади, — деди.

Рҳақ ишнинг осон кўчганидан енгил тортиб, отнинг жоловини олди.

Узангига оёқ тираб, эгарга қорнини берганича, бир амаллаб минди. Аввалги сафар Ерга келганида уч-тўрт бор от минган бўлса-да, ҳали чавандозликнинг бисмиллосини ҳам ўрганмаган эди. Унинг беўхшов ҳаракатини кузатиб турган самоварчи билан раис ўзаро кўз уриштириб, жилмайиб қўйишди.

— Аслида эшакка минишингиз керак экан, — деди раис йўлга тушишгач.

— Нимага?

— Чайқалиб кетаётганингизни кўрган киши бу одам тоzza маст, деб ўйлайди. Бу аҳволда йиқилиб тушишингиз ҳеч гапмас. Эшакка минганингизда, йиқилгудай бўлсангиз, оёғингиз узун экан, ерга тираб туриб олардингиз. Эшак оёғингиз остидан бемалол ўтиб кетаверарди.

Раиснинг бўйга ишора қилиб айтган ҳазил гапи маъқул келиб, Рҳақ кулди. Раис сергап эмас экан. Бу Рҳаққа қўл келиб, унга кўз тикканича яширин фикрларини ўқий бошлади: бу одам бир оз тажанг, бир оз ўжар, қўполгина. Аччиғи келганда отасини ҳам аямайдиган тоифадан. Мақтанишни хуш кўради. Фаросат бобида бир оз ғариб. Колхозни анча бадавлат. У колхозни яна ҳам бой қилишни истайди. Шу ниятда колхознинг чўпини бировга олдирмайди. Оқибатда кўпнинг кўзига ёмон кўринади. Аммо ўзи ҳам нафсини тийгани учун унга отилган тош бориб тегмайди. Колхозга манфаати бор, деб ишонтирилса, Қуёшни Ерга олиб тушишга, агар зарарли эканига иқрор этилса, унинг юзига қора булут тортиришга тайёр одам. Ҳар ҳолда, фикри беқарор бундай раҳбардан кўрққулик. «Компютерга ўхшаб кетаркан, — деб ўйлади Рҳақ ундан нигоҳини узмай. — Компютер хотирасига сингдирилган ҳар бир ишни сўзсиз бажаради. Бу раис ҳам шундай. Колхозни бойитаман, деб одамларни хонавайрон қилиши ҳеч гапмас. Унга тўғри гапни тушунтириш қийин. Афсуски, одамлар бир-бирларининг фикрларни ўқий олмайдилар. Йўқса, бу одамни раисликка сайлашмас эди. Колхозни сермулоҳаза, кўпроқ эртани ўйлайдиган, оғир-босиқ одамга топширишган бўлишарди. Йўл қўйилаётган қанчадан-қанча хато юз бермасди. Ажаб, онгли мавжудот учун арзимас бир иш — биоток оқимига асосланган ҳолда маълум масофада туриб бир-бирининг фикрини ўқий олмаслик қанчалар даҳшатли оқибатларга олиб келиши мумкин-а? Инсониятнинг мана шу арзимас ожизлигидан қанчалар одам фойдаланиши, сиртдан яхши кўриниб, разил ниятларини пинҳона амалга оширавериши ҳам мумкин.

Бухородан Фарғонага келгунга қадар Рҳақ кўп софдил одамларни учратди. Уларнинг гапларини эшитиб дили яйради. Одамлар билан ҳамсуҳбат бўлиб Тангдаги ҳиссиз, туйғусиз юртдошларини эслади. Мана бу раисни учратиб, яна Танг кўз олдига келди. У ерда ҳам ҳиссиз, туйғусиз кимсалар аввал кўп бўлмаган. Кейин томир ота борган. Ерда яхшилар билан бирга ёмонлар ҳам бор. Ёмонлари кам. Аммо кўпайиб кетармикин булар? Одамлар қора ниятдиларга, бераҳмларга барҳам бера олармикинлар?

Рҳақ шу ўйлар билан Кесганбелга етди. Баланд тоғнинг ёнбағрига жойлашган қишлоқда оқшомги бесаранжомлик зоҳир эди: ўчоқ мўриларида тутун кўтарилади, подадан қайтган бузоқлар елинга етишолмай бўзлайди. Оналар болаларини, болалар оталарини чақирган... Қишлоқнинг шу кўринишида, шу ҳаракатида ажиб бир покизалик, бедорлик бор эди. Рҳақ буни дарров сизди.

Икки туп баҳайбат чинорга ёндош солинган равонли самовархона олди сайҳонлик, ўртага доира шаклида гулзор қилинган. Равонда ўтирган беш-олти чойхўр раис билан меҳмонни кўриб, ўринларидан туришди.

— Ҳа, ўтирибсизларми? — деди раис уларнинг саломига алик олиб. Кейин овозини кўтариб «Асқарали тоға!» деб чақирди.

Ичкаридан паст бўйли, чўтир юзли киши шошилиб чиқди.

— Мана, дўхтирни бошлаб келдим. Раис жон кўйдирмаса, оғизларингизга пашша қўндириб ўтираверасизлар. Ҳамма нарсага раис балогардон. Чой-пой қилиб, дўхтирни жойлаштиринг. Эрта-матан ўзим хабар оламан. Ҳа, отни қантариб қўйинглар, эгаси олиб кетар.

Раис шундай деб, Рҳақ билан хайрлашди-да, отини юқорига ўрлаган йўлга солди. Рҳақ ажабланиб туриб қолди. Меҳмоннинг хижолатда турганини сезган Асқарали югуриб келиб кўришди-да, жиловни қўлидан олди.

— Хафа бўлмайсиз, меҳмон, раисимиз шунақалар,— деди. Бу орада равондагилар ҳам пастга тушиб, Рҳақ билан омонлашдилар. Тирсак шаклидаги чойхонанинг кунчиқар томони икки уй бир даҳлиздан иборат шифохона экан. Рҳақ шу ерга жойлашди.

Ертасига сахар чоғи самовархона биқинида ўтин ёраётган девонаваш одамни кўриб Рҳақ бир сесканди: мўйловлари оқариб кетган бу одам Сабоҳиддин эди! Шундагина у биоток оқимларининг нима учун пала партиш бўлиб қолганини англади.

Рҳақ кун бўйи самоварда беиш ўтирди. Девона ҳам кунини шу атрофда ўтказаркан. Рҳақ одамлар эътиборини жалб қилмаслик учун унинг ҳаракатларини «лоқайд» кузатди.

Оқшомга яқин раис хушсурат бир жувонни бошлаб келди.

— Сабохоннинг ҳамшираликдан пича хабари бор, вақт-бевақт сизга кўмак бериб туради, — деб гапни калта қилди-ю, изига қайтди.

Рҳақ жувонни гузарда кўргандаёқ тахтадек қотган эди. Жувоннинг қадди, думалоқ қора кўзлари, қуюқ киприклари Назирани эслатди. Рҳақ Ерда шунча юриб бир-бирига бунчалар ўхшаш икки одамни энди кўриши эди. Фақат, Назира қоратўридан келган, бу жувон эса сариққа мойил эди. Демак, Сабохон унга ёрдамчи. Демак, уни ҳар кўрганда Назирани эслайди. Хаёли ҳамиша ўша қиз билан банд бўлади...

Сабохон янги докторнинг тикилиб қарашидан ўнғайсизланиб, нима қиларини билмай қолди. «Мунча қарайди бу киши, ё ёқам очилиб қолибдимикин», деган ўйда кўйлагининг ёқасини ушлаб қўйди. Дуррасини пешонасига бостириброқ тортди. Рҳақ жувоннинг хижолат тортаётганини сезмади. Асқарали Рҳақдаги ўзгаришни, жувондаги тараддудни пайқаб, орадаги ўнғайсизликни қувиш учун:

— Қизим, уйингга боровур, кеч бўлиб қолди, ишни эрта-матан бошларсан, — деди.

Рҳақ шундагина хаёлини йиғди.

— Ҳа, ҳа, бораверинг. Бугун қиладиган иш ҳам йўқ, — деди у шошилиб.

Сабохон эшитилар-ешитилмас «хайр», деди-да, пастга тушиб кетди. Ана шу «хайр» деган майин овоз— Назиранинг овози энди Рҳақнинг шундай орқасида пичирлади:

*«Ўқунг ҳар лаҳзаким, жоним дилар, кўнглим қилар афғон...»*

«Энди мен учун ҳар лаҳза оташ азоби бўлади, — деб ўйлади у. — Ишқилиб, вужудимда пайдо бўлаётган ғалати ҳисларнинг қули бўлиб, асосий мақсадни унутиб қўймай. Нима учун Назирани эслаяпман? Кўришганимизда менга деярли гапирмаган. Бирон-бир ваъда ҳам бермаган. Уни эслашимдан нима фойда? Унутишим, ҳа унга боғлиқ ҳар қандай хотирани унутишим керак. Назира — мен учун йўқ одам. Унинг овози ҳам, ғазаллари ҳам, чеҳраси ҳам йўқ...»

Шу лаҳзадан бошлаб Рҳақ бутун диққатини тўплаб, хотираларини унутишга киришди. Назира ёдига тушиши билан уни хаёлидан қуваверди. Сабохон келгандан кейин ҳам фақат иш ҳақида ўйлашга тиришди. Шу сабабли жувон билан дурустроқ гаплашмади ҳам.

Икки кун шифохонани тартибга келтириш билан ўтди. Сувоғи кўчган жойларни сувашди, оқлашди. Сабохон дераза ойнакларини ювиб, оқ пардалар тутди, ҳовлини ўтдан тозалади. «Майда-чуйда» ишларга Рҳақнинг уқуви йўқ эди. Шунинг учун жувонга ёрдамлашди.

Учинчи кун раис кутаётган врач ҳам келиб қолди. Паст бўйли, этдор, юзидан самимият ёғилиб турган бу йигит дарров Рҳақнинг диққатини тортди, у билан ҳамнафас яшашидан севинди. Дилмурод оиласи билан келгани учун Асқарали уларни ўзининг уйига жойлаштирди. Раис аввалига Дилмуроднинг ташрифидан норози бўлди. Чунки Рҳақ унинг дилига ўрнашган, энди бошқасини хушламас эди. Аммо Дилмуроднинг узоғи билан бир-бир ярим йилдан сўнг яна ТошМИ ихтиёрига қайтиб кетажagini билгач, бу ерда ишлашига қаршилиқ билдирмади. «Кесганбелда иккита дўхтир бор экан», деган гап тарқалишини ўйлаб, керилиб ҳам қўйди.

Дилмурод келган куннинг эртасига Рҳақ Девонага яқинлашди. Тўғрироғи, бунга Дилмуроднинг қизи Умида сабаб бўлди. Воқеа юз берган вақтда улар раиснинг қабулида эдилар, тафсилени кейинроқ эшитдилар.

Ўша тун жала қўйди. Тонгга бориб қора булутлар камбағалнинг кўрпасидай бўлиб қолди. Жалада саваланиб, шумшайган табиат гуноҳкорона сукут билан қуёшнинг кўтарилишини кутди. Уфқ ёришиши билан Кесганбел уйғонди. Энг аввал гузарда жонланиш сезилди. Асқарали тараша ёриб, самоварга ўт ташлади. Кейин сой бўйлаб юқорилаган яккатовон кўчада оқ эшак



минган қария кўринди. Эшак лой сачратиб келиб чойхона олдида тўхтади. Қария шошилмай тушиб, тош зина билан юқорига кўтарилди. Яктак кийиб, қўшбелбоғ боғлаган Асқарали уни қаршилаб, қуюқ сўрашди-да, ичкарига таклиф қилди. Қария унинг лутфига миннатдорчилик билдириб, панжаралари тўқ яшил рангга бўялган энсиз сўрига ўтирди. Юзига фотиҳа тортиб, белидаги чорсини ечди-да, дастурхон ўрнида ёйиб, яримта нонни ўртага қўйди.

Сув қайнаганда самовархона одамга тўлган эди. Тўпланганлар узоқ гурунг қилиб ўтирмай тез тарқашди. Гузар бир оз бўшаб қолди. Кун ёйилиши олдидан яна гавжумлашди. Шу пайтда кечадан бери кўринмаётган Девона пайдо бўлди. Одамлар унга қараб қўйдилару эътибор бермадилар. Бир маҳал катта қайрағоч атрофида ивирсиб юрган Девона бақирди. Барзанги йигит сўкинди. Кейин нотаниш қизчанинг овози келди. Ҳамма шу томонга қаради:

— Урманг! — деди қизча алам билан. Сўнг ёнида турган кишини енгидан тортди-да, унга нажот кўзи билан боқиб, ёлборди: — Амаки, айтинг, урмасин!

Воқеани лоқайдлик билан кузатаётган киши қизчанинг бошини силаб қўйди. Аммо жойидан жилмади. Қизча атрофидаги одамларга бир-бир қараб чиқди. Баъзилар кулимсираб, баъзилар ачиниб, баъзилар эса аччиқланиб турар, қийиқ кўзли йигит чангалида азоб чекаётган мўйловли Девонага ёрдам беришни ҳеч ким ўйламасди.

Қизча бир зум довдираб турди-да, охири чидаёлмай, югуриб бориб йигитнинг қўлларига ёпишди: «Урманг! Нимага урасиз?!» — деб қичқирди. Йигит жаҳл билан бир силтаган эди, қизча чалқанчасига йиқилди.

Шундан кейингина одамлар йигитнинг қўлларини қайириб: «Есинг борми, болада нима гуноҳ!» деб уни койиган бўлдилар.

Тўпланганлар Девонанинг айбсиз эканини яхши билардилар. Лекин унга ёрдам беришга одатланмаган эдилар. Девона ўрnidан туриб, атрофдагиларга қўрқув кўзи билан қараб, ғалати овоз чиқарди. Одамлар сергакланиб, «Яна ташланиб қолмасин», деган хавотирда орқага тисарилдилар. Аммо у ҳеч кимга тегмади. Аламли бақирди-да, юқорига, қабристон томонга қараб кетди.

Қизча унинг изидан бир оз қараб турди. Кейин ҳали йиқилганида кўтариб олиб, меҳрибонлик қилаётган аёлнинг қучоғидан юлқиниб чиқди-да, жабрдийданинг орқасидан югурди. Бироқ узоққа боролмади. Тутиб олишди.

— Кимнинг қизи экан, батликка ўхшамайди? — деди аёллардан бири.

— Янги дўхтиримизнинг боласи, — деди Асқарали шошилиб пастга тушаётиб.

— Қайси бириники, кейин келганиникими?

— Ҳа, Дилмуродники. Бизникига тушишган. Сабохон, қизим, сен олиб бориб қўя қол, — деди Асқарали орқасидан келаётган жувонга қараб.

Сабохон маъқул ишорасини қилиб, қизчани кўтариб олди-да, самовархона яқинидаги кўчага юрди.

Гузардан сал нарироқдаги, лойшувоқ устидан оқлаб қўйилган уй Асқаралиники эди. Аёл, бу уй яқинига йўлаш у ёқда турсин, узоқдан кўзи тушса ҳам юраги ғалати бўлиб кетар, бирров кириб-чиқишга баҳона излаб юрарди. Бугун баҳона оёқ остидан чиқди. Шундан қувонибми, қизчани суюб-еркалаб ичкари кирди. У ҳовли ўртасида турган нотаниш жувонни кўриб, «онаси шу бўлса керак», деган ўй билан унга яқинлашди.

— Эгачи, ширинчангиз гузарга ўйнаб чиққан экан...

— Вой ўлмасам, уйда ухлаб ётган эди-ку! — Жувон Сабохон билан сўрашишни ҳам унутиб қизчасини ёлфондан койиди. Аёл она-болага бир оз кулимсираб қараб турди. Сўнг бўлган воқеани қисқача баён қилиб, ўзини таништирди-да, меҳмонни уйига таклиф этиб, орқасига қайтди. Унинг тўрдаги уй тарафга қараб-қараб қўйганини жувон сезди.

— Сен аралашиб нима қилардинг, ғиртмак, у жинни экан-ку, — деди она қизнинг шилинган тирсагини юва туриб.

— Ким? — деди қизча бурнини тортиб.

— Ким бўларди, ўша мўйловли киши-да.

— У жиннимас.

— Ҳа, бўпти. Жинни бўлмаса жиннимасдир. Сен катталарнинг ишига аралашма. Айб бўлади.

— У жиннимас, — деди қизча ўжарлик билан. — У яхши киши. Урган одам жинни.

— Бўлди, жоним, бўлди. Жиннимас, дедим-ку. Қани юр, уйқинг чала бўлибди. Яна бирпас ухлаб ол.

Қизча шифтга қоқилган гулли қоғозга тикилиб ётди. Гузардаги воқеа яна хаёлидан ўтди. У ўрнидан турди-да, дераза пардасини кўтариб, аста ташқарига қаради. Онаси кўринмади. Шундан сўнг эшикни очиб ҳовлига, ундан лип этиб кўчага чиқди-да, аввал гузарга, ундан Девона кетган тепаликка қараб юрди. Йўл қизчани қабристонга олиб борди. Қизча кўш қайрағочга яқинлашгач, кўрқиб тўхтади. Атрофга олазарак қаради. Сал юқорироқдаги бостирма олдида ўтирган Девонани кўргач, сал дадилланиб, ўша томон юрди.

Девона хужраси ёнидаги харсанг устида маъюс ўтирарди. Аммо қизчани кўриши билан чеҳраси ёришди.

— Бурнингиз оғрияптими? — деди қизча унинг рўпарасига чўнқайиб. Девона жавоб ўрнига кулди. Унинг меҳрибонлигидан қувонди. — Менинг манови ерим қонади, — деди қизча тирсагини кўрсатиб. — Битта ҳам йиғламадим.

Девона титроқ бармоқлари билан унинг тирсагини силади.

— Опоқ, опоқ, оғримасин, — деб яна кулди.

— Сиззи отингиз нима? Меники Умида.

— Ум... Ум... У-ми-да. Умида! — девона шундай деб завқланиб кулди.

— Сиззики-чи?

Девона жим қолди. Ўйга толди. Ҳалигача ҳеч ким унга бундай савол бермаган эди. У бошқалар каби ўзининг ҳам исми борлигини билмасди. Тўғрироғи, исмини аллақачон унутиб юборганди. Умиданинг саволи унинг миясига яшин каби урилиб, чанг босган хотираларини қалқитиб юборди. Дарвоқе, исми... Унинг ҳам чиройли исми бор эди. Онаси исмини айтиб, сўйиб-еркаларди. Оппоқ қор кўзига қора қон бўлиб кўринган ўша кундан бери ҳеч ким унинг исмини айтиб чақирмади. биров «Отинг нима?» деб ҳам сўрамади. Фақат шу қизча сўради...

Девона Умидага ҳайратланиб бир қаради-да, сўнг индамай ўрнидан туриб, хужраси томон юрди. Умида унинг бу қилиғига тушунмади. Хужранинг ғижирлаб очилган эшиги, Девона ичкарига киргач, ўз-ўзидан тарақлаб ёпилди. Умида унинг орқасидан бориб, эшикни итарди. Ичкари бир зум ёришди-ю, яна қоронғилашди. Туйнуклардан найзасифат бўлиб тушиб турган нур хужрани ёритишга ожиз эди. Умида нимқоронғи уйчанинг ўртасида чўнқайиб ўтирган Девонага яқинлашди.

— Сизга нима бўлди амаки?

Девона қимир этмади. Гапирмади ҳам.

... Умида келган куни зерикди. Эшик оғзида туриб ўтган-кетганларга қаради. Қўшни болалар калта кўйлак кийган, оппоққина кўғирчоқдай бу қизга қараб кулиб қўйишди. Умида бегонасираб, деворга суянганича тураверди. Болаларнинг биринчи бўлиб сўз бошлашларини кутди. Шу пайт муюлишдаги болалар югуриб қолишди. Кейин нариги кўчадан «Жинни! Жинни!» деган қийқириқлар эшитилди. Дам ўтмай болалар қуршовида ирғишлаб келаётган шопмўйловли, сочи устара билан қирилган, бошланг, сарпойчан, қирра бурун Девона кўринди. Девона Умиданинг ёнидан ўтиб кетди-ю, аммо тезда изига қайтди. Чуғурлашаётган болаларни пўписа қилиб, қувган бўлди-да, меҳмон қиз қаршисида чўнқайиб, тиржайди. Болалар, шаҳарлик қиз ҳозир дод солиб уйига қочади, деб ўйлаб, Умидага тикилиб қолдилар. Умида чиндан ҳам бир оз кўрқди. Лекин сирини фош этмаслик учун ўзини мажбурлаб жилмайди. Девона бундан қувониб, қикирлаб кулди-да, мўйловининг учларини тишлаб миёвлади. Умида унинг бу қилиғидан кулиб юборди. Қилиғи қизчага маъқул бўлганини

англаган Девона ўрнидан турди-да, «Апаламза ал, ҳевамиза ҳам... Биби шапоқ, қамбар буқоқ...» деб ўйнаб, ирғишлай бошлади. Кейин гузар томон югурди. Умида чуғурлашаётган болаларга қўшилиб, унинг изидан чопди. У янги орттирган ўртоқлари билан кун бўйи Девонани эрмаклар юрди...

...Умида жинни ҳам бирон нарсадан хафа бўлар, деб сира ўйламаган эди. Шу сабаб ҳужра ўртасида ўтирган Девонанинг бу қилмишидан чўчиб, орқасига тисарилди. Ташқарига чиқдию пастга югурди.

Сой бўйида бир оз салқинлаб қайтган Ақида қизининг ғойиб бўлганини билиб, ташвишдан ўзини қўйгани жой тополмай турганда Умиданинг ўзи кўринди. Шу бўйи қизалоқ онасининг қаттиқ назоратига ўтиб, кечга қадар ҳовлидан бир қадам силжимади.

Шомда, ўртадан дастурхон йиғилиб, Умида ухлаб қолгач, Ақида эрига унинг бугунги қилмишини айтиб берди.

Дилмурод Умиданинг «жасорати»ни Сабохондан эшитган, шунинг учун хотинининг ҳаяжонли гапларини хотиржам тингларди.

— Мен уни ухляпти, деб бемалол юрсам, бир жувон «Мана ширинчангиз», деб кириб келди.

— Қанақа жувон олиб келди?

Ақида эрининг қитмирлиги тутганини сизди-да, қалдирғоч қанотидан нусха олган қошларини сал чимириб: «Кўҳликкина, чиройликкина...» — деб кесатиб, бу ҳам етмагандай, «сиз боп экан», — деб қўшиб қўйди.

— Отини билмадингизми? — деди Дилмурод жилмайиб. У бир савол билан хотинининг қитиғига теккан, энди оловга жиндак мой сепмоқчи эди.

— Билдим. Ҳавохон дедими, Сабохонми, шунга ўхшаш. Кўчасини ҳам айтди. Янгангизга дарров хабар қилсангиз, келиб бир ой супуриб турардилар.

— Шугинами?

— Яна нима керак эди?

— Менга салом айтмабди-да?

— Айтди. Соғиниб-соғиниб салом, деди.

— Мана бу бошқа гап. Сиз у билан яхшироқ танишиб олинг Зерикмайсиз.

— Шунақа денг... Ўзингиз ҳам... кетганимдан кейин зерикмассиз?

— Балки...

— Қачонла танишиб олдингиз?

— Кеча, келишимиз билан.

— Йўлингизга кўз тикиб ўтирган экан-да, бечора!

— Шунақа деса ҳам бўлади... Шифохонада ҳамширалик қилар экан.

— Худо берибди. Ҳали кўзлари кесак терятувди, сизни қидирган экан-да. Бу ерга ҳам келиб турар энди.

— Кунда беш маҳал келмоқчи.

— Ҳм... менга деса минг марта келсин.

— Йўқ, фақат беш марта келади.

— Келаверсин.

— Нимага беш марта келади, деб сўрамайсизми?

— Сўрамайман. Менга нима?

— У беш марта намоз ўқигани келади.

— Намоз? — Ёлғондан аразлаётган хотин энда чиндан ажабланди.

— Ҳа... Этагимда намоз ўқийди.

— Намоз ўқишга бошқа жой қуриб кетибдими? — хотин лабини буриб кулди.

— Ҳа, қишлоқларида арзирли жойнамоз топилмас экан. «Сиз покизалиқда фариштанинг ўзи экансиз», деб сиғиниб келмоқчи.

Ақида кулиб юборди. Эрига муштумини кўрсатиб, нозли пўписа қилди. Дилмурод хушсурат йигит бўлгани учун Ақида уни ҳаммадан рашк қиларди. Рашкини қанчалик пинҳона тутишга уринмасин, аёлларга хос ожизлик туйғуларини кўпинча фош қилиб кўярди. Алқисса, севишган эр-хотин учун рашк ҳам даркор. Лекин у қуюшқондан чиқдимиди тамом, ошга захар тушади, муҳаббат чинниси дарз кетади, ҳаловат бузилади. Дилмуродга Ақиданинг рашк қилиши ёқарди. Рашк аввало кучли муҳаббат белгиси. Хотин эрни қизғандими, демак, қаттиқ севади. Эр учун яна нима керак? Ақиданинг биргалашиб келиши ҳам бежиз эмас-да!

...Рҳақ Дилмурод билан Ақидани дастлаб кўргандаёқ уларнинг чехраларидаги паришонликни илғаган, бу ерга бесабаб келишмаганини сезган эди. Дилмурод билан суҳбатлашгач, унинг кўзларига боқиб, бошига тушган ташвишдан огоҳ бўлди. Дилмурод «Медитсина техникумини тугаллаган Мирзавой»га дарров элакиша қолмади. Танишган чоғларида ота-онасининг вафот этганларини, ўзи етимхонада тарбия кўриб, сўнг ТошМИни тугаллаганини айтди. ТошМИда профессор Раззоқов деган донишманд олимнинг этагини тутгани, унинг қизига уйлангани, руҳий хасталарни даволашда янгилик яратмоқчи эканини эса яширди. Дилмуроднинг ички сирлари бошқалар учун пинҳон эди. Аммо бу борада ҳеч қандай тўсиқ билмайдиган Рҳақ, ўша танишган кунлариёқ, профессор Раззоқовнинг тухматга учраб халқ душмани сифатида ҳибсга олингани, оқибатда илмий изланиш учун Дилмуроднинг имкониятлари қирқилгани, қайнотасининг яқинлари маслаҳатига кириб Ақида билан хўжакўрсинга ажрашгани, «йўл қўйган хатоларини ювиш учун энг узоқ қишлоққа оддий врач бўлиб келганини» билиб олди. Ёлғондан ажралишса ҳам бу қилмишлари учун ич-етларини еб юришлари, бир-бирларига ғоят меҳр-оқибатли эканликлари Рҳақни ҳаяжонга солди. У ҳам уйланиб, хотини билан кўп йил бирга турди. Фарзанд кўрди. Аммо улар орасида ҳеч маҳал бундай яқин, илиқ муносабат бўлмаган. Эр-хотинни бир-бирига боғлаб турадиган меҳр ипи ҳам бунчалар пишиқ эмасди. Рҳақ Ерга аввал келганида хотинини кўп эсга олган бўлса-да, бироқ, вужудида унга интилувчи, ошиқувчи қайноқ куч уйғонмаган эди. Рҳақ Дилмуродни ўз ўрнига қўйиб кўрди. Йўқ, бу йигит ҳеч қачон хаста хотинини ташлаб, узоқ сафарга отланмасди. Ақиданику, айтмаса ҳам бўлади. «Ақалли уч-тўрт кун бирга турай», деб шундан-шунга келибдимиди, демак, эрини беқиёс меҳр билан ардоқлар экан. Агар уларга Танг шароити яратиб берилса-чи? Вужудларидаги энг самимий туйғулар ўрнига: «Юксалиш учун ишлаш, ишлаш учун юксалиш керак, бошқа нарсаларни ўйлаш, ҳиссиётга берилиш тараққиёт йўлидаги энг даҳшатли ғов!» деган тушунча сингдирилса-чи! У ҳолда Дилмурод хотини билан чинакамига ажралишарди. Ақида эса бу ерга келмасди. Умуман, уларнинг Лукндан фарқи қолмасди.

Рҳақ Ердаги турмушни кузатиб, уйғонишнинг баҳорий фасли энди бошланиб, дарахтлар гуллаган чоқда қорга тутилганини билди. У одамлар онгидаги ўзгаришларни сезган, ҳаётнинг салбий кўринишлари, Шоазизга ўхшаган кишиларнинг оқибатда зарба ейишларини ҳам билиб турарди. Бироқ, унга қадар орадан йиллар ўтиши, одамлар шу вақт мобайнида зоҳиран гўзал ва тўкин, ботинан эса асабий ҳаётнинг тирноқлари орасида кўп дард чекишлари лозимлигини ҳам тушунарди. Орзу қилгани, кутгани тараққиёт неча ўн йил ортга суриб ташлангани ҳам сир эмас эди унга. Энг нодир ақл эгалари халқ бағридан юлиб олинган. Халқ бу кўрқувлардан қутулиб яна уйғонгунча кўп вақт керак. «Бунақа воқеа хатто Тангда ҳам юз бермагандир», деб ўйларди у. Шуларни ўйлагани сайин баттар қайғурарди.

Дилмуроддан ажраладиган биоток оқими Рҳақни таажжубга солди. У дастлаб Салимхўжа билан Сабоҳиддинни кўрганда шу ҳолга тушган эди. Биоток оқимининг бу даражада кучли бўлиши ўша шахснинг олий идрок эгаси эканидан далолат беради. Салимхўжа бунга амалда исбот этмоқчи, идрокини тўғри йўлга қаратмоқчи эди, ярим йўлда илдизига болта урдилар, Сабоҳиддин ҳам қоқилди. У адашмаганида улўғ аллома бўлиши мумкин эди. Афсуски, муҳит уни бошқа йўлга буриб юборди. Дилмурод Рҳаққа бутунлай бошқа олам бўлиб кўринди: ақл-фаросати, эътиқоди, ҳақ йўлни ажрата билиш учун унинг эътиборини тортди.

Рҳақ кўп нарсани билмайдиган киши бўлиб Дилмуродга яқин юришга аҳд қилди.

## ТУЙҒУНИНГ УЙҒОНИШИ

Тоғда тонг қушларни эмас, балки қушлар чуғур-чуғур билан тонгни уйғотади. Уфқ пича оқаргач, кунчиқарда ивирсиб юрган булутлар чеккаси қизарди. Кейин қип-қизил бўлиб кўёш кўринди. Ана шундай сеҳрли, латофатли лаҳзаларни эшакнинг ҳанграши бузди. Аввал бетоқатроғи ўпкаси тўлиб астойдил ҳангради. Кейин қишлоқнинг ҳали у-ҳали бу еридан биринкетин «ҳасратдош»ларнинг ҳанграши келди. Юмуши борлар ўринларидан туриб, ишларига кетдилар, бекорчилар эса, бир ғижиниб олиб кўрпани бошга тортдилар-да, уйқуни келган жойидан давом эттирдилар.

Кун ёришиши билан Асқаралининг уйида ҳам жонланиш сезилди. Ичкари уйдан аввал Асқаралининг овози келди. У хотинига нимадир деб тайинлаб, чойхонага чиқиб кетди.

Дилмуроднинг уйқуси ўчиб ўрнидан турди-да, ҳовли этагидаги сой бўйига тушди. Муздек ҳаводан вужуди энтикиб кетди. Ярим-яланғоч бўлиб ювингач, ўзини қушдек енгил сезди. Кайфияти ҳам кўтарилди. Катта харсангга суюнганча кўёшнинг кўтарилишини кузатди.

«Қишлоқда ҳаёт осуда, шошилмай кечадиганга ўхшайди, — деб ўйлади у. — Шаҳарда кун қисқадек туюлади. Арзимаган ишларни ҳам бажариб улгурмайсан. Табиатнинг бундай сеҳрини кузатиш эсга ҳам келмайди. Ёки одам шаҳарга кўникиб боргани сайин табиатдан узоқлашармикан? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Ахир инсоннинг табиатдан узоқлашиши — ҳалокат билан баробар-ку? Агар бу ҳол юз берса, одамларнинг ўзаро муносабатларигача ўзгариб, Ер ҳаёти қил устида бўлиб қолади-ку? Бунга йўл қўйиш мумкинми? Инсон табиатнинг фарзанди. Фарзанд она меҳридан узоқлашса, бу меҳрдан қонмаса ваҳшийлашади. Инсон — табиатнинг энг онгли фарзанди — ўз онаси кўксига пичоқ қадармикан? Балки баъзи эркатойларга ўхшаб онасининг жиндек хафа қилиб турар. Лекин эртами-кечми эсини йиғиб олиши шарт!»

Сойнинг нариги соҳили бўйлаб ўтган, тупроқ кўпчиб ётган кўчада оёғига эски калиш кийган, тўқим урилмаган эшакка миниб олган подачи кўринди. У Дилмуродга кўзи тушиши билан қуллуқ қилиб салом берди. Дилмурод, гарчи сойнинг шовқини босиб кетса-да, овоз чиқариб алик олди. Подачи яна қуллуқ қилиб йўлида давом этди. Ҳовлида аёлларнинг овози эшитилгач, Дилмурод изига қайтди.

То нонушта қилиб бўлишгунча кун ёйилди. Дастурхон йиғилмай туриб Умида бурама қанддан иккитасини олди-да, этагига яширди. Асқаралининг хотини буни кўриб кулимсиради. Ақида эса уятдан ёниб кетай деб эрига қаради. Дилмурод: «Қани, кўрайлик-чи, нима қиларкин», дегандек хотиржам бош ирғади. Умида, ҳаракатимни сезишмади, деб ўйлаб ўрнидан турди-да, кўча эшиги томон юрди. Шундагина Ақида ўзини тутиб туролмай ҳай-ҳайлади. Онасига эътибор бермай эшик оғзига бориб қолган Умидага аввал Дилмурод етиб келди.

— Қаерга бормоқчисан? — деб сўради у, қизини қўлидан ушлаб.

— Кўчага, — деди Умида айёрлик билан.

— Юр, бирга борамиз.

— Ўзим бораман.

Дилмурод сергак тикилиб турган Ақидага бир қараб олди-да, қизининг қулоғига шивирлади:

— Аянг билиб қолса, уйга қамайди. Мен билан чиқсанг, айтган жойингга борамиз. Аянгга «дўхтирхонага кетяпмиз», дегин.

Умида маъқул ишорасини қилиб, онасига қаради:

— Аяжон, мен дўхтирхонага борар эканман, — деди бидирлаб.

Ақида ота-боланинг ниятини англаб, норози қиёфада бош тебратди, аммо қаршилик қилмади.

Рҳақ қўл ушлашиб келаётган ота-болани очиқ чеҳра билан қаршилаб, Умидани суйиб кўтарди. Ичкаридан Асқарали чиқиб, Дилмурод билан омонлашди.

Самовархонада ҳеч ким қолмагани учун бир чойнак чойни майдалаб гурунг қилишди. Умида бу «сергап» одамлардан бешиб, пастга тушди.

— Девонага қанд бермоқчи, бирга боришга ваъда қилувдим,— деди Дилмурод қизига қараб.

— Боланинг қалбидек покиза нарса йўқ бу ёруғ дунёда, — деди Асқарали ўйчан қиёфада. — Девона кўнглида меҳр уйғотибди-да, шунинг учун унга яхшилик қилмоқчи. Дўхтир иним, мени айтди дерсиз, Худо хоҳласа қизингиз улғайганда одамларга янаям меҳрибон бўлади.

— Айтганингиз келсин, Асқарали ака. Ахир, одамни одамга боғлаб турадиган нарса шу меҳр-оқибат-да.

— Шунақа-ю, аммо буни ҳаммамиз ҳам тушуниб етавермаймиз. Болалигимизда барча кўзимизга яхши бўлиб кўринади. Кейин бора-бора одамларни хилларга ажратамиз. Унисига эгиламиз, бунисини тепкилаймиз. Мана, шу Девонани қаранг. У ҳам Худонинг бир бандаси. Айтган ишингизни қилади, бировга озор етказмайди. Лекин ётиб-туриши итдан хароб. Буни ҳаммамиз кўрамузу парво қилмаймиз. Оқибат дегани бунақа бўлмайди-да.

— Асқарали ака, Девонанинг ҳеч кими йўқми?

— Йўқ. Девона бу ерлик эмас.

— Қаердан келиб қолган?

— Дўхтир иним, буни ўзим ҳам тайин билмайман. Аммо бир одамга ўхшатаман. Босмачилар даврида Норхўжанинг қароргоҳида бир муллани кўрган эдим. Новқатлик эди, чамаси. Исми Сабоҳиддинми, ё бошқами, эслолмайман, аммо ўшанга ўхшатаман. Девона колхоз тузилмасдан илгари пайдо бўлган бу ерда. Кейин уни бир аёл излаб келди. Назаримда, синглиси бўлса керак. Девона уни таниди, чамамда. Икковлашиб кетишди. Лекин йил ўтмай Девона яна бу ерга қайтиб келди.

— Новқатдан дедингизми? Бу ердан узоқми?

— Ана шу тоғнинг орқасида. — Асқарали шундай деб рўпарада қорайиб турган тоғни кўрсатди.

— Биздан олдинги дўхтир уни тузатишга уннаб кўрмаганми? — деди Дилмурод.

— Бе, эси бутунларга оғриниб қарарди-ю, нима деяпсиз? — Асқарали кулимсиради. — Димоғи осмонда эди. Бекорга қарамасди. Одамлар ҳаммасига индамай келди-ю, омма Фотма кампирнинг эчкисини олганда чидаб туролмади. Кампирни яра босган экан денг, у занғар дори келтириб бераман, деб муштипарнинг эчкисини олибди. Думини тугиб юбордик. Мана энди, сизлар келдиларингиз...

Бу гапни эшитиб, Дилмуроднинг бадани музлаб кетди. Назарида, Асқарали тагдор гапириб: «Ўзларинг ҳам одамларни ўша дўхтирдай шиларсизлар, а?» демоқчи бўларди. Дилмурод каловланиб ўрнидан турди. Қизининг кутаётганини баҳона қилиб, пастга тушди. Рҳақ унга эргашди.

Девонанинг қачон, қаердан келганини ҳеч ким аниқ билмас эди. Уни дастлаб мазорбошида кўрдилар. Кейин у пастга тушди. Самовархона атрофида айланиб юрадиган бўлди. Гўрковнинг омонат ҳужрасида яшай бошлади. Унинг исми ҳам, кимлиги ҳам қишлоқдагилар учун қоронғи эди. Баъзан ғудраниб, баъзан кулиб, баъзан йиғлаб юрадиган бу кимсага ҳамма ўзича ном берган эди. Ким «Девона», ким «Мўйлов жинни», ким «Мозор жинни» деб атарди. Болалар эса оддийгина қилиб «Жинни» деб чақирарди.

Девона беозор эди. Қишлоқдаги ҳожатмандларнинг, самоварчининг юмушини бажариб, нонини ҳалоллаб ерди. Самовархонадан бир неча марта жой қилиб беришса ҳам турмади. Мозорга чиқиб кетаверди.

Бир куни гўрков уни ёнига чақирди. Қўлига кетмон бериб «кавла» деди. Девона кетмонни қўрқибгина ушлади. Гўрковга хавотир кўзи билан қаради. Кейин титроқ қўллари билан кетмонни нари отиб юборди-да, йиғламсираб орқасига тисарилди.

Ҳамминг юмушини беминнат бажариб юрувчи Девона, бир неча марта зўрласа ҳам, гўрковнинг айтганини қилмади.

Мол кирмасин учун атрофи шох-шабба билан ўралган қабристон қишлоқдан унча узоқ эмас. Икки тоғ орасидан шиддат билан оқиб чиқувчи катта сой қабристон этагидан харсанг тошларга бош уриб ўтади. Девона яшайдиган хужра сойдан эллик қадамча баландда. Унинг висотида кимдир раҳм қилиб берган (ёки аввалги гўрковдан қолган) эски кўрпагина бор. Хужрадан мазордаги ҳар бир қабр яққол кўриниб туради. Қуёш тоғ чўққилари ортига ўтиб, тошлар қорая бошлаган пайтда Девонанинг турар жойига келган юраксизроқ кимсани ваҳима босиши мумкин.

Тун... Сукунат... Ўликлар маскани... Баргланинг шивирлаши... Танҳо девона...

Девона эса ваҳимали тундан чўчимас эди.

Баъзан, самовархонада кўринмаган кезлари, у хужра ёнидаги харсангда чўнқайиб ўтирганча мазорга тикиларди. Худди муҳим бир нарсани ўйлаётгандек бўларди. У дафн маросимларига барча қатори худди эси бутун одамдай қатнашарди. Тобут кўтарарди, етти қадам санаб юрарди, пичирлаб бир нарсалар дерди. Мазорга келгач, бир чеккада сукут сақлаб ўтириб, тиловат қилинишини кутарди. Маросим тугагач, ҳеч кимга эътибор қилмай, хужрасига кириб кетарди. У фақат Хўжа пиённинг жанозасида қатнашмаган эди. Саҳарда самовархонага туша туриб, дарахтга ўзини осиб қўйган Хўжа пиённи кўргану орқасига қайтиб, икки кун хужрасидан чиқмай ётган эди.

Болалар Девона билан ўйнашни яхши кўришар, аммо ота-оналарининг гапларига қулоқ солиб, унга кўпам яқинлашишмасди. У болаларга пўписа қилганда, кўпинча мўйловини бураб «мелисага бервораман», деб ғудранарди. Девона бу гапни баъзан катталарга ҳам айтарди. Кеча кайфдан кўзлари қизариб турган йигитга шундай деди-ю, балога қолди...

Девона хужрасида кўринмади. Дилмурод эшикни ланг очиб, тагига тош қистирди-да, ичкари кирди. Бўйра устидаги йиғилмаган кўрпанинг бош томонида ётган сариқ бир нарса уларнинг диққатини тортди. РҳақМирзавой энгашиб уни қўлига олди.

— Будёновками? — деди Дилмурод унга яқинлашиб.

— Ҳа... Кўп уринмаган...

— Бир пайтлар қизил аскар бўлганмикин?

— Асқарали ака «мулла эди», деяпти-ку?

Шу пайт ташқаридан кимнингдир шарпаси келди. Учови барабар эшик томон қарашди. Остонада Девона кўринди. Умида югуриб уни қаршилади. Қўлидаги бурама қандларни унга узатди.

— Олинг, сизга опкелдим.

Девона худди Умидани кўрмагандек, гапларини эшитмагандек тек қотиб турар, кўзини Дилмуроднинг қўлидаги қалпоқдан узмас эди. Умида ҳайрон бўлиб дадасига яқинлашди.

— Бу дадам, бу Мирзавой амаким, танаймасизми?

Девона яна индамади. Бир қадам, кейин яна бир қадам босди. «А... а...а...» деганича қалпоқни юлқиб олди. Орқасига тисарилди. Боши кесакига урилди. Қалпоқни бағрига босганча, ичкаридаги кишилардан кўз узмай, йигирма қадамча чекинди. Сўнг харсангга ўтирди. Шунда ҳам нигоҳини улардан олмади.

— Кетайлик, — деди Рҳақ аста. Дилмурод бош ирғади.

— Манавини бермаймизми? — деди Умида катта одамларнинг «қилиғига» тушунмай.

— Кейин, эртага келганимизда берарсан.

Улар орқаларига қарай-қарай пастга тушиб кетишди. Кутилмаган меҳмонлар дарахтлар панасида кўздан йўқолмагунча, Девона тош устида қимирламай ўтирди.

Улар Умидани уйга қўйиб, шифохонага киришлари билан эшик аста очилди. Остонада аввал рўмолининг бир учини тишлаб олган озғин, рангпар аёл, кейин ўн икки ёшлар чамасидаги юмалоққина бола кириб келди. Аёл салом берди. Бола индамади. Кўзларини пирпиратиб, дам оқ халатини кийиб улгурмаган Дилмуродга, дам қўлини ювиб, сочиққа артаётган Мирзавой-Рҳаққа қараб тураверди.

— Келинг, янга, нима гап, тинчликми? — деди Рҳақ аёлнинг саломига алик олгач.

— Бевақт келибмиз шекилли, — деди аёл хижолат тортиб.

— Жуда вақтида келдингиз. Хўш, нима бўлди, тобингиз қочдимми?

— Худога шукр, ўзим соғман. Манов жиянингиз... — аёл болага ишора қилди.

— Ие, полвон, бу қанақаси бўлди? Қани, бери кел-чи, — Рҳақ-Мирзавой боланинг пешонасини, кейин билак томирини ушлаб кўрди. — Иссиғи йўқ. Қани, кўйлагингни кўтар-чи, Дилмурод амакиси, бир эшитиб кўринг, полвонимизнинг қаери оғрияпти экан?

Дилмурод ҳали болага яқинлашмай туриб аёлнинг сўник овози эшитилди:

— Ўзи соғ. Ҳеч қаери оғримайди. Фақат... фақат тилдан қолди.

— Тилдан қолди?! Нимага?

— Невлай, чора кўринглар деб олиб келдим.

— Неча кундан бери гапирмаяпти?

— Ўн кунмикин...

— Шу тобгача қаерда эдингиз?

— Ўтиб кетармикин, дебмиз-да.

— Чилёсин ўқитмадингларми? — деди Дилмурод кесатиб.

— Ўқитдик, ҳаммасини қилиб кўрдик. Бўлмади, — деди аёл соддадиллик билан.

— Бола илгари қаттиқ касал бўлганмиди?

— Йўғ-а, болам бечоранинг боши ёстиққа тегмаган сира.

— Бирон нарсдан кўрқмадимми?

— Кўрқибди-да. Дадаси тўнларини дарахтга илганларича қолаверган экан. Аши ойдинда кўзига бошқача кўринибди.

— Шунга шунчами? Қани, тилингни чиқар-чи? Баракалла. Ҳеч хавотирли жойи йўқ. Мана, Тошкентдан келган амакиси бирпасда тузатиб қўяди. Қани, амакингга қараб қўй-чи, кўрдингми, Тошкентдаги энг катта дўхтир бу киши. «Профессор» деганларини эшитганмисан? — Бола бош ирғаб, тасдиқ ишорасини қилди. — Шу амакинг профессор. Масковда ўқиб келган. Сендақалардан мингтасини тузатиб юборган. Укол ҳам қилмайди, дори ҳам ичирмайди. Сен кўрқма. Амакингнинг айтганини қил. Қани, Дилмуроджон, шу полвонни ҳам гапиртириб юборинг. Эвазига бир чиройли ашула айтиб беради. А, айтиб берасанми?

Бола бош ирғади. Дилмурод Мирзавойнинг мақсадин тушунди: Мирзавой унинг мақтовини келтириш билан бола юрагида умид учқунини ёқиб қўйган эди. Дилмурод кеча гап устида профессор Раззоқовнинг иш усуллари ҳақида ҳикоя қилганида шунга ўхшаш воқеани ҳам айтган эди. Мирзавой ҳозир уни шу усулни қўллашга ундаб таваккал қиляптими? Ахир, Дилмурод сира бу ишга қўл урмаган-ку! Нима қилиш керак? Ғишт қолипдан кўчди. Энди томошани усталик билан давом эттиришдан ўзга чора йўқ.

— Қани, мана бу ерга ўтиринг-чи. Тилингизни чиқаринг. Баракалла. Кўзларингизни ҳам кўриб қўй-чи, — Дилмурод унинг мижжаларини қайирди, сўнг бошини уқалаган бўлди. — Оғримаяптими? — Бола йўқ ишорасини қилди. — Тўрт марта ўтириб туринг. Яхши, ётинг. Мирзавой ака, деразага парда қоқиш керак бўлиб қолди-ку?

То пардалар тутилгунча Дилмурод боланинг қўл-оёқларига, бошига ишдан чиққан эски электрокардиографнинг симларини боғлади. Сўнг фонендоскопни боланинг юрагига олиб бориб, эшитгични унинг қулоғига тақиб қўйди.



— Юракнинг уришини эшитяпсиз-а? Ҳозир қоронғи бўлгач, асбобни бурайман. Кейин «Сананг!» дейман. Ичингизда еттигача санайсиз. Тушундингизми? Овоз чиқариб санаманг тағин. Кейин озгина дам олиб саккизгача, озгина сабр қилиб тўққизгача, сўнг ўнгача санаб, менга «бўлди», дейсиз. Асбобни ўчиришим билан аянгизни чақирасиз. Хўпми?

Бола тасдиқ ишорасини қилиш пайтида овоз чиқарди. Дилмуроднинг ичига чироқ ёқилгандек бўлди. Хона қоронғилашди. «Сананг», деб буюрди Дилмурод. Сукунат чўкди. Дилмурод ҳам ўзича санади. Боланинг овози чиқиши керак. Жимлик. Бола қимирлади. Гапиролмаяпти. «Бўй... д» ... Дилмурод ишламайдиган асбобнинг мурватларини шақиллатиб буради. Яна жимлик. «А... а...» Дилмурод боланинг ёнига келди.

— Гапиролмаяпсизми? Қўрқманг. Тезда аянгизни чақиринг, бўлмаса симлар оёғингизга санчилади... — Дилмурод шундай деб унинг тиззасига аста игна санчди.— Чақиринг. — Бола яна «А...а», деб овоз чиқарди. — «Ая», деб чақиринг. Тез бўлинг! — Дилмурод энди игнани қаттиқроқ санчди. — Тез бўлинг деяпман!

У яна игна санчаман деганда бола «Ая!» деб бақариб юборди. Мирзавой пардаларни туширди. Аёл турган ерида ўзини тутолмай: «Ая, деган тилларингдан айланай», деб пиқирлаб йиғларди. Дилмурод симларни олди.

— Қани, туринг-чи, отингиз нима?

— Ка... ка... ғим... ббеғди...

— Каримбердимми? Баракалла. Ана, тилингиз чиқди. Энди қўрқмай гапираверинг.

— Дўхтир амакигаа нима дейиш керак? — деди Рҳақ-Мирзавой, боланинг елкасига қоқиб.

— Ғ..ғғаҳ..мат.

— Ана энди аянгизга, юринг, кетдик, деб айтинг.

Бола аясини қўлидан ушлади.

— Ю...ғинг, к...кет...дик.

— Ана, янга, Каримполвон соғайди. Энди ажина, ажина, деб йўқ нарсаларни тилга олиб болани қўрқитаверманглар. Кўпроқ гапирсин. Тили юришиб кетади. Иккинчи ирим-сирим қилиб юрганларингни эшитсам, дўхтирхонага яқинлаштирмайман. Тошкентдай жойдан сизларни деб катта дўхтир келиб ўтирибди-ю, сизлар чала муллага қўй сўйиб, зиёфатни бегона қилиб юрибсизлар.

— Вой, бир эмас, ўн қўй сизлардан айлансин. Дадасига айтаман, поёндоз солиб кутиб оламиз.

— Энди буёғини қўя туринг. Бир йўла Каримполвоннинг тўйида ҳисоб-китоб қиламиз.

Аёл қайта-қайта раҳмат айтиб чиқиб кетди. Дилмурод стулга ҳолсиз ўтирди.

— Пичоқсиз сўйдингиз, ака. Юрагимни бир эшитиб кўринг, тўхтаб қолди шекилли.

— Ҳаяжонландингизми?

— Яна сўрайсиз-а? Иш ўнгидан келмаса, нима деган одам бўлардик. Яна «профессор» деб таништирдингиз-а?

— Бу усулни кеча ўзингиз мақтаган эдингиз-ку?

— Тўғри мақтаганман. Лекин ҳали шакланмаганини ҳам айтганман-ку. Беморни ҳеч бўлмаса бир-икки кун тайёрлаш керак эди.

— Ўзим қойилмақом қилиб тайёрлаб бердим-ку. Ассистентларнинг пири бўлсам ҳам арзир эканми?

— Ишонгим келмаяпти. Бундай тажрибанинг ўндан биригина муваффақиятли чиқиши мумкин эди.

— Таваккал ҳам қилиб туриш керак, — деди Рҳақ кулимсираб. У Дилмуродни бу ишга атайин ундаган, айна пайтда, Дилмурод панд еб қолмасин, деб гипнозга шай турган, бу усул фойда бермаган тақдирда боланинг миясига биотоклар оқимини йўллаб, тилга киритмоқчи эди. Рҳақ бу муолажадан сўнг Дилмуроднинг обрўйи ошажагини билар, алқисса, унга худди шу керак эди.

Дилмуроднинг ҳаяжони босилмай туриб, хонага Асқарали кириб келди. Рҳақ унинг чеҳрасига қараб, бир оз саросимада эканини сизди.

— Дўхтир иним, сизларга бир юмуш чиқиб қолди,— деди у узун курсига омонат ўтириб, — менинг бир қиёматли ошнам бор. Ишоқ буқоқ деган одам. Унақа аскиячи, унақа қизиқчи етти иқлимда йўқ. Шу ошнам оғирлашиб қолибди. Ҳозир невараси айтиб кетди. Ўзингиз бир бориб кўрмайсизми? Туновида Мирза иним дори-дармон қилиб берувдилар. Биргалашиб борсанглар...

Ҳаялламай йўлга чиқишди.

— Ошнангизнинг юраклари бақувват экан, — деди Рҳақ-Мирзавой сой устига солинган кўприқдан ўтаётди. — Очиғини айтсам, мен ўша куни узилсалар керак, деб ўйловдим.

— Э, бу одамни азоб еган. Босмачининг қаердалигини айтасан, деб ертўлага қамаб, устидан сув бостиришган экан. Бўлмаса, камида юз йил яшайдиган қувноқ одам эди, — деди Асқарали афсусланиб. — Уларнинг аждодида саксон-тўқсондан кам яшаган одам бўлмаган. Отасини саксон еттида ерга қўйишган. Раҳматли полвон одам эди. Пайғамбар ошини тортгандан кейин ҳам улоқ чопарди. Азроилнинг чангалидан қутулиш мумкин эди-ю, аммо унинг чангалидан улоқни ажратиб олиб бўлмасди. Ҳўкизни чертиб қулатадиган кучи бўлса ҳам сира кураш тушмасди. Кейин сабабини билсам, йигитлик чоғида бир полвонни эзиб, майиб қилиб қўйган экан. Шу-шу бировга озор бермай ўтиб кетди, раҳматли. Ишоқ буқоқ ҳам отасига ўхшайди. Чивинга озор етказганини билмайман.

— Дунёнинг ишлари қизиқ, — деди Дилмурод Асқаралининг гапларини эшитиб. — Кучли одамларнинг бағри ҳам кенг бўлади. Катта полвонлар заифларни сира хафа қилмайди. Зиёлиларда ҳам шундай ўткир истеъдод эгаси бошқаларга яхшилик қилиш учун ҳамиша вақт топади, бировга ҳалақит бермайди, фақат қўллайди. Илм атрофида адашиб, ўралашиб юрганлар эса бутун вақтини, кучини, ўзини ақлли қилиб кўрсатиш учун чиранишга сарфлайди. Жимгина сарфласа ҳам майлига, бошқаларнинг асаби, тинчини бузиш ҳисобига кун кўради.

— Э, Дилмуродвой, иним, бу ҳамма ерда бор касал.

— Олимларнинг кўпи одамдаги чап мия қобиғи асосий, ўнгдагиси унга ёрдамчи, мустақил фаолияти йўқ, одамнинг истеъдод даражасини ана шу чап мия белгилайди, дейишади. Мен эсам одамларнинг чап мияси кам шаклланган дейман.

— Уларда чапи ҳам ўнги ҳам шаклланмаган, деяверинг, — Асқарали шундай деб қўл силтади.

Рҳақ Дилмуроднинг гапини эшитиб, мақсадини аниқлади. Дилмурод одамларнинг чап мия қобиғига «доминант», ўнг қобиғига эса «субдоминант» деб сифат беришига қарши эди. У исботга кучи етмаса ҳам, ўнг қобиқ оддий симметрия эмас, яъниким, асосий ҳисобланадиган қобиққа буткул бўйсунмайди, унинг ўзига хос мустақил юмуши бор, деб ўйларди. Профессор Раззоқов Дилмуроднинг бу фикрини тўла қувватламаса ҳам тажрибаларига ёрдам берарди. Умуман, одамларнинг хатти-ҳаракати, хасталикка нисбатан чидами билан қобиқлар ҳақидаги бу ғоянинг номутаносиб экани ойдин бўлса-да, кўпчилик бундан кўз юмар, очиқ фикрлашдан чўчирди. Чунки, узоқ йиллар мобайнида мутлоқ ҳоким бўлиб келган ғояни нотўғри дейиш, ҳақни исбот этиш «Марксизмга зид фикрловчи олим» тавқи лаънати остида қамалиш, ҳатто отилиш учун қадам қўйиш демак эди. Ҳолбуки, бу ғоянинг ўзгариши кўп касалликларни даволашга йўл очиб бериши мумкин эди. Рҳақ Дилмуроднинг хаёлида яшириниб ётган бу тўғри фикрни ўқиб, яна бир бор хурсанд бўлди.

Олмазорни оралаб ўтиб, кичик ялангликка чиқишди. Ўртада пастак уй. Олди айвон, уйнинг чап биқинида қийшиқ тандир. Баҳайбат ўрик шохлари ялангликка кўланка солиб турибди. Ўриikka боғланган эшак бошини эгганча қимир этмайди. Аҳён-аҳёнда думи билан хира пашшаларни ҳайдайди. Бу ҳам таъсир этмагач, орқа оёқлари билан депсинади. Атрофида ўралашиб юрган уч-тўрт товуқ эшакнинг бу қилиғига парво қилмайди.

Ишоқ ота айвонда, эскирган намат устига тўшалган кўрпада шифтга тикилганча ётарди. Кўзлари ботиқ, ёноқлари туртиб чиққан. Муштдек буқоғи иягига тиралиб турибди. Эт суякка

ёпишган, қимирлашга мажоли йўқ. Отани елпиб ўтирган келини меҳмонларни кўриб, ўрнидан турди.

— Келдими? — сўради ота заиф товушда.

— Йўқ... Асқарали тоға билан меҳмонлар келишди.

— Дарров дастурхонга қаранг, қизим.

Асқарали дўстининг қўлини олиб, ҳол сўради.

— Э, сўрама, у дунёга бир бориб, бир қайтиб келяпман, — деди ота заиф овозда.

— Шу ётишингда у дунёга бориб келяпсанми, а? — деди Асқарали гапни ҳазилга буриб, унинг кўнглини кўтариш учун. — Балосан, буқоқ, балосан. Менга қара, у дунёда кимларни кўрдинг. Энангди кўрмадингми?

Ишоқ ота дўстининг кўнгли учун жилмайишга ҳаракат қилди. Сўнг ихраниб бўлса-да, жавоб берди:

— Йўқ, сени энангди кўрдим.

— Нима деди, келиб турсин, демадими ишқилиб?

— Йўқ, индамади... — Ишоқ ота тамшанди. Аммо сўзи чала қолмасин учун ўзини мажбур қилиб гапни давом эттирди: — Энанг жаннат билан дўзахнинг нақ ўртасида... У ёққа ўтганларнинг ҳам, бу ёққа ўтганларнинг ҳам юзини чакичлаб ўтирибди...

Асқаралининг чўтирлигига шама қилиб айтилган бу қочириқдан ҳамма мириқиб кулди. Ишоқ ота ҳам рангига бир оз қон югургандай бўлиб, жилмайди.

— Олдинг, буқоқ, олдинг. Ана, айтдим-ку, бунақа аскиячи йўқ, бу дунёда деб, — деди Асқарали, ўзини кулгидан тиёлмай. Кейин, ҳазил-мутойибани давом эттиришга отанинг мажоли йўқлигини билиб, муддаога кўчди. — Тошкентлик дўхтир ўғлинг, ота билан бирга отамлашайлик, деб келди.

— Ҳа, меҳмон бошламаса, ўзингча келай ҳам демайсан. Невараларинг омонми, ишқилиб. Ҳа, Худо тўзим берсин. Меҳмонларни зериктириб қўймапсанми?

— Меҳмонлар иш билан овора. Меҳмонлиги қолмади. Манави дўхтир ўғлинг: «Шунча йил юриб, Ишоқ отаникидек бақувват юракни кўрмагандим, оҳ-воҳ қилиб ётишлари нимаси?» деяпти.

Ишоқ ота яна жилмайишга ҳаракат қилиб Мирзавой-Рҳаққа қаради.

— Мен «Ишоқ отангизнинг дардлари бошқа томонда. Тошкентга куёв қилмасангиз бўлмайди», дедим.

— Тегишасан-а? — деди ота. Унга Асқаралининг ҳазили маъқул келган, юрагида яна аскияга майл уйғотган, лекин уни тилга чиқаришга энди қурби етмас эди.

— Қани, иним, куёв тўранинг юракларига яна бир қўл солиб кўрингчи, сизга нима дер экан, — деди Асқарали Дилмуродга қараб.

Ота кўрпа устида мажолсиз чўзилиб ётган ўнг қўлини салгина кўтарди:

— Керакмас.

Дилмурод савол назари билан Асқаралига қаради. Асқарали ҳеч нарса бўлмагандек гапни бошқа томонга бурди:

— Абдулҳай қани?

— Раисни йўқлаб кетди.

— Раисни нима қиларкан?

— Мен айттирдим. Икки оғиз сўзим бор.

— Э, бу эррайимга сўз хайф, овора бўлганингга арзимайди.

— Йўқ, айтиб кетишим керак. Насихат биздан лозим. Омма сизлар эҳтиёт бўлинглар, сопи ўзимиздан чиққан.

Асқарали меҳмонларга қаради.

— Эшитганмисиз?

— Нимани?

— Соп ҳақидаги ривоятни?

— Йўқ.

— Буқоқ, дўхтир ўфилларинг бу ҳикматдан беҳабар экан, айтиб бер.

— Ўзинг айтақол, оғзим қуруқшаб кетди.

Асқарали пиёладаги чойни отанинг оғзига тутди. У икки ютум ичиб, тамшанди.

— Бир ўрмонда Болта пайдо бўлиб, дарахтларни бирин-сирин қийрата бошлабди, — деди Асқарали пиёлани жойига қўятуриб. — Дарахтлар кекса Чинорнинг олдига маслаҳат сўраб келишибди. «Болта деганларинг нима, темирми?» деб сўрабди Чинор. «Ҳа», дейишибди дарахтлар. «Дастаси-чи, дастаси ҳам темирми?» — дебди Чинор. «Йўқ, — дейишибди дарахтлар. — Сопи оғочдан». «Ие, сопи ўзимиздан экан-ку, энди додимизни кимга айтамиз?» — деган экан Чинор.

— Халқимиз хўп донишманд-да. Бундай ҳикмат тушимга ҳам кирмаган эди, — деди Дилмурод ҳаяжонланиб.

Дарахтзор орасида икки кишининг шарпаси кўринди. Олдинда раис, орқароқда Абдулхай.

Абдулхай сув сепилган ердан ўтаётиб оёғини тап-тап урди-да, этик чангини қоқди.

— Келишдими? — деб сўради ота бошини буришга ҳаракат қилиб.

— Ҳа, келишди, — деб жавоб берди Асқарали.

Салом-алик, ҳол-аҳвол сўрашишдан сўнг, ота раисга мурожаат қилди.

— Мамарайим, иним, ишинг кўп бўлса ҳам чақиртирдим, хафа бўлма.

— Хафалиги борми, ўзим ҳам келаман, деб турувдим. Даланинг иши қайнаб кетди, биласиз-ку... Ўзингиз тузукмисиз ишқилиб, рангингиз дуруст, кўз тегмасин.

— Худо деб ётибмиз, иним. Сенга айтадиган сўзим бор эди. Гапимни бўлмамай эшит: бир кишининг уч ўғли бор экан. Вақти-соати етганини сезган ота меросини кимга қолдиришни билмай боши қотибди. Кейин болаларини синаш учун уларни уч томонга юборибди: «Одамларга биттадан яхшилик қилиб қайтинглар», — дебди. Ишоқ ота ривоятнинг давомини эсламоқчи бўлгандай жимиб, кўз юмди. Асқарали сергакланиб, унинг пешонасига кафтини қўйди. — Сув бер, ошнам,— деди Ишоқ ота тамшаниб. Лабини хўллаб олгач, кўзини очиб давом эттирди. Айтадиганини айтиб олишга шошилиб, бу сафар тезроқ гапирди: — Каттаси билан ўртанчаси отанинг амрини бажариб, тезда қайтибди. Бири ногирон кишининг, бири ожиз кишининг юмушини беминнат бажариб берибди. Аммо кенжа хийла ҳаяллаб қайтибди. Бунинг учун акаларидан дакки эшитиб, ерга қарабди. Сўнг отасига ҳисоб берибди: «Дада, фалончини биласиз-а, ашаддий душманам, ҳар лаҳзада жонимни олиш учун пайт пойлайди. Отаси сизнинг душманингиз эди. Кетаётсам, аши тикка жарнинг ёқасида ухлаб ётибди. Бир ағдарилса, жарга қулаб ўладиган. Мен уни уйғотиб юбормаслик учун секин-секин суриб, четга олиб қўйдим». Ўшанда ота қувониб, меросини кенжасига қолдирган экан... Асқарали, чойдан... Умринг узун бўлсин, ошнам... Қиссадан ҳисса шуки, боболаримиз энг разил душманингга ҳам яхшилигингни аяма, деган. Мен бу гапларни ўзим тўқиганим йўқ. Тоғангдан эшитганман. Ҳар жумада шунақа ибратли ваъз айтарди. Донишманд одам эди, баъзи ғаламислар сўзи билан бекорга қулоқ бўлиб кетди, бечора.

— Бизнинг уруғда унақа руҳонийлар бўлмаган, қулоқлар ҳам, — деди раис жаҳл билан.

— Аччиғинг чиқмасин. Тоғангдан нима учун тонаётганингни билиб турибман. Ҳали замон тинчиб кетади. Қариндош-уруғдан кечиш ярамайди.

— Қўйинг бу гапларни!

Асқарали «Тек ўтир, раис!» деб туртиб қўйди. Мамарайимнинг шолғомсифат ялпоқ бурни оқариб, тарам-тарам пешонасида тер кўринди. Тумтайиб олди.

— Агар биронта одамга яхшилик қилиш қўлингдан келмаса, ҳеч бўлмаса, ёмонлик қилма. Бу ибратни ҳам тоғангдан эшитганман. У, балки, тоғанг эмасдир, балки чиндан ҳам сен айтгандай «халқ душмани» бўлгандир. Аммо ҳақ гапларни айтиб кетган. Шу ибратларга амал қилсанг, барака топардинг.

— Мен шу топгача бировга ёмонлик раво кўрганим йўқ. Бўлса шу колхозга бўлсин, деб жонимни жабборга беряпман. Битта тўним ҳали икки бўлгани йўқ.

— Дуруст... Бировга яхшилик қиламан дейсану кўнглига озор бериб қўясан.

— Нима, мени тергаш учун чақирганмисиз?

— Йўқ, — деди Ишоқ ота, - икки оғиз насиҳатим бор. Аслида, мен сени қарғашим лозим эди. Лекин бунинг фойдаси йўқ... Шамолда шилдираётган маккайининг баргларими?

— Ҳа.

— Илгари маккайининг ўрни нима эди?

— Боғ эди.

— Мен бу боғни йигирма йил парвариш қилган эдим. Худо умр берса, анави тепаликни ҳам боғ қиламан, деган умидим бор эди. Атти боғ қилиш Абдулхайнинг чекига тушган экан. Барака топсин. Сендан илинжим шуки, иним, раис бўлсанг, одил раис бўл. Кўп билан кенгашиб иш юрит. Боғларни хазон қилма, уволи тутади. Гуноҳи ўзингга урмаса, болаларингга уради.

— Боғингизни буздирган бўлсам, ташлаб қўйганим йўқ. Боғдан фойда кам колхозга. Маккайининг фойдасини еб ётибсизлар-ку!

— Маккайига бўлак жой қуриб кетган эдимиз?..

Ишоқ ота шундай деб жеркиди-да, яна кўзини юмди. Асқарали унга чой тутди. Ишоқ ота тамшан-ди-ю, чойдан ичмади. Асқарали пиёлани Абдулхайга узатиб, «сув беринг», деди кейин «пахта ҳам» деб пичирлади. Ота кўзини очди. Бу сафар раисга қарамай шифтга тикилиб гап бошлади:

— Довонда музлаб қолган одамларни кўрган эдим. Тик қилиб қўйсанг, худди тирик одамга ўхшайди... Сен ҳам ўша мурдаларга ўхшаб қолма. Сиртида жон бору ичи ўлик одамлар халқнинг қарғишига қолади-я!

Раис ғазабдан бўлғилса ҳам, ўзини тутди. Жон таслим қилай деб ётган қария билан олишишга журъат этмади. Унинг бош эгиб ўтирганини кўрган Ишоқ ота ҳам гапни калта қилди. Абдулхай отасининг имоси билан косаларда шўрва келтирди. Асқарали орада ҳеч қандай оғир гап ўтмагандай гурунгни бошлади. Раис ҳам сал очилиб, колхозга янги трактор ундираётганини айтиб, мақтанди. Абдулхайнинг боғига оқсоқоллар ҳордиқ чиқарадиган шийпон қурдиражагини билдирди. Кейин отага сиҳатлик тилаб, чиқиб кетди.

Раис кетгач, Ишоқ ота гапирмай, кўзини бир очиб-бир юмиб, тамшаниб ётди. Шом қоронғиси тушганда Абдулхайни чақирди.

— Болам, омонатимни топширгудай бўлсам, боғингга қўй, боғингни қўриқлаб ётай, девдим, эсингдами?

Абдулхай бош ирғади.

— Ўйлаб қарасам, шайтон васвасасига учган эканман. Ёлғиз ётишдан Худо асрасин экан. Кўпнинг орасига қўявер. Раисга инсоф бериб, боғингга шийпон қурса, кўпнинг дуосини оласан. Ана шу дуо арвоҳимга мадад бўлади, болам...

Асқарали Мирзавой-Рҳақ билан Дилмуродга рухсат берди. Аммо улар шу ерда қолиш истагини билдиришди.

Айвонга бир сидрадан кўрпача ташлаб ётдилар. Бироқ кўзлари илинавермади. Ой тиккага келганда от туёқларининг овози эшитилди. Отлиқлар қабристон томонга ўтдилар. Дилмурод бир Асқаралига, бир Мирзавойга қаради-ю, тунги отлиқлар ҳақида сўрамади. Қабристонга қараб ётаверди. Тепаликда Девонанинг ҳужраси қорайиб турибди. Бир оздан сўнг қабристонда қора шарпалар кўринди. «Отлиқларми?» деб ўйлади Дилмурод. Яна Асқаралига қаради-ю, сўрашга ботинмади. Отларнинг кишнаши эшитилди. Дам ўтмай қабристонда олов кўринди.

— Уйқунгиз келмаяптими? — деб сўради Асқарали унинг бедорлигини билиб.

— Қаранг, ўт ёқишяпти.

— Мозордами? Ҳа, Абдуҳолиқнинг уруғлари бўлса керак?

— Нимага бундай қилишяпти?

— Ирими шунақа. Бир оиладан кетма-кет одам ўлаверса, тунда қабрларга от соладилар. Оёғи ёзилмай қолган мурда одам чақирармиш. От ўшанинг қабридан ошиб ўтолмас экан. Ўша мурдани ё қиймалаб чопадилар, ё ёқадилар.

— Биз томонларда мурданинг оёғини узатиб қайта кўмишади. Бу ердагиси даҳшат-ку!

— Даҳшат дейсизми? Йўқ, бу ота-боболаримиздан қолган одат.

— Шу билан ўлим тўхтайдими?

— Баъзан тўхтайди.

— Ахир ўлимнинг кетма-кет келиши авлоддан-авлодга ўтувчи касалликлар натижаси-ку?

— Буни биз тушунмаймиз, иним... — Асқарали шундай деб ёнбошга ўгирилди. Шу билан суҳбат ҳам тугади.

Гулхан анча вақтгача ёниб турди.

Ишоқ отанинг жони тонгда узилди. Унинг узилганини сезмай қолишди. Беозоргина жон берди...

Атрофи оқ мато билан ўралган тобут ердан узилди. Аёллар юзларини тимдалаб, фарёд кўтардилар. Абдулхай лаҳадга тушиб отасини қўяётганда, Асқарали тўнининг этагини очиб давра айланди. Одамлар бир сиқимдан тупроқ олиб, пичирлаб дуо ўқиб, куф-суфлаб этакка ташлашди. Ҳаммадан чеккароқда ўтирган Девона ҳам тупроқ олди-ю, жойидан жилмади. Асқарали буни сезиб унга яқинлашди. Девона дуо ўқимаёқ бир кафт тупроқни этакка ташлади-да, унга қараб тиржайди.

Асқарали тўплаган тупроқни лаҳадга тўқди.

— Девонага борганинг нимаси эди? — деди гўрков норози оҳангда.

— У ҳам одам-ку...

Гўрков лаҳад оғзига гувала териб бўлгач, Ишоқ отанинг яқинлари кетмонни қўлма-қўл олиб қабрга тупроқ тортишди. Бу манзарани бир четда туриб кузатаётган Рҳақ ўйга толди: мана шу тумонат одам ичида Ишоқ отанинг қариндошлари ҳам, етти ёт бегоналар ҳам бор. Тўғри, уларнинг барчаси кўз ёш тўқиб, бир хилда қайғуришмаяпти. Баъзилар отанинг қўлидан, ҳатто бир пиёла чой ичмаган, ҳамсуҳбат бўлмаган, салом-алиқдан нарига ўтмаган. Аммо улар ҳам куйинишяпти. Бир одам боласининг бу дунёни ташлаб кетганига ачинишяпти. Эрта-индин мана шу тупроқ тортаётганлардан бири қарими, ёшми кўз юмса ҳам шу ҳол такрорланади. Одамлар унинг ўлимидан куюнадилар. Мана, ҳатто Рҳақнинг ўзи ҳам ачиняпти. Ачиняпти? Қизиқ, ахир унда бундай ҳис сира уйғонмас эди-ку? Ҳатто ўғли, хотини учун ҳам бу қадар ачинмаган эди. Наҳот одамларнинг туйғулари унга ҳам ўтаётган бўлса?

## ТАЛВАСА

Гала-гала қўнғир булут осмонни артиб, узоқдаги чўққилар томонга ўтиб кетди. Икки кундан бери ўша ёқда узлуксиз чақмоқ чақади, момақалди роқ гумбурлайди. Водий томондан келган булутлар гўё ёрдамга шошаётгандек қишлоқ осмонидан тез сузиб ўтади. Момақалди роқ қаттиқ жаладан дарак берар, аммо табиатнинг бу бемаврид эҳсонидан қишлоқ ҳозирча ҳоли эди. Фақат куннинг тафти қайтиб, кечалари анча салқин бўлиб қолди.

Тамакининг барглари узун канопларга терилиб, шода-шода қилиб қўйилган. Сарғайиб қолган шодалар эрта-индин олинади. Қоғоз каби текислаб, биттадан тахлаб, омборга жўнатилгач, кўчалар ҳувиллаб қолгандек бўлади. Қор иси келиб, дарахт барглари умрини яшаб, хазонрезги бошланади. Кейин қор тушади. Ҳамма уйига тиқилади. Тонготаргача давом этувчи гап-гаштак бошланади.

Асқарали тамаки баргларининг шодаларига қараганча шуларни ўйлаб борарди. Унинг машқи анча паст. Ярим қадам орқада келаётган Дилмурод буни сезиб, ҳамроҳини гапга тутмади. Гузарга етишгач, Асқарали Дилмуродни чойга таклиф қилди. Дилмурод тунда бир қарорга

келган, ҳозир Мирзавой-Рҳаққа мақсадини аён айтмоқчи эди. Шу сабабли Мирзавой самовархонада кўринмагач, шифохонага ўтишни маъқул кўриб, Асқаралининг таклифини ерда қодирди. Асқарали буни кўнглига олмади. «Пича туриб чойни ўзим олиб чиқаман», деб тош зинадан юқорига кўтарилди.

Дилмурод ичкарига кирганда Рҳақ Фид билан хаёлан баҳс қилиб ўтирарди. Кейинги кунларда кўрган-кечирганлари, ўзи сезмаган, ҳолда, ачиниш ҳиссини уйғотган ва бу хаёлий баҳсга туртки бўлган эди. У Дилмуродни кўриб, ўрнидан турди. Ҳол-аҳвол сўради. Кейин орага жимлик чўқди. Дилмурод гапни нимадан бошлашни билмай каловланди. Кейин дангал мақсадга кўча қолди.

— Мен сиз билан маслаҳатлашмоқчи эдим, — деди у сукутни бузиб.

— Агар мендан бирор ақлли гап чиқишига ишонсангиз, марҳамат, — Мирзавой шундай деб жилмайди. Бироқ бу жилмайиш юзидаги ўйчанлик пардасини кўтара олмади.

Ташқарида супурги ушлаган Сабохон кўринди. Дилмурод оқ халатини кийгач, титилиб ётган чарм диванга ўтирди. Рҳақ дераза ёнидаги стулни диванга яқинроқ сурди.

— Мен Девонани даволашга уриниб кўрмоқчиман.— Дилмурод, гапим қандай таъсир этди экан, деб ҳамсуҳбатига тикилди. Рҳақ Дилмуроднинг руҳий хасталиклар бўйича мутахассис эканини, Девонани дастлаб кўргандаёқ уни даволамоқчи бўлганини сезган эди. Аммо ҳозир унинг қарашидаги маънони англаб, кутилмаган хабар эшитган одамдек атайин ҳайратланди.

— Шу мўйловними? — деди гўё ишонқирамай.

— Ҳа, ўшани. Аммо бу ишни бир ўзим уддалай олмайман. Сиз ёрдам бера оласизми?

— Менми? Мен-ку, жон-жон деб кўмаклашаман. Лекин... умримда... бунақа ишларга аралашмаганман. Ўзингиз биласиз, техникумнинг таълими билан...

— Ҳа, техникумда жуда саёз билим беришади. Ҳечқиси йўқ. Мен қўлдан келганча ўргатаман.

— Раҳмат, Дилмуроджон.

— Демак, розисиз. Лекин бу ҳозирча иккаламизнинг ўртамизда сир сақланиши керак. Чунки ишимизнинг оқибати ҳали номаълум. Мени кутиб олганингизда, катта чамадонимни кўриб: «Бутун Тошкентни кўтариб келганмисиз?» — деган эдингиз. Ўша чамадонда ўзим ясаган бир янги асбоб бор. Унга ТЕТ — Тошкент электрон табиби, деб ном қўйганман. Мен бу ерга икки мақсадда келганман: биринчиси — ташқи муҳитнинг, турли воқеа-ҳодисаларнинг инсон руҳиятига таъсири, тўғрироғи, руҳий касалликларни келтириб чиқаришини чуқурроқ ўрганиш, иккинчиси, иложи бўлса, ТЕТни синаб кўриш...

«Қайнотасининг ҳибсга олинганини яширяпти. Ахир, бу ерга келиб қолишининг асосий сабаби ўша-ку? Буни мендан қачонгача яширар экан?» — деб ўйлади Рҳақ. Аммо сир бой бермай, ўзини билмаганга олди.

— Биринчи мақсадингиз-ку, тушунарли, аммо иккинчиси асоссиз, — деди у.— Нима, тажриба учун Тошкентда жинни йўқми? Ундан кейин, янги асбобни аввал ҳайвонларда синаб кўриш керак шекилли? Бу ўз-ўзидан бўладиган иш эмас-ку!

— Тўғри, ўз-ўзидан бўлмайди. Аввало ТЕТни ҳайвонларда синаб бўлмайди. Чунки ҳайвонларнинг жинниси бўлмайди. Илмий кенгаш барча маълумот ва хулосаларимни таҳлил этиб, уни тажрибада синашга рухсат берган. Жинни масаласига келсак, руҳий касаллар клиникага тушганларини оз бўлса-да, ҳис этадилар. Улар тўрт девор орасида яшашни истамайдилар. Озодликка интиладилар.

— Эси борлар интилмайдими? Озодлик ҳаммага ҳам ёқади.

— Клиникадаги беморлар билан озодликда юрганлари ўртасида фарқ бор.

— Яхши. Унда бемалол синаб кўраверинг.

— Қандай синайман? Аввал Девонанинг қариндошлари билан танишиб, касаллик тарихини аниқлашим керак.

— Ҳа, аҳволингиз оғир, оғайни. Айрим таҳлилларни олиш ҳам мушкул. Электроентсефалография учун марказга бориш керак. У ерда ҳам имкон борми, йўқми, билмайман.

— Баъзан бўғилиб кетаман-да, Мирзавой ака, шу нарса юзага чиққанига салкам йигирма йил бўлди-я! Йигирма йилдан бери уни қўллаш тузукроқ йўлга қўйилмаган.

— Сиз бўғилаверманг. ТЕТингиз яхши натижа берган тақдирда ҳам уни барча ерда қўлланишига эришиш учун яна югурасиз. Кашфиёт қилишга нисбатан уни оммавий қўллашга эришиш оғирроқ.

— Нега шундай? Ахир, одамзот янгиликка чанқоқ-ку?

— Дунёда оқ рангдан ташқари қораси ҳам бор. Янгиликка чанқоқлик билан лоқайдлик қўшни бўлса, нима дейсиз? Лоқайдлик кўланкага ўхшаган нарса — чопиб ҳам, кўмиб ҳам бўлмайди.

Дилмурод ўрnidан туриб дераза олдига борди. Сабохон тарвақайлаб ўсган толнинг соясида бир жувон билан гаплашиб турибди. Дамбадам Дилмурод томонга қараб қўяди. Атайин қараяптими ё Дилмуродга шундай туюляптими?

Рҳақ Дилмуроднинг ёнига келиб елкасига қўл ташлади.

— Бўғилган билан иш битмайди. Деворга дуч келсангиз, бошингиз билан уриб тешиб ўтмайсиз-ку. Деворнинг ёнида айланма йўл ҳам бўлади.

— Мумкин эмас-да, Мирзавой ака!

— Билиб қўйинг, ҳатто қонунлар ҳам мутлақ эмас, ўзгариб туради.

— Ёзилмаган қонунлар ҳам бор-да.

— Ҳатто улар ҳам вақти-соати билан таҳрирга муҳтож бўлиб қолади. Сезиб юрибман, келганингиздан бери жиннига разм соласиз. Унга аллақачон диагноз ҳам қўйгандирсиз.

— Тахминан қўйдим.

— Қандай диагноз?

— Тотал эсипастлик — диффуз дементсия синдроми. Бош мия пўстлоғининг диффуз зарарланиши. Хотира, диққат, нутқ, таҳлил, хулоса чиқариш, танқид қилиш, умуман, ақлий фаолият қобилияти ишдан чиққан.

— Масала равшан экан, тажрибани бошлайверинг.

— Қандай қилиб бошлай? Асбоб узоқ масофадан таъсир этмаса, жиннини бу ерга олиб келиб, ётқизиб бўлмаса...

— ТЕТингизнинг ишлаш жараёнини айтиб беринг-чи, бир иложини топамиз.

— Беморни ётқизиб энсасига, орқа миясига электродлар қўйиш керак. Кейин қуйи частотали кам кучдаги импульс ток билан мия тўқималарини қитиқлаб ўйғотамиз.

— Тушундим. Демак, электр билан талвасага туширамиз.

— Йўқ, ундай эмас. Одам аъзоларига бундай қўпол аралашувни биз энг сўнгги чора деб биламиз. Мен унга бутунлай қаршиман.

— Ретроград ва атероград амнезиялар типдаги хотира йўқолади, демоқчимисиз?

— Бугина эмас, мия тўқималарига қон қуйилиши мумкин. ТЕТ эса бунга йўл қўймайди. У гиппокампи ёки таламусни аста қитиқлайди. Агар миянинг бу бўлимларида маълум даражада тормозланиш жараёни мавжуд бўлса, электродларнинг қитиқлаши натижасида бу бўлақлар миянинг умумий иш жараёнига боғланади.

— Психиатр бўлмасам ҳам мақсадингизга тушундим. Энди бундай қиламиз: жинни амакини шифохонага ишга оламиз. Қарши эмасмисиз?

— Қарши эмасман... Лекин...

— Демак, келишдик. Хизматдан сўнг Дилмурод Мусаев раҳбарлигидаги врачлар делегатсияси Мўйлов ҳазрати олийларини лутфан ишга таклиф этгани боради. Ҳа, айтмоқчи, унга бирон исм қўйишимиз керак. Жинни, деб чақирмаймиз-ку?

— Тўғри, исм танлашимиз зарур.



— Нима десак экан... — Рҳақ аввалига «Сабоҳиддин» демоқчи бўлди. Лекин бу билан Девонани чўчитиб қўйишини билиб, хаёлига келган биринчи исми айтди: — Шопўлат! Бўладими?

— Шоҳ қилиб юбордингиз-ку.

— Жинни ўзини шоҳдек ҳис қилади-да...

— Нима, унда шундай мания аломати борми? Ўзини чиндан шоҳ ҳис қиладими?

— Буни билмадим. Шунчаки айтдим-да. — Рҳақ шундай деб Дилмуроднинг соддалигидан кулиб, елкасидан қучди.

— Бу таклифингиз яхши. Аммо яна бир иш қилишимиз керак. Новқатга бориб келмасак бўлмайди.

— Нимага?

— Ўша ерда синглиси бор экан-ку, унинг тарихини билишим керак.

— Керакми ё шартми?

— Шарт. Сиз Фрейд деган олимни эшитганмисиз?

— Фрейд? — Рҳақ эсламоқчи бўлгандек, ўйга толди. Аввалги сафар Ерга келганда барча олимлар қатори Фрейдни ҳам ўрганган эди. Фрейд таълимотини айримлар нотўғри ҳисоблагани учун Дилмуроднинг бу борадаги фикридан огоҳ бўлиш ниятида: «Йўқ, эшитмаганман», деди.

— Ҳозир Фарбада фрейдизм тамал тоши бўлиб қолган. Улар психикани моддий шароитлар билан уни туғдирувчи сабаблардан ажратиб ўрганадилар. Яна бировлари Фрейдни таҳрир этиб, шахс такомилда муҳитнинг таъсирини етакчи ўринга қўйишади. Лекин шахс билан муҳит ўртасидаги ўзаро алоқадорликни бутунлай инкор этишади. Ҳар иккала йўл ҳам қип-қизил мантиқсизликнинг ўзи. Биз одам мияси ҳақида бир қарашда жуда кўп, ҳақиқатда эса жуда оз нарса биламиз. Миядаги кимёвий реаксияларда, ҳатто молекулаларда инсоннинг оддий ҳис-туйғуларидан тортиб, оғир қайғуларигача жамланади. Шунинг учун ҳам бемор билан врач ўртасида мутлақ яхши муносабат ва ишонч бўлиши керак. Биз хасталикнинг энг сўнгги босқичи билан юзма-юз турибмиз. Палапартиш иш бошласак, панд еймиз.

— Яхши, бу шартингизга ҳам кўндим. Раисга гиёҳ териб келамиз, деймизу Новқатга жўнаймиз. Истасангиз, эртагаёқ...

— Йўқ, аввал Девонани ўзингиз айтгандек «ишга олайлик». Келинингиз бугун-ерта, ўйга қайтади. Уларни кузатай. Новқатга кейин борамиз.

Оқшомда икки доктор Девонанинг маконига қараб йўл олди. Самовархонада эмасмикин, деб гузардан ўтдилар. Девона ҳужрасида ҳам йўқ эди. Рҳақ атрофга аланглаб Дилмуродни чақирди.

— Қаранг, — деди у сой томон ишора қилиб.

Сой бўйида Девона билан Умида ўтирарди. Умида ерда тўп бўлиб турган тошчаларни бир-бир олиб кафтига тўплар, Девона эса қизиқсиниб, қизчанинг қўлидаги тошчалардан кўз узмас эди. Умида ўйин қондаси бўйича барча тошларни кафтига тўплагач, Девонага тутди. Девона уқувсизлик қилиб тошчаларни сочиб юборди. Умида аразлагандек юзини бурди. Девона қизчанинг ранжиганини англаб, ирғиб ўрнидан турди-да, сувга тушиб тошчалар терди. Кейин ўз ишидан мамнун бўлиб, сув ичида ирғишлаб, рангли тошчаларни кўз-кўз қилди.

— Онаси ғафлатда қолганга ўхшайди, — деди Дилмурод бу манзарани кузата туриб. Кейин бош чайқаб қўйиб пастга туша бошлади. Умида отасини кўрди-да, ҳайиққанича туриб қолди. Сой ўртасида ирғишлаётган Девонанинг юзидан кулги йўқолди.

— Ҳорманг, Шопўлат ака, — деди Рҳақ уларга яқинлашиб. — Изламаган еримиз қолмади. Умида қизимизни зериктирмаяпсизми ишқилиб? Қани, бу ёққа чиқинг-чи.

Девона «Шопўлат ака ким экан», дегандек ён-атрофга қараб аста қирғоққа чиқди.

— Қаёққа қараяпсиз? — деди Рҳақ, — Шопўлат акани қидиряпсизми? Шопўлат ака ўзингиз-да. Отингиз Шопўлатми, ахир?

— Ҳа, ҳа. Шоп... Шопўлат, — Девона шундай деб кулди.

— Қани, қўлни беринг.

Девона Мирзавойнинг кафтига шапиллатиб урди-да, роҳат қилиб кулди.

— Ана энди Умиданинг дадаси билан ҳам кўришиб қўйинг-чи... Девона Дилмуроддан бир оз ҳайиқиб қўл узатди.

— Гап бундай, Шопўлат ака. Самовархонада ишлаб зерикканга ўхшайсиз-а?

— Ҳа, ҳа. Зерикдим. Зерикдим. Ҳи-ҳи-ҳи...

— Энди бизнинг самовархонада ишлайсиз.

— Ишлайман, ишлайман, ҳи-ҳи-ҳи...

— Мана шу киши сизга хўжайин. Нима деса қиласиз.

Девона бирдан сергак тортди. Дилмуродга ғалати қараш қилди.

— Э, қўйинг-е, Шопўлат ака, ким айтади сизни эркак деб. Бу киши яши одам. Урмайди, сўкмайди. Умида яхши қизалоқми, ахир?

— Яхши, яхши, қиз... қизалоқ, ҳи-ҳи-ҳи...

— Бўпти-да. Дилмурод Умиданинг дадаси-ку.

— Келишдикми? — деди Дилмурод суҳбатга аралашиб.

— Келишдик, келишдик. Ҳи-ҳи-ҳи, — Девона шундай деб яна қўл ташлади.

— Эрталаб туриб, соч-соқолни олдириб, бизнинг самовархонага ўтинг. Мана, сартарош ҳақи.

— Ҳи-ҳи-ҳи... Самовархона... ҳи-ҳи-ҳи... дўхтирхона...

Дилмурод хайратланиб, Рҳақ-Мирзавойга қаради. У Девона самовархона билан шифохонанинг фарқига бормаса керак, деб ўйлаган эди.

Ерталаб шифохона эшиги олдида Девона билан Сабохонни кўрдилар.

Сабохон эшик олдини тўсиб олган, Девона эса ундан икки қадам нарида ишшайиб турарди.

— Мановини қаранглар, ичкарига кириб олибди. Зўрға чиқардим. Энди кетмай, хира бўлиб турибди.

— Чакки қилибсиз. Биз Шопўлат акани ишга қабул қилганмиз. Супуриш-сидириш энди шу кишининг елкасида.

Сабохон бу гапларни, ҳазилми-чин эканини ҳам билмай, четга чиқиб йўл бўшатди. Девона «қойилмисан?» дегандек тиржайиб, врачларнинг орқасидан ичкарига кирди.

Бу орада қуёш иримига бир юз кўрсатди-ю, яна қора булутлар қаърига кириб кетди. Шамол тупроқ кўчаларнинг чангини тўзитди. Кесганбел тепасида момақалди роқ қарсиллаган пайтда Умидани етаклаб Ақида кириб келди. У остонада турган Сабохон билан сўрашди. Умида Девона сари юрмоқчи эди, онаси билагидан аста чимчилаб, тўхтатди.

— Келинг, синглим, — деди Мирзавой Ақидани қаршилаб.

Ақида унга бош ирғаб, эрига юзланди. Мақсадини айтишга тараддудланди.

— Бизни кузатиб қўйинг, — деди синиқ оҳангда.

— Қаёққа? — Мирзавой ҳайрон бўлиб эр-хотинга бир-бир қаради.

— Уйга кетмоқчи эдик, — деди Ақида сал юмшоқроқ оҳангда. — Дадаси мен нарсаларни шай қилиб келгандим.

Эр-хотиннинг жимиб қолганини кўриб, аввал Сабохон, кейин Рҳақ ҳам ташқарига чиқишди. Девона гапи-гапига қовушмаётган бу одамларга ҳайрон қаради-да, у ҳам аста чиқиб кетди. Ақида чарм диванга ўтириб, юзини қўллари билан тўсганича йиғлаб юборди. Умида онасининг бағрига кирди. Дилмурод аста хотинини елкасидан қучди.

— Нима бўлди, тинчликми?

— Бошқа чидолмайман, кетмасам бўлмайди. Дадамдан хабар олишим керак...

— Шунга ҳам йиғими, мен бир нарсга бўлибдими дебман.

— Ҳали кўчада раисни кўрдим. «Сиз дўхтирнинг қонуний хотинимисиз?» деб сўради. «Ҳа», десам, «Ҳужжатига қараганда эрингиз сиз билан ажралишган экан-ку», дейди. «Кейин ярашганмиз», деб қўя қолдим. Фаламисга ўхшайди бу раисингиз. Кета қолай, яна бошингизга балолар ёғилмасин. Вақт топсангиз, янаги ҳафталарда хабар оларсиз...

Ташқарида шамол кучайди. Деразага уч-тўрт томчи урилди. Дилмурод Ақидани юпатиб, эртага кузатиб қўядиган бўлди. Ташқаридан Асқаралининг овози келди. Дам ўтмай томоқ қириб ичкарига кирди.

— Бу йилги чилла антиқа келяпти, — деди у чойнак-пиёлани столга қўятуриб. — Кеча юқорини сел олибди. Қани, келин, чойга қаранг, бу ерда сиз меҳмонсиз.

Ақида қизарган кўзларини ерга қадаб ўрнидан турди.

— Раҳмат, чойни уйда ичамиз. Энди борайлик.

— Ҳавонинг авзойи чатоқ, чиқмай тулинг, — деди Асқарали орадан нохуш гап ўтганини сезиб.

— Ўзим кузатиб қўяман, — Дилмурод шундай деб оқ халатини ечди-да, Умидани ўради. Гузардан ўтишлари билан жала қуйиб берди. Сув кўчани тўлдириб оқа бошлади. Улар қадамларини тезлатдилар. Дилмурод бу аҳволда узоқ юра олмасликларини билиб, хонадонлардан бирида жон сақламоқ учун эшикни очай деганда, кўчанинг у бетидаги бақатерак қарсиллаб синиб, уларнинг устига ағдарила бошлади. Ақида жонҳолатда қичқириб, Умиданинг қўлини беҳос қўйиб юборди. Учови ҳам тарвақайлаган шохлар орасида қолди. Умида ўрнидан тураман, деб тимирскиланаётганда, юқоридан айқириб келаётган тўлқин уни шохлар панжасидан юлиб олди-да, олдинга суриб кетди. Сал наридаги девор панасида биқиниб, бу воқеани даҳшат билан кузатаётган Девона хунук бир овозда бақирганча, ўзини сувга отди. Тўлқинлар бағрида бир кўриниб, бир ғойиб бўлаётган Умидага интилиб, уни билагидан ушлаб олди. Сел тўлқини то кучдан кетгунга қадар икковини ҳар куйга солди. Умида буткул ҳушидан кетди. Девона ҳолдан тойди. Дуч келган бутага ёпишиб, Умидани қирғоққа судраб олиб чиқди. Одамларнинг бахтига сел уйларни олмай, тезда кучдан қолди. Жала тинди.

Ағанаган бақатеракка ёпишиб жон сақлаган Дилмурод билан Ақида бир неча дақиқалик бу даҳшатдан ўзларига келмай туриб, хонадонлардан одамлар югуриб чиқдилар. Ақида атрофга телбаларча боқиб Умидани излади.

— Қизим... Қизим! — деб бақирдию ҳушидан кетди. Дилмурод ҳам ўзидан кетар даражада эди.

Етиб келган Рҳақ: «Ўзингизни босинг, Умидани топамиз», деб тўхтамасдан ўтиб кетди.

Гузарга бораверишдаги йўл четида ўтирган Девонани кўриб, қадамини тезлатди. Бора солиб чалқанча ётган Умиданинг қорнини босиб кўриб, оёғидан кўтарди. Қизчанинг оғзидан сув келди. Девона туриб, индамай юриб кетди.

Бу воқеадан сўнг Ақида кўрпа-ёстиқ қилиб олди. Дилмуроднинг юришга ҳоли бўлмаса ҳам сир бой бермади. Аммо Асқарали билан Рҳақнинг раъйига қараб, уйда ўтиришга мажбур бўлди. Умида эса эртасигаёқ оёққа турди. Ота-онасининг қаттиқ назорати остига тушган қизча зерикиб, оқшомда Асқарали буваси билан Мирзавой амакисининг келишини кутарди. Асқарали уни эркалаб, эртақлар айтиб берарди. Эртақ тугаши билан Умида савол ёғдириб ташларди. Шунда Асқарали: «Дўхтир иним, қизингизнинг танглайини савол билан кўтарганмисиз?» деб куларди. Бир куни, катталар чой устида гурунглашиб ўтиришганида, Умида югуриб келиб Асқаралини саволга тутди:

— Бува, буважон, — деди у энтикиб, — мушук нимадан пайдо бўлган, биласизми?

— Биламан, қизим, биламан. Мушук арслондан пайдо бўлган.

— Унда нимага арслонмас, мушук бўлиб қолган?

— Э, бунинг тарихи жуда узун, қизим. Илгари мушук ҳам арслон бўлган экан. Ҳаммалари битта ўрмонда иноқ-аҳил яшаркан. Кунлардан бир куни ўрмонда арслонча туғилиб, унга «Мушук» деб ном беришибди. Мушук улғайган сайин ўрмонда буюмлар йўқолаверибди. Кейин, билишса, ўша Мушук деган арслонча ўғирларкан. Мушукни инсофга чақиришмоқчи бўлишганда, у шунақанги лўлилик қилибдики, асти қўяверасан. Арслонлар қарашсаки, бу Мушук инсофга юрмайдиган. Ўғри деса ўғри, қўрқоқ деса қўрқоқ, номард деса номард. Хуллас, ҳеч бир туки арслонга ўхшамайдиган. Шундан кейин қари арслонлар кенгашиб: «Бунинг турқи

Бўлакча, икки дунёда чин арслон бўлмайдди. Пуштимизни булғайди», деган қарорга келиб: «Шу туришингда униб-ўсма», деб қарғабдилар. Қарғиш тегиб, мушук ўсмай қолгач, уни ўрмондан ҳайдаб юборибдилар. Шундан бери арслонлар ичида номардлар, ўғрилар пайдо бўлса, «Мушук бўл», деган қарғишга учраб, мушукка айланиб қолаверар экан... Тушундингми, қақажон?

— Тушундим, тушундим. Унда... — Умида бир оз ўйланди. — Ит нимадан пайдо бўлган?

— Итми? Нимадан бўларди, бўридан-да.

— Қандай қилиб?

— Қадим замонда бир ўрмонда...

— Арслонлар яшаган ўрмондами?

— Йўқ, бошқа бир ўрмонда бўрилар яшар экан. Улар эркин яшашни жуда яхши кўришаркан.

Одамлар юз уриниб, минг уринишса ҳам бўриларни қўлга ўргата олмас эканлар. Бўрини тутиб яхши овқатлар билан сийлашса ҳам, қийноққа солишса ҳам бўлмас экан. Бўрининг оёқларини қайириб, синдириб ташлашса ҳам, калтаклашса ҳам, ўлса ўлар эканки, овоз чиқариб увламас экан. Нима ҳам бўлибди-ю, бир куни одамлар бўри галасини ўраб олиб, анча-мунчасини қўлга туширишибди. Қўлга тушганлар орасида «Ит» деган бўри ҳам бор экан. Озод бўрилар шерикларидан кўнгил узолмай, баланд қояга чиқиб қараб туришибди. Одамлар бўриларни бир чеккадан қийнай бошлашибди. Кўп бўрилар ўлиб кетибди. Навбат «Ит» деган бўрига келганда, у таёқ емаёқ думини қисиб вангиллабди. Шунда одамлар: «Бу бўрида бир гап бор», деб унга яхши овқат беришибди. «Ит» деган бўри овқатни еб, думини ликиллашиб, одамларнинг оёғини ялабди. Кейин уларни бўрилар қароргоҳига бошлабди. Ана ўшанда бўриларнинг энг кексаси: «Ким ўз эркини бир бурда гўштга сотса, ит бўлсин», деб қарғаган экан. Итларнинг тарихи шунақа... — Асқарали шундай деб жим қолди.

Унинг бу қисқа эртаги Рҳак билан Дилмуродга ҳам таъсир этган, улар пиёладаги чойни ичмай, совутиб ўтиришарди. Эртақнинг маъносини у қадар чақиб етмаган Умида эса кўзини хиёл қисиб янги савол ўйларди.

— Бува, буважон, — деди у ниҳоят, — унда мусича нимадан пайдо бўлган?

— Мусича бургутдан, баланд учолмагани учун мусича бўлиб қолган.

— Чувалчанг-чи?

— Илондан.

— Унда... Одам нимадан пайдо бўлган?

— Одамми? — Асқарали бир оз ўйлаб турди-да, кулимсиради... — Буни билмайман.

— Мен биламан, биламан! — деди Умида қувонгидан ирғишлаб. — Одам маймундан пайдо бўлган!

Ўтирганлар баралла кулиб юборишди.

— Гапинг тўғри, тўппа-тўғри, — деди Асқарали кулгидан намланган кўзларини қийиқчасининг учи билан артиб. — Сенга ўхшаган қақажонларнинг маймундан пайдо бўлгани аниқ. — Асқарали шундай деб қўйиб, «Оғир ҳазил қилмадимми», деган ҳавотирда Дилмуродга қаради. Дилмурод бу ҳазилни ўзига олмаган эди. Асқаралининг кўнгли хотиржам бўлиб, Умидани бағрига тортиб, пешонасидан ўпиб қўйди. — Қизим, бор-чи, сутош пишганмикин? Пишган бўлса айт, олиб келишсин.

Умида «хўп бўлади», деб югуриб чиқиб кетди. Дилмурод Асқаралига қаради.

— Асқарали ака, мушук, ит, мусичанинг аждодларини билиб олдик. Лекин одамникини айтмадингиз?

— Буни чиндан ҳам билмайман, иним. Ҳалиги эртақларни бувам раҳматли айтиб ўтирардилар. Ўшанда одамнинг аждоди ким бўлган, деб сўрамаган эканмиз. Бу саволни қизингиздан эшитиб турибман.

— Умида рост гапирди, Дарвин деган бир олим одамнинг маймундан пайдо бўлганини исботлаб берган.

— Буниси бизга қоронғи, иним. Менга қолса, барчанинг аждоди маймун демасдим.

— Нимага?

— Шунча йил яшаб, одамнинг ҳар қанақасини кўрдим. Назаримда, бир қисм одам — сиз айтгандай, маймундан, бир қисми — бургутдан, бир қисми итдан, мушукдан, сичқондан, ҳатто эшакдан ҳам тарқаган.

Рҳақ билан Дилмурод қаҳ-қаҳ отиб кулиб юбордилар. Уларга Асқаралининг ўзи ҳам қўшилишди...

Ақида бир ярим ҳафта деганда оёққа турди. Турдию, яна кетишдан сўз очди. Дилмурод унга қарши сўз айтмай, кечқурун сафар тадоригини кўриб қўйди. Саҳарда хотини билан қизини олиб марказга тушиб кетди. Қишлоқдан чиқаверишда, йўл ёқасидаги қўнғир харсанг устида Девона чўнқайиб ўтирарди. Онаси билан машина кабинасида ўтириб бораётган Умида уни биринчи бўлиб кўрди. Қўлини силкиди. Лекин Девона уни кўрмадими, ҳар ҳолда, жойидан жилмай, чангитиб ўтган юк машинасининг орқасидан маъюс тикилиб қолди. Кейин тупроғи кўпчиб ётган йўлда из қолдириб қабристон томонга юрди.

Рҳақ уни узоқдан кузатиб турарди. Девона ҳужрасига кириб кетганини кўриб, у ҳам қабристонга қараб илдам юрди. Ҳужра эшигини очиб ичкарига бостириб кирди. Кўрпа устида бошини эгганча чордана қуриб ўтирган Девона сапчиб ўрнидан турди-да, ғалати овоз чиқариб, орқасига тисарилди. Кейин деворга сингиб кетгудек бўлиб букчайиб ўтирди.

— Сабоҳиддин! — деди Рҳақ у томон юриб.

Девона «А... а!» деб бақирганича бошини қўллари орасига олди.

— Сабоҳиддин! — деди яна Рҳақ қатъий овозда. — Қўлингни тушир. Менга қара. Яхшилаб қара. Тек ўтир.

Девона унинг буйруғини итоаткорона бажарди. Рҳақ кўзини унга қадади. Девона нест бўлиб ўтириб қолди. Рҳақ яна ҳам яқинлашиб кўзининг қорачиқларига тикилди.

Уша куни Рҳаққа Девонанинг ҳаётидан яна бир воқеа аён бўлди.

## МУЗЛИМ

Сабоҳиддин оқшомда, эски тўн кийган бадқовоқ кўса бир одамга эргашиб, Марғилонни ташлаб чиқди. Бадқовоқ киши на ўзини танитди, на Сабоҳиддиннинг кимлиги билан қизиқди. Индамай йўл бошлаб кетаверди. Афтидан, у олган кўрсатмасини керагидан ҳам ошириб ўринлатарди. Сабоҳиддин тун билан юрсак керак, деб ўйлаганди. Йўқ, қоронғи тушиши билан бир уйга қўнишди. Хонадон эгаси ҳам Сабоҳиддинни ҳайратга солиб, салом-алиқдан нарига ўтмади.

Тонг отмай яна йўлда бўлишди. Кун ёйилмасдан Водилга етишди. Холиқберди тўранинг қароргоҳи шу ерда эди. Бадқовоқ одам милтиқли кишига Сабоҳиддинни топширди-ю, ўзи ғойиб бўлди. Милтиқли киши Сабоҳиддинни дарахтлар орасида зўрға кўзга ташланаётган ўтовга бошлади. Сабоҳиддин ичкарига кир-ди-ю, ўтовда ўтирганларнинг салобати босиб тараддуланиб қолди. Кейин ўзини қўлга олиб, қироат билан салом берди.

— Қадамингизга ҳасанот, — деди тўрда ўтирган киши саломга қироат билан алиқ олгач. Сабоҳиддин қотмадан келган, хориж ҳарбийларининг қўйлагини кийиб олган кишини кўриб, «Холиқберди тўра шу бўлса керак», деб унга таъзим қилди.

— Қани, мулла Сабоҳиддин, марҳамат қилсинлар, ўтовимиз тор бўлса ҳам, бағримиз кенг, — деди Холиқберди тўра унга жой кўрсатиб.

Сабоҳиддин пойгакроқдан жой олиб ўтиргандан сўнг даврадагиларга, омонлашиш мақсадида, бир-бир боқди. Тўранинг ёнида чордана қурган қизил туркий дўппили Зайниддин қорини кўрди-ю, беихтиёр ўрнидан туриб таъзим қилди. Кейин кўзини ерга тикканча: «Тўрам, волидангизни бериб қўйибсиз, бандалик экан...» деб ҳол сўради-да, қуръон тиловат қилиб, савобини марҳуманинг руҳига бағишлади.

— Мулла Сабоҳиддин ким бўлди, деб ўтирибман. Ўзимизнинг сўкир Сабоҳ экан-ку, — деди қори тиловатдан сўнг орага тушган сукунатни кўтариш мақсадида, кейин Холиқберди тўрага юзланди, — Бу Жамол ўриснинг укаси-да, танийсизми?

Тўра, биламан, дегандек бош ирғади. Шу пайт учта лаганда ҳовури босилмаган гўшт кўтариб киришди. Ўтовни зиранинг хушбўй ҳиди тутди. Таом киргач, сўхбатни бас қилдилар. Сабоҳиддин ора-сира Холиқберди тўра билан Зайниддин қорига қараб қўярди. Тўранинг нигоҳидаги қатъийлик, кўзларидаги сергаклик, меҳр Сабоҳиддиннинг эътиборини тортди. Шундагина у: «Одамлар тўрамни бежиз ҳурмат қилишмас экан», деб қўйди. Тамшаниб ўтирган қорига кексалик ўз ҳукмини ўтказибди. Қошлари, бир тутам соқоли оқарган. Кўзлари толиққан каби қисилган. Аммо истараси ўша-ўша иссиқ. Бухорога кетганидан бери Зайниддин қорини кўрмаган эди. Зайниддин қори илгарилари Новқатга ҳар келганида Сабоҳиддинларникига қўнарди. Унинг Жалолиддин билан эски ошначилиги бор эди. Жалолиддин кўп ҳолларда қорига, унинг маслаҳатига суяниб иш кўрарди. Маслаҳат учун Ўшга бориб келишдан ҳам эринмасди. Шундай бўлса-да, уларнинг ораларида баъзан келишмовчиликлар бўлиб турарди. Ўғилларини рус-тузем мактабига бергани, янги ғоялар қули бўлгани учун, ҳатто туркийча қизил дўппи кийиб юргани учун Жалолиддин ошнаси Зайниддин қорини айбларди. Қори эса уни, аксинча, жоҳиллиги учун койирди. Бироқ, фикрлар ва дунёқарашларнинг бу қарама-қаршилиги дўстликларига раҳна солмасди. Сабоҳиддиннинг Бухорога бориб қолиши ҳам Зайниддин қорининг маслаҳати билан бўлди. Тўғрироғи, бу гап Султонмуроддан чиққанди. Ҳар қандай янгиликни искаб билиб олувчи имом мардикор балоси бош кўтарган пайтда яна Жалолиддиннинг уйида пайдо бўлди. Жамолиддин Сибирга сургун қилинган, бу кўчадан ўтмай қўйган имом ҳеч нима бўлмагандек уйга кириб ўтирди. Ўтганларнинг руҳига қуръон бағишлади. Ўша йили хасислик қилгани учун Жалолиддиндан ўпкалади.

— Мен сиздан бирон нарсани тама қиладиган одам эмасман, — деди у гапни кўп чўзмай. — Сизга ҳам, фарзандингизга ҳам меҳрим бўлакча. Мана ҳозир Сабоҳиддиннинг тақдирини ўйлаб, хонадонингизга бош эгиб кириб келдим. Эрта-индин уни ҳам мардикорга чақириб қолсалар, нима қиласиз?

— Бошим қотди, тақсирим. Худо раҳмимизни ер, деб ўтирибман.

— Худо, худо дейсизу, худо йўлига бир танга аташдан қочасиз.

— Бу гапингиз бекор. Сиз йўл кўрсатинг, айтганингизни Худо йўлига атадим, — деди Жалолиддин унинг ниятини фаҳмлаб.

— Сабоҳиддинни бетўхтов отлантириб, Бухорои шарифдаги мадрасага жўнатамиз. Фарзанди қобилингизни шу йўл билан асраб қоласиз. Устига-устак, у бағрингизга катта мулла бўлиб қайтади. Бир ёғингизни ёзга, бир ёғингизни қишга қўйиб роҳатда яшайсиз. Уни Бухорога ўзим узатиб бораман. Лекин чиқими сиздан...

Ешон ўша куни ниятига етиб, хали ҳам шуҳрати сўнмаган қорабайирни етаклаб чиқиб кетди. Сабоҳиддиннинг онаси чирқираб қолди. Жалолиддиннинг бахтига ўша оқшом Зайниддин қори Новқатга келди. Имомнинг таклифини маъқуллаб, сармоядан ҳам ёрдам қилди. Ана шу кишининг ҳиммати билан Сабоҳиддин мадрасада сабоқ олиб қайтди. Бахтини қарангки, акаси билан учрашиб гарангсиб юрган оғир дамда бу донишманд одамга рўпара бўлди.

Дастурхонга фотиҳа ўқилган, ўтовдагилар таъзим қилиб чиқиб кетдилар. Тўра Сабоҳиддиннинг қолишига истак билдирди.

— Жамол ўрисни... — Холиқберди шундай деб кулимсиради. Кейин сўзини тўғрилади. — Акангиз Сибирга мендан кейин келиб, мендан илгарироқ ўрисчани ўрганиб олганига Жамол ўрис, деб юриб ўрганиб қолибман. Уни ҳали кўрганингиз йўқдир?

— Кўрдим. Марғилонда учрашдик.

— Нима дейди? Босмачиларга қўшилма, дегандир?

— Ҳа.

— Шунақа... шўролар бизларни «босмачи» дейишади. Юртни босган, талаган, хор қилган улару, «босмачи» деган номни олган биз бечоралар. Хўш, акангиз йўлдан қайтарган экан, нега келдингиз?

— Ҳар иш Оллоҳнинг инояти билан, тўрам, айри бўлиш пешонада бўлса, на илож? Мен акамга эмас, Оллоҳга бўйсунаман.

— Балки сизни Бухородаги олий зотлар қўрқитишгандир?

— Йўқ, тўрам, мен уларнинг айбашларидан қўрқмайман. Маъмур бойваччанинг қони ҳам, акамнинг тортган азоблари ҳам менинг гардананда, бу гуноҳим учун Оллоҳнинг ўзи жазолайди мени.

— Маъмур бойвачча дедингизми? Уни Жамол ўрис ўлдирмаганмиди?

Сабоҳиддин, Холиқберди тўра хабарсиз экан-да, деб ажабланди. Сирни очишга очиб қўйиб, энди гапдан бўйин товлашнинг фойдаси йўқлигини билиб тўғрисига кўчди.

— Уни мен...

— Ана холос! Жамол ўрис шунча йил бирга бўлиб чурқ этмабди-я... Акангизнинг бошидан сув ўгириб ичсангиз арзийди, мулла. Ўзга одам бўлганда, «мен укамни қутқариш учун шу азобларни тортиб юрибман», деб икки жаҳонга жар соларди. Бу гапингиздан кейин Жамол ўрисни яна ҳам яхши кўриб қолдим. Ғанимларим орасида шундай покиза одам борлигидан хафа бўлиб кетаман. Ҳар жангга кирганимда Худодан: «Адашган биродарларимнинг жонини омон сақла», деб сўрайман. Уларнинг қонини тўкишдан қўрқаман.

— Бухородан бу ерга кела-келгунча ўйлаб, ўйимга ета олмадим, тўрам. Худо қайси гуноҳларимиз учун бизга бу азобларни раво кўрди экан. Қачонга қадар бир-биримизни қашқирдай ғажиймиз?

— Бу азоблар ўтади-кетди. Худо хоҳласа, фароғатли кунларга оз қолди.

— Тўрам, айбга буюрмасангиз, бир сўроғим бор эди? — деди Сабоҳиддин иккиланиб.

— Сўрайверинг, — Холиқберди тўра шундай деди-да, лўлаболишдан бирини қўлтиғи остига олиб ёнбошлади.

— Акам билан муросангиз чиқишар экан, нима учун уни ноҳақ йўлдан қайтариб, қанотингиз остига олмадингиз?

Холиқберди тўра бу гапни эшитиб кулиб юборди.

— Жамолни йўлдан қайтариб бўларканми? — деди у кулгидан тўхтагач. Кейин бир оз жиддийлашди: — Уни аввал қиймалаб ташлаб, кейин эт-суягини битталаб териб чиқсангиз ҳам бировнинг айтганига юрмайди. Мен шунақа одамни яхши кўраман. Бировнинг гапига кириб кўч-кўронини кўтараверадиган субутсиздан жуда қўрқаман. Мана шунақа одамлар юртни хароб қилади. Улар билан эҳтиёт бўлиб гаплашиш керак.

— Шўролар ҳақ йўлга қайтмаса, элнинг қони дарё бўлиб оқаверар экан-да?

Холиқберди тўра асабий ҳолда қошларини чимириб Сабоҳиддинга қаради.

— Ярамга туз сепманг, — деди у қовоқ уюб. — Кеча акангиз дилимни вайрон қилиб кетган эди. Элнинг қони тўкилаётган бўлса айбли эмасман. Мен халқимнинг бағрига шамол тегсин, деб бу овлоқларда изғиб юрибман. Менинг Сибирда тортган азобларим ўзимга етмасмиди? Жамол ҳам халқим дейди, сиз ҳам, Зайниддин қори ҳам, Шермат кўр ҳам. Ҳаммамиз халқ деймизу бир-биримизга тиш қайраймиз. Акангиз ўрисларнинг этагини тутайлик дейди. Зайниддин қори туркийпараст. Сиз, албатта, аҳли дин деб туриб оласиз.

— Менингча, энг тўғри йўл шу, тўрам. Ахир ўзингиз ҳам, алҳамдулиллоҳ, мусулмонсиз.

— Алҳамдулиллоҳ... — Холиқберди тўра шундай деб енгил хўрсинди. — Хўп, биз шўроларни енгдик, дейлик, хўш, юртни ким бошқаради? Дин пешволарими? Бунга ҳам кўндим. Хўш, кимга ишонасиз? Аниқ айтолмайсиз? Ўзингиз яхши билган имомингиз Султонмуродга ўхшаганлар юрт оғаси бўлса элнинг шўри қуримайдими? Нимага индамайсиз? Ё Шерматни қўясизми?

— Ўзингиз-чи?

Холиқберди тўра Сабоҳиддинга қараб туриб, кулиб юборди.

— Ҳали ҳам эсингиз кирмабди, мулла. Калта ўйламай, кўзингизни очинг. Шўролардан устун келган куни Холиқбердининг ғанимлари камаймай, яна кўпаяди. Қирғин давом этаверади. Ўзбек асли мўмин-қобил халқ бўлса ҳам, қўчқор тоифалиги бор. Иккитасининг боши бир қозонда қайнамайди. Элни бирлаштириш учун Темурга ўхшаган Худо ярлақаган зот керак! Худо бизга яна бундай зотни раво кўрадими, йўқми, билмайман.

— Тўрам, ақли қосирлигим учун гуноҳимдан ўтинг, назаримда, сиз қудратингизга ишонмайдиганга ўхшайсиз?

— Бу саволингиз ноўрин. Халқ мен томонда. Агар халққа ишонмасам, кўр бўламан... Аммо... сармоядорлар?! Шулардан хавфдаман... Улар юртни хоҳлаган пайтларида сотиб юборадилар. Балки инглизларга аллақачон пуллашгандир ҳам?.. Ҳар куни қуёш чарақлаб турса ҳам дунё қоронғилашиб кетган, оқ-қорани ажратиш мушкул бўлиб қолди. Бухородаги олий зотлар истаги билан сиз қишлоқма-қишлоқ юриб, ваъз айтиб, ислом лашкарларининг ҳаққига дуо қилиб, халқни ҳақ йўлга чорлашингиз лозим экан.

— Тўрам, мен ҳақ ишга жонимни тикканман. Ҳузурингизга келмоғимдан мақсад — жиҳодга кирмоқлик.

— Даъват — жиҳод эмасми? Сизнинг биргина ҳақ сўзингиз милтиқдан учадиган ўнта ўқдан афзал. Милтиқлардан ўқ узувчилар етарли. Сиз бир нарсани фарқлаб олсангиз бас — бу ер Чаноққалъа эмас. Жангдан мурод ҳам ўзга.

Холиқберди тўранинг кейинги гапи Сабоҳиддинга бир оз малол келиб, ўтирган ерида бир қимирлаб олди. Холиқберди тўра буни сезиб, сўради:

— Гапларим ёқмади чоғи? Фикрингизни яширмай айтаверинг.

Сабоҳиддин кўзини ҳамсухбатидан узиб, ерга қаради. Фикрни очиқ баён қилишга ижозат берилган бўлса-да, бу имкониятдан дарров фойдаланишга шошилмади. Холиқберди тўра «Ҳа, мулла» деб қўйгач, унга қаради:

— Тўрам, унда ҳам бунда ҳам жиҳоддан мурод — Оллоҳнинг розилиги. Жиндак фарқи шуки, унда мусулмонлар бирлашди. Бунда айри-айрига ўхшаб кўринадир менга. Унда ғаним аниқ эди: англислар, фарангилар... бунда бир қанот ўрислардан мадад олади, бошқаси англислардан. Файридинлардан қувват умид қилган қуш яна қафасида қолмасмикин?

Бу гапни эшитиб, Холиқберди тўра маъюс жилмайди:

— Дуруст, дуруст, — деди у, — сиз ҳам акангиз сингари ушлаган ерингиздан кесаркансиз. Келинг, орани очиқ қилиб олайлик, яна ҳузуримдан мавҳум хаёл билан кетманг. Чаноққалъа урушидан хабарим бор. Бўғоздан кофирларнинг кемаларини ўтказмаймиз, деб жангга киришни сиз Оллоҳ розилиги учун жиҳод ҳисоблаяпсизми? Жанжалнинг боши нимада эди, биласизми? Туркия ижозати билан Олмон ҳарбий кемалари бўғоздан ўтиб, ўрисларга ҳужум қилганлар. Буни англислар ва фарангилар Туркия Олмоннинг шериги ҳисобида муҳорабага кирди, деб ҳисобладилар. Оқибат нима бўлди? Олмония енгилди. Чаноққалъа бўғозидан англису фарангилар учун барибир йўл очилди. Тўкилган қонлар зое кетди.

— Айбга буюрманг, тўрам... — Сабоҳиддин беихтиёр унинг гапини узди-ю, кейин хижолат бўлиб, нигоҳини олиб қочди.

— Гапираверинг, мулла.

— Тўрам, Оллоҳ розилиги учун тўкилган қон зое кетмайди.

— Оллоҳ розилиги учун қон тўкишдан олдин ақлни ишлатиб кўриш керак. Сиз учун жиҳод — илм олмоқлик эди. Оллоҳ сизни илм олмоққа йўллаган эди. Сиз Оллоҳнинг розилигини Чаноққалъада эмас, мадрасада, илм олишда топишингиз лозим эди. Бу томонга ҳам милтиқ кўтараман, деб ошиққанингиз чакки бўлган. Устозларингиз «хатми кутуб» бўлди, деб дуо берганлари билан, илмда қиладиган юмушларингиз кўп эди. Ҳамонки, сиз бунга келибсиз, Бухородаги олий зотларнинг истагини бир оз ислоҳ қиламиз: Сиз Зайниддин қори билан биргаликда Норхўжанинг хизматида бўласиз. Фарғона бир сиқимгина бўлса ҳам қўрбошиларга тўлиб кетди. Ҳаммаси ўзига хон. Сиз Норхўжани тийишга уннаб кўрасиз. У зўпидин ақл билан



иш юритмайди сира. Сизга ҳам қулоқ солмайди. Аммо йигитлари оқ-қорани таниб олишлари керак.

— Тўрам, айбга буюрмасангиз, бир нарсани ойдинлаштириш ниятим бор эди.

— Сўрайверинг.

— Кеча акамни кўрганимда... волидаи мукаррамангизнинг қотилларини сизга топшириш учун йўлга чиқишган экан. Шунинг сабаби ҳам... акам билан эски ошначилигингизми?

Холиқберди тўра кулимсиради.

— Ошначилик осойишта кунларда, самовархонада, улфатчиликда бўлади, мулла. Шўролар «Холиқберди ғазабга миниб, дарё-дарё қон тўкади», деб чўчишган. Улар Холиқбердини ҳали яхши билишмайди. Холиқберди қонхўр эмас, тўнғиз ҳам эмас. Онамнинг биргина оҳ ургани учун дарё эмас, денгиз-денгиз қон тўксам ҳам, бу қонни бир умр симириб ётсам ҳам хумордан чиқмайман. Онамни икки-уч муртад ўлдирган бўлса, халқда нима гуноҳ? Халқни тиғдан ўтказганим билан онам тирилик келмайди-ку? Калта ўйлагани учун акангиздан ранжидим. Аслида у қотиллар шўроники эмас, ўзимизга тегишли одамлар. Бу Жамол ўрисга ҳам маълум. Шунинг учун мен уларга қарамадим. Ўзлари ҳукм чиқариб, бекларимнинг олдида ўзлари отишди. Мен қотиллар билан эмас, уларга фатво берганлар билан, Худо хоҳласа, ҳисоб-китоб қиламан.

Холиқберди тўра шундай деб тиззасига қўл тираб ўрнидан турди. Сабоҳиддин, суҳбат якунланганини англаб, таъзим қилди. Тун бўйи бу суҳбат мағзини чақишга уриниб ухламаган Сабоҳиддин эрталаб қорининг истаги билан Новқатга, ота-онасини йўқлаш учун йўл олди. Норхўжанинг қароргоҳига бошлаб борадиган одамни уйда кутадиган бўлди.

Қизилқияни қоралаб йўлга чиққан Сабоҳиддин Искобил<sup>5</sup>дан ўтгач, уч қулочли анҳор лабида тарвақайлаб ётган мажнунтол соясида ҳордиқ чиқармоқчи бўлди. Отининг оёғини тушовлаб, эски тўнини ерга тўшади-да, хуржунини ёстиқ қилди. Мажнунтолнинг заиф шохларига тикилиб ўйга толди. Қизиқ, дарахтлар ичида фақат мажнунтолнинг қадди эгик. Ҳатто чинор ёнидаги терак ҳам бўй чўзишга ҳаракат қилади. Бу эса... Элнинг ҳозирги аҳволи шу мажнунтолга ўхшайди. Балки мажнунтол ҳам қадимда қадди тик дарахт бўлгандир. Балки унинг тик шохлари жой, мавқе талашиб, оқибатда совуқ шамоллар захрига чидаш беролмай ҳолсизланиб, айри-айрим бўлиб қолгандир? Энди қаддини ростлаш учун неча йил, қанча куч-қудрат керак. Бу элнинг қад ростлаб, кўкрак керишини кўриш Сабоҳиддинга насиб этармикин?..

Йўл машаққати, уйқусиз тунлар азоби кучини кўрсатди: Сабоҳиддиннинг кўзи илинди. Кун кўтарилиши билан соя қочиб, офтоб тиғида қизиқ уйғонди. Кўзини очди-ю, атрофга олазарак қараб, отини излади. Сесканиб, ўрнидан турди. У ён-бу ён юрди — от йўқ. Улови қайси бир чаптастнинг ўлжасига айланганини билиб, хуржунини елкасига ташлади-да, йўл ўртасига тушди. Юришини ҳам, юрмаслигини ҳам билмай турганда, қўқонараванинг қораси кўринди.

Мудроқ аравакаш Сабоҳиддиннинг илтимосини бееътибор эшитди. Кейин орқасига ярим ўгирилиб:

— Сиқилишиб қолмайсизларми, тоға? — деб сўради.

Аравадаги уч қариянинг кексароғи соқолини тутамлаб, унга норози қиёфада боқди.

— Гапингни қара-ю, сўлтамат! Аравангга яна битта подшоликнинг одами сиғади. Юрагингни кенг қил, — деди жиккак қария, кейин сўзини тугатмай Сабоҳиддинга юзланди. — Қани, ўғлим, хуржунни узатинг. Одамнинг феъли сиқик бўлса, кўзига дунё ҳам тор кўринади. Қани, қўлни беринг, ҳа, баракалла. Бу сўлтаматдан хафа бўлманг. Замон оғир. Йўлда учраган одамга хавотир кўзи билан қарашга ўрганиб қоляпмиз...

— Кеча йўлимни тўсишган эди, — деди аравакаш ўзини оқлаш ниятида.

— Ана кўрдингизми, — деб уни қувватлади жиккак чол, — одамзот озга сира қаноат қилмас экан-да. Норхўжа йўлтўсарларни билсами, нақ путини йириб ташлар. Босмачи бошқа, у бошқа.

<sup>5</sup> Farg'ona shahrini ruslar general Skobelev sharafiga «Skobelev shahri» deb o'zgartirishgan edi. Xalq tilida bu «Iskobil» deb yuritilgan.

— Агар қорни очлар босмачи бўлса, мана, биз ҳам тоғ-тошда санқирдик, — деди ёши улўроқ қария. — Улар юртни ўйлашяпти экан.

— Норхўжа азалдан шунақа, — деди суҳбатга қўшилмай ўтирган чалақўса қария. — Эслайсизми, Йикчи эшонга мурид тушиб юрган эди. Худонинг раҳми келиб тирик қолди. Замон алғов-далғов бўлиб, яна жонини гаровга тикибди. Фикримча, у қорнига йиғламайди. Катта бир тахтни мўлжал қилган-ов...

— Тахт?! Бу ёқда Холиқберди тўра турганда унга йўл бўлсин?

— Ноумид шайтон. Шундай нияти бўлмаса, дарбадарлик юкини елкасига олмас эди. Ўзига лозим бўлса, Худодан саратонда ҳам қор ёғдиришини сўрайдурган одам у.

— Келинг, қўйинг, сўлтаматни чайнамайлик. Яна хизрни йўқлаган бўлиб унга йўлиқмайлик. Оч қорним-тинч қулоғим. Бир-бирини ғажий-ғажий охир силласи қуриб тинчиб қолишар...

Сабоҳиддин қариянинг бу сўзларини эшитиб, беихтиёр Салимхўжани эслади. У ҳам бир суҳбатида: «Бир-бирининг илдизига болта уриб бўлишини ғанимлар интиқлик билан кутиб ётишибди», деганди. Дарвоқе, ҳозир Салимхўжа қаерда экан? Зиндондан қутула олдимикиан? Бечора ушоққина эди, ишқилиб, Худо ўз паноҳида асрасин-да...

Қариялар экин-тикиннинг авжи ҳақида сўз юритиб, Сабоҳиддинни суҳбатларига тортмадилар. Кеча кўрган-кечирганлари билан боши гаранг бўлиб ўтирган Сабоҳиддин учун бу айни муддао эди. Қизилқияга шом чоғида етиб келишди. Сабоҳиддин, улов топилмагани учун ноилож шу ерда тунади. Эрталаб мўйлови энди сабза уриб, овози дўриллаб қолган аравакаш йигитга ҳамроҳ бўлди. Йигит Қизилқияга юмуш билан тушган, ишини битказиб, кайфи чоғ бўлиб қайтарди.

Арава аста чайқалиб боради. Йўлнинг икки томони тоғ. Тоғларнинг бели қип-қизил. Худди биров унинг кўксига бехос қилич тортиб юборгану энди бағридан қон сизиб чиқиб тургандай. Бундай ғалати тоғ бошқа ерда бўлмаса керак. Ҳозир Сабоҳиддин гўё икки тоғ орасида эмас, икки ўт орасида куйиб, ёниб борар эди. Акасини кўргандаги қувончи сўнган, тунги учрашув, Холиқберди тўра билан бўлган суҳбат уни гангитиб қўйган эди. Ака-уканинг ораларига қилич тушиши тайин.

Йигит от устида бир ёнга сал қийшайиб ўтирибди. Қамчи ушлаган қўли худди жонсиздек. Аҳён-аҳёнда отга қамчи уриб қўяди. Баъзан мунғайиб ўтирган ҳамроҳига қарайди. Сабоҳиддиннинг ўйга берилганини кўриб, индамайди. Ўзича хиргойи бошлайди:

*Севиб олган ёрингиз мунча чиройли ёр экан,  
Қўлларимга сув беролмас, сурати ҳайвон экан.*

Йигит қўшиқ сўзларини яхши билмайди шекилли, қолганини ямлаб-ютиб айтди. Ашула ярмига бормай, бир оз жимиб қолди-да, сўнг бошқасини баландроқ овозда бошлади:

*Томга тариқ сочилган,  
Ҳай бола, бола, омон ёр...*

Бу қўшиқ ҳам чала-ярим бўлди. Бироқ Сабоҳиддинни елкасидан босиб турган ғам юкини бир оз енгиллатди. У хаёллар домидан қутулиб аравакашга қаради.

— Ашулани яхши айтар экансиз, — деди.

— Э, зерикканда бир хиргойи қилиб қўямиз-да, ака. Ашулани яхши кўраману, сўзларини тўла билмайман. Мана, кечаги базмда бир ашула эшитиб ёдлаб олган эдим. Ҳозир эсимдан чиқибди. Балки сиз биларсиз?

— Невлай?

— Эшитиб кўринг-а:

*Қаро қуш қичқириб ўтди, уёсида илон кўрди,  
Балиқ кўксини чок айлаб, азим дарёда қон кўрди.*

— Йўқ, бунақа ашулани эшитмаган эканман.

— Ўзим ҳам биринчи марта эшитувдим. Ҳай, майли, насиб этса яна эшитармиз. Муллака, бу ерларга ҳеч йўлингиз тушганмиди илгари?

— Ҳа, бир-икки ўтганман.

— Муллака, сўраганнинг айби йўқ, исмлари нима эди? Ҳали ҳийла йўл юрамиз, гаплашиб кетайлик. Менинг исмим Абдусаттор.

— Сабоҳиддин.

— Э-ҳа, энди танидим. Боятдан бери кўзимга иссиқ кўринятувдингиз. Сиз Жалол тоғанинг ўғлисиз-да, а?

— Ҳа.

— Бухорода ўқирдингиз-да, а? Акангизни ҳам биламан. Маъмур бойваччани ўлдириб сибир бўлган эканлар. Чамаси, бирон йилча бўлди қайтганларига. Раҳматли Жалол тоға у кишининг...

— Нима?! Нима дедингиз?

— Ие, эшитганингиз йўқмиди?.. Жалол тоға... Жалол тоғанинг йигирмаларини ҳам ўтказдик.

Сабоҳиддин унинг бошқа сўзларини эшитмади. Дунё кўзига қоронғи бўлиб кетди. Бўғзига йиғи келмаган бўлса ҳам, нафаси сиқилди. Абдусаттор аравани тўхтатди. Мешдан сув қуйиб узатди. Сабоҳиддин ичмади. Абдусаттор нима қиларини билмай бир оз турди. Кейин аравага чиқди-да, отга енгил қамчи урди. То Новқатга етиб боргунларича Сабоҳиддиндан садо чиқмади. Абдусаттор ҳам уни гапга тутмади. У аравани тўғри Сабоҳиддинларнинг уйига ҳайдади.

Сабоҳиддин аравадан тушиб уйи томон юрди. Оёғи худди кишан урилгандек оғир эди. Деворлари нураган, етим бола каби мунғайиб қолган уйни кўргач, мижжасига ёш келди. Юрагидан отилиб чиққан фарёдни томоғи ғиппа бўғди. Кўчада йиғлаб юбормаслик учун қадамини тезлатди.

Сабоҳиддин ичкари кирди-ю, чўнқайиб ўтирганча қумғон қайнатаётган онасини кўрди. «Буви, бувижон!» деб қичқирмоқчи бўлди. Аммо овози чиқмади. Томоғига нимадир тиқилди. Кўзлари ёшланди. Юрагида уйғонган ҳайқириқ лабидан сассиз учди — она ўғлининг дардли нидосини эшитмади. Бироқ орқасида кимнингдир нигоҳи қадалаётганини ҳис қилиб, ялт этиб қаради. Ўғлини бир нафас танимади... Йўқ, йўқ, таниди. Фақат кўзларига ишонмади. Кўраётгани туши ҳам эмас, сароб ҳам эмас, балки зоҳир эканига ишонч ҳосил қилгач, аввал лабларига титроқ югурди. Кейин титроқ турган тиззаларини ушлаб, қаддини ростлади. Сўнг «болам, болажоним...» деганича қанот ёйиб ўғли томон юрди. Сабоҳиддин юрмоқчи эди, бироқ жон чиқиб кетган оёқларини босолмади. Ҳолсизланиб тиз чўқди. Шу алфозда бошини она бағрига қўйди. Онасининг йиғлаб айтган гапларини эшитмади. Қулоғига шу топда фақат она юрагининг дукиригина урилди.

Йиғи овозини эшитиб қўни-қўшнилари чиқди. Аёллар йиғи-сиғи қилиб бўлгач, ичкарига кириб кетишди. Сабоҳиддин эса девор-дармиён икки қўшнисини билан айвонда қолди. Тиловат қилди.

— Раҳматли Жалолиддиннинг жойи жаннатда, роҳат-фароғатда юргандир. Бу дунёда кўп ғам чекди бечора.

— Узоқ ётдиларми?

— Бир нафас ҳам ётмади. Шу ёшга кириб «ум» деганини билмайман. Раҳматли ҳали бақувват эди. Шу баҳорда ҳам ҳеч кимга сўз бермай, ерини ўзи ағдарди-да. Худонинг шафқатини қаранг, жонини қийнамайгина олди.

— Ўғлим, дадангизнинг қандай жон берганларидан беҳабарсиз-а?

— Хабарим йўқ.

— Раҳматли дадангиз омонатларини масжидда топширдилар.

— Масжидда?

— Ҳа, масжидда. Дадангиз масжидимизда сўфилик қилаётган эдилар. Пешин намозидан сўнг супуриб-сидириб, энди кетаман, деганларида, қаёқдандир бир дайди ўқ келиб...

— Ким отибди?

— Ким отганини ҳеч ким билмайди. Қишлоқ тинч эди. Фақат уч марта ўқ овозини эшитдик. Кейин: «Жалол сўфини ўлдириб кетишибди», деб хабар қилишди. Масжидга борсак, қонга беланиб ётибдилар. Иккита ўқ кўкракларига теккан экан. Битта ўқ масжид эшигига санчилиб қолибди. Уч кундан кейин кўрдик.

— Сиз кўп қайғураверманг, ўғлим. Оллоҳнинг иродаси-да. Ҳаммамиз бу дунёда омонатмиз. Барчамизнинг пешонамизга ўша ёғоч отга миниш ёзилган. Дадангиз имон билан кетдилар, шукур қилинг.

Сабоҳиддин бундай пайтда айтиладиган жуда кўп оятларни, ҳадисларни ёддан билса-да, қўшни оқсоқолнинг бу жўнгина гапларидан тасалли олгандек бўлди. Аммо юракда қолган армонга ҳеч қандай тасалли кор қилмади.

Қоронғи тушгани сабабли қабристонга эрта тонгда борадиган бўлишди. Соҳиба ая ўғлига Жалолиддин аканинг сўнги кунларини, «Юрагим сиқилипти», «Алоқ-чалоқ туш кўрдим», деганларини, яна аллақанча майда-чуйда гапларни бир-бир сўзлаб берди.

— Машхура кўринмайдими? — деб сўради Сабоҳиддин унинг гапларини эшитиб бўлгач. У онаси билан кўришаётган чоғидаёқ кўзлари билан синглисини излаган, аммо қўшни аёллар чиқиб қолиб, сўрашга улгармаган эди.

— Машхурани... Султонмурод олиб кетдилар.

— Қаерга?

— Невлай. Раҳматли дадангизнинг йигирмаларига келиб, бош бўлиб турдилар. «Замон нотинч, уйингизда эркак йўқ, бўйи етган қиз, уволига қолмайлик, ўзимнинг паноҳимда бўлсин», деб...

— Қаерга олиб боришларини айтмадиларми?

— Айтдилар... Норхўжа эшоннинг қароргоҳи, дедилармикин...

— Индамай юборавердингизми?

— Вой, болам, худонинг зорини қилдим... Гапимга қулоқ солсалар экан. Ёлғиз аёл бошимга шунча кулфат каммиди, болам? Икки қанотим қирқилган бўлса, отангиз бир оғиз васият қилмай ўтган бўлсалар, қўни-қўшнилари орага тушишга қўрқишса, қўлимдан нима келарди? Худога солдим. Худодан қайтсин...

Сабоҳиддин онасининг ёш тўла кўзига қарай олмади. Имомнинг қилиғини қанча ўйламасин, тагига етолмади.

Ерталаб қабристонга бордилар. Сабоҳиддин қабрни қучоқлаб, тунги салқинга тўйган тупроққа бағрини бериб ётди. Онасига қўшилиб борган қўшни аёллар йиғи бошлашди.

Сабоҳиддин қаддини кўтаргач, аёллар тинчишди. Тиловат бошланди. Сўнг Сабоҳиддин аёлларни уйига жўнатди. Қабристонда яқка-ёлғиз қолди. Гўё ота меҳрига қонаётгандек қабрга узоқ тикилди.

— Дадажон, илоҳим жойингиз жаннатда бўлсин, — деб пичирлади лаблари.

— Иншооллоҳ, — деб жавоб берди хаёлидаги дадаси.

— Бизнинг роҳатимизни кўролмай кўзингиз очиқ кетди. Гўрингизга бир сиқим ҳам тупроқ ташлай олмадик.

— Оллоҳнинг иродаси бу, ўғлим. Чироғимни ёқиб турсаларинг, бас.

— Энди кимга суянаман? Маслаҳатгўйим ким?

Жавоб йўқ. Чунки отаси билан Сабоҳиддин хаёлан сўзлашаётган, фикрида эса бу саволга жавоб йўқ эди.

Кечқурун уйларига Султонмурод кириб келди. Сабоҳиддинга ҳамдардлик билдирди-да, марҳумнинг руҳига бағишлаб тиловат қилди. Тайинсиз мавзуларда бир оз суҳбатлашишгач, Сабоҳиддин муддаога кўчди.

— Тақсир, мен Норхўжа эшоннинг ҳузурларига боришим керак экан.

— Ҳа, ўғлим. Имонини йўқотмаган ҳар бир муслмоннинг ўрни ўша ерда. Аммо сиз ҳозирча бу ҳақда ташвиш тортманг. Уч-тўрт кун дам олинг. Раҳматли дадангизнинг руҳларига хайри-худойи қилинг. Эшон ҳузурига бирга борамиз. Мен шунинг учун келганман. Манавини олинг, харажатларга лозим бўлади.

— Тақсир, синглим...

— Машҳура соғ-омон. Бирон номаҳрамнинг кўзи унга тушмайди.

— Уни уйга қайтарсак, онам ёлғизлар.

— Буни кенгашиб кўрамиз. Ҳозир зинҳор ташвиш тортманг.

Султонмурод шундай деб чиқиб кетди. Сабоҳиддиннинг норизо нигоҳи унинг изларига қадалиб қолди...

Сабоҳиддин эсини танибдики, шу хасис одамини билади. Мактабга қатнаётганида домланинг яхши гапларини ҳам эшитган, калтагини ҳам кўп еган. Жамолиддин ўқишни хуш кўрмас, калтак егандан кейин ҳафталаб тутқич бермасди. Ўғлининг ўқишга бўйни ёр бермаётганини кўриб, отаси уни мактабга юбормай қўйди. Сабоҳиддин акасининг тескариси, тез оловлар ва шундай тезлик билан сўниб, итоаткор бўлиб қоларди. Кечаси жанжал-тўполон билан мактабга бормасликка аҳд қилган одам, эрталаб бурнини торта-торта йўлга тушарди. Хиёл улғайиб, шўхлиги авжга чиқиб, қишлоқдаги ўспиринларга ҳам бас кела бошлагач, бир томондан отаси, бир томондан домла сиқувга олиб, бўйнига итоат занжирини солишга уриндилар. Уларнинг бу ҳаракати самара берди. Маъмур бойвачча воқеасида занжир узилай деди-ю, аммо Султонмурод усталик қилиб қолди. Сабоҳиддинни итоаткорлик тўрига чирмаб ташлади.

Сабоҳиддиннинг Бухорога бориши аниқ бўлгач, Султонмурод уни йўқлаб, панд-насихат қилди:

— Оллоҳ-таоло барча бандаларига раҳм-шафқатни бир хилда сочган. Одам зоти ризқини кучи етганича ўзи териб ейди. Жаноб расулиллоҳ дейдиларки: «Тангри сизларни ер юзида ворис этган ва ўзи ато қилган нарсалар билан бизларни синаб кўриш учун баъзиларингизнинг даражангизни бошқаларникига нисбатан юқори қилиб қўйган». Яна Муҳаммад алайҳиссалом айтадиларки: «Баъзи бир оилаларнинг бу дунёдаги ҳаёти фаровон этилмиш, уларга аталган нарсаларга сен кўз тикма». Демокчиманки, Оллоҳ-таоло Маъмур бойваччанинг бу дунёсини фаровон этмакни иноят қилиб, унинг ризқига ризқ қўшган. Акангиз хотинини талоқ қилгач, Худо ўзининг бу ожиза бандасини ҳам Маъмур бойваччага инъом этди. Гарчи Маъмур бойвачча янгангиз талоқ бўлмасидан илгари дон олишган тақдирда ҳам сизнинг ўлдирмоғингизга ҳуқуқингиз йўқ. Зинокорга жазони Оллоҳнинг ўзи белгилаган. Аммо Тангри билан бандалар ўртасида шайтон бор. Оллоҳ-таолонинг тўлиқ ҳикмати ва инояти бирлан жаннатдан қувилган шайтон мўмин-муслмонларни ҳақ йўлдан оздиришга ҳаракат қилади. Маъмур бойваччанинг бегуноҳ қонини тўккан кимса шайтон васвасасига учиб, Худонинг қаҳрини келтирди. Жамолиддин бегуноҳ. Унинг гуноҳсизлиги Оллоҳ-таолога, менга ва яна бир кишига аён. Жамолиддин ўн уч йил дўзах азобини тортади. Унинг уволи ҳам қотилнинг елкасида.

Султонмурод шу зайлда гапни айлантириб-айлантириб, айб сиртмоғи ясади-да, Сабоҳиддиннинг бўйнига ташлади. Сабоҳиддин бу сиртмоқ олдида иложсиз қолди. Аммо тақсир унинг бошини силаб, раҳм-шафқат кўрсатди:

— Сиз ҳозир бориб, «Маъмур бойваччани мен ўлдирган эдим», десангиз ҳам акангиз Сибирдан қайтарилмайди. Бу бирламчи. Иккиламчи — сўзларингизга ҳеч ким ишонмайди. Аммо, умид чиннисини синдира кўрманг. Тавбалар қилинг, Тангрининг шафқати беқиёс. Оллоҳ, акангизни Сибирнинг дўзахий азобларидан барвақт халос этиб, сизнинг ҳам гуноҳларингиздан ўтса ажаб эмас. Бунинг учун сиз бутун борлигингиз билан ибодат қилмоғингиз, бу дунёнинг

роҳатларидан воз кечмоғингиз лозим. Ибодат чоғида Оллоҳга шундай сиғининг-ки, хушӯ чоғида қилич кўкрагингизга санчилик, курагингиздан чиқса ҳам сезманг. Мен бефарзанд, Худонинг бир бечора бандасиман. Сизни ўғлим қатори кўриб, меҳр қўйган эдим. Сизни ёш деб фахмлаб, ортиқча азобларга гирифтор бўлмасин, деб ўша куни ёлғон гапирдим. Елкангиздаги гуноҳларнинг ярми менинг бўйнимга тушди. Шу топгача гуноҳ ишга қўл урган банда эмасман. Гуноҳларимни ювиш учун тоат-ибодатларимнинг ўзи кифоя эмас. Иншооллоҳ, хатму кутуб қилганингиздан сўнг, агар Тангрим умримизни берса, бирга ҳаж қилиб, Каъбатуллоҳни тавоф этиб, Оллоҳдан гуноҳларимизни сўраймиз.

Султонмурод бир неча марта уйланганига қарамасдан, бефарзанд эди. Унинг меҳр билан айтган сўзларига Сабоҳиддин ишонди. Аммо Сабоҳиддин унинг қалбида яширинган ниятидан беҳабар эди. Султонмурод Андижон мадрасасида билим олган, дадасининг топиш-тутиши ҳам ёмон эмасди. Бошқаларга нисбатан зийракроқ бўлгани, яхшироқ билим олгани учун дурустроқ обрў-еътиборни хаёл қилганди. Қишлоғига оддий имом бўлиб қайтиш уни қаноатлантирмас эди. Юртнинг энг обрўли уламолари қаторидан ўрин олиш йўлларини излаб юрганда халқ бесаранжом бўлиб қолди. Йикчи эшоннинг ғалабасига ишониб, таҳсилни ҳам ташлади-да, унинг этагидан тутди. Қирғизлар тоғдан тушиб эшонни ҳол-жонига қўймай оқ кигизга ўтказиб, «Хон» деб эълон қилишганда Султонмуроднинг юраги хаприқиб кетди. Эшонга мадҳия айтаётганлар орасидаги Султонмурод кўзини бир юмди-ю, оқ кигиз устида Йикчи эшонни эмас, ўзини кўрди. Бу манзара — оқ кигиз устида виқор билан ўтирган Султонмурод онгига муҳрланиб қолди. Хужум бошланганда ҳам, бир неча соат ичида ғалабадан умидини узиб қочганда ҳам, катта обрў истагида Бухоро мадрасасига йўл олганда ҳам, ҳатто тунлари ўғринча қўшни маҳаллага бориб юрганларида ҳам шу манзара кўз олдидан нари кетмасди. Назарида, Худо уни хон бўлиш учун яратгандай эди. Ўша маҳаллага қатнаб юганида жухуд йигитларнинг қўлига тушиб бичиб қўйилгач, нияти дарз кетди. Аммо Худодан умидвор бўлиб юраверди. Бироқ ҳар қанча уринмасин, иши орқага кетаверди. Оқибатда, Бухоро мадрасасидаги таҳсил ҳам чала қолиб, қишлоғига қайтди. Қайтдию бойлик тўплашга киришди. У энди хонликдан умидини узиб, вилоятдаги энг бой одамга айланишни истаб қолди. Оёғи остидан Сабоҳиддин можароси чиқди-ю, бу ҳам бир коримга ярар, деб дилига тугди. Сабоҳиддинни Бухорога юбориб, у бир ўқ билан икки қуённи урган эди. Аввало қорабайирга етишиб, уни тузуккина ақчага пуллади. Қолаверса, назарида, Сабоҳиддин ундан маънавий қарздор бўлди. Фарғонада ғалаёнлар бошлангач, у эски таниши Норхўжанинг этагидан тутди. Норхўжа унга рўйхуш беравермагач, Сабоҳиддинга муҳтожлик сизди. Бахтига Холиқберди тўра бошқа қўрбошига эмас, айнан Норхўжага юборибди. Аммо Зайниддин қорининг ҳам келиши Султонмуродга ёқмади. Ундан қутилиш йўлини излай бошлади...

Султонмурод пул ташлаб кетгач, Сабоҳиддин Салимхўжанинг куюниб айтган гапларини эслади. Бухорода эканида ўз эркича турмуш кечира олишга қурби етадигандек эди. Аммо ўт-олов бағридан ўтиб келар чоғида кўрган-ешитганлари уни анчайин ўйлатиб қўйди. Ўз майлича яшай олмаслигига ишонч ҳосил қилди. Шу тобда Салимхўжани, унинг суҳбатларини қўмсади. Салимхўжа ҳозир ёнида бўлганида, «айтмовдимми», деб гина қиларди. Аввал қошларини чимириб ўйга толарди. Кейин айрим шахслар манфаатидан юрт-ел манфаати устунроқ экани ҳақида гапирарди. Сўнг ирода ҳақида, балки ойдин мақсад ҳақида сўз очарди. Ҳар нечук, Сабоҳиддинни маслакдош деб билмаса-да, унга далда бўларди. Афсуски, Салимхўжа узоқда қолган. Бу ерда эса фикрлашадиган, дардлашадиган ҳеч ким йўқ. Бундан буён бўлмаса ҳам керак.

Энди истаса-истамаса Норхўжанинг ҳузурига боради. Чунки Машхура ўша ерда.

\* \* \*

Девона хириллаган овоз чиқариб титрай бошлагач, Рҳақ ундан кўзини олди-да, ташқарига чиқиб кетди. Девона ўша куни остона ҳатламади.

## СИНОВ

Кесганбелга шом тушди. Асқарали, чойхонада ҳеч ким қолмаган бўлса-да, Дилмурод келиб қолар, деб пойлаб ўтирди. Кундузги воқеа асирлигидан қутула олмаган Рҳақ-Мирзавой ҳам ноилож самовархонада қолди. Асқарали чой дамлаб келиб сўрига чиқди-да, Мирзавойни ёнига чорлаб, чой қуйиб узатди.

— Дилмуроджон ҳам худди тўнғичимга ўхшаб бесаранжом эканлар, — деди у кафтига нос ташлаб,— тўнғичим ўзига-ўзи қилди. Раисликни туппа-тузук эплаб турувди. Халқ ҳам ундан рози эди. Испанияга боришнинг нима кераги бор эди унга, ҳайронман. Бегона юрт бўлса, у ерда амма-холаси бўлмаса. На аза очишни биласиз, на кутишни...

— Кетаётганларида ризолик бериб эдингизми?

— Ризолик... — Асқарали бир зум ўйланиб бош ирғади-да, кафтидаги носни яна носқовоққа қайтариб тўқди. — Ризолик бермай иложим қанча?

— Бошқаларнинг дардига бефарқ қарамаса, яхши одам экан ўғлингиз.

— Нимасини айтасиз. Шу колхозни деб неча ўлиб, неча тирилган. Агар ўғлим елиб-югурмаганда Мамарайимга ўхшаганлар қишлоқнинг ярмини қулоқ қилиб юборишарди. Келиб-келиб рўйхат тузишни Мамарайимга топширишибди. Битта сигири борни ҳам тиркабди-да рўйхатга бу занғар. Йўқ, ўғлим йўл бермади. Катталаргача бориб келди. Бўлмаса унга нима эди? Рўйхатни Мамарайим тузган. Гуноҳи ҳам унинг бўйнида... Ғалати бола эди тўнғичим, эсиз, пешонамга сиғмади. Боламдан зурриёт қолмади. Шунга қуяман. Боёқишнинг Сабохонда кўнгли бор экан. Бошқага уйланмади. Сабохоннинг ҳам кўнгли бор эди ўғлимга. Аммо отаси иблислик қилди. «Тўртта одам йиғилса, қудам шу киши бўлади, деб чўтирни кўрсатаманми?» дебди. Гапини қаранг, занғарнинг. У аслида менинг чўтирлигимдан ор қилмаган. Фойда унса мохов билан оғиз-бурун ўпишади у одам. Мўмайроқ қалинга умид қилган, чамамда. Ўғлим раис бўлгани билан эчкимиз ҳам йўқ эди. Э, ишқилиб омон бўлишсин. Дунё шунақа экан-да.

Асқарали кафтига нос тўкиб, тилининг тагига ташлади-да, кафтини қоқди.

—Туриб-туриб Сабохонга ачинаман. Отасининг раъйига қараб бебахт бўлди, бечора. Қайнағаси ўзини осиб қўйгандан кейин эри тўсатдан ғойиб бўлди. Ерга кириб кетдим, осмонга чиқдим — ҳеч ким билмайди. Сабохон икки ўт орасида қуйиб адо бўляпти. Эрини кутай деса, куз келса уч йил бўлади — ном-нишон йўқ. Бошқасини эр қилай деса — боши очик эмас. Тағин ҳам аёл зотининг жони темирдан бўларкан. Бошимга бунақа ғам тушса, мен чидамай, тарс ёрилиб кетардим... — Бу гапларни эшитиб Рҳақ-Мирзавойнинг кўз олдига Назира келди. Сабохоннинг узори Назирага ўхшаркан, деб юрса, қисмати ҳам бир экан-ку? Назира ҳам кўнгли қўйганига етишолмай азобда қолган эди. Сабохон ҳам. Наҳот биргина гапни айтиш қиз бола учун шунчалар машаққат бўлса?.. Бу ҳолни биров баён қилса Рҳақ ишонмас эди. Назирани кўриб, иккиланган эди. Сабохоннинг қисмати энди уни буткул ҳайратга солди... Чунки у аёлнинг гўзаллиги ташқи чиройида эмас, балки ҳаёда, номусда, иффатини сақлашида эканини ҳали билмасди.

— Чойга қаранг, — Асқарали шундай деб пиёлани чертиб қўйди. Рҳақ-Мирзавой сергак тортиб, Асқаралининг қўлидан пиёлани олди. — Хаёл олиб қочдим, дейман-а? — деди Асқарали унга синов назари билан қараб.

— Ҳа... аёлларни ўйлаяпман. Бировга кўнгли қўйишса ҳам «яхши кўраман», деб айтишолмайди.

— Бе, айтиш қаёқда! Яхши кўришнинг дарди ҳам, лаззати ҳам шунда бўлса керак-да. Қизларни гапирасиз, эркак бўла туриб вақтида йигитлар ҳам чайналиб қолишади-ку... Ўғлимни айтинг. Бир оғиз гапирмади. Испанияга кетяпман, деди-ю, жўнаворди. Сабохоннинг дарди ичида, қон-қақшаб қолаверди. Мирзавой, иним, бизнинг бир айбимиз бор: ҳамма нарсани

ипидан-игнасигача билишни истаймиз. Шу денг, сиздан бир нарсани сўрамоқчиман: юришингиздан сўққабошга ўхшайсиз. Уйланмаганмисиз?

Рҳақ бундай савол берилишини ҳисобга олиб қўйган эди, шу сабабли иккиланиб ўтирмади:

— Йўқ, — деб кулимсиради.

— Шу пайтгача-я? Наҳот бирон-бир жонон юрагингиздан урмаган бўлса!

— Шунақаси топилмади-да, Асқарали ака.

— Бе! — Асқарали шундай деб кулди. — Дунёни айланиб юраверибсиз-ку, ишқ-муҳаббат кўчасига кирмабсиз-да, а? Қўйинг-е, иним! Севги дардини тортмаган бўлсангиз, ҳали дунёга келмабсиз. Сизга қойил бўлмадим. — Асқарали Рҳақни елкасига уриб қўйди. — Ҳали ҳам кеч эмас, кўчага чиққанда сал бошингизни кўтариб, кўзингизни каттароқ очиб юринг. Биронтасига юрагингиз «жиз» этса, ўртада мана мен кафил.

Юрак «жиз» этиш... Қизиқ одам экан бу Асқарали. «Жиз» этгани билан Рҳақ унга дардини оча олармиди. Қизиқ... Бу қанақаси?! Ерга тушган заҳоти Назирани излади, кейин Сабохонни кўрганда ғалати бўлди. Энди рост гапни айтолмаяпти. Бу юрагида уйғонаётган муҳаббат белгиларими? Сабохонга кўнгил қўйяптими? Ана холос!

— Иним, чойни ичинг, совияпти...

Рҳақ бу гапдан кейин хаёлини йиғиб, совиб қолган чойни шошилиб хўплади-да, пиёлани узатди.

— Баъзан уйқум ўчиб, осмонга қарайман, — деди Асқарали пиёлага чой қуя туриб. — Бир куни тўнғичим, юлдузларда ҳам одам яшар экан, деган гап топиб келган эди. Шундан бери, ўй ўйлаб ўйимга етолмайман. Юлдузларда одамлар бўлса бордир, аммо уларда ҳам муҳаббат деган ҳис бормикин? Бизга ўхшаб бир-бирини яхши кўриб, дардини ичига ютиб яшармикин?

Рҳақ бу гапни эшитиб, бирдан Тангни эслади-ю, беихтиёр: «Йўқ», деб юборди. Асқарали унга саволомуз қаради.

— Муҳаббат йўқ дейсизми?

Рҳақ вужудидаги ҳисни бошқара олмай, сирини ошкор қилай деганини тушунди. Гапни бошқа мавзуга буриш мақсадида чайналди:

— Муҳаббат... эмас, юлдузларда одам яшамаса керак...

Хайрият, бахтига Асқарали унинг довдирашини сезмади.

— Ким билади, одамларнинг оғзидаги бир гап-да, бу, — деди-да, чойнак-пиёлани олиб ўрнидан турди.— Дилмуроджон бугун қайтмасалар керак. Улов бўлмаган кўринади. Эзмаланиб сизни ҳам уйқудан қўймай.

Рҳақ-Мирзавой Асқарали билан хайрлашиб, шифохона томонга ўтди. Аммо ичкари кирмай остонада туриб қолди. Самоварчининг муҳаббат ҳақидаги гаплари унинг хаёлини чалғитди. Рҳақ Девона бошидан кечирган воқеалар билан танишгач, ҳеч ким билан сўхбатлашмай, ётаман, деб ўйлаган эди. Девона туфайли вужудида уйғонган туйғулар азоби унга етиб ортар эди. Аксига олиб, самоварчи гапга тутди. Гапга тутганда ҳам ярасини янгилаб, туз сепди. Рҳақ учун мана шу туйғу ҳозир ортиқча эди. Муҳаббат ҳақида, Назира, Сабохон ҳақида ўйлашни истамасди. Шунинг учун ҳам тўхтади. Орқасига ўгирилиб, қабристон томонга қаради. Кўз олдига титроқ босган Девона келди. Ўзининг баданига ҳам енгил титроқ югуриб, жунжикди. Ичкари кирди. Рҳақ Девонанинг бошига тушган барча савдоларни билмаса-да, ақлдан озиш сабабини англади.

Ерликларнинг юраги тангликларникига нисбатан анча кичик. Асаб ҳужайралари ҳам кам. Аммо шу митти юракка тушувчи руҳий куч бир неча баравар катта. Рҳақ бу фикрни, бу номутаносибликни аввалги сафар чоғида сезмаган экан. У ёшлигида, тарихни титкилаш орзусида юрганида, тангликларнинг бир вақтлар бешта бармоғи бўлганини тасодифан эшитган эди. Жисмоний ҳаракат камайган сайин бармоқлар кичрайиб-кичрайиб, охири иккитаси йўқолган экан. Балки юрак бунинг аксидир? Ҳис-туйғу, руҳий юк камайгани сайин тангликларнинг юраги катталашиб кетгандир. Ахир у ҳозир қон ҳайдашдан бўлак ишни



билмайди-ку?! Юрак кераксиз ҳислардан, демакки, ортиқча руҳий юкдан холи қилингани маъқулдир. Лекин меҳрдан узмаслик керак экан. Рҳақ бунинг азобини Тангда сезмаган эди. Ерга тушиб, билди. Билди-ю, оғир юк кўтарувчи ана шу митти юрак эгаларига ҳаваси ошди.

Кесганбел уйқуга берилди. Ҳатто итлар ҳам ҳурмай қўйди. Уйлар қора қутилар каби терилган. Қабристонни дарахтлар қораси тўсган. Шундай бўлса ҳам Рҳақ ўша ёққа тикилди. Девонанинг титраб, букчайиб ўтириши сира кўз олдидан кетмади. Аслида, у бундай қилмаслиги керак эди. Девонанинг азоб чекишини яхши биларди. Шунинг учун ҳам дастлабки кунлари бу ишдан ўзини тийиб юрди. Аммо бўлажак таҳлиллар учун Девонанинг бошига тушган савдоларни билиши жуда зарур эди.

Ўша тун Рҳақ Девонадан кўпроқ азоб чекди. Тонгни бедор қаршилаб, юрагидаги ҳисси янада қудрат касб этганини кашф қилди. У фақат қиёфаси билан эмас, ички дунёси билан ҳам ерлик одамларга яқинлашаётганига амин бўлди.

Рҳақ-Мирзавой самоворхонада нонушта қилгач, тоғдаги кўкатлардан тайёрлаган туркана дорини элтиб, раисни тинчитди. Шундан сўнг то пешинга қадар хонасидан чиқмади. У бўлажак ишлар учун руҳиятини созлаб олиши керак эди. Шу сабабли шифтга тикилганча ҳеч нимани ўйламай ётди.

Унинг тинчини Дилмуроднинг овози бузди. Рҳақ эринибгина туриб керишди-да, унга пешвоз чиқди. Қошларигача чангга беланган Дилмурод қўлидаги қора сумкани остонага қўйиб, ўзи тол соясидаги сўрига бориб ўтирди. Қайтишда уловсиз қийналганини айтиб бўлгач: «Ҳаммаёк жимжит, тинчликми?» деб сўради.

— Сабохондан дарак бўлмади. Шопўлат акамиз бугун прогул қилдилар. Назаримда, Умидани олиб кетганингиздан хафа, — деди Рҳақ.

— Ўзим ҳам шундай бўлади, деб ўйлагандим. Яна олдига бориш керак. Энди ўзича келмайди.

Дилмурод ювиниб, чой ичиб олгач, қабристонга йўл олишди. Ҳужрани қарашди: Девона йўқ. Уни эртасига ҳам, индинига ҳам топа олишмади. Орадан беш кун ўтса ҳам ундан дарак бўлмади. Нима қилишни билмай гаранг бўлиб турганларида, Сабохон келиб Девонани мазорбошида кўрганини айтди. Пайсалга солмай, ўша заҳоти Девонанинг ҳужрасига боришди. Маъюс ўтирган Девона уларга қараб ҳам қўймади. Рҳақнинг ҳазил-ҳузули ҳам эътиборсиз қолди.

— Менга қаранг, Шопўлат ака, сиз Умиданинг кетиб қолганига хафа бўлганга ўхшайсиз, а? Тўғрими?

Девона бошини эгди.

— Бе, шунга шунчами, — деди Рҳақ-Мирзавой, Дилмуродга «Масала равшан» дегандек кўз қисиб қўйиб, — Умида эрта-индин келади. «Унгача Шопўлат амаким дўхтирхонада ишлаб турсинлар», дебди. Ишга бормасангиз қайтмас экан..

... Ҳозир Девонага гапириш ортиқча эканини билиб, бўшашган ҳолда изларига қайтдилар. Рҳақнинг гаплари таъсир қилдими, ҳар нечук Девона эртасига «ишга» келди. Бир неча кун шу зайлда ўтди. Дилмурод яхши гапириб унинг кўнглини овлар, бу тайёргарликнинг машаққатидан эмас, чўзилиб бораётганидан куюнарди. Девона ҳадеганда бўйин берадиган эмасди. Буни англаган Дилмурод яна Рҳақ-Мирзавой ёрдамида иш тутишга ҳаракат қилди.

Мирзавой ҳовлига чиқиб, Девонани тол соясидаги сўрига чақирди-да, Дилмурод тайёрлаб берган саволлар бўйича уни аста сўроққа тутди.

— Самоварчи Асқаралининг эшигига боргансиз-а? Эшигида нима бор эди?

— Эшигида... эшак! — Девона елкасини силкитиб ҳузурланиб кулди.

— Яна нима бор?

— Эшак...

— Уйида шолча-полча, хонтахта борми?

Девона Мирзавойнинг оғзига қараб индамай тураверди.

— Уйида нима бор?

— Ғинг-ғинг, така-тум, така-така-тум, — Девона шундай деб қўли билан ҳавода айлана чизди.

«Патефон шекилли», деб ўйлади Дилмурод унинг ҳаракатларига разм солиб.

— Шопўлат ака, манави хўжайин мендан пакана,а? Асқаралининг невараси ҳам шундай. Уларнинг орасида нима фарқ бор?

— Пак-пакана...

— Капалакни биласиз-а, мусичани ҳам биласизми? Уларнинг бир-биридан нима фарқи бор?

Девона атрофига олазарак қаради: афтидан, мусича ёки капалак излади. Аммо кўзи эшикдан кириб келаётган раисга тушиб, ўрндан туриб кетди. Орқасига чекинди.

Дилмурод Девонанинг раисдан озор чекканини сезди.

Раис қамчинини ўйнатганча этик қўнжига уриб-уриб келарди. Дўхтирлар билан совуққина сўрашиб, сўрига омонат ўтирди.

— Бу нимаси яна! Одамлар дўхтирхонага йўламайдиган бўлиб қолишибди-ку?

— Қани, ичкари кирайлик...

— Менга шу ер ҳам бўлаверади, ичкари дим.

— Шопўлат ака, сизга рухсат, бораверинг.

Девона осонгина қутулганидан қувониб тезгина чиқиб кетди. Рҳақ-Мирзавой воқеани раисга аста тушунтирди. Мамарайим унинг гапларини бўлмайд тинглади. Кейин ҳеч нима эшитмагандай: «Жиннини йўлатманглар, тамом!» деб туриб олди.

— Одамлар қўрқяпти бу бирламчи, — деди қарорини изоҳлашга уриниб, — иккиламчи, ўзларинг ўйлаб топган сантехникага ҳам тўғри келмайди. Дўхтирхона озода бўлиши керак.

— Сантехника эмас, сангигиена... — деди Дилмурод унинг хатосини тўғрилаб.

— Ҳа, нима бўлса ўша-да, — деди раис беписанд оҳангда.

— Ахир, Тошкентдан атайлаб тажриба ўтказаман, деб келган бу киши!

— Бу ер тажрибахона эмас, колхоз! Жинни керак бўлса, ана, олиб кетаверсин.

Раис: «Гап тамом!» дегандек қамчини билан этик қўнжига бир уриб қўйди-да, турди.

— Тўхтанг, Мамарайим ака, гапимизни эшитинг. Рентген аппаратини биласиз-а? Дизелни ҳам эшитгансиз. Аслида Рентген ҳам, Дизел ҳам олимларнинг номи. Дилмуроджон антиқа бир асбоб ясаганлар. Шу баҳона қишлоғингизнинг номи дунёга машҳур бўлса ёмонми?

Мамарайим, мени мазах қиляптими бу, деб бир қараб олди. Рҳақ-Мирзавойнинг жиддий турганини кўриб, ҳовридан тушди.

— Менга қолса, йўқ демайман. Лекин одамлар...

— Одамларга тушунтирамиз.

— Яхши, агар бирор гап қўзғалса, ранжимайсизлар... Асбобга «Кесганбел» деб ном берадими, бало дейдими, бари бир аяб ўтирмайман... — Раис шундай деб чиқиб кетди.

Ертасига Рҳақ раисга учрашди-да, тоққа чиқиб кетишаётганини, доривор гиёҳлар териб тушажакларини айтиб рухсат олди. Сахар чоғида, Асқарали иккита эшакка тўқим уриб бергач, йўлга тушишди. Довон ошиб юқорилашган сари арчазор қалинлаша борди. Салқин ҳавода этлари жунжиқди. Эшакда юриб ўрганмаганлари учун энди пиёда бўлиб олишган эди. Дилмурод атрофга боқиб тўймасди. Ёлғизоёқ сўқмоқ қорли чўққи томон узайиб бораверади. Қорли чўққининг учи эса кўринмайди. Пахмайиб кетган қўнғир булут худди тоғ чўққиларига илашиб қолгандай қимирламасдан турибди.

«Одамнинг ҳаёти ҳам табиатдаги дарахту кўкатларга ўхшайди, — деб ўйларди Дилмурод. — Одамлар ҳар хил бўлганидек, дарахтлар ҳам турлича. Бири истаганча эгилаверади. Бири эгилишдан кўра синишни раво кўради. Мана, арчалар қияликда ҳам тик ўсяпти. Уларни қор кўмиб ташлайди, сел юлмоқчи, шамол эгмоқчи бўлади. Лекин бари бир у тик ўсаверади. Қорнинг ҳам, селу шамолнинг ҳам ўткинчилигини билади...»

Ешагини етаклаб олган Рҳақ Дилмуроддан беш қадамча орқада келарди. У ҳам бу ажиб манзарага суқланиб боқар, бундай гўзалликни хаёлан Тангдан изларди. «Танг ҳам балки қачонлар шундай сеҳрли бўлгандир, — деб ўйларди у. — Аждодларимиз худди шундай соф ҳавода нафас олгандирлар. Табиатнинг бундай чиройидан завқлангандирлар. Ҳозирги авлод эса ҳаммасидан маҳрум. Тангликлар Ерга келса, буларнинг қадрига етармиканлар?»

Улар бир-бирига елка тираган икки тоғ орасидан ўтиб, кўм-кўк ўт билан бурканган ялангликка чиқдилар.

— Буни қаранг, Мирзавой ака, қулинг ўргилсин оромгоҳ бўладиган жой эканми, а? — деди Дилмурод тўхтаб.

— Ҳа, бунақа жаннатсифат жойлар ҳамма ерда ҳам бўлавермаса керак, — деди Рҳақ-Мирзавой унинг гапини маъқуллаб.

— Аттанг, минг аттанг, — деди Дилмурод бош чайқаб. — Биз жаннатимизнинг қадрига етмаймиз. Бунақа жойда ҳордиқ чиқарган одамга касал деган нарса яқинлашмайди. Аввало ҳавонинг ўзи дори. Қолаверса, фақат сут ёки қимиз ичиб шифо топиш мумкин. Мана шу кўкатларнинг ҳаммаси дори.

— Сизга ўхшаган олимлар буни халққа тушунтиришлари керак-да.

— Э, тушунтириш билан иш битмайди. Агар сўзим ўтса, бошқа нарсани таклиф қилардим.

— Нимани?

— Ҳозир катталар Қримда дам олишни расм қилишган. Бориб тўғри қилишади. Йил бўйи ишлаб чарчагандан кейин дам олиш керак. Улар Қримни кўриб, яхши таассуротлар билан қайтишади-ю, ўшанақа оромгоҳларни шу ерда қуришни ўйлашмайди. Шунинг учун мен уларни Қримга юбортирмасдим. Ана ўшанда улар узоққа боришни ўйламай, шу ерларда оромгоҳлар қуришга мажбур бўлишарди.

Рҳақ унинг режасини эшитиб, кулди.

— Дилмуроджон, сизга разм солиб турибману ҳайрон бўламан. Бир қарасам, доно, кўп ўйлаб, кам гапирадиган вазмин олимсиз. Бир қарасам, болаларча соддалик билан куюнасиз.

— Бу ҳаммада ҳам бор қусур, Мирзавой ака. Сиз ўзингизни билмай гапиряпсиз шекилли, а?

— Мен ҳам шунақаманми?

— Ҳозир менга тақаган айбингиз тўлалигича ўзингизга тегишли. Ҳатто ҳаракатингизда ҳам мўътадиллик йўқ. Дам оғир қадам ташлайсиз, дам югуриб кетай дейсиз. Айниқса қияликларда сизга етиш қийин. Яна, ўпкамнинг мазаси йўқ, дейсиз. Очиғини айтсам, овқатни ҳам бир хилда емайсиз. Кайфиятингизга-ку мутлақо тушуна олмайман. Сизда аскияга мойиллик бор десам, камгап бўлиб қоласиз. Одамови десам, Асқарали ака билан теппа-тенг гаплашасиз. Тўғри сезибманми?

Рҳақ-Мирзавой жилмайиб бош ирғади. Аммо ичидан зил кетди. У Танг кемасидаги ген камерасини мукамал деб ҳисоблагани учун чинакам ерлик қиёфасига кирганман, деб ўйларди. Ҳолбуки, ҳаракатларида шунча тафовут бор экан. Демак, вақт оқимининг тезлигидаги фарқ генетик код тузилаётган дамда аниқ ҳисобга олинмаган. Энди диққатни бир ерга жамлаб, ўйлаб иш юритиш керак...

Улар Новқатга кун оққанда кириб келишди. Самовархонага кириб шу қишлоқдан кетиб қолган жиннини суриштиришди. Рҳақ шу қишлоқлик Машҳура исмли аёлни топиш кераклигини билса ҳам сир бой бермади.

Самовархонадагилар жинни воқеасини эслаш учун кўп уринишмади. Дарров эслашди.

— Ўн йилнинг нари-берисида телба пайдо бўлувди,— деди чалакўса бир қария тамшаниб. — Жалол сўфининг қизи, «Акам», деб бошлаб келувди. Жалол сўфининг муллавачча ўғли бўларди. Айтишларича, ўшанинг эси оғиб қоғонакан. Омма мен унга ўхшатмадим. Ё жинни бўғонига ўзгариб кетганми, невлэй. Омма сўфининг қизи кичкина тўй берган кундан кейин жиннининг ҳам қораси ўчди. Ўшандан бери, Худога шукр, Новқатда жинни зоти бўлмади.

Машхуранинг уйига ўша қариянинг ўзи бошлаб борди. Ичкари кириб фотиҳа ўқиди-да, юмуши борлигини айтиб, чиқиб кетди.

Дилмурод Машхуранинг оппоқ сочлари, ажин босган юзи, хиёл эгик қаддига боқиб, қари кампир бўлса керак, деб ўйлаганди. Кейин билса у Девонанинг синглиси экан. Машхура ҳам, унинг муомаласи дағалроқ эри ҳам меҳмонларнинг врач эканига ишонишмади. (Қайси врач, қайси замонда битта жиннининг тарихини биламан, деб тоғ ошиб келибди?) Шунинг учун саволларга узук-юлуқ жавоб беришди. Ҳатто Машхура «Невлай, акамга ўхшатиб эдим. Кейин кетиб қолди», деб гапни калта қилди. Рҳақ суҳбатни яна маромига соламан, деганда Дилмурод қовун тушириб қўйди.

— Акангиз Норхўжа деган кўрбоши билан бирга бўлган экан. Бухорода ўқиб келган экан, шу ростми?— деган саволни эшитиб, Машхуранинг эри ёрилиб кетди.

— Ҳой, ука, менга қаранг, сиз унақа ипни чувалатаверманг. Йўқ ердан айбни топиб келиб қўйишни биз ҳам биламиз. Опангизнинг умри болаларни ўқитиш билан ўтяпти. Мен ҳам колхозда кичкина эмасман. Бизни қақшатишни ўйламанг. Менинг уруғимда ҳам, опангизнинг уруғида ҳам босмачи, мулла дегани бўлмаган. Опангизнинг акаси қизил командир эди. Хужжатларимиз бор. Бизни гангитманг. Чойни ичиб бўлгандирсизлар-а?

Бу гапдан кейин ноилож туриб, самовархонага қайтишди. Машхура уларнинг кўзига қарай олмади. Эри бўлса, пок одам эканини то кўчага қадар таъкидлаб борди.

Самовархонадагилар бўлган воқеани эшитиб ачинишди.

— Шунақа бўлишини билиб, дарров изимга қайта қолувдим, — деди ҳали йўл кўрсатган қария. — Бу сўлтаматга ақл битмади-битмади. Эшигинга отангнинг қотили келса ҳам бир кечага жой қилиб бермайсанми, ит эмган. Ахир уйингга нон сўраб келишмабди-ку? Тагин ҳам бахтига омонлиқ замон. Эски пайтлар бўлганда меҳмоннинг юзига чопгани учун сазойи қилинарди...

— Жиннининг қадамини ҳам ўша номард қирқди. Тўйда одамларга кўринса изза чекаман, деб тоғасиникига олиб бориб қамаб қўйибди. Жиннида ҳам фаросат бўларкан-да, эшигига қайтиб келмади.

Самовархонадагилар Машхуранинг эрига шу зайлда лаънат тамғасини босишгач, меҳмонларни (бири олиб, бири қўйиб) уйларига чорлашди. Рҳақ билан Дилмурод қуллуқ қилиб, самовархонада қолишди.

— Ҳар ҳолда келганимиз чакки бўлмади. Воқеа анча ойдинлашди. Девона шу хотиннинг акаси. Довдирашидан билиниб турибди. Фақат айтишга кўрқяпти. Энди ўз отини айтиб чақирсак ҳам бўлади, — деди Дилмурод, ичига пахта тикилган қаттиқ ёстиққа ёнбошлаб.

— Ярасини янгилаб қўймаймизми? — деди Рҳақ ўрнини тузата туриб.

— Бу гапингизда жон бор. Агар унга қаттиқ таъсир қилган воқеани аниқласак, қойилмақом иш бўларди. Лекин бу воқеани буларнинг ўзлари ҳам билмаса керак. Ҳар ҳолда, босмачиларга боғлиққа ўхшайди. Бошига уришганми, кўрқитишганми, қийнашганми, ишқилиб, бир гап бўлган. Аскар қалпоғи эсингиздами? Демак, у Машхуранинг катта акасиники. Демак, жинни ақлини бутунлай йўқотмаган. Бу ишимизни анча енгиллаштирувчи далил!

Дилмурод «керакли нарсаларни» билиб олганидан мамнун эди. Рҳақ эса Машхуранинг яширин ўйларини ўқиб, Сабоҳиддиннинг қисматига янада кучлироқ қайғурарди.

Новқатдан қайтишгандан сўнг Дилмурод синовга тайёргарликни тезлаштирди. Девона хонага кириб ётишга тўрт марта бўйин бермади. Охири, ҳеч қандай кўрқинчли ҳодиса содир бўлмаслигига ишонч ҳосил қилгач, устига чарм қопланган тахта сўри устига чиқиб кўзларини чақчайтирганча жим ётди. ТЕТ ишга тушиб импульс юборилгач, ҳушидан кетди. Рҳақ савол назари билан Дилмуродга қаради.

— Меъеридан сал оширибмиз. Хавотир олманг, ҳозир ҳушига келади, — деди Дилмурод унинг мижжаларини қайириб кўрар экан.

Девона икки соат ҳаракатсиз ётди. Кейин баданига титроқ кирди-да, ўрнидан турди. Рҳақ билан Дилмуродга ҳайрат билан тикилиб, орқасига тисарилганича чиқиб кетди.

Дилмурод ўзини хотиржам кўрсатишга уринса-да, аста титраётган бармоқлари ҳаяжонини фош қилиб турарди. Шунинг учун ҳам у асбобни шоша-пиша ғилофга жойлагач, уйга бориб дам олажани баҳона қилиб чиқиб кетди.

Рҳақ унинг асл мақсадини билгани учун кузатгани чиқмади. Чарм қопланган сўрига ўтириб, ўйга толди...

«Ҳозир уйга боради-ю, паналаб қабристонга йўл олади. Девонани кузатади. Ҳаяжонини мендан яширмоқчи. Биринчи синовнинг яхши ўтганини ҳали ўзи билмайди. Қишлоққа келганига ой тўлади, аммо бир зум тинч турмади. Доим бир нарсани фикрлайди, баҳслашади, исбот қилмоқчи бўлади. Хуллас, қараган киши унинг тирик эканини, юраги уриб турганини дарров ҳис қилади. Тангликлар эса... уларнинг тириклигини фақат ҳаракатланишидан билиш мумкин...»

Рҳақнинг кўз олдига Фиднинг ҳорғин чехраси келди. Рҳақ иккинчи сафарга тайёргарлик кўраётганида Фид ўзининг қарашларини ошкор этган, ҳамиша Рҳақ билан яқдил эканини билдирган эди.

Ерга сафар қилингунча Танг донишмандлари масалаларни баҳсга берилмай туриб тезда ҳал этардилар. Лукн билан Рҳақнинг кундаликларидаги қарама-қарши фикр кутилмаганда уларни икки оқимга ажратиб қўйди. Рҳақ Ер тараққиётига таъсир кўрсатмай, ерликларнинг ички дунёсини соф сақлаб қолиш керак, деган талабни илгари сурган эди. Фид Рҳақнинг «тезкор тараққиёт билан ички маънавий дунё бир-бирини рад этади. Тушунмовчилик, хатолар, урушлар барҳам топиб, Ерда оқибат, чинакам меҳр-муҳаббат қарор топади», деган фикрини қўллаб янглишмаган эди. Агар Ерга келганда бунга ўзи ҳам иқрор бўларди. Мутаносибликни бузиб, тараққиётни тезлатиш тарафдорлари кўпроқ эди. Ернинг бошқа нуқталарини кузатаётган тангликлар агар ўзгача хулосага келсалар, қора оқим мутлақ қарорга келиб қўйиши мумкин. Фид атрофидаги бир неча донишманд билан катта кучга дош бера олармикан?..

Бу ўлканинг асрий уйқудан уйғонаётганини кўр ҳам пайқаши мумкин. Аввалги сафар чоғида Шоазиз ўткир зеҳнли алломалардан сўз очганида амир бўйнига айб сиртмоғини илган эди. Салимхўжа эса замон алломаларининг кўз очиши учун нималар қилиш кераклигини айтган эди. Унинг башорати тўғри чиқди. Мана, Дилмурод Ер сатҳида ҳеч бир донишманд ўйламаган ишни қилди. Эрта-индин Девонанинг хотирасини буткул тиклаб, ҳушини жойига келтиради. Уйғонишнинг исботи учун яна нима керак?

Рҳақ Девона ҳушсиз ётганда тунов куни уни гипноз қилганидан афсусланди. Шошилмаслиги керак экан. Чунки ўша гипноз таъсирида Девонанинг хотираси қисман тикланиб қолган, бугун эсдаликларнинг давоми юз очган эди. Рҳақ бу эсдаликларни ўқиб, энди Девонани ўз ҳолига қўйишга аҳд қилди.

Ҳозир хонада ёлғиз қолгач, Девонанинг бошига тушган савдоларнинг давомини кўз олдига келтирди. Устарада қирдирилган бошига чолдўппи қўндирилган, оқ ятак, оқ иштон кийган, қорувли гавдасини хиёл эгиб тасбеҳ ўгирганча хомуш тортган Сабоҳиддин нигоҳидан кетмай қолди...

## МУБҲАМ СЎҚМОҚ

Отасининг ногаҳоний ўлимидан дили вайрон бўлган Сабоҳиддин синглисининг қисматини ўйлаб, юрак-бағри эзилиб кетди.

У синглиси учун Норхўжанинг қароргоҳи нима экан, у дунёга бориб келишдан ҳам тоймасди. Сабоҳиддин икки томони найзаю тиглар билан қуршалган сўқмоққа кириб бораётганини биларди. Тиглардан дуою илтижолар ёрдамида қутулиб бўлмаслигига ҳам ақли етарди.

Ёшлигида кўзига ажина кўринса, дарров калима қайтарарди. Кошки эди, жинлар базмига кириб бораётган бўлса, йўқ, у дўзах оташи томон боряпти. Балки у ерда азроил билан юзма-юз келар. Балки омонатини топширар. Сабоҳиддин била туриб шу манзилга боряпти. Ўзга чора йўқ. Уни бу томонларга жиҳод истаги бошлаб келган эди. Энди эса фикру хаёли синглизининг тақдири билан банд. Ишқилиб, синглиз омон қолса, бас. Тенгини топиб узатса, бўйнидаги қарздан халос бўлиб, отасининг арвоҳини рози этарди...

Сабоҳиддин шу ўйлар гирдобига тушган бир маҳалда от дупури эшитилди. Чавандоз уларнинг эшиклари олдида тўхтади. У ой ёруғида акасини таниб, ирғиб ўрнидан турди. Жамолиддин отасининг қазосидан хабар топиб келган эди. Шу учун укасини қучоқлаб, унсиз йиғлади. Бу орада ичкаридан Соҳиба ая чиқиб паст овозда йиғи бошлаб, ўғлини бағрига босди.

Сабоҳиддин: «Акам бас қил, деб қолмасмикан», деган хавотир билан тиловат қила бошлади. Йўқ, Жамолиддин индамади. Аксинча, укасига кўшилиб фотиҳа ўқиди.

Ака-ука Соҳиба аяга: «Кириб дамингизни олинг», дейишса ҳам, ая унамади. Ўғилларининг дийдорига тўйиб деб тун ярмидан оққунча ўтирди. Тонг билан баравар туришди. Сабоҳиддин бомдодни ўқиб олгунча Жамолиддин отига ем ташлаб, қашлаган бўлди. Кейин икковлон қабристонга йўл олдилар.

— Мен ҳозир кетишим керак, — деди Жамолиддин қайтар маҳалларида. — Имилламай Машҳурани олиб кел.

— Тақсирим билан бормоқчимиз. — Сабоҳиддин Холиқберди тўра билан учрашганини, унинг топшириғини акасидан яширди.

— Шундай бўлишини сезган эдим. Босмачиларга ўтишинг аниқ экан.

— Қишлоқнинг кўп йигитлари ислом лашкарлари, сиз айтмоқчи, босмачилар сафида экан. Улардан бу қадар нафратланишингиз ўринсизмикин... ахир... «босмачи» ҳам сиз билан менга ўхшаган одам. Улар ҳам эл-юрт деб азоб чекишяпти.

— Бу гапинг тўғри. Биздақалари ҳам бор. Сургундан юриб мен кўп нарса англадим. Энг муҳими, ҳақиқат ягона бўлса ҳам уни турли одам турлича тушунар экан. Замон нотинчланиб, адашганлар ҳам кўпайди. Ким ҳақ эканини билмай гарангсиб юрганлар ундан ҳам кўп. Мана, ўзинг ҳам фарқига бормайсан-ку?

— Мен ҳақиқат имонлиларда деб биламан.

Сабоҳиддин, акам яна қизишиб кетар, деб ўйлади. Йўқ, Жамолиддин унинг гапини эшитиб, бош чайқаб кўйдю оёғи остига қараганча бир меъёрда юраверди. Қабристондан кўнгли чўкиб чиққани учунми, унинг шашти паст, укасига Марғилондаги каби кўпол муомала қилмас, аксинча, мулойим гапирарди. Бошқа бир томондан у Сабоҳиддиннинг сиртмоққа тушиб қолганини фаҳмлаган, энди уни қутқариш йўлини излаб, гаранг бўлаётган эди.

— Босмачилар қуроқ дастурхонга ўхшайди. Уларнинг дастидан юрт ҳам қуроқ бўлиб кетди. Бу аҳволда узоққа боришолмайди. Улар четга сиғинишяпти. Гўёки четдагилар диннинг паноҳи, таянчи эмиш. Падарига лаънат бундай таянчининг. Агар фойда унишига кўзи етмаса, ҳеч ким қайрилиб қарамайди. Улар ҳамёнларининг қаппайишини ўйлаб, юртимизга адоват уруғини сочишяпти... Мусулмончиликнинг пок, нопок бўлиши билан инглизнинг неча чақалик иши бор? Наҳотки шуни тушуниш қийин бўлса? Уларга диннинг покизалиги эмас, юртимизнинг бойлиги керак.

— Бойлик керак экан, ўзлари қўшин тортавермайдиларми?

— Нодонсан, ука. Ҳали ҳам эсинг кирмабди. Дунёнинг ишлари сен ўйлаганчалик осон эмас. Боқувда турган отга тушов уриш машаққатли, аммо ҳолдан тойгани индамайгина бўйин эгиб туриб беради. Улар бизнинг ўлар ҳолга келишимизни кутишяпти. Бу — бирламчи. Иккиламчи, ҳокимиятни босмачилар қўли билан олишмоқчи.

— Шўролар-чи?

Сабоҳиддиннинг шу топда акаси билан баҳслашиш нияти йўқ эди. Саволни ўзи истамаган ҳолда берди. Сўрамаса ҳам бўларди, чунки олажак жавобини тахминан бўлса-да, биларди.

Сабоҳиддин англиз билан ўриснинг муддаосида фарқ кўрмасди. Уларнинг ҳар бири оёқлар остига мунофиқлик тўрларини ташлашган. Уларнинг ҳар иккови ҳам маккор овчи. Овчи ов овлайди. Гўштини ейди, терисини шилиб, сотади... Овчи ҳеч маҳал ўлжасига эркинлик бериш учун тузоқ қўймайди. Агар «ўлжамга озодлик инъом этмоқ мақсадида ов қиляпман», деса одамлар ундан кулиб, жиннига чиқаришади. Аммо нечундир ҳеч ким англиздан ҳам, шўродан ҳам кулмайди, уларни тентак демайди. Балки кўзларини чирт юмганлари ҳолда сўзларига инонмоқ истайдилар. Сабоҳиддин Салимхўжа билан суҳбатларида бунга амин бўлган. Сабоҳиддин бу сафар ҳам янглишмади: акаси у кутган жавобни берди:

— Шўролар бизнинг эркимизни ўз қўлимизга топширган.

Сабоҳиддин бошқа гап қўшишни истамади. Акасининг ёнида жим бораверди. У акасига «сиз сароб сари боряпсиз. Бора-бора топганингиз жаҳаннам азоби бўлади», демоққа оғиз жуфтлади-ю, бироқ бундай сўзларнинг ўрни эмаслигига фаҳми етиб, тилини тийди.

— Адашганлар кўп, уларга ачинаман, — деди Жамолиддин худди ўзига ўзи гапираётгандай босиқ оҳангда.

— Сизлар томондами? — деб сўради Сабоҳиддин. Акаси унга норози қиёфада қараб олди.

— Йўқ, сенлар томонда, — деди «сенлар» сўзига урғу бериб.

— Холиқберди тўра ҳамми?

— Адашганларнинг энг каттаси ўша. Бекорга қон тўкиляпти. Йигитлар бекорга ўлиб кетишяпти...

— Бекорга эмас... — Сабоҳиддин шундай деб жимиб қолди. Акаси «Гапни ямлама», дегандай унга қаради. Сабоҳиддин бир-икки қадам қўйгач, сўзида давом этди: — Оллоҳ таборак ва таоло марҳамат қилиб дейдики: «Оллоҳ йўлида ҳалок бўлган шаҳидлар ҳақида «булар ўликлар», демангиз! Йўқ, улар тириклардир, лекин сизлар сезмайсизлар.» Улар учун жаннатдан жой ҳозирлаб қўйиларкан. Аммо шаҳид жаннатда кўрган эҳтиром ва роҳатдан кейин ҳам яна бу дунёга қайтиб чиқиб яна ўн марта ҳалок бўлишни орзу қиларкан.

Сабоҳиддин бу гапларни айтиб, «Акам Марғилондаги каби сапчиб тушармикин, «жаннатинг йўқ нарса», деб яна куфрга кетармикин», деб хавотирланди. Лекин бу сафар Жамолиддин жавоб қайтармай, укасини ажаблантирди.

Кўчаларига бурилгач, эшиклари олдида тўпланган одамларни кўриб, ажабланишди. Оломон уларнинг йўлини тўсди.

— Ана, каллакесар падаркушнинг ўзи келяпти, — деб қичқиришди.

Жамолиддин бу гапни эшитиб, қўлини ғилоф сари юборди.

— Тўппончангни тек қўятур, — деди қўлига сўйил ушлаган, яланг оёқ, пилтаси чиққан дўппи кийган ўрта яшар киши.

— Ҳа, Мақсум тоға, бу нима ҳаракат ўзи? — деди Жамолиддин.

— Гўштни қаерга яширдинг?

— Қанақа гўшт?

— Пешонамда биттаю-битта ғунажин борлигини билармидинг. Болаларнинг ризқига Худонинг раҳми келиб, босмачиларга ҳам олдирмаганди. Сен юлиб олдингми, ҳароми! — Мақсум тоға шундай деб сўйилни кўтарди. Оломон бақириб-чақириб уларнинг устига бостириб кела бошлади. Жамолиддин маузирини чиқариб осмонга кетма-кет иккита ўқ узди. Одамлар тўхташди.

— Мақсум тоға, ғунажинингизни бошимга ураманми? Биров тухмат қилибди.

— Тухмат дейсанми? Ғунажиннинг терисини ҳам биров оғилхонангга ташлаб кетибдими?

— Шўролар камбағалларга қайишади, дейишарди. Босмачидан баттар ўғри экан-ку!

— Отангни шўролар отган эди. Хун олишни ўйламай...

— Бу гапни қўятур. Гўштни беркитган жойини кўрсатсин.

— Гапимга ишонинг, — деди Жамолиддин бўғилиб.

— Тўппончангни йўқот. Кўзимга ҳеч нима кўринмай турибди, майиб қилиб қўяман, бола.

— Ўғирламаган бўлсанг, аслаҳангни ечиб гаплаш биз билан. Мана, ҳеч биримизда қурол йўқ.

— Бизга ишонмасанг, укангга бериб қўй. Олдимизга тушиб, элликбошига борасан.

Жамолиддин бу гаплардан кейин ноилоҳ аслаҳаларини ечиб укасига берди-да, оломон олдига тушди. Гузарга етишганда беш чоғли отлиқ уларнинг йўлини тўсди. Жамолиддин босмачиларнинг тузоғига илинганини англаб, қочмоқчи бўлди. Бироқ, одамлар унинг қўлларини қайириб олдилар.

— Нима гап? — деди ўнг қўлида бешотар ушлаган, шойи чорсини пешонасига чапанича боғлаган киши.

Одамлар бири олиб, бири қўйиб воқеани баён қилишди.

— Шўроларнинг таъзирини қўрбошининг ўзи беради.

У гапини тугатиши билан тўрт йигит отдан ирғиб тушиб, Жамолиддиннинг қўл-оёғини боғлай бошлади. Ёрдамга ташланган Сабоҳиддиннинг бошига оғир нарса урилиб, ҳушидан кетди. Кўзини очиб, ўзини уйда кўрди. Тепасида Султонмурод, сал нарида эса Соҳиба ая тақдирни лаънатлаб ўтирибди. Сабоҳиддин нимадир демоқчи эди, тили айланмади. Унинг айтмоқчи бўлган гапини Султонмурод англади.

— Барини эшитдим, ўғлим. Хотиржам бўлинг. Акангизни Норхўжанинг йигитлари олиб кетибди. Худо хоҳласа, биз ҳам бомдоддан кейин йўлга чиқамиз.

... Соҳиба ая ўн тўрт фарзанд кўриб, ўн бир гўдагини ерга қўйган. Ўн бир марта оналик қувончини норасидаларига қўшиб қора ерга кўмган. Ўша «ўн бир хур гўдакнинг умрини ҳам, бахтини ҳам, ризқини ҳам Оллоҳим қолган учтасига бергани рост бўлсин», деб юрганида, умиди хира тортди. Каттасини уйлантириб энди роҳатини кўраман деганида ўғли талоқ хатини берди. Ёш йигит сўппайиб ўтиб кетармиди дунёдан. Қайта уйлантирамиз, деб туришганда, орага шайтон аралашди-ю, Жамолиддинни сургун қилишди. Хайриятки, у беш йилда қайтди. Аммо бари бир дийдорига тўймади. Орзу-ҳавас кўролмади. Олатасир бошланиб, ўғли шўроларга қўшилиб кетди. Баъзан ойлаб хабари бўлмайди. Ишқилиб, ажал қувмаган бўлсин. Замон нотинч экан, эркакларнинг боши ташвишдан чиқмайди. Лекин қиз боланинг гуноҳи нима? Худо қизини ҳам бағрига сиғдирмай, унга яна қандай аламини раво кўрди экан? Султонмурод уни паноҳига олиб балки савоб қилгандир? Ундай деса мусофирликдан қайтган Сабоҳиддинни ҳам узоқ йўлга бошлаб кетяпти. Уй ҳувиллаб қоляпти. Гўё у сира фарзанд кўрмагандай, бир умр якка-ёлғиз яшагандай. Бир ўзи... Ёлғиз... Унинг дардига ким дармон бўларкин?.. У ҳам барча оналар каби оҳини ичига ютади. Бошқа иложи йўқ.

Она ҳам дунёга бир марта келади, аммо неча бор ўлиб-тирилади. Фарзандига зирапча кирса, унинг бағрига ханжар санчилгандай бўлади. Фарзанд доғи, айрилиқ она қалбини оташда қовуради. Агар она тириклайин ўтда куйдирилса, бунчалик азоб чекмасди. Она тортган дард билан қувонч тарози палласига қўйилса, умр бўйи кўрган шодликлари бир кунлик дардига ҳам бас келолмаслиги аниқ.

Сабоҳиддин аясининг кўзларига қараб, юрак-бағри эзилиб кетди. Соҳиба аянинг ёш айланиб турган кўзлари мунгга тўлган. Шу ҳолда ҳам у Худога шукр қилиб, дардини сиртига чиқармасди. Сабоҳиддин бомдоддан кейин онасининг илтижоларига беихтиёр қулоқ тутди. «Фарзандларимни бағримдан юлиб олгунча, бир бурда нонга зор қилсанг бўлмасмиди...» Бу нола Сабоҳиддиннинг бағрини тилиб, туз сепди. Хайрлашар чоғида ҳам онасининг йиғламсираб айтган гаплари қулоғи остида жаранглайверди: «Фарзандларимни бағримдан юлиб олгунча, бир бурда нонга зор қилсанг бўлмасмиди...»

Сабоҳиддин онасини остонада ёлғиз қолдириб, кўнгли чўккан, эзилган аҳволда имомга эргашди. Дастлаб орқасига ўгирилиб қараганида онаси эшикка суяниб турарди. Яна бир қараса, муштдай бўлиб чўнқайиб ўтирибди. Кейинроқ орқасига ўгирилганида, уларнинг ҳовлисини дарахтлар пана қилиб қўйган эди. Шабада туриб, дарахт барглари шивирлай бошлади. Бу шивир орасида у яна онасининг оҳини эшитди:



« ... бир бурда нонга зор қилсанг бўлмасмиди...»

Отларни ўз ҳолига қўйишди. Жониворлар аста йўрғалайди. Катта оқ салла ўраб, оқ чопон кийган Султонмуродни кўрганлар таъзимга шайланишади. Қишлоқдан чиқишгач, отларни илдамлатишди.

— Тақсир, шунча кундан бери оғзингизни пойлайман, ўзингиз айта қолай демайсиз.

— Нимани, ўғлим?

— Сиз қишлоқдаги ҳамма одамни яхши биласиз. Дадамни ким ўлдирган бўлиши мумкин?

— Ўзимнинг ҳам ақлим бовар қилмай қолди, ўғлим. Дадангиз бегуноҳ мўмин-мусулмон эди.

Биров билан ҳеч маҳал сен-менга борганмас.

— Ёки қотил бирор бошқа киши билан адаштирдимикин?

— Бундан беҳабарман.

— Отган одам шўроларданми, ё...

— Масжидга қараб ким ўқ узиши мумкин?

— Ахир, акам шўролар томонида-ку?

— Худодан кўрқмаган, отани аямайди.

Сабоҳиддиннинг нафаси ичига тушди. У «тақсир сирни очишга кўмаклашар», деб ўйлаган эди. Акси бўлиб чиқди.

Ён-атрофда дарахт кўринмайди. Баҳайбат тошлар орасида, қуёшнинг нурли тиғида куйиб боришади. Султонмурод отни ниқтаб тезлатади. Отлар майда тошларда сирғана-сирғана илдамлайди. Сабоҳиддин домланинг оғзини пойлайди. Йўл бошлаб кетаётган имом эса жим. Дарадан ўтишгач, Сабоҳиддин унга яна сўз қотди:

— Тақсир, одамларнинг бўлиниб-бўлиниб кетганига сира тушуна олмаяпман. Туппа-тузук, аҳил-иноқ яшар эдик-ку? Бир қисм одам энди шўроларга кўшилибди, бир қисми Норхўжа эшонда, бир қисми Холиқберди тўрада, яна бир қисми Шермат кўрбошида, Муҳиддин кўрбошида...

— Яна майда кўрбошиларни айтинг.

— Ҳа, илгарилари очин-тўқинга ҳам чидаб бирга-бирга яшардик. Худо ургани шумикин?

— Одамлар ақлдан озди. Шайтоннинг қўли баланд келиб қолди. Бу нима? Бу — охир замон белгиси! Агар имонсизлар йўлдан қайтмаса, қиёмат бўлади.

— Тақсир шўролар Худонинг адашган бандалари, шаккоклар, имонсизлар десам, ораларида имонлилари ҳам бор эмиш.

— Чин мусулмон бандалари кам уларнинг орасида. Шўролар кофирларнинг фиқига учиб, уларнинг динини қабул қилмоқчи. Аввал подшони йўқ қилишди. Кейин хеш-ақраболарни. Улар барча баравар ишласин, ҳосилни тенг бўлайлик, дейди.

— Бу гаплари ёмон эмас-ку?

Султонмурод ичида «қазисан, қартасан...» деб ғижинганича унга олайиб қаради.

— Бандаларга ризқни шўролар эмас, фақат ва фақат Оллоҳ беришини унутдингизми? Мен яқинда, Норхўжа эшон Новқатни олмасдан илгари, бир болшавой билан тортишдим.

— Сиз-а?

— Ҳа-да! Унинг айтишича, эркагу хотин баравар бўлар эмиш. Эркак нима иш қилса, хотин ҳам шуни қиларкан. Эркак кирган жойга хотин ҳам кираверар экан.

— Масжидга ҳамми?

Султонмурод кулиб юборди.

— Э, лодон, улар масжиднинг кулини кўкка совурмоқчи-ю, хотинларни олиб келишадими? Унинг айтишича, дўкон расталарида хотинлар ҳам савдо қилиши мумкин, далада ҳам очиқ-ойдин ишлайверади. Эркакларга кўшилиб савод чиқараверади. Номаҳрам деган гап бўлмайди. Аммо мен уни бошлаб мот қилдим.

— Болшавойними?

— Ҳа. Хотинлар заифа бир нарса, дўконда қош-кўзини сузиб турса, эркакларнинг нияти бузилмайдими, аёллар хиёнат йўлига кириб кетмайдими, дедим.

— У нима дейди?

— Нима дерди, йўқ, дейди-да. Шунда мен: «Маили, сиз айтгандай бўлсин. Хотинингизни бировнинг қўйнида ётганини кўргангизда имом-домла ҳақ эканлар, дейсиз», дедим. Қизариб, аланга бўлиб кетди, бечора. Кейин мен ундан: «Хотин киши нима учун яратилади?» деб сўрадим. У аллақанча гапларни айтиб ташлади. Сўнг мен майдалаб сўрадим. «Аёл киши эркакдан заифроқ, нозикроқ бўлади-а? Шу нозиклиги билан эркакларнинг кўнглини овлайди. Эркак билан баравар ишласа, нозиклиги қайга кетади? Бадани дағал, қўллари тош хотин кимга керак?»

— Менга керак, демадими?

— Э, қайда! Оғиз очолмади. Нафсиламрини айтганда, унга ҳам... — Султонмурод бир гап айтмоқчи бўлди-ю, Сабоҳиддиннинг бўйдоқлигини, ўзининг мавқеини эслаб тилини тийди, — нозик хотин керак-да. Кейин яна сўрадим: «Мулла йигит, сизни ким туққан? Онангиз. Ким тарбия қилди? Онангиз. Хотин энг аввало шунинг учун яратилган. Она жонивор эртадан-кечгача эркак билан баробар ишласа, болага ким қарайди? Болага ким тарбия беради?» деб сўрадим.

— Яна жим қолдимми?

— Йўқ, ўттиз-қирқ болага бир тарбиячи бўлади, дейди. Бунинг топган гапини қаранг, ахир, одам ҳаққа эмаски, тухумини бошқа инга қўйиб кетаверса. Ҳар битта она боласига сут билан бирга тарбия ҳам бериши керак. Сен туғиб қўйсангу бошқа хотин тарбияласа, болада эна-отага меҳр бўлармиди? Асрандидан фарқи қоладими?

— Шу гапларни айтдингизми?

— Айтдим-да! Тайинли жавоб беролмаса ҳам, бўш келгиси йўқ, баччағарнинг.

Сойни кечиб ўтишганда кун тиккага келган эди. Отдан тушиб таҳорат олдилар-да, намозни ялангликда ўқидилар. Сўнг тўрвадан нон, майиз, туршак олиб, тамадди қилдилар. Кейин яна сой бўйлаб юқорилай бошладилар.

— Тақсир, сиз мени Норхўжа эшон ҳузурига бошлаб боряпсиз. Мен у кишини сира кўрмаганман. У кишининг ниятларини ҳам билмайман.

— Қўрбошининг нияtlари кўкрак сутидек пок, ўғлим. Норхўжа эшон оқпошшо маҳалида ҳам ғайридинларга сўз бермасдилар. Тегирмонларидан тушган даромад ўзларига етиб-ортарди. Аммо, у зот юртимизни ғайридинлардан тозалаш, имонсизларни ҳақ йўлга қайтариш истагида ҳаловатларидан воз кечиb, ислом лашкарларини тўплаётирлар. Сиз билан менинг вазифам — бандаларни жиҳодга чорлашда эшонга кўмак бериш.

— Юрт-ку, ғайридинлардан озод бўлар, лекин бекларнинг боши бирикармикин?

— Худо хоҳласа, бирикади.

— Унда оқ кигиз кимга насиb этади? Холиқберди тўрагами?

Султонмурод жавоб бермай юзини тескари ўгириб олди. Кейин: «Ҳали бу ҳақда башорат қилиш эрта», деб ғудранди. Сабоҳиддин унинг Холиқберди тўрага қарши ғарази бор эканини сизди. Шундай катта кучи бўла туриб Холиқберди тўра, ислом лашкарларининг қўли баланд келган тақдирда, юрт қандай сўралишини билмайди. Қумурсқаларга ўхшаган бу кўрбошиларнинг нияти нима экан? Хон бўлишми? Холиқберди тўра аҳли динга ишонч билдирмади. Балки, Норхўжанинг нияти ислом жумҳурияти барпо этишдир?

Норхўжа эшоннинг қароргоҳига шомдан сўнг етиб бордилар. Султонмурод Сабоҳиддиннинг истаги билан уни Машҳуранинг ўтовига бошлади. Ўзи қўрбошидан хабар олгани кетди.

\* \* \*

Девона ҳужраси ёнидаги харсанг устида жағини тиззасига тираган ҳолда, кўзини қишлоқ томон тикиб, қимир этмай ўтирар эди. Бир маҳал қабристон йўлида одам қорасини сезиб,

сергакланди. Ўрнидан турмоқчи бўлди. Дилмуродни таниб, жойидан жилмади. Дилмурод харсанг устидаги Девонани кўргач, тўхтади. Дарахтнинг панасига ўтди.

Девона унинг барча ҳаракатларини кузатиб ўтирарди. «Бу одамларга нима керак ўзи? — деб ўйларди у. — Нимага менинг атрофимда гирдикапалак бўлиб қолишди? Кўнгилларида ёмонлик йўқлигини сезиб турибман. Лекин мақсадлари нима? Уларни кўрганим сайин унутиб юборган одамларни эслайдиган бўлиб қолдим. Падарлаънат Султонмурод, Норхўжа кўрбоши тушимга ҳам кирмай қўювди. Бугун Машҳурани эсладим. Қизик, Машҳура меҳрибон эди. Ёмон одамни эр қилибди. Мени қамаб қўйди. Билмайди, деб ўйлаган. Мен биламан, ҳа, ҳаммасини биламан. Улар: «Кўп овқат еб қўяди, бизга қолмайди», деб кўрқишади. Ёмон одам улар. Мен битта қўйни ея олмайман. Падарлаънат Норхўжа ерди. Акамни ҳам еди. Акам? Акам қани?...» Девона сесканиб тушди. Сапчиб ўрнидан турди-да, атрофига олазарақ қаради.

— Ака!

Унинг хирилдоқ овози Дилмуродга аранг эшитилди.

— Ака... а... а!..

Бу сафар Девона бор овози билан бақирди. Дилмурод чўчиб тушди. Девона пайпасланиб, қўлига илинган тош-кесакларни дуч келган томонга отиб, хаёлидаги акасини муҳофаза қилди. Бир маҳал қўли ҳандалак сингари юмалоқ тошга тегиб, серрайганича қотиб қолди. Тиз чўқди. Тошни авайлаб олиб, бағрига босди. «Ака, акажоним», деб пиқиллаб йиғлай бошлади.

Кейин ўрнидан туриб, ҳужрасига кириб кетди.

Дилмурод орқасига қайтай деганда Девонанинг қаҳ-қаҳ уриб кулгани эшитилди:

— Қочди, ҳаммаси қочди. Уларни бошлаб алдадим!

Дилмурод яна бирор гап эшитилиб қолармикин, деб кутди. Девонадан садо чиқмади.

## ҚАЛДИРҒОЧ УЧИБ КЕТДИ

Кесганбел кўчаларини чангитиб пода қайтди. Аёллар барча юмушларини йиғиштириб, ҳовлига кириб келган сигирларни боғлагач, силаб, эркалаган бўлишади-да, чўнқайиб соға бошлашади. Сигирлар охурдаги бедани хотиржам кавшаб, сал нарида типирчилаб елинга интилаётган бузоқларига баъзан қараб секингина мўъраб қўйишади. Сут соғиб олингач, бузоқ бўшатилади. У бошини чўзиб югурганича тўғри онасининг елинига келади. Олдинги оёқлари билан тиззалайди-да, бўшаб қолаёзган елинни зўр бериб эма бошлайди.

Болаларнинг каттароқлари ҳали кўчадан қайтмаган, куни билан тугамаган ўйинларининг энг қизиқарлиси энди бошланган. Худди кундузи уйга қамалиб, энди бодроқ каби сочилгандай, қишлоқни болаларнинг овози босган. Онда-сонда аёлларнинг: «Ҳай, Абдулбоқи, кел деяпман, ўйинларинг ҳам қуриб кетсин-да, ҳеч тугамайди», «Жалилхон, югуринг, ўғлим, дадангизни самовардан айтиб келинг», деган овозлари аралашиб қолади.

Қуёш тоғ ортига ўтиб, қишлоққа аста қоронғилик чўка бошлаганда пойдевори баланд қилиб қурилган самовархона янада гавжумлашди. Одамларнинг аксари айвондаги сўриларда давра қуришган. Белидаги қийиғидан носқовоғи дўппайиб чиқиб турган оқ ятакли Асқарали эшик кесақисига суюнганича чироқ шиша артар, қулоғи эса сўридагиларнинг суҳбатида эди.

— Жамоа жам, Фрунзенинг қуролдоши келяпти,— деди Асқарали кулиб.

— Ким дедингиз? — Дилмурод Асқаралининг гапига тушунмай савол назари билан қаради.

— Бир қайнови ичида одам бор, ана, юқорига чиқиб келаётган баҳайбат кишини кўрпсизми? Ёзда қирғизлар билан юриб, қўтос боқади. Баъзи-баъзида қишлоққа тушади. Фрунзе билан бирга хизмат қилганман, деб юради. Ҳозир ўзингиз эшитасиз.

Кўпчилик ҳурмат юзасидан ўрнидан туриб, барзанги билан қўл олиб сўрашди. Ора-сира кулги ҳам кўтарилади. Асқаралининг имоси билан дастёр бола бир чойнак чой, чети учган битта пиёла, патнисда туршак, майиз, олмақоқи келтириб қўйди.

— Ҳа, Жўравой омонликми? Селкиллаб юрибсанми? — деди Асқарали уни суҳбатга тортиш учун.

— Юрибмиз, тоғажон, юрибмиз, қуллуқ, — деди Жўравой қўлини кўксига қўйиб. — Ўзим Жўравой, келбатим меравой. Ўзлари ҳам маккайидай бўйни ўстириб, соқолни биттадан санаб юрибдиларми? Ие, башарага сепилган донларни қушларга олдириб қўйибдилар-ку, а?

У Асқаралининг чалақўсалиги ва чўтирлигига шама қилган эди. Асқарали унинг ярғоқ бошига ишора қилиб яна бир гап айтди. Шу зайлда пайров бошланди. Аскияга бошқалар ҳам қўшилди. Атрофда аёллар бўлмагани учун истаган ўхшатишларини келтириб, баралла хахолаб кулишарди. Жўравойнинг сўзлари аскияга нисбатан тентакнамо гаплигини Дилмурод сизди. У кишининг лақмалигини яхши билган аскиячилар сўз тошларини фақат шу томонга отардилар. Жўравой жавоб беришга улгурмасди. Пайровнинг сийқаси чиқиб, файз кета бошлагач, Асқарали гапни бошқа томонга бурди:

— Жўравой ука!

— Лаббай!

— Манави йигит бизди меҳмон бўлади. «Жўравой акангиз Фрунзени кўрганлар», десам ишонмаяпти.

— Нимага, чироғим, нимага ишонмаяпсиз, ё бизни одам санамайсизми?

Дилмурод нима дейишини билмай хижолатда қолди.

— Ўз оғзингиз билан айтиб беринг-а, омма ишонадиган қилиб айтинг, — деди Асқарали.

— Э, айтганим бўлсин. Меҳмон, ишонмаганингиз чакки. Тепамда Худо бор. Шу Асқарали тоғамнинг катта ўғиллари билан қизил аскарларга қўшилиб кетганман. Тоғамнинг ўғилларини билмайман, омма мен Фрунзенинг отрядида ишладим.

— Ўзини кўрганингизни айтинг.

— Кўрганман, чироғим, шу денг, бир куни пистирмада Худо деб ётсам, келиб қолди. «Ҳа, Жўравой ака», деди. «Юрибмиз соянгизда, чироғим», дедим. Шу пайт товнинг орқасида қасир-қусир бошланса, денг... «Жўравой, ака, қаранг-чи, нима экан», деди ўртоқ Фрунзе. «Хўп, акаси қарағай», деб чиқиб қарасам, булутдай бўлиб босмачи келяпти.

— Учиб келяптими?

— Э, даюсинг тоғаси, отличнинг учганини қайда кўргансиз? Юриб келяпти. Орқамга қайтиб: «Босмачи келяпти», дедим. «Энди Жўравой ака, умид сиздан», деди. Йўқ, дейманми? Катта хўжайин бўлса. Пулмотди орқалаб чиқдим. Шартта қўйдим. «Е, маладес, Жўравой, турган-битганинг меравой», деб кетди.

— Пулемётда отдингизми, ё таёқда пачоқладингизми?

— Шунча йил юриб бир мартагина кўрдингизми?

— Э, кўп кўрдим, қай бирини эслай. Фрунзе дегани ҳам кўп экан, тўрттасини кўрдим-ов...

Жўравой соддадиллиги билан яна аскиячиларга нишон бўлди. Гап орасида Асқарали Дилмуродга: «Аслида Фрунзени кўрмаган. Милтиқ ҳам ушламаган. Қизил калтакчиларга бир қўшилиб қолган», деб изоҳ берди.

Қош қорайгач, Асқарали ўнинчи чироқни ёқиб, шифтга осиглиқ симга илиб қўйди. Дилмурод бири олиб, бири қўйиб аския қилаётган кишиларга ҳавас билан боқар, ўткир аския бўлганда қотиб-қотиб куларди. У шаҳарда юриб, илмий ишга кўмилиб расмана кулишни ҳам унутаёзган эди. Унинг ошналари китобу илмий ходимлардан иборат бўлиб қолганди. Кўпдан бери бундай ёзилиб ўтирганини эслолмайди. Баъзан нозик одамлар доирасида ўтирасан, баъзан мириқиб кулишга арзирли гап бўлмайди. Бунақада эркак киши ҳам пиқирлаб кулишга ўрганиб қоларкан. Дунёда эркак кишининг пиқирлашидан хунук нарса бўлмаса керак. Мана бу одамлар кун бўйи далада ишлашган. Энди ғам-ташвишдан холи, яйраб ўтиришибди. Гаплари беғараз, мулозаматлари самимий, юракларида кир йўқ. Ичиқора одамгагина уларнинг мулозаматлари сохта туюлиши мумкин. Водий қанчалик кенг ва гўзал бўлса, уларнинг бағри ҳам шундай. Ўлканинг табиати кўп ҳолларда одамларнинг феъл-атворини белгилайди.

Дилмурод самовархонадан енгил тортиб қайтаётганда ҳамма нарсани унутиб, мириқиб хордиқ чиқарганини Рҳақ-Мирзавойга айтди.

— Шунинг ўзи энг яхши муолажа, — деди у. — Агар ҳар бир асаббузарликдан сўнг шундай дам олсангиз ҳеч қачон касал бўлмайсиз. Ижобий ва салбий руҳий тўлқин даражасини фақат шу йўл билан тенглаштириш мумкин, — деди у.

— Демак, ҳозирги даврада ижобий тўлқин уйғондими?

— Албатта, ижобий-да! Яйраб дам олиш таранг тортилган асаб томирларини бўшаштиради. Тартибсиз ишда, одамлар билан муомалада юзага келадиган салбий тўлқин меъеридан оша борса, одам асаб касалига йўлиқади. У давом этиб ё юракни ишдан чиқаради, ё руҳни шикастлантиради. Агар ҳар бир одамда руҳий касалликка мойиллик борлиги ҳисобга олинса, оқибат ойдинлашади. Антагонистик ривожланишнинг йиғиндиси, албатта касаллик билан тугайди. Афсуски, руҳий тўлқинлар физиологияси медитсина назаридан четда қоляпти. Ҳатто физиология, патафизиология қўлланмаларида ҳам руҳий тўлқинларнинг инсонга таъсири тўғрисида лом-мим дейилмайди. Минглаб медиклар руҳий тўлқинларнинг невроген касалликларни келтириб чиқаришини билмаган ҳолда ҳаётга йўлланма оладилар. Ҳатто руҳий тўлқинни бошқаришни, тарбиялашни ўргатиш ҳам муҳим ижтимоий муаммо. Бу борада кўп қўлланмалар керак.

— Гапингизга қараганда, ҳаётда салбий тўлқиннинг ўчоғи мўлдай кўринади. Одам дам олишга камроқ вақт ажратадиганга ўхшайди.

— Йўқ, унчалик эмас. Одам ҳатто бажараётган ишидан ҳам ижобий тўлқин олиши мумкин. Ахир, бир мақсад йўлидаги иш машаққат эмас, лаззат келтиради-ку! Сиз даволаган одамларингизни кўриб қувонмайсизми? Фақат мақсадсиз ишгина одамнинг бошини ташвишдан чиқармайди.

— Гапларингизда қарама-қаршилиқ бор.

— Нимага?

— Агар ғам-ташвиш салбий руҳий тўлқинни уйғотса, уруш йилларида касал кўпаярди.

— Сиз бир нарсага эътибор қилинг-да: оғир йилларда одамларда асосий руҳий касаллик кўпаяди. Бошқа хасталиқлар эса кескин камаяди. Уруш йиллари одамларда оғир касалликларга қарши ўз-ўзидан иммунитет ҳосил бўлади. Аъзойи-баданда касалликка нисбатан қаршилиқ уйғонади. Яшаш шароити яхшилангани сайин бу қаршилиқ сусайиб боради. Аввал эътибор қилинмаган оддий шамоллаш махсус муолажага муҳтож бўлиб қолади.

— Демак, биздан кейинги дўхтирларнинг аҳволига вой!

— Жуда тушкунликка тушиб кетдингиз-ку?

— Мен узоққа қараяпман. Сизнинг гапингиз мен учун янгилик эмас. Кўчма госпиталда бир кекса дўхтиримиз бор эди. Ичи ғиж-ғиж ҳикмату билим. Одамлардаги руҳий ўзгаришни дастлаб ўшандан эшитгандим. Титилиб кетган ерга раҳми келарди. Чўрт узиб ташланган дарахтларга қараб ачинарди.

— Урушда одамлар ҳам, табиат ҳам озор чекади. Аммо табиатнинг озорини ҳеч ким ҳисобга олмайди.

— Одамлар ўзлари учун энг зарур бўлган нарсаларни янчиб ташлайверадилар.

— Инсонга табиат томонидан даҳшат солувчи касалликларни енгиш мумкин, лекин унинг ўзи юзага келтирадиган хасталиқ билан курашиш қийин. Дарахтзорларни пайҳон қилиш, ҳавони, ер-сувни захарлаш, шаҳарларнинг катталашуви, шовқин, жисмоний ҳаракатнинг камайиши бизга ҳали кўп иш орттиради. Кўмир ўсимликлардан, нефт жониворлардан пайдо бўлган, дейишади. Биз ҳаммасини ер қаъридан олиб ёқиб ётибмиз. Нефт ҳам, кўмир ҳам ғуборга айланиб, устимизга ёғиляпти. Ҳали тоза ҳаводан нафас олиш муаммоси ҳам чиқмаса эди.

— Техника тараққиётига қараганда, бу муаммо яқин йилларда кўндаланг бўлади.

— Ҳа... бу аҳволда медитсинага номаълум бўлган турли касалликлар қайнаб чиқаверади. Бирорта касалликнинг руҳий бузилишсиз кечмаслигини ҳисобга олсак, бизга ҳам иш етиб-

ортади. Тўғри, бу бузилишларнинг бир қисми асосий касалликларга ва у келтириб чиқарган токсикозга, бир қисми эса шахснинг шу касалликка кўрсатадиган қаршилигига боғлиқ.

Дилмуроднинг ёниб баҳсга берилганини кўрган Рҳақ аввалига суҳбатни яқунламоқчи бўлди. Кейин унинг фикрларини ўз оғзидан эшитиш учун, гапни давом эттирди:

— Ҳар бир одамда касалликка мойиллик турлича бўлади, — деди у. — Бу унинг чиниқишига боғлиқ. Агар одамлар ёшлиқдан чиниқиб борсалар, бизнинг ташвишларимиз ўринсиз бўлиб қолади.

— Мирзавой ака, гап фақат чиниқишда эмас, атроф-муҳитга ҳам боғлиқ. Муҳитдан таъсирланиш натижасида пайдо бўлган ҳар бир руҳий тўлқин, ҳаяжон, қайғу бошқа аъзоларга ҳам таъсир кўрсатади. Натижада қонга айрим кимёвий моддалар қўшилиши мумкин. Уларнинг айримлари, одамга қараб гормон бўлади. Табиатга қўпол равишда аралашиб натижасида пайдо бўлган касалликларни фарматсевтика заводларида ишланган дорилар билан тузатиб бўлмайди. Фақат касалликнинг ривожланишини озгина чеклаш мумкин.

— Гапингиз қизиқ бўлди-ку? Дори кор қилмаса, дуо ўқиб даволаймизми?

— Давони табиатдан излаш керак. Шаҳарликлар билан мана шу қишлоқда яшайдиганларнинг ўртача ёшини солиштириб кўринг-а? Ким устун? Албатта, қишлоқдагилар. Бу оддий ҳақиқат-ку! Тоза ҳаво, тоза сув, вақтида сут-қатик, жисмоний ҳаракат... Улар узоқ умрнинг энг муҳим омилларига эга. Фақат булардан оқиллик билан фойдаланишни ўрганиш керак. Шаҳарлар катталашади, дедим. Катталашади эмас, катталашяпти. Замон тинмай ҳаракатда. Одам кечагидан бугун кўпроқ ахборот қабул қилиб мияга юк ортыпти. Бу юкни кўтариш учун мияда бор-йўғи ўн тўрт миллиард асаб ҳужайраси бор. Ҳолбуки, у қабул қилаётган ахборотлар сонига, тараққиётига мос равишда ошиб бормайди. Ўн тўрт миллиарддигича тураверади. Шаҳарликлар тез-тез касбларини ўзгартиришга мажбур бўла бошлайдилар. Тараққиёт шуни талаб қилади. Буларнинг барчаси умрнинг эгови.

— Касбни ўзгартириш масаласи қишлоқда ҳам бор. Мана, Зокирхўжа, илгари туппа-тузук жувозкаш экан. Энди мошин ҳайдайди. Инсон яшашнинг одатдан ташқари тартибларига кўникма ҳосил қилиб боради. Ваҳимага ҳам уста экансиз. Гапларингизни одамлар эшитса, эртаданок таркидунё қилишади.

— Йўқ, Мирзавой ака, мундай ўйлаб кўринг-а...

— Бўпти, ўйлаб кўрамиз, эрта бўлсин-чи... — Рҳақ-Мирзавой шундай деб Дилмуроднинг елкасига қўл ташлади. Улар Асқаралининг кўчасига етгач, хайрлашишди.

Қишлоқ тун оғушида, кўп уйлардаги чироқлар ўчган. Итлар бетўхтов ҳуради. Қаердадир бетайин хўроз қичқиради. Онасидан айириб боғлаб қўйилган бузоқ мўраб қўяди.

Дилмурод чироқнинг пилигини сал пастлатиб ётди. Уйқуси келмади. Тонгга яқин кўзи илиндию боши лўқиллаган, ланж бир аҳволда ўрнидан турди. Бир ўзини ташлаб кетгани учун хотинидан ранжиб қўйди. Турайми-турмайми деб ётганида яна кўзи илинибди. Ташқарида челақ тарақлаб, чўчиб уйфонди. Бу сафар ирғиб ўрнидан турди. Қараса, кун ёйилибди.

Еринибгина ҳовлига чиқиб, сой томонга юрди. Сувнинг шабадаси бағрига урилиб энтикди. Атрофга қараб, хотин-халаж йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, шимини ечиб сувга тушди. Сескана-сескана ювинди. Охири совуққа чидай олмай, ҳаққалаб қирғоққа чикди-да, дийдираганча артина бошлади. Дарров изига қайтмай, харсанг тепасида ўтирди. Офтоб нури баданига хуш ёқди. Кечаги суҳбат хаёлига келди.

«Техникумда ўқиганман, кўп нарсани билмайман, деб талмовсираб турарди. Балоба ақли етар экан-ку?—деб ўйлади у. — Институтни битирганлар ҳам бунчалик фикрламайди. Ҳадеб унга маъруза ўқиб, ақл ўргатавермаслигим керак экан. Яна мени аҳмоққа чиқариб юрмасин. Ўзи шу бемаъни одатимни ташлашим керак. Билган нарсам ичимда тек турмай, қайнайверади. Шунинг учун ҳам домламдан кўп дакки эшитардим... Энди эса дакки берадиган одам йўқ. Мирзавой ака индамай қулоқ солаверади. Кечаги суҳбатда домлам бўлганларида, таъзириمنى берардилар...»

Унинг кўз ўнгига қадди сал букик, тепакал, мўйловлари ҳам бир текис оқарган, нигоҳи сергак профессор Раззоқов келди. Домласини олиб кетишмасдан бир кун олдин ҳам устоз-шогирд тортишишганди. Ўша куни гап даволаш усуллари ҳақида борган эди... Уйда ҳам оила ташвишларини ўйламайдиган қайнота-куёвнинг бу одатига кўникиб қолган Ақида қизини олиб қўшни ҳовлига чиқиб кетди.

— Қадимги одамлар «Понани пона билан чиқарадилар», дейишган экан. Биз ҳам касалликка қарши курашда кимёвий дорилардан воз кечишимиз керак,— деди Дилмурод жўшиб. — Мен бир хил касалликка даво берувчи кимёвий дорининг албатта иккинчи хил хасталик туғдиришига аминман. Балки янги туғилган хасталик биз учун хавфлироқ бўлар. Мен давони табиатнинг ўзидан қидириш тарафдориман.

— Мен қаршилиқ билдирмадим шекилли? — деди профессор кулимсираб. — Сиз айтаётган фараз минг йиллар илгари кун тартибига қўйилган. «Калила ва Димна» билан таниш бўлганингизда бу муаммони янгилик сифатида илгари сурмасдингиз.

— Фараз туғилган бўлиши мумкин. Лекин одамлар ирим-сиримнинг қули бўлиб келишяпти-ку?!

— Ирим-сиримларни қоралашингиз яхши. Бидъат ҳамиша заҳар бўлиб келган. Аммо, халқнинг урф-одат-лари ўн ёки юз йил ичида эмас, минг йиллар давомида шаклланган. Бизга ёқинқирамаётган ирим-сиримларни бир ҳамлада йўқотиш қийин. Эсини таниганидан бери Худонинг номи қулоғига қўйилган одамни коинот бўйлаб айлантириб чиқинг-да, кейин: «Мана, ҳеч қаерда Худо йўқ», деб кўринг-чи, ишонармикан. Ошдан курмак чиқса, товоқни ирғитмайсиз, шундайми? Ирим-сиримларни бутунлай инкор этмасдан, ўрганиш керак. Ҳозир ўзингиз, давони табиатдан излаш керак, дедингиз. Унда тоғлардан гиёҳ териб дори тайёрловчи табибларни инкор этишингиз нимаси? Уларнинг бидъатга мутлақо алоқаси йўқ. «Халқ табобати» деган иборани тўғри маънода қабул қилиш вақти етди. Ахир илгари касалга чалинган одам ўлиб кетавермаган-ку. Халқ табобатида ар-Розий, ибн Сино сингари буюк алломаларнинг таълимотлари яширинган. Ё «намоз ўқиган» деб улардан ҳам юз ўгирасизми?

— Мен уларни қоралаганим йўқ. Чала муллаларни назарда тутдим.

— Ҳатто уларни ҳам ўрганиш керак. Мен руҳий касалларни даволайдиган эшонларни оқламайман. Бичиб қўядиган, занжирбанд беморларни калтаклаб, қўрқитадиганларни ёвуз махлуқ деб биламан. Лекин азайимхонларнинг одам руҳига таъсир этиш санъатини назардан қочирмаслик керак.

— Фикрингиз тўғрига ўхшаса ҳам, қўшила олмайман. Мошдек фойда изидан келувчи олмадек зарарга бефарқ қараб бўлмайди. Дадангиз ўтқир табиб ўтган эканлар. Шунинг учун ҳам сиз табобатни ёқлаяпсиз. Замон медитсинаси халқ табобатидан анча устун туради. Уларга мурожаат қилишнинг ҳожати йўқ!

Профессор куёвининг кейинги гапларидан ранжиб, суҳбатни бас қилган эди. Ярим кечада эса...

Дилмурод устозининг доно суҳбатларини қўмсади. Кўнгли вайрон бўлиб уйга қайтди. Асқаралининг келини энг шимариб таппи ёпарди. Дилмуродни кўриб бир оз ишдан тўхтади-да: «Хонтахтага дастурхон тузаб қўйдим», деди. Дилмуроднинг нонушта қилгиси йўқ эди. Бу гапдан кейин ноилож айвонга ўтди. Ҳар сафар мазали туюлган қаймоқ ҳам томоғидан ўтмади. Бир пиёла чойни ичиб, кўчага чиқиб кетди.

Кўчаларга илинган тамаки баргларининг шодалари камайиб қолибди. Гузарга бораверишдаги колхоз саройига хотин-халаж йиғилган. Улар қуриёзган баргларни ҳафсала билан тахлашади. Майда болалар ҳам шу ерда. Қишлоқнинг кексайиб қолган темирчиси сарой ёнидаги устахонасини яна очмабди. Тоби қочиб қолгандир. Бир ўзига қийин. Шогирди ўқийман, деб шаҳарга кетибди. Ўғли эса тамаки билан банд.

Икки киши устахона олдидаги сўричада гурунглашиб ўтирибди. Теракка боғланган отлар шуларники бўлса керак. Улар Дилмуродни кўриб ўринларидан туришди-да, қуюқ сўрашишди.

Каримбердини тузатганидан бери Дилмуроднинг обрўйи ошиб кетди. «Профессор экан», деган гапдан ўша куниеқ барча хабар топган эди. Энди уни «янги дўхтир» эмас «пропесур дўхтир» деб аташа бошлашган эди. Дилмурод бундан хижолат бўлаётганини айтганида Асқарали: «Қўяверинг, одамлар дўхтирларга ҳам ихлос қўйишга ўрганишсин. Эрта-индин профессор бўлсангиз, хижолатингиз унутилади», деб қўя қолди.

— Мирзавой акам ичкаридамилар? — деб сўради Дилмурод Асқаралидан, сўрига омонат ўтириб.

— Сахармардонда доривор кўкат териб келаман, деб тоққа чиқиб кетдилар. Сизни Мирсодиқжон кутиб ўтириб эдилар. Ҳозиргинада изларига қайтардим. Кичиклари оғриб қолибди.

— Нима бўлибди?

— Қайдам, эмганини ташлайвериб, кўкариб кетганмиш.

— Онаси тамакига чиққан эканми?

— Мамарайим чиқмаганига қўядими?

— Мамарайимингизга одам эмас, тамаки керак. Эмизикли хотинларга тегманг, девдим-ку. У хотин ҳам баргни кўкрагига қўйиб тахлаганга ўхшай-ди. Баргнинг захари сутга ўтган. Кейин боласини захарлаган. Тушунтирган билан қулоққа олишмай-ди-я! — Дилмурод шундай деб қўл силтади-да, ўрнидан туриб кетди.

— Куюнаверманг, иним, эси кириб қолар, — деди Асқарали, унинг бу ҳаракатига тушунмай.

Дилмурод пастга тушди-да, қишлоқнинг кунботар томонига қараб кетди. У кетди-ю, гузарда қопчиғини орқалаган Рҳақ-Мирзавой кўринди. Асқарали билан омонлашиб, шифохонага ўтди.

Шифохона олди супурилиб, сув сепилибди. «Шопўлат акамиз келибдилар, яхши», деб ўйлади у. Аммо остонадан ҳатлай туриб уч-тўрт қизалоқнинг даврасида ўтирган Сабохонга кўзи тушдию тўхтади. Сабохон чанқовуз чалар, қизалоқлар ундан таралаётган ажиб куй сеҳригами ёки ижрочининг маҳоратигами маҳлиё бўлиб қолгандилар. Рҳақ уларга халал бермаслик учун, тўғрироғи, чанқовузни эшитиш мақсадида тўхтаб, ўзини панага олди.

Куй тинди. Сабохоннинг овози чиқди:

— Энди ким чалади?

— Сиз.

— Ие, ҳадеб мен чалавераманми? Бўпти, ким чалишини ҳозир аниқлаймиз:

*Ҳакалакам, дукалакам,*

*Човли чамбар,*

*Ола кўзи қағда?*

*Бағда.*

*Лола,*

*Каптар,*

*Гулдур гуп.*

*Олама-қурама,*

*Офтобда юрма,*

*Сан кир,*

*Сан чиқ.*

Мана, Сожидахоннинг галлари экан.

Сочларига пилик таққан қиз чанқовузни олди. Энди куй эмас, ёпишмаган товушлар чиқа бошлади. Рҳақ сўри томонга юрди. Сабохон уни кўриб ўрнидан турди. Қизалоқлар салом бериб, секин чиқиб кетдилар.

— Чанқовузни яхши чалар экансиз, — деди Рҳақ-Мирзавой унинг саломига алик олиб.

— Вой, эшитдингизми? — Сабохон чинакамига уялиб кетди.



— Ҳа, сал-пал, Шопўлат акам қанилар? — деди Рҳақ унинг кўзига тик қарай олмай.

— Келмадилар. — Сабохон ҳам ундан кўзини олиб қочди. Рҳақ Сабохон билан бир неча марта ёлғиз қолди. Ҳар сафар жувонга илиқ гап айтгиси келади, аммо ўзи билмаган ҳолда, сўзини йўқотади. Сал довдираса ҳам жувондаги ўзгаришни сезади. Сезади-ю, юраги ғалати ўртаниб кетади...

— Кўчага сув сепилганига, келибдиларми, дебман.— Рҳақ шундай деб, ичкарига кирди. Хонага қамалиб қолган дим ҳаво димоғига урилди. Бориб деразани очмоқчи эди, қанотларини ёйганча пардага ёпишиб турган қушчага кўзи тушди. Тикилиб қаради. Бу нима? Қалдирғочми? Йўқ-е, бунақа кичкина бўлмасди, думи ҳам... ранги қўнғирми.. Кўршапалакми? Ҳа, кўршапалак. Қоронғида кириб олгану кун ёришиб учолмай қолган.

Қушчанинг бундай осилиб туриши Рҳаққа ажойиб туюлди. Сабохонга кўрсатиш учун уни чақирди.

— Вой, қалдирғоч! — деди Сабохон уни дарров қўлига олиб. — Ҳали кўрмабман. Қаердан кириб қолдйкин? Чиқолмай тоза қийналибди бечора.

— Қалдирғочми?

— Ҳа-да, мана, қанотини қаранг.

— Мен кўршапалакмикин, дебман.

— Вой, худойим, — Сабохон кулди, — сиз томонларда ҳеч қалдирғоч йўқмиди?

Сабохон қушчани авайлаб ушлаганча чиқиб кетди. Рҳақ оқ халатни олдию кийгиси келмай диванга ўтирди. Сабохоннинг гаплари суяк-суягидан ўтиб кетди: «Сиз томонларда қалдирғоч йўқмиди?..» Жувонга нима десин? Йўқ эди, шунинг учун ҳам қушларни фарқлай олмайман, десинми? Тангда-ку, қуш зоти йўқ эди. Ахир, Ерга аввал келганда қалдирғочни кўрган эди-ку! Наҳот унутди? Наҳот энди Ерда ҳам атрофдаги нарсаларга бефарқ қарайдиган бўлиб боряпти?..

Бухорода, Назиранинг айвонида, шундайгина тоқига ёпиштириб қалдирғоч уя солган эди. Оғизларини катта-катта очиб чийиллайдиган полапонларга онаси емиш таширди. Кун бўйи тахиса ҳам болалари тўймасди. Рҳақ қалдирғочларнинг осмонда чарх уриб учишларини томоша қилишни яхши кўрарди. Кўм-кўк осмон, чеки-чегараси йўқ кенглик. Қалдирғочнинг эркин учиши... Унинг қалби ҳам кенгликларга интиларди. Бироқ... тақдир тақозоси билан унга гавжум шаҳарда яшаш насиб этди. Қалдирғочнинг беғубор осмонда учишини кўрмаганига, аниқроғи, кўра туриб аввалгидай эътибор бермаганига қанча бўлди?

Рҳақ ўрнидан туриб, дераза олдига келди. Сабохон кўринмайди. Нима қилипти экан? Рҳақ шу хаёл билан ташқарига чиқди. Сабохон кўча томондан кириб келди.

— Қалдирғоч қани? — деб сўради Рҳақ.

— Учиб кетди.

— Учиб кетди?

— Ҳа, — Сабохон Рҳақ-Мирзавойдаги бу ўзгаришни сезиб ҳайрон бўлди. «Ё қалдирғоч керакмидийкин?» деб чўчиди ҳам.

— Учиб кетгани яхши бўлибди... — Рҳақ шундай деди-ю, аммо қалдирғочнинг учиб кетганига юракдан ачинди. Гўё қушча унинг қалбидан ниманидир олиб кетган эди. Рҳақ бир нарсасини йўқотган одамдай гаранг бўлди. Осмонга қаради. Икки қалдирғоч учиб юрибди. Шунинг биттаси ҳозир озодликка чиққан қалдирғочмикин? Бир неча соатлик тутқунликдан сўнг эркиннинг қадрига етиб, шодон чарх уряптими? Рҳақ дастлаб уни кўрганда жонсиз деб ўйлаганди. Жувоннинг иссиқ кафтида янгидан жон кирдимикан...

Сабохон... Ёши ўттиз бешларга бориб қолган бўлса ҳам, латофатини йўқотмаган. Унга баъзан ўғринча қараганида Рҳақнинг юраги ғалати бўлиб кетади. Нимагалигини аниқ билмайди. Ҳозир ҳам шундай бўлди.

— Юринг, ўтирайлик, қиладиган иш ҳам йўқ, — деди Рҳақ, сўри томон бошлаб. Сабохон ундан сал четроққа ўтирди.

— Қишлоғингиз кичкина экан, — деди Рҳақ гапни нимадан бошлашини билмай.

— Зерикиб қоляпсизми?

Рҳақ бу саволнинг қай мақсадда берилганини англамади.

— Зерика бошладим.

— Оилангизни олиб келинг эди-да.

— Бўлганда олиб келардим.

— Сўққабошмисиз, ҳали?

«Қувлик қилишини қаранг-а, — деб ўйлади Рҳақ,— ҳаммасини билади, атайин гап қўшмоқчи».

— Сўққабошман. Уйланишга вақт бўлмади.

— Ол-а... — Сабохон пиқ этиб кулди.

— Ўзингиз-чи? Ўзингиз нимага турмуш қурмайсиз?

Сабохон унга ялт этиб қаради. Қуюқ киприклари титраб кетди. Эркак кишидан, яна бўйдоқ одамдан бундай савол кутмагани учун доврираб қолди. Ўрнидан туриб кетмоқчи бўлди, аммо ўзини тутди. Сезилар-сезилмас хўрсинди.

— Эрим бўлмагани билан бошим очиқ эмас, — деди пичирлаб.

Бошқа сўз айтмади. Юзини бурган ҳолда, ариқдаги сув юзини силаб турган атиргулнинг синиқ шохига кўз тикиб ўтираверди. У шу топда бошидан ўтган савдоларни истараси иссиқ бу «сўққабош» одамга айтиб бергиси келар, лекин ҳаёси йўл қўймас эди. Рҳақ эса унинг хаёлидан ўтган гапларни «ўғирлаб», у билан фикран гаплаша бошлаган эди:

«Асқарали тоғанинг ўғилларига кўнглим бор эди. Пешонам шўр экан, бошқа кишини эр қилдим. Мен уни азалдан ёмон кўрардим. Йўқ, ўзи ёмон одам эмасди, фақат сал тўпори, кўриниши совуқроқ эди. Тегишга тегдиму у билан яшаб кетишга кўнглим чопмади. Ёстиғимиз бошқа-бошқа эди. Мен айвонда, у аччиқ қилиб уйга кириб кетарди. Бир куни ёнимга акаси кириб олибди... Хўжа пиён дейишарди. Эсипастроқ одам эди. Устига-устак, бетиним ароқ ичарди. Ўша кечаси ўзини осиб қўйди. Ёнимга келгани билан менга теголмади. Ирғиб туриб кетдим. Уйдан эрим чиқди. Акасининг йигирмаси ўтгандан кейин эрим ғойиб бўлди. Узунқулоқ гапларга қараганда шаҳарда эмиш. Мен қайнонам билан яшаб юрибман. Унга ҳам қийин, бир ўғли ўлди, бири бедарак... Тақдиримга қайнонанинг қош-қовоғига қараб ўтиш ёзилган экан шекилли...»

«Ерингизни ҳеч ким қидирмадимми?»

«Қидиришди... Сойга хас ташлаб излаб кўринг-чи, топа олармикансиз...»

Сабохон Рҳақнинг тикилиб ўтирганини сезиб яна ялт этиб қаради. Рҳақнинг хаёлидаги суҳбат узилди. Жувонни ноқулай аҳволдан қутқариш учун ўрнидан турди. Ичкарига кирай деб турганида остонада юз-кўзини чанг босган Дилмурод кўринди.

— Сабохон, яхнадан борми? — деди у сўрига хор-ғин ўтириб. Кейин дўпписини олиб ёнига қўйди. Рўмолча чиқариб бўйнидаги терни артди. Рўмолча қоп-қора кир бўлди. — Оббо, тоза бопланибман-ку, бир ювиниб олмасам бўлмайди. — У шундай деб, ҳовли ўртасидан ўтган ариққа келди-да, қўйлагини ечиб ювина бошлади. Рҳақ ичкаридан сочиқ олиб чиқди.

— Сув яхши нарса-да, бутун чарчоқни олади-қўяди,— деди у артина туриб.

— Мана яхна, — Сабохон шундай деб чойнакни сўрига қўйди.

— Жуда ҳаяллаб кетдингиз, тинчликми? Болага нима қилибди? — деб сўради Рҳақ.

— Заҳарланибди. Уч ойлик гўдакни кўтариб тамакига олиб чиқибди. Раёнга олиб бордим. Болани Худо қайтариб бердими ё вақтида етиб бордик-ми, билмайман. Раис машина бермаса аҳвол чатоқ эди. Раёнга борганимизда бола кўкариб кетган эди. Йўқ, энди пича тузук. Ўзингиз қалайсиз? Ҳа, айтмоқчи, раёнда илон овловчилар билан кўришиб қолдим. Илоннинг заҳарини тўплашар экан. Боқувдаги илондан озодликда юрганлари кўпроқ заҳар бераркан. Бунга нима дейсиз?

— Нима дердим, тўғри.

— Демак, фаразим исботланди. Эсингиздами, клиникадаги бемор билан эркин юрувчи Шопўлат акамизни таққослаган эдим. Демак, тўғри йўлдан боряпмиз... Бугун ҳам ҳеч ким келмабди шекилли? Раёндагилар касалларинг йўқ, битта одам ишласа ҳам бўлади, дейишяпти. Бошим қотиб қолди. Икковимиздан биттамыз раёнда ишлаймиз шекилли...

— Аниқ гапми?

— Унчалик аниқ эмас. Хужжатларингиз топилгунча индашмайди. Қани, юринг, бир чой ичайлик. Кейин Шопўлат акадан хабар оларман.

Дилмуроднинг режаси бўйича ТЕТ нинг иккинчи синови шу кунга белгиланган эди. Шунинг учун Рҳақ чой ичиб бўлгач, мазорбошига борди. Девонага яхши гапириб, уни пастга бошлаб тушди. Девона ҳовлига сув сепаётганда Дилмурод ҳам кириб келди. Девона уни кўрдию ишдан тўхтаб, оғзини сал очиб Мирзавойга савол назари билан қаради. Рҳақ унга жилмайиб қўйди. Шунда Девона уларнинг ҳар икковини ҳайратга солиб ичкари кирди-да, чарм қопланган тахта сўрига ётиб олди. Дилмурод симларни эҳтиётлик билан унинг энсасига қўйди. Девона шунда ҳам қимир этмади. Фақат импульс юборилганда сал титради-ю, тинчиди. Бу сафар ҳушини йўқотмади. Аммо шифтга бақрайганча қимир этмай ётаверди. Рҳақ ҳам, Дилмурод ҳам бир четда уни кузатиб туравердилар. Девона «Қани Шопўлат ака, туринг энди», дейилгандан кейингина ўрнидан кўзғалди. Дилмурод Девонадан хабардор бўлиб туришни Рҳақдан илтимос қилди-да, қоғоз-қалам олиб ёзишга тутинди.

Девона бу сафар мазорбошига қараб юрмай, самовархонага кирди. Эски одати бўйича бир бурчакда биқиниб ўтирди. Девонанинг бошқаларга халал бермаслик учун доим шу ердан жой олишини Рҳақ яхши биларди. Асқарали унинг олдига бир чойнак чой, нон, қанд-қурс келтириб қўйди. Девона қувониб, унга қараб тиржайди. Рҳақ эса сўрига ёнбошлаганча унинг шошиб нон чайнашини, бўйнини чўзиб ютинишини кузатди. Шу аснода Девонанинг хотирасида бугун уй-фонган воқеаларни кўз олдига келтирди.

## ЧИМИЛДИҚДА ЖОН БЕРГАН КУЁВ

Машҳуранинг дилида қанча дард йиғилиб қолганини йиғиси ошкор этиб қўйди. Озиб, хипчиндек бўлиб қолган қиз акасига ҳасратини тўкиб сололмай, фақат йиғларди. Ҳатто акасининг елкасига бош қўйишга ҳам ҳаёси йўл бермасди.

Бир мучал ошиб ўтилгач, қизлардаги ифбатнинг уйғониши, анча ҳуркак бўлиб қолишларини Сабоҳиддин биларди. Шунинг учун ҳам синглисига фақат елкасини тутиш билан чекланди.

— Сизни ҳеч ким ранжитмадимми? — деб сўради Сабоҳиддин Машҳура овунгач.

— Йўқ, — деди қиз синиқ овозда.

— Ташқарига чиқяпсизми?

— Қўрқяпман...

— Овқат-озиқни ким келтиради? Аёллардан борми?

— Бор... тунов куни ҳалиги келди...

— Ҳалигингиз ким?

— Сожида... янгам...

— А? У бу ерда нима қияпти?

— Ўзингиз кўрасиз, — Машҳура уларнинг нима билан машғул эканини айтишга уялди. Сабоҳиддин буни сизди. Ўринсиз савол бергани учун ўзи ҳам ўнғайсизланди.

— Кириб гаплашиб турадимми?

— Ҳа.

— Нима дейди?

— Кўп гапиради. Мени акангиз аччиқ устида талоқ қилганлар, кейин чиққан гапларнинг бари тухмат, дейди. Бахтсиз эканман, деб йиғлайди.

— Бахтсиз бўлса ҳам, бахтли бўлса ҳам Худодан. Худо гуноҳлари учун ахир бир кун жазо беради.

— Шу кўйда юришининг ўзи худо ургани эмасми?

Сабоҳиддин синглисига қаради. Фақат бўйига бўй, ҳуснига ҳусн эмас, ақлига ҳам ақл қўшилибди. Оқ-қорани ажрата бошлабди.

Султонмурод ўтов олдига келиб бир йўталиб олди-да, ичкари кирди.

— Кўрбоши Шермухаммадникига кетибди. Бугунча дам олсак ҳам бўлади, — у шундай деб тўрга чиқиб ўтирди.

— Акам-чи, акам шу ерда эканларми? — деб сўради Сабоҳиддин унинг фотиҳа ўқишини кутмай.

Султонмурод Сабоҳиддиннинг саволини эшитмагандай фотиҳа ўқигач, қизнинг ҳол-аҳволини сўради. Сўнг норози қиёфада унга қаради:

— Кўпам бесабр бўлаверманг. Жамолиддин соғ-омон. Тегинманглар, деб тайинлаб келдим. Хотиржам бўлинг.

— Ахир акам ўғирлик қилмаганлар. Худо шоҳид.

— Бунга мен ҳам ишонаман. Лекин акангизнинг мўъминлар олдида бўлак айблари ҳам бор. Кўрбоши сиз билан менинг юзимни қилиб, акангизнинг айбидан ўтса, ажаб эмас, — у яна юзига фотиҳа тортди-да, ўрнидан турди. Кейин «Сизлар бафуржа гаплашаверинглар, менинг бекларга айтадурган сўзим бор», деб чиқиб кетди.

Кеч кириб, осмонга юлдузлар сочилди. Тоғ ўрқачлари қорайиб кўринди. Отлар пишқиради, кишнайди. Тошларга урилиб оқаётган сувнинг шовқини кўтарилгандай бўлади. Бир неча ерда ўт ёқилди. Энг катта гулхан йўғонлиги икки қулоч келадиган чинор остидаги оқ ўтов қаршисида аланга олди. Бир замон ўша томонда кимдир хирқироқ овозда қўшиқ айта бошлади. Доира гумбури, йигитларнинг қийқириғи унга жўр бўлди.

*Қибладан кўрсат юзингни, Маккадай айлай тавоб,  
Сен лабингдан бўса берсанг, мен қилай бағрим кабоб.*

Машҳура юзига қизил югуриб, ерга қаради. Қўшиқ шу ерда узилиб, йигитларнинг қийқириғи доира овозини ҳам босиб кетди.

— Ана, чиқди шекилли...

— Ким?

— Анови-да, қаранг.

Сабоҳиддин ташқарига чиқиб, гулхан томонга қаради. Йигитлар ўринларидан туриб кетишган, ўртада кимдир ўйнар, лекин уни таниб бўлмас эди. Сабоҳиддин давра томон юрди. Яна қўшиқ бошланди.

*Олти каптар етти бўлиб кўнди теракка,  
Қўшнимизнинг икки қизи чиқди элакка.  
Дўст, чиқди элакка, яна чиқди элакка,  
Бодомқовоқ, юпқа томоқ, додимга етсанг-чи!  
У ёғингдан ўтай, бу ёғингдан ўтай, кўнглингни олай.  
Тўтиқушнинг боласидай кўлингга кўнай.  
Ҳа, кўлингга кўнай, дўст, кўлингга кўнай!  
Бодомқовоқ, юпқа томоқ, додимга етсанг-чи!*

Ўртада аёлча кийиниб, дуррача боғлаган, гажак ясаган семиз бир йигит лорсиллаб ўйинга тушарди. Сабоҳиддин уни кўриб кулимсиради. Синглиси шуни Сожида деб ўйлаган бўлса керак.

Йигит қош қоқиб, нозик қилиқлар қилиб хотин бола-чақасидан йироқда юрган эркакларнинг хирсига тегар, улар қарсак чалиб «Дўст!», «жонингдан!» деб қийқиришарди.

*Тоғда қуён отибман, ияги йўқ,  
Жонон кўйлак кийибди, жияги йўқ.  
Жияги йўқ жойларидан қўлим солсам,  
Билқиллайди қўш анори, суюги йўқ,  
Дод, суюги йўқ...*

Қийқириқ авжига чиқди. Ҳаяжони тошиб кетган йигитларнинг айримлари ўртага тушиб «жувон» билан ўйнай бошладилар. Айримлари «жувон»ни белидан ушлаб, ўзига тортган маҳалда, баъзан эса «жувон»нинг ўзи кимгадир «карашма» қилиб ўтганда оҳ-додлар уланиб кетарди.

Сабоҳиддин изига қайтди. Ўтовга яқинлашиб, тўхтади. Атрофга аланглади. Ҳамма кўнгил очиш билан банд. Қўрбошидан марҳамат кутмай акасини қочириб юборишнинг айна пайти эмасмикин? Қўрбошининг Жамолиддинни афв этиши унинг бўйнига қўшимча сиртмоқ бўлиб тушмайдими? Лекин акаси қаерда, уни қаердан излаш керак? Сабоҳиддин беихтиёр нарида ёнаётган гулханлар томон юрди. Қумғонда чой қайнатаётган йигитга яқинлашиб салом берди-да, кеча тутиб олиб келинган одамнинг қаерда ётганини сўради.

— Ўзлари ким бўладилар тақсир? — деб сўради йигит унга ишонқирамай қараб.

— Султонмурод аканинг... ўғиллариман. Кечагина Бухородан қайтдим.

— Ҳа, янгилигингиз билиниб турибди. Ҳибсга олинганларни, ҳали омон бўлишса, ертўладан топасиз. Қўрбоши болшавойларни кўпам тутиб турмайдилар.

— Ертўла қаерда?

— Оқ ўтовни кўрдингизми? Ўшанинг шундайгина пойида. Қўрбоши изн бермаса, авлиёни ҳам йўлатишмайди у ерга. Бориб овора бўлмай қўя қолинг. Ёки болшавой яқинингизми?

— Нимага бундай деяпсиз?

— Куюнишингиз ошкор қилиб қўйяпти-да.

Сабоҳиддин бу гапдан гангиб, оқ ўтов сари юрди. Аммо ўтовга етмаёқ уни тўхтатдилар...

Норхўжа эртасига оқшомда қайтди. Унинг кайфияти бузуқ, қовоғи солиқ эди. Султонмурод Сабоҳиддинни оқ ўтовга бошлади. Норхўжа тўрда ўтирарди. Султонмурод Сабоҳиддинни таништиради.

— Хуш келибсиз, мулла Сабоҳиддин. Бухорои шарифдан юборилган номани олдим. Қутлуғ хабар етказибсиз.

— Мулла Сабоҳиддин хизматингизга тайёрлар, — деди имом таъзим билан.

— Қани, ўтиринг, хизмат қочмас.

Ешоннинг бу таклифи жавобсиз қолиб, Султонмурод ҳам, Сабоҳиддин ҳам қўл қовуштирганча тураверишди.

— Яна нима гап? — деди қўрбоши улар савол назари билан қараб.

— Узримиз бор.

— Кейин.

— Узримизни эшитмасангиз, еганимиз ичимизга тушмайди.

— Тезроқ айтинг бўлмаса.

— Тунов куни бекларингиз Сабоҳиддиннинг акаларини олиб келишибди.

— Ҳа, Жамол ўрисми? Бир камбағалнинг шўрини қуритибди-да, а?

— Асти ундай эмас, бу тухмат. Биз Жамолдиддиннинг гуноҳини сўрамоқчимиз.

— Қўйиб юборинг, дейсизми?

— Ҳа, тақсир. Жамолиддинни шайтон йўлдан оздирган. Чилла тутиб унинг гуноҳини Худодан сўрайман. Марҳаматингизни аяманг.

— Қўйиб юборайми? — дея қайта сўради қўрбоши Сабоҳиддинга тикилиб. — Бугун қўлимдан чиқиб кетса, эртага яна шерикларига қўшилади. Тўппончасидан учган ўқ нақ пешонангизга санчилса ҳам чилла тутиб ўтирасизми?

— Энди зинҳор бу йўлга қайтмайди. Сўзимизни ерда қолдирманг.

— Изига қайтмайдими? Мулла Сабоҳиддин, сиздан сўрайман: изига қайтмайдими?

— Худо хоҳласа...

— Қайтади... — Норхўжа кескин оҳангда шундай деб ўйга толди. Кейин тиззасига шапатиледи. — Майли, тўрт томони қибла, кетаверсин. Чиқиб айтинг, саҳарда йўлга солиб юборишсин. Қани, энди ўтиринглар, узрингиз қабул бўлди. Аҳмад дев, Мамат чирик қани? Юсуф қизиқни топиб келибдими?

— Йўқ, бегим, Юсуф қизиқни Марғилондан тополмабди.

— Осмонга учиб кетибдими?

— Холиқберди тўраникида экан.

— Шу ерда ҳам йўлимга ғов бўлдимиз? Бу марғилонликдан қутулар кун борми ўзи?!

— Яна бир гап ўтдимиз?

— Сиз учун шунчаки бир гапдир, — деди Норхўжа унга қовоқ уйиб. — Мен учун мусулмонларнинг ҳаёт-мамотини ҳал қиладиган гап. Туновинда дашноқи арманлар пешин намози пайтида масжидга бомба ташлашибди. Дашноқларни битта қўймай қириб ташлаш ўрнига, Холиқберди тўра Фрунзе билан аҳд-паймон қилиб, бизни биттадан тутиб бермоқчи.

— Бегим, қаеримиздан тутар экан, айтмайдими? — бу қочириқнинг маъносини тушунган қўрбоши кулиб юборди.

— Омма зап олдинг, ёмон еридан олдинг, Аҳмад дев, балосан, омма ёмон балосан-да! — деди Норхўжа чехрасини очиб. — У Сибирда юрганида ўрисларга сотилган-да! Қўқонда бир хотинчалишлик қилди, ғазабимни ичимга ютдим. Энди расманасига хоинликка ўтибди. Калласи оғирлик қилиб қолганга ўхшайди.

— Эшон, ғазабга ўрин бермаганингиз маъқул. Жаҳл келганда ақл кетади. Икки уришқоқ подшоҳдан икки аҳил дарвишнинг кучи зиёдроқ, дейишади. Муросаи мадора...

— Муросага ўрин йўқ. Ислом лашкарлари ичида хоинлар бўлмаслиги керак! Энди унинг йигитларини ўзимизга ағдариш ҳаракатига тушмоғимиз лозим. Буни алоҳида кенгашиб кўрамиз. Аҳмад дев, нима, шундай ўтаверамизми?

— Бегим, Мамат чирик Ишоқ буқоқ билан Асқар чўтирни бошлаб келибди. Чақирайми?

— Ташқарига жой қилишсин. Бекларимнинг ҳам бир баҳри-дили очилсин.

— Бегим, уларнинг бир паризоди ҳам бор экан, чиқаверсинми?

— Нима? — Норхўжа Аҳмад девга ўқрайди. — Кўнглинг нажасни истаб қолдимиз? Нақ путларингни йириб юбораман-а!

— Қонимиздан кечинг, бегим, кўнглингиз ёзилармикин, деб эдим-да.

Аҳмад дев таъзим билан чиқиб кетди.

Оқ ўтов олдидаги майдонга йигитлар давра қуришди. Икки киши келиб қўрбошига таъзим қилди. Уларнинг ориқроғи чинданам узун, гўштдор кишининг эса томоғида муштдай буқоғи осилиб турарди. Норхўжанинг имоси билан улар чилдирмаларни чертиб, айтишувларини бошладилар.

*Охират бозорига*

*Юк боғлаган карвон, буқоқ.*

*Олти минг ғиштни пиширган*

*Бетутун хумдон, буқоқ.*

Атрофни кулги, қийқириқ босиб кетди. Ишоқ буқоқ давранинг тинчишини кутиб турди. Кейин хирилдоқ овози билан жавоб қилди:

*Ариларнинг уясини —  
Бет бу, деб алдар чўтир.  
Худди чакичлаб чекилган —  
Патир, деб жаврар чўтир.*

Яна кулги.

*Елкасига хуржун осган,  
Хуржунида ошқовоқ.  
Ҳар бири чорак етилган,  
Миришкор деҳқон, буқоқ.*

Бўлди кулги.

*Бу кеча қайларда қолдинг?  
Бетларинг итнинг изи.  
Панжарагулчин юзингдан  
Айладингми ор, чўтир?*

Қийқириқ авжига чиқди. Кулгидан кўзлари ёшланиб, ичак узилай деди. Чўтир аввал қўлини кўтариб, кейин буқоққа таъзим қилиб, таслим бўлганини билдирди. Кейин икковлон қўшиқ бошлашди:

*Бўз ўғлоннинг бўз оти,  
Кўкка қараб кишнайдди.  
Уни кўриб жонона  
Жиловидан ушлайдди.  
Ушлама, қўй, ойимқиз  
Ҳаром ўлгур тишлайдди.*

Давра ўртасига бу сафар шопмўйловли «жувон» эшилиб чиқди. Сабоҳиддин нари кетди. Норхўжа савол назари билан Султонмуродга қаради.

— Акасини ўйлаб тинчини йўқотди, — деди эшон.— Манавилар билан келган паризод Жамол ўриснинг хотини бўлган бир вақтлар.

— Шунақами? Бу биладимми?

— Синглиси айтгандир.

— Холиқберди унга нима юмуш буюрибди, сўрамадингизми?

— Йўқ.

— Сўранг. Жилонни бўш қўйманг. Кунимизга асқотиб қолади.

Базм давом этарди. Йигитларнинг ҳар бир қийқириғи Сабоҳиддин қалбига тиг бўлиб санчилди. Унинг кўнгли жиҳод истаб бу томонларга йўл бурган эди. Бунда кўрганлари... Шуларми ислом лашкарлари?! Юрт қон қақшаётган дамда кўнгилочар базмлари нимаси? Азон чақириғини биров қулоғига олиб сафга туради, бошқаси ўз юмуши билан банд. Акасининг гапи исбот топяпти-ку? Чиндан ҳам булар адашганларми? Суст иймон билан ғалабага эришмоқ мумкинми? Ўз нафсига жиҳод эълон қила олмаган одамдан катта жиҳодда қандай каромат кутиш мумкин? Қўрбоши амиралмуслиминдан нафратланса, бу қанақа жиҳод бўлди?

Афсус, алам, нафрат қоришган пайтда кишининг бағрини портлатиб, қўпориб юборай дейди. Сабоҳиддин ҳозир шу ҳолатда эди. Бағрига минг-минг одамнинг дардини, сир-асрорини яшириб, қоронғи кечада хунук манзара касб этиб, мунғайиб ётган бу тоғлар Сабоҳиддиннинг ҳам дардини юта олармикин? Кўрганлари шу ўркаклар ичига сир бўлиб сингармикин? Наҳот Оллоҳ шунча нолаю ибодатини тариқча инобатга олмаса? Юрт бошига шунча азоблар каммиди? Ахир юрак ҳил-ҳил бўлиб кетди-ку? Олдинда яна неча қийноқлар бор? Бу азобларга Сабоҳиддиннинг вужуди чидаш берган тақдирда юраги чидай олармикин? Тарс ёрилиб кетмасмикин? Сабоҳиддин миясига бехос ярқ этиб урилган бу фикрни «алҳамдулиллаҳ, шунисига ҳам шукр», деган сўзлар билан қувмоқчи бўлди.

У ёнғоқзор этагида ёниб турган гулхан сари юрди. Сўнг гулхан атрофида давра қурганлар сафига қўшилди. Сухбат аввалига қовушмади. Сабоҳиддин узун косов билан гулханни титиб ўтирган кишига тикилиб қолди: қоратўридан келган, ёноқлари бўртиб чиққан, кўзлари қисикроқ, мўйловли... Яна нимадир етишмайди. Ҳа, соқол. Агар соқол қўйса, Норхўжанинг қўйиб қўйган ўзгинаси.

— Мендан кўз узмай қолдингиз, тақсир, тинчликми ўзи?

— Сиз қўрбошига жуда ўхшар экансиз.

— Жияни бўлгандан кейин ўхшайди-да, — деди даврадагиларнинг бири.

— Ие, жиян бўлсангиз... бу ерда...

— Нима, анов ерда, тўрда ўтиришим керакми? — деди жиян тўнг овозда. — Мен иссиқ ўрнимни товда ўйин-кулги кўраман, деб совутмаганман. Қўрбошингиз шундай юраверса, қорнини ўзимла ёриб ташлайман!!

— Тилаволди!

— Э, сен мени тергайверма. Ҳамманг пана-панада ботирсанлар.

Тилаволди шундай деб қўл силтади-да, туриб дарахтзор орасига кириб кетди.

— Бу бошқа олам, қўрбоши бошқа олам. Тилаволдига Худо девнинг юрагини берган. Аммо гап келса, амакисини аямайди, — деди Тилаволдини инсофга чақирган йигит.

— Тақсир, ҳов ўтовда ёлғиз турган қиз кимингиз бўлади? Ўтовга кириб чиққанингизни кўриб эдим, — деб сўради даврадаги ёши улуғроқ киши.

— Синглим.

— У қизни анча бурун Султонмурод бошлаб келганлар. Қаттиқ қўриқлайдилар. Бир сир бор, дейман-а...

— Сир йўқ, тақсирим, шунчаки... паноҳларига олганлар...

Сабоҳиддин бу гапдан кейин даврадагиларнинг бир-бирига сирли қараб олишганини сезди.

Базм тугагач, Норхўжа ўтовига кирди. Аҳмад дев унга эргашди.

— Бегим, бир нарсани сўраш ниятим бор.

— Сурайвер.

— Бухорои шарифдан мактуб олдим, дедингизми?

— Ҳа.

— Ёрдамдан дарак борми?

— Кутинглар, дейишяпти. Амир жангга тайёрланяпти.

— Тайёргарлиги жуда чўзилиб кетмадимикин?

— Бу билан ишинг бўлмасин.

— Мулла юборгандан кўра тўртта бешотар юборишмайдими?

— Калта ўйлайсан, дев. Билагингда кучинг бору каллангда ақл йўқ. Биргина мулланинг ярим оғиз сўзи билан сендақа юзта дев эплай олмайдиган иш битаети. Бу йигит жиҳод кўрган экан, бизга асқотиб қолади. Беш йил Бухоро тупроғини ялаган. Бу чакана гап эмас! Аммо мулла йигитни сира назардан қочирма. Бу ёққа келишдан олдин Холиқбердининг суҳбатида бўлган.



Тўранинг бир нияти борга ўхшайди. Лекин мулла йигит унга эмас, менга хизмат қилади. Бир ниятим бор. Иншооллох, унга шу мулланинг кўмаги ҳам тегади.

— Султонмурод-чи?

— Энди у қариб қолди... Қари эшак ағанаб, тупроқ тўзитишдан бошқа нарсага ярамайди. Мен Худо деб, қилич яланғочлаб юрибману, Худо менга обрўлироқ бирон шайхни раво кўрмаяпти. Авомни оғзига қарата оладиган бир шайх бўлганда эди. Худо шу муллаваччани раво кўрибди, шунисига ҳам шукр...

— Мулла болангиздан иш чиқармикин?

— Чиқади. Бизнинг истагимиз билан у катта обрў эгаси бўлади. Сўнг ана шу обрў билан бизга хизмат қилади.

— Осон эш берадиганга ўхшамайди.

— Ўхшамаса ўхшатамиз. Ҳозирча ҳамма ишимиз хамирдан қил суғургандек боряпти. Бурнидан ип ўтказиб олдиқ, қаерга судрасак боради. Яқин кунларда оёғига ҳам кишан урамиз... Эрта-индин Зайниддин қори келади бу ерга. Унинг ташрифи ҳам бежиз эмасдир.

— Истасангиз, қори бу ерга етиб келолмаслиги ҳам мумкин.

— Эсингни ема. Қори бизга душман эмас. Фақат йўли бошқачароқ. У душман бўлган тақдирда ҳам тирик қолиши керак. Халқнинг пешонасига бунақа одамлар ҳар куни битавермайди. Сенга қўйиб берса... Бор, жўна.

Аҳмад дев чиқиб кетди. Норхўжа ўринга ёнбошлади. Унинг нияти фақат ўзигаю Худога маълум. Бу қишдан эсон-омон чиқиб олса, ошиғи олчи. Холиқберди тўра ўзига хоинликни раво кўриб, шўролар томонига ўтса ўтар. Бу ҳали бутун ислом лашкарлари бўйин эгди, деган гап эмас. Куч етмаса, хийла ишлатади. Лайлатулқадр куни Сабоҳиддин туш кўрганини қишлоқма-қишлоқ юриб айтади. Норхўжани маҳди деб эълон қила бошлайди. Холиқберди тўрадан айрилгач Зайниддин қори шубҳасиз, унинг паноҳига киради. Ана шунда унинг йўлига ҳеч ким ғов бўлолмайди. Бухоро амири қўшин тортмаган тақдирда ҳам Фарғонани ўзлари эплай олишади.

Норхўжа шу хаёллар оғушида ўтирганда ўтов оғзида Султонмуроднинг қораси кўринди. У энгил томоқ қириб ичкари кирди-да, қироат билан салом бериб пойгакка тиз чўқди.

— Ҳа, тақсир, пайтавангизга қурт тушганга ўхшайди? — деди Норхўжа, жойидан жилмай.

— Зайниддин қори келармишларми?

— Ис олдингизми дарров. Келса келар, сизга нима?

— У келса бекларингизни йўлдан урармикин, дейман-да.

— У ҳолда йўлига пешвоз чиқинг-да, изига қайтариб юборинг.

Бу гапни эшитиб Султонмурод ўрнида бир қимирлаб олди.

— Эшоним, ҳазил қилманг. Шу хусусда бир фикр билан кириб эдим ҳузурингизга. Малол келаётган бўлсам, чиқа қолай.

— Айтинг, фикрингизни.

— Қори келса келсин. Иззат билан кутиб олайлик. Кейин... уйлантириб қўйиб, изига қайтарсак-чи?

— «Уйлантириб» дейсизми? — Норхўжа бу таклиф панасида қандай ният бор экан, деб бир оз ўйланди. «Зайниддин қори келса мен бекларимни йўлдан уринг, деб қўйиб қўяр эканманми. Қори келса ёнимдан бир қадам ҳам силжимамайди. Бу туллакнинг хавотири бўлак. Қори билими, эътибори билан ундан баланд. Бир даврада чўқишиб қолса расвои жаҳон бўлиши тайин. У шундан хавотирда». — Уйлантириб қўямизми? — деб қайта сўради Норхўжа. — Кимга?

— Яллагилар билан келган паризодга.

«Мақсади энди аён. Қорини хўрламоқчи»

— Паризодга дейсизми? — Норхўжа шундай деб қаддини кўтарди. — Мен уни сизга раво кўриб эдим?

— Менга? — Султонмуроднинг капалаги учиб кетди. — Ҳазиллашманг, эшоним. Менинг уйланиш ниятим йўқ. Мен тақводор одамман, жонимни Оллоҳ йўлига тикканман. Охиратни сўраб юрган мендай одамга бу дунё лаззати керак эмас.

— Шундайми? У ҳолда... — Норхўжа Султонмуродга синовчан тикилди. — У ҳолда қорини паризодингизга эмас, ўзингиз бошлаб келган қушчага уйлантирамиз.

Султонмурод қўрбошининг нигоҳига дош беролмай бошини эгди. Норхўжа ундан садо чиқишини кутди.

Султонмурод бу сафар янглиш кирганини фаҳмлади. Қўрбоши қорини ёқтирмайди, айтганим бўлади, деб адашганини билди. Норхўжа Зайниддин қорини ёқтирмаса ҳам унинг хизматларига ҳали умиди бор эди. Султонмурод худди шуни ҳисобга олмай янглишди. Энди бўлар иш бўлди. Қўрбоши жавоб кутяпти.

— У қизалоқ... қайдам, — деб чайналди, — акаси шу ерда... кўнармикин?

— Кўндирасиз. Сиз тонгда мулла йигитни чақириб, бир туш кўрганингизни айтасиз.

— Қандай туш?

— Ўзингизни гўлликка солманг. Сиз тушингизда унинг дадасини кўргансиз. Дадаси: «Қизимни қорига атадим», деган. Мен ҳам худди шундай туш кўрганман. Уқдингизми? Боринг, нонуштадан сўнг ўзим чақираман.

Султонмурод бу сафар хурмат юзасидан эмас, елкасига бехос тушган ғамдан букилиб ташқарига чиқди.

«Калласига яхши фикр келибди, — деб ўйлади Норхўжа, — Зайниддин қори ҳам ўзимники бўлиб қолади шекилли?»

Сабоҳиддин «қўрбошининг амрига кўра акамни тонгда қўйиб юборсалар керак, бир оғиз бўлса ҳам гаплашиб олай», деган ниятда йўлга чиқиб турган эди. Кун ёйилса ҳамки, қароргоҳ томондан ҳеч ким келмади. Норхўжа фикридан қайтдимикин, деб хавотирланди. Қуёш кўтарилган сайин ташвиши орта бошлади. Энди қароргоҳга қайтишни ният қилиб турганида қарши томондан отлиқ кўринди. Сабоҳиддин тарвақайлаб ўсган арчанинг панасига ўтиб, уни кутди. Отлиқ яқинлашгач, уни таниди-ю, кучоқ очиб қаршилади.

— Қори домла, ўзингизмисиз? Кўзларимга ишонмаяпман, — деди шодлигини яширолмай.

— Худди ўзимман. Нима, пистирмада ёлғиз турибсанми? — деди Зайниддин қори отдан тушар экан. — Қани, хуржунни ол, баҳонада нафасимни ростлай.

Сабоҳиддин хуржунни олиб, арча соясига жой қилди.

— Мешда қимиз бор, оч, — деди қори ёнбошлаб, — сен акангни кутаётганга ўхшайсан-а?

Сабоҳиддин «Қаердан биласиз?» дегандек ялт этиб унга қаради.

— Жамолиддинни йўлда кўрдим. Бомдодни ўқиётувдим. Қарасам, қўрбошининг иккита йигити олдига солиб келяпти. Нима гаплигини билолмадим.

— Акамга тухмат қилишди. Кимдир сигир ўғирлаб сўйибди-ю, терисини оғилхонамизга ташлабди.

Зайниддин қори кулди.

— Сигирни ким ўғирлаганини билмадингми?

Сабоҳиддин елка қисди.

— Нима учун сендан эмас, акангдан шубҳаланишди, ўйлаб кўрмадингми? Шунақа ҳам содда бўладими киши? Ахир бу Норхўжанинг ўйини-ку? Жамолни ушлаб келгандан кейин сен келгансан. «Акамни қўйиб юборинг», деб Худонинг зорини қилгансан. У «марҳаматини аямай» илтимосингни инобатга олган, шундайми? Шу яхшилиги учун сен энди ундан қарздорсан. Қани, бирон ишдан бўйин товлаб кўр-чи, энди?

— Синглим ҳам ўша ерда...

— Буни эшитдим. Ҳар ҳолда Норхўжа Холиқберди тўра ҳузурида бўлганингни билиб, найранглари ишга солган. У бизнинг нима учун келганимизни англаб турибди. Сени қармоққа илинтирибди. Мени бир бало қилиб ўшга қайтариб юборишга уринади.

Зайниддин қори шундай деб, қимиздан симирди. Сабоҳиддиннинг ичгиси келмади.

— Сиз кетиб қолсангиз, мен бир ўзим...

— Сен ҳадиксирама. Унинг хизматларини бажариб юравер. Арқонни узун ташла.

— Тўрамнинг топшириғи-чи?

— Тўра айтаверади. Қуруқ гап билан одамни инсофга келтириб бўлар эканми? Тўра нотўғри иш қиляпти. Шўролар билан сан-манга бормай, аввал Норхўжага ўхшаган кичик балиқларни ютиш керак. Ана кейин катта балиқ билан бетлашсин. Шўролар енгилган тақдирда Нор ҳам, Кўр ҳам тек турмайди. Буни Холиқберди билади. Била туриб «жигарларимга тиғ тортмайман, инсофга келтираман», дейди. Амиралмуслиминнинг онасигаки тиғ урдиларми, бу палаги носоғлардан яхшилик кутиб бўлмайди.

— Тўрамнинг оналарини... Шулар фатво берганларми?

— Билмасмидинг?

— Йўқ. Ўйлаб ҳам кўрмабман.

— Шу ишинг чакки. Энди сен муллавачча эмассан. Муҳораба ўтидаги одамсан. Чаноққалъада ақлинг кирмадими: лалайсанг, пешонангдан ўқ ейсан. Холиқберди шўролар билан ярашсамми, ярашмасамми, деб каловланиб турибди. Ярашиш ниятидан қайтсин, деб шу нопок ишга қўл уришди. Уларнинг режасича, онасининг шўролар қўлидан қазосини топганини билгач, тўра ғазабга миниши керак эди. Тўра ғазабга минишга минди-ю, сир бой бермади. Энди нима қилмоқчи экани Худога аён бўлмаса, бандага маълум эмас.

— Тўрам фатво берганларни биламан, дегандилар.

— Билмай-чи! Ахир у кўр ҳам, кар ҳам эмас. Кўриб, эшитиб турибди.

Қори ҳордиқ чиқаргач, ўрнидан турди. Сабоҳиддиннинг елкасига тиралиб отга минди. Сабоҳиддин отининг жиловини олиб олдинда юрди. У аросатда қолган, ҳозир Салимхўжага ўхшаш доно ҳамсуҳбатнинг маслаҳатига зор эди. Қори ҳам доно киши, аммо унинг йўли бошқа, Сабоҳиддинники бошқа. Қори манфаатдан келиб чиқиб, насиҳат қилади, эҳтиёткорликни ҳуш кўради. Сабоҳиддинга эса тўғри йўл учун жонини ҳам аямайдиган одамнинг насиҳати керак. Сабоҳиддин шундай хаёллар билан кетаётганида Қори яна сўз бошлади:

— Нопок одамлар ҳам жисмонан, ҳам иродаси кучли кишини тез пайқайди. Кейин атрофига тўпланиб, уни алдаб, бошқаларни эса гангитади. Халқ ҳам оми-да, қўйга ўхшаб ўша кучли одамнинг атрофига тўпланаверади. Нопоклар эса бундан фойдаланиб, подани ўзига керакли йўлга буради. Норхўжанинг атрофини ҳам шунақа нопоклар ўраб олган. Унинг ишонганларидан бири ўзининг домланг. Чала мулла домлангга қарагину қўрбошига баҳо беравер.

Сабоҳиддин бош ирғаб, қори домласининг гапини тасдиқлади. Қори эса гапини давом эттирди:

— Бу қўрбошилар ёз чилласида тентираб юрган лахтак-лахтак қора булутларга ўхшайди. Қуёш юзини тўсгани билан бир парчагина ерга соя ташлашини билмайди. Назарида ҳаммаёқни остин-устун қилиб юборганга ўхшайди. Этаги йиртиқлигидан, шу йиртиқдан нур оқиб кираётганидан хабарлари йўқ. Лахтак булутлар бирлашса, кучли момақалдироқ бўлса, жала қўйса, сел келса унинг йўлини тўсиш қийин. Лахтак булут ташлаган уч-тўрт томчини ер бирпасда ютади. Қўрбошилар буни фаҳламай кучаниб ётишибди. Туркий байроқ атрофида бирлашмас экан, бу булутларни енгил шабада ҳам ҳайдаб кетади.

Сабоҳиддин бош ирғаб, бу гапларни тасдиқлаган бўлиб, индамай борарди. «Бу одамлар тобеликни бунча ёқтиришмаса, — деб ўйларди у — бири ўрисга қайишайлик, дейди. Бири туркларга, яна бири инглисларга. Наҳотки ўзгаларга кўз тикмай, мустақил ҳаракат қила олмасак? Қори домламнинг қулоқларига турклар азон айтишганми, икки гапнинг бирида уларни алқайдилар. Бухорога боражагимни билиб ҳам «Истамбулда таҳсил олса дурустмикин?» деб эдилар. Отам камхарж бўлмаганларида бу кишининг сўзларига кириб Истамбулга жўнатардилар. У ҳолда мен ҳам туркий байроққа сажда қиладиганлардан бўлармидим? Аҳли миллатнинг аксари турк давлатига нажот кўзларини тикипти. Улар «биз бир халқмиз»,

дейишади. Лекин қонлари қонимизга қўшилармикин? Уларнинг ўзлари ҳозир жар ёқасида туришибди. Бизга ёрдам беришга қурбилари етмайди-ку?» Сабоҳиддин шу тарзда қорига фикран қаршилиқ билдирар, аммо бу гапларни тилига чиқармоққа ботина олмасди. Яна пича йўл юришгач, Зайниддин қори афсус оҳангида гап бошлади:

— Холиқберди амиралмуслимин, деб ҳисоблангани билан дўпписи анча тор. «Ислом лашкари, амиралмуслимин...» номи улуғу аммо қувват йўқ. Орада иттифоқлик йўқ. Сен Чаноққалъада англисларни, фарангиларни кўрдинг, уларнинг ҳарб илмида илғор эканликларига гувоҳ бўлдинг. Шўроларнинг аскарлари ҳам олмон билан урушиб обдон пишган. Уларнинг «казак» деганлари бор-ки, Худонинг бир балосидир. Шўроларнинг аслаҳалари ҳам бекаму кўст. Холиқбердининг йигитларичи? Милтиқ отишни энди-энди ўрганишяпти. Ҳозир унча-бунча одамга сўз бермайман, дегувчи Шермуҳаммад ҳам милтиқ отишни Холиқбердидан ўрганган. Ўрганиш чоғида милтиқ пилтасидан учкун сачраб, бир кўзни кўр қилиб олиб «Кўршермат» деган номни олволди. Шулар жаҳон муҳорабасини кўрган аскарларга бас кела олишармиди? Туркларнинг жанг кўрган зобитлари келишса эди, ишлар бўлакча бўларди.

— Уларнинг катта зобитлари орасида ҳам ноиттифоқлик мавжуд, — деди Сабоҳиддин.

— Ҳа, — Зайниддин қори хўрсинди, — биламан. Ҳамма бало шу ноиттифоқликда, ҳамма шараф эса миллат бирлигида! Шарафга элтувчи бирлик йўқ.

— Бирликнинг бўлиш ёки бўлмаслиги бандалардаги иймон қувватига боғлиқ. Иймон заиф ерда иттифоқлик ҳам, жиҳод ҳам йўқ. Эркак кишига гажак тақиб, базм қилиш жиҳод эмас.

— Ҳа, балли, буни фаҳмлаб етибсан, — деди Зайниддин қори кулимсираб. — Ҳар қандай жанг ҳам жиҳод бўлавермайди, урушга кирган ҳамма ҳам шаҳидлик мартабасига етавермайди. Қани, ўрни келиб қолди, — Зайниддин қори Сабоҳиддинга синов назари билана қаради: — Абу Мусо розиёллоху анхудан бу хусусда ривоят қилинган ҳадиси шарифни эсла-чи, шояд масъала ойдинлашса.

Сабоҳиддин бу шарафли ҳадисни билса ҳам, одоб сақлаб, қўлини кўксига қўйди-да, «ўзингиз марҳамат қила қолинг», деган маънода енгил таъзим этди. Йигитнинг бу одоби қорига маъқул келиб, кўзлари кулди.

— Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан сўрадиларким, «Шижоат билан урушга кирган Одам Оллоҳнинг йўлида урушган бўладими, тарафкашлик учунми ёки риё учунми?» У зоти бобаракот жавоб қилдиларким, «Ким Оллоҳнинг сўзи олий бўлиши учун урушга кирса, Оллоҳнинг йўлида урушган бўлади». Шунга кўра айтишимиз мумкинким, бу кўраётганимизни тарафкашлик уруши демоқлик дурустдир. Ҳаттоки риё ҳам бор бунда. «Ўлсам шаҳид кетаман», деб юрганлар адашаётганларини билмайдилар. Ўлишдан осон иш йўқ, аммо шаҳидлик мартабасига етмоқлик жуда-жуда мушкул вазифа. Сиз билан биз буни биламиз, бироқ, бошқаларга айта олмаймиз. Уларнинг шаштини қайтармоқлик ҳам гуноҳ-да.

— Қори домла, англислардан нари бўлмоқликнинг имкони йўқми?

— Борликка бор. Аммо қурол-аслаҳалар кимдан олинади?

— Улардан қўрқулик.

Чаноққалъадаги уруш авж палласига кўтарилган кунлари бир сайхонлик ярадорларни даволаш майдонига айлантирилган, унда мусулмонлар билан бирга асир тушган англис, фаранги ярадорлари ҳам анчагина эди. Ҳарбий кемадан тушиб ёпирилган англислар мусулмонларга қўшиб ўзларининг ярадорларини ҳам қириб ташлашган эди. Ҳозир Сабоҳиддин ўша воқеани эслаб, устозига сўзлаб берди. Зайниддин қори бу аянчли ҳикояни эшитди-ю, жавоб қайтармай афсус билан бош чайқаб қўя қолди.

Битта доvon ошиб ўтиб, Норхўжанинг қароргоҳига кириб келишди. Қўрбоши қорини қучоқ очиб кутиб олди. Соғинган одамани кўриб қувонгандай анчагача бағрига босиб турди. Норхўжанинг орқасидан келганлар ҳам қуюқ салом-алик қилишди. Султонмурод эса қўрбошига ўхшаб қучоқлашиб омонлашди. Чинор соясига дастурхон тузалиб, давра қуришди. Ишоқ буқоқ

билан Асқар чўтир хизматга чорланди. Зайниддин қори Сабоҳиддин билан кўз уриштириб олди-ю, уларнинг чиқишига монелик қилмади.

Базм қизиган маҳалда Норхўжа Зайниддин қорини ўтовига бошлади.

— Базм ёшларга ярашади. Биз дунёнинг ишларидан гаплашайлик, — деди у қори ўтирган ерга лўлаболишини суриб. — Ўзингизча бир келай ҳам демайсиз. Ҳар ҳолда битта сойнинг сувини ичардик. Яхши ҳамки, тўрам мурувват қилиб, сизни биз томонга юборибдилар... Ё, ўзингизча келдингизми?

— Йўқ, тўрам юбордилар. — Зайниддин қори кулиб қўйди. — Сиз огоҳ бўлмаган сир борми ўзи бу дунёда?

— Бор! — Норхўжа шундай деб ёстиқни нари сурди-да, чўк тушди. — Тўрамнинг ҳаракатларига ақлим етмаяпти. Шўроларга қўшиладиганга ўхшайдиларми?

— Бу бир миш-миш...

— Йўқ, шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди. Эшитишимча, Жамол ўрис серқатнов бўлиб қолибди?

— Ҳа, тез-тез келиб турарди. Лекин қўшилиш ҳақида гап бўлганини эшитганимча йўқ. Бу хусусда Жамол ўриснинг ўзидан сўрамадингизми?

— Жамол ўрисдан биладиганимни билиб олдим. Омма тўрам қўшилгудай бўлса омон қолмайди. Шуни етказиб қўйинг.

— Менинг гап ташиш ҳунарим йўқ.

— Қўйинг бу гапларни, қори! Нима учун бу ерга ивирсиб келиб қолганингизни биламан. Сизга дангал бир гапни айтайми: уйингизда тек ўтиринг. Бу ғалваларга аралашманг. Сиз уруш тугагандан кейин керак бўласиз. Шунинг учун... мен сизни уйлантириб, Ўшга қайтариб юбораман.

— Уйлантириб?

— Ҳа. Хотинингизни эгам чақирганига салкам икки йил бўляптими?

— Бўйдоқларга раҳм қиламан, десангиз, ўзингизда камми?

— Ким?

— Султонмурод-чи?

— Э, қўйинг уни қори, сийдигининг кўпиги йўқ одамга қиз хайф!

— Менга қайси қизни раво кўряпсиз?

— Бегона эмас. Новқатлик Жалол ошнангизнинг қизини.

— Эшон, эсингизни едингизми?

— Йўқ, десангиз... уни бекларимга топшираман.

Бу гапни эшитиб, Зайниддин қори ўрнидан туриб кетаёзди.

— Йўқ, йўқ, асти ундай қила кўрманг, гуноҳга ботманг, — деди шошилиб.

— Демак, келишдик-а?

— Мен ўйлаб кўрай.

— Ўйлайдиган замон эмас. Эртага тўй.

Норхўжа гап тамом, дегандай ўрнидан туриб кетди. Зайниддин қори ҳолсизланиб қаддини кўтарди-да, хайрлашиб, ташқарига чиқди.

Сабоҳиддин синглисини имом паноҳига олганини эшитганда, «Бир бало бор», деб қўйган эди. Бу тонг унинг кўрган тушини эшитиб, ўйи тўғри эканига ишонч ҳосил қилди. Аммо орага қорининг аралашганига лол қолди. Нонуштадан сўнг уларни кўрбоши чақиртирди. Норхўжа гапни узоқдан бошлаб, энди муддаога кўчай деб турганда ташқаридан сўкинган овозлар эшитилди. Аҳмад дев кириб таъзим қилди:

— Бегим, от ўғрисини тутиб келтирдик.

— Қани?

Калтақдан юзлари моматалоқ бўлиб кетган бир кишини олиб кирдилар.

— Қаерда тутдиларинг?

— Ўзимизнинг ичимизда экан, бегим. Отларни ўғирлаб, Ғани қирғизга бўятиб яна қайта ўзимизга олиб келиб мукофот олар экан.

— Лақиллатаркан-да? Ғанини топиб келтир.

— У ҳам шу ерда. — Аҳмад дев чиқиб, кекса бир кишини бошлаб кирди.

— Отларни киши билмас қилиб бўяб берармидинг?— деб сўради Норхўжа.

— Шундай, — деди у.

— Қани ўзини ҳам бир бизга бўяб бер-чи?

— Бўямайман, эшоним, бу одам, жонивор эмас.

— Бўлмаса ўзингни бўяймиз.

— Худодан қўрқаман, эшоним, азобига чидамай ўлиб қолади.

— Ўлса, гуноҳи бизга, бўя!

— Йўқ, бўёлмайман.

— Дев! Сўраб кўр-чи, уларнинг орасида бўяшни биладигани бормикин? Топилса икковини ҳам бўят. Тирик қолса ҳайдаб юбор.

— Топилмаса-чи?

— Унда терисини шил. Ғанининг қўлларини чопиб ташла.

Айбдорлар олиб чиқиб кетилгач, Норхўжа гапини келган жойидан давом эттирди. «Бир ғалати туш кўрганини» айта бошлагач, Сабоҳиддин муддаони англади. Шундай бўлса-да, кўрбошининг сўзини бўлмай, охирига қадар тинглади.

— Замон оғир, қиз бола нозик чинни бўлади. Дарз кетиши ҳеч гап эмас. Мана шуларни мулоҳаза қила туриб синглингизни қорига никоҳлаб қўйсаммикин, деган хаёлга келдим. Эртаман қори билан маслаҳат қилдим. У киши рози, қори отангиз билан қиёматли ошна эди. Кеча узрингизни қабул қилиб, акангизни қўйиб юбордим. Бугун сиз сўзимизни ерда қолдирмассиз? — Норхўжа гапини тамом қилди. Сабоҳиддиндан жавоб кутиб, унга тикилди. — Пича ўйланг. Сизни шошираётганим йўқ.

— Ўйлаганим билан ўйим ниҳоясига етмайди, тақсир. Авваламбор, хоҳишингизни синглимга етказишим керак. Сўнг онам билан акам бу гаплардан беҳабарлар. Дадам раҳматлидан сўнг, бу никоҳга розиликни фақат акам бера оладилар. Устига-устак биз азадормиз...

— Гап бундай, мулла Сабоҳиддин: синглингиз ҳали ёр. Нима яхши, нима ёмон фаҳмига бормади. Ундан ризолик олиш ортиқча. Онангиз учун эса бари бир. Она фарзанди қаерда тиниб-тинчиб кетса, шунга шукр қилади. Акангиз имонини сотиб, оқпадар бўлган. Энди оила бошлиғи ҳуқуқидан маҳрум. Қизнинг буткул ихтиёри сизнинг қўлингизда.

— Агар қиз норизо бўлса, никоҳнинг кучи қирқилади.

— Мулла! — Норхўжанинг овози бирданига таҳдидли тус олди. — Фаросатингиз ҳақида кўп яхши гаплар эшитганман. Бу гапларни тасдиқ қиларсиз, деган умиддаман. Боринг, никоҳга тайёрланинг. Кечқурун тўй.

— Бир озгина фурсат беринг, тақсир.

— Фурсат — ғанимат. Эртанги никоҳ бугун ўқилса, осмон узилиб ерга тушмайди. Манавини олиб қўйинг, уйингизга қайтганда онангизга берасиз, — Норхўжа шундай деб тилла тангалар солинган халтачани узатди.

Таъзим билан чиқдилар. Сабоҳиддин Султонмурод юзига қарамади. Назарида ҳамма иш шу одамнинг режаси билан бўлган эди. Сабоҳиддиннинг бутун вужуди нафратга тўлган эди. «Устози»га гапиришни ҳам истамади. Зайниддин қори қўнган ўтовга қараб юрди. Қори уни ноҳуш кутиб олди:

— Ҳамма гапдан хабар топган кўринасан? — деди остонада серрайиб қолган Сабоҳиддинга — Қани, ичкари кир. Остонада гаплашишнинг хосияти йўқ.

Қори шундай деб уни ичкари чорлади-да, кеча бўлган гапни сўзма-сўз айтди.

— Кеча: «Норхўжа мени бир баҳона билан изимга қайтаради», дегандим. Гапим тўғри чиқди. Лекин бу қадар тез ҳаракат қилар, деб ўйламаган эдим. Ризолик беришдан бўлак

иложимиз йўқ. Кўп қайғурма. Сен ўғлим, Машҳура эса қизим. Уни она сутидай покиза ҳолича уйингга олиб бориб топшираман. Ўша ердаёқ талоқ хатини қўлига бериб, тенги чиқса тўйига бош бўламан. Кўнглингни хотиржам қил. Хўп десанг, Машҳура билан бувингни Ўшга олиб кетаман. Сен ҳозир чиқиб, бор гапни Машҳурага тушунтир. Унинг ҳам кўнгли чўкмасин.

Сабоҳиддин маъқул ишорасини қилиб, ўрнидан турди. Қорининг гапидан кейин бағридаги ғубор пича тарқаган бўлса-да, дарди енгиллашмади. Тўй ҳақидаги гапни синглисига қай ҳолда етказишни билмай гаранг эди.

У Машҳурага ажратилган ўтовга кириб ўтирди, ёнбошлади. Яна ўтирди. Машҳура акасидаги ўзгаришни сезди.

— Ака, сизга нима бўлди? — деди у ҳадик билан.

— Ҳеч нарса. — Сабоҳиддин шундай деб кўзини олиб қочди.

— Бесаранжомга ўхшайсиз?

— Сизга шундай туюлгандир.

— Ака, бу ерда яна қанча турамиз? Сиз мени олиб кетгани келмабмидингиз?

Сабоҳиддин жавоб бермади. Нима десин? Айти дамларда ўз эркига эга эмаслигини синглисига қандай тушунтирсин? Машҳура ундан жавоб кутяпти. Ёлғон гапиришга мажбур энди...

— Машҳураҳон, бувим сизга дадамнинг истаклари ҳақида ҳеч сўз очган эдиларми?

— Қандай истак?.. Йў-ўқ...

— Дадам сизни куёвга узатишга... ҳозирлик кўриб, сўз ҳам бериб қўйган эканлар.

— А?

— Мен ҳам кейин билдим. Сизнинг бу ерга келиб қолишингиз дадам раҳматлининг ўша сўзлари билан боғлиқ экан. Раҳматли дадам қори домламизга хўп, деб қўйган эканлар.

— Сизга ким айтди бунини? Дадам васият ҳам қилолмай кетдилар-ку?

— Бувим айтдилар.

— Ёлғон! Мени алдаяпсиз! — Машҳура шундай деб йиғлаб юборди.

— Ота сўзи — амри вожиб. Дадам раҳматли гўрларида тинч ётсинлар, десак...

— Жон акажон, ундай деманг! Алдаяпман, денг, акажон, алдаяпман, денг...

— Бу Оллоҳнинг инояти, тақдирга тан бериш керак. Пешонага шундай ёзилгач, кимга додимизни айтамыз. Осмон йироқ...

— Наҳот пешонам шунчалик шўр бўлса?! Уйимизга ғамдан бўлак нарса кирмас экан-да?!

— Тавба, денг, ношукур бўлманг? Дадам раҳматли сизга яхшилиқни раво кўрганлар. Одамлар қизини икки-уч хотин устига беряпти. Қори домламиз, Худога шукр қилинг, сўққабошлар. Кундошлар захридан озор чекмайсиз.

— Уйга кетайлик. Бу гапларни бувимнинг ўзларидан эшитай. Сиз алдаяпсиз!

— Уйга Худо хоҳласа, тўйдан сўнг борамиз.

— А? Нимага?

— Тўйни шу ерда қиламыз.

— Мен қочиб кетаман!

— Тўй шу оқшом бўлади...

Сабоҳиддин ёлғон-яшиқ сўзлар билан синглисини овутмоқчи бўлар, аммо шу топда қизга қўшилиб ўзининг ҳам йиғлагиси келарди.

Ташқарида аёл кишининг қисқа-қисқа йўталгани эшитилди. Кейин қулоққа таниш овоз келди.

— Муллака, сизни йўқлашяпти. Биз келин- пошшанинг пардоз-андозини бошлашимиз керак экан.

Сабоҳиддин Сожиданинг овозини таниб, ғижинди. Ноилож турди. Машҳура уввос солиб акасининг бўйнига осилди. Ялиниб-ёлборди. Сабоҳиддин қулт этиб ютиниб, синглисининг қўлларини елкасидан олди-да, шашт билан бурилиб чиқиб кетди.

«Тўй»нинг қандай ўтганини Сабоҳиддин билмади. Оғзига бир қултум сув ҳам олмади. Қулоғига ёр-ёр ҳам эшитилмади. Нест бўлиб юрди, ўтирди. Биров билан гаплашиш учун сўз тополмади. Сўз бор эди. Бироқ уни эшитадиган дардкаш, ҳасраткаш дўст йўқ эди. Унинг барча азобларига энди ёлғизлик дарди ҳам қўшилганди.

Сабоҳиддин ухлаган-ухламаганини ҳам билмайди. Бир пайт худди синглиси қичқиргандай бўлди. У кўзини очди. Жимлик. Йўқ, ана, Машҳура яна қичқирди. Сабоҳиддин беихтиёр ўтов томонга югурди. Ўтов атрофида икки-уч киши уймаланиб юрар, Сожида эса кираверишда ўтирган Машҳурани овутмоқчи бўлиб турарди.

— Нима гап?

Машҳура акасининг овозини эшитиб, ёзилган сочларини бир қўли билан ғижимлаганича, иккинчи қўли билан ичкарини кўрсатди.

— Ана, ана... — Унинг тили гапга келмай қолган эди. Сабоҳиддин ҳеч нимага тушунмади.

— Сиз айтсангиз-чи, нима бўлди? — деди Сожидага қараб бақириб.

— Билмадим, муллака, билмадим. Куёв почча омонатларини... — деди Сожида титраб.

Сабоҳиддин отилиб ичкари кирди. Гўшанга узилиб тушган, ўринда Зайниддин қори қимирламай ётар, жағи тушган, кўзлари олайган эди. Сабоҳиддин гўшанганинг бир четини йиртиб унинг жағини танғиб боғлади. Сўнг унинг очиқ қолган кўзларини юмиб қўйди-да, ташқарига чиқди.

## СОЗЛАНИШ

Самовархонада Дилмуроднинг овози эшитилиб, Рҳақ нонини еб бўлаётган Девонадан кўзини олди. Девона чойини хўриллатиб ичгач, унга қараб тиржайиб қўйди-да, пастга тушиб кетди. Дилмурод унинг изидан бир оз қараб турди. Сўнг Рҳақ-Мирзавойнинг ёнига ўтирди.

Шу пайт шалағи чиқаёзган юк машинаси йўлни чангитиб келиб, гузарнинг ўртасида тўхтади. Пешонасини рўмолча билан танғиган ҳайдовчи пастга тушиб, олд ғилдиракни тепиб кўрди-да, «Ҳорманг, Асқарали тоға» деб бақирди турган ерида.

— Аравангни томга чиқариб қўймадинг-да, — деди Асқарали унга қараб. — Сал четроққа олсанг бўлмайдимми?

— Ғам еманг, тоға. Мошина қишлоқда битта бўлгандан кейин кўзга кўриниб туровурсин. Мошина юзта бўлсайкан, йўлни тўсиб қўйдинг, деб ташвиш чексангиз, — у шундай деб Асқарали билан кўришди. — Қани, олинг энди, бир хуморбосди қилайлик.

Асқарали белбоғини қайириб носқовоғини олди-да, унга узатди.

— Нима бало, тупроққа ағанаганмисан, кўзларинг ҳам кўринмай қолибди?

— Э, раис тиндирмайди. Мошина бўлмаса нима қилардийкин, гарангман. Омма тоzza тентагимни чиқазяпти, — у шундай деб носқовоқни кафтига уриб-уриб қўйди-да, пўкагини очиб ичига қараб турди.

— Баққа бер, — Асқарали ундан носқовоқни тортиб олди-да, кафтига бир чеким нос тушириб, тилининг тагига ташлади. — Ма, пўкак, мунча кўрқасан?

Зокирхўжа индамай носдан отди-да, нариги сўрига бориб ўтирди.

— Шатта ўтировурмай кетганини қаранг, ке баққа.

— Шошиб турибман, тоға. Бир пиёла чой ичсам, бас.

— Мирзавой иним, чойдан борми? Аввал чойнакнинг ичини қаранг, илон-пилони йўқмикин?

Бу гапга ёндаги сўрида ўтирганлар кулди. Зокирхўжа тескари қараб олди.

— Илон деса, етти чақиримдан қочади. Унга сари улфатлари ҳам қўйиша қолмайди. Туновинда носқовоқ ичига илонди боласини солиб беришибди. Шундан бери носқовоқдан чўчийди, — деб изоҳ берди Асқарали.



— Чиндан кўрқсалар, бундай қўпол ҳазил қилиш керакмас, — деди Дилмурод.

— Гап уқтириб бўладими? — деди Зокирхўжа ўтирган жойидан. — Буларга майна қилиш бўлса, бас. Э, ўргилдим...

— Бўлди, аччиғинг чиқмасин. Ўзинг жизиллайвермасанг, ҳеч ким сенга тегишмайди. Ичингга илон ташлаб юборганда ҳам индамай тур-чи, яна шундай ҳазил қилармикин?

— Асқарали тоға, бас энди, шу чойни ичайми-йўқми?!

— Бўпти, тавба қилдим, ичовур. — Асқарали шундай деб Дилмуроднинг ёнига ўтирди. — Сўз хўп ғалати нарса-да. Бир сўз билан бош осмонга ҳам етади, жон бўғизга ҳам келиб қолади.

— Сўз буюмларнинг ўлик сояси бўларкан. У ханжарга айланиб юракка санчилиши, ҳаёт суви бўлиб жон ато қилиши ҳам мумкин экан. Қайси бир шоир шундай деган, кимлиги эсимда йўқ, — деди Дилмурод унинг сўзини маъқуллаб.

— Ким бўларди, ҳазрат Навоий-да! «Ҳайратул-аброр»да айтадилар. Эмишки, сўз тартибсиз сочилиб ётган гавҳар, шоир эса заргар. Гавҳарларни ўрни-ўрнига қўя олса, ажиб ғазал битилади.

Агар Зокирхўжа ўрнидан турмаганда, Асқаралининг сўзи ҳали-бери тугамасди.

— Асқарали тоға, Марказга кетяпман, хизматлар борми?

— Хизмат йўқ, эсон-омон бориб кел.

— Раёнга тушадиганлар бўлса, олиб кетай, — деди Зокирхўжа бошқалар эшитадиган қилиб. Ҳеч кимдан садо чиқмагач, машинаси томон юрди. Кабина эшигини очди-ю, яна қарсиллатиб ёпди. Овозини баралла қўйиб кимнингдир онасини «ўқиб» ташлади. Ўнг томондаги сўрида ўтирганлар кула бошлашди. Зокирхўжа: «Ҳе энангди...» деб қайта-қайта сўкинганча машина атрофида айланар, кабинага яқинлаша олмасди. Бошқалар эса унинг қилиғига қараб қотиб-қотиб кулишарди.

— Оббо даюслар-е, яна илон ташлаб қўйишганга ўхшайди, — деди Асқарали ўзини кулгидан туютолмай.

Дилмурод ўрнидан туриб машина томон юрди. Кабинага яқинлашиб ичкарига қаради: ҳақиқатан ҳам илон чўзилиб ётибди. Дилмурод аста эшикни очди. Самовархонадагилар кулгидан тўхтаб унга тикилишди. Дилмурод эшикни очишга очди-ю, юрагига кўрқув югуриб, нима қилишни билмай қолди. «Илонни бўйнидан маҳкам тутса ҳеч нима қилмайди», деган гапни эслаб, чаққонлик билан илонни ушлади. Илон қимирламади.

— Дўхтир ака, чақиб олмадимми? — деди кимдир. Яна кулги кўтарилди. Дилмурод ўлик илонни четга улоқтирди. Зокирхўжа ҳамон сўкинганча моторни ўт олдириди-да, газни босиб машинани елдириб кетди. Асқарали сўридаги йигитларни койиди.

Дилмурод хижолат бўлиб юқорига чиқарини ҳам, чиқмасини ҳам билмай турганда йўғон толга суюниб ўтирган Девонага кўзи тушди. Девона унга ўйчан боқарди. Йўқ, ўйчан эмас, унинг нигоҳида қандайдир бепарволик, лоқайдлик зоҳир эди. Дилмурод шу пайтгача Девонани бу аҳволда кўрмаган эди.

Девона эринибгина ўрнидан турди. Йўл ўртасида чўзилиб ётган ўлик илоннинг думидан ушлаб кўтарди-да, тол танасидаги кавакка ташлади. Кейин ҳеч кимга эътибор бермай мазорбоши томон юрди. Унинг йўл ўртасидаги илон ўлигини четга олиб қўйиши Дилмурод қалбидаги умид чироғини ёқди. Одатда Девона бир ишни бажаргач, мақтов кутибми, тиржайиб қўярди. Бу сафар эса... Демак, унда ўзгариш бошланган!

Дилмуроднинг бағрига шодлик ели уфурди. Аммо бу шабадага учмай: «Ҳали эрта, ҳали эрта», деб ўзини босди. Унинг хаёлини Асқаралининг: «Дилмуроджон, келинг энди, чой совуяпти», деган гапи бўлди.

Асқарали дамлаган чой яримламай туриб, гузарда тўқим урилмаган эшакка мингашиб олган бола кўринди. У пастга тушмай Асқаралини чақириб: «Пропесур дўхтир амакини раис бува йўқлаптилар. Тезда борар эканлар», деди-да, эшакнинг қорнига товони билан ниқтади.

— Даюснинг боласини қаранг, — деди Асқарали кулиб, — югурдаги ҳам «егардан тушмайди-я!»

Дилмурод пиёлани тўнкариб ўрнидан турди.

Раис идора эшиги олдида кутиб турганди. Дилмурод билан қуюқ сўрашиб ичкари бошлади.

— Тамакидан ҳам қутулиб олдик. Колхознинг хазинаси пича қаппаядиган бўлди. Келаси йили айтганингиздай қилиб, эмизикли аёлларни чиқармаймиз. Энди дўхтир ука, одамлар ҳар хил гап қилиб юришади. Уларга кўпам қулоқ солаверманг. Мен эртаю кеч тиним билмасдан, нима бўлса колхозга бўлсин, дейман. Улар эса...

— Мамарайим ака, очиғини айтсам хафа бўлмайсизми?

— Ие, нимага хафа бўламан. Йигит киши дангал гапи билан хотиндан фарқ қилади-да!

— Дангалини айтсам... Сиз одамларни ранжитиш ҳисобига ишлар экансиз. Шунинг учун сизни ёмон кўришади.

— Ёмон кўришади? Нимага бундай деяпсиз?

— Ўзингиз буни билмайсизми?

— Мени ёмон кўрганларнинг мақсади манави, — раис шундай деб столни уриб қўйди.

— Йўқ, унчалик эмас. Бекорчи хавотирга берилар экансиз.

— Бу хавотир эмас, ҳақиқат. Мен пича бўш қўяй, кейин кўрасиз.

— Сиз бир умр раис бўлиб турмайсиз-ку? Вақти келиб қарийсиз, раисликни бирорта ёшроқ кишига топширишади. Ўшанда... Ўзингиз ранжитган одамлар орасида қандай яшайсиз?

Раис қўл силтади.

— Бир гап бўлар, жуда сиз ўйлагандек эмасмиз... Сизни чақирганимнинг боиси, раёндан топшириқ беришган, ёрдам қилмасангиз бўлмайди, Худога қарши бир маъруза қилиб берасиз. Одамларимиз мактаб муаллимларининг гапини кўп эшитишган. Сиздай олим одамнинг маърузаси таъсирлироқ чиқади. Хўп десангиз, шу оқшом одамларни тўплай.

Раис мажлисга колхознинг кексаю ёшини тўплади. Гузарга одам сиғмай кетди. Чойхонадаги сўриларни пастга олиб тушиб қарияларга жой қилишди. Мактабдаги узун столдан иккитасини келтириб, тепасига қизил мато ёпдилар. Мажлисни раиснинг ўзи очиб, диннинг зарари ҳақида узоқ гапирди. Кейин Дилмуродга сўз берди. Дилмурод сўридаги қарияларга бир қараб олиб, «ҳали уларни ранжитиб қўймасам эди», деб эҳтиётлик билан гап бошлади.

Аввал диннинг келиб чиқиши, ақидалар, урф-одатлар ҳақида шошилмай гапираркан, орасира қарияларга кўз қирини ташлаб қўярди. Оқсоқоллар унинг сўзларини диққат билан эшитар, айримлари эса норози қиёфада бош чайқашарди. Дилмурод буни сезар, норозилик сабабини ҳам билар эди.

Ҳар қандай маърузачи суҳбат якунида асосий мавзунини ўзи шуғулланадиган соҳага боғлагани сингари Дилмурод ҳам диннинг зарарли жиҳатларини руҳий касалликларга боғлаган ҳолда тугатмоқчи бўлди. У муддаога энди кўчганда, кимдир қаттиқ овозда: «Мўйлов жинни сизга нима учун керак бўлиб қолди, шуни ҳам айтинг», деб луқма ташлади.

Ғала-ғовур бошланди. Раис ўрнидан туриб овоз келган томонга қаради:

— Тек турунлар. Ичларинг қайнаб кетаётган бўлса, совутиб қўяй.

— Тўғри-да, — деди ёш-яланлар ўртасида турган йигит, — келганларидан бери Мўйлов жинни билан оворалар. Нимагалигини билишга қизиқяпмиз-да. Шунга ҳам дўғ урасизми?

— Қизиқсанг, идорага кел, тушунтириб қўяман.

Дилмурод раисга қараб: «Қўяверинг», деган ишорани қилди.

Раис ўтирди. Одамлар яна тинчишди.

— Қизиқишингиз ўринли. Мана шу мажлисдан фойдаланиб мақсадимни тушунтиришга ҳаракат қиламан. Мен врачман. Вазифам беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш. Мўйлов жинни, энг аввало одам шундай эмасми? У ҳам биз каби эсли-хушли бўлган. Эрамизга қадар бешинчи асрда яшаган буюк юнон донишманди Гиппократ: «Бир томондан лаззатланиш, шодлик, кулги, ўйинлар, бошқа томондан ғамгинлик, маъюслик, норозилик, ачиниш мияда вужудга келади. Шу

туфайли биз тентак бўламиз, алаҳлаймиз, кечаси ёки куппа-кундузи ваҳимага, қўрқувга тушамиз», дейди. Жиннилик—одамзодда учрайдиган касалликларнинг бири. Бу, хасталик — Худонинг қаҳридан эмас, одамнинг ташқи муҳитдан таъсирланиши оқибати. Баъзилар ҳаддан ташқари таъсирчан бўлади. Демак, уларда руҳий касалликка мойиллик ҳам бошқаларга нисбатан кучлироқ. Биз руҳий хасталикларни бир неча турга бўлиб ўрганамиз, даволаймиз. Ҳозир сизларга бу ҳақда гапириб ўтирмайман. Бу махсус суҳбат талаб қилади. Мен саволингизга жавоб бериш учун муддаога кўчай: жиннилик — даволаш мумкин бўлган касалликларга киради. Бунинг биздан илгари ўтган улуғ аллома табиблар яхши билганлар. Бундан минг йил илгари Бағдод, Шоми Шариф, Дамашқ деган шаҳарларда руҳий касалликларни даволовчи шифохоналар очилган. Лекин жинниларга меҳр эмас, нафрат кўзи билан қаровчилар ҳам кўп бўлган. Илгари Европанинг кўп мамлакатларида руҳий беморларни жодугар, деб ўтга ташлаганлар. Дунёда ҳеч қачон қора кучлар ҳукмрон бўлган эмас. Ёмон ниятларга қарши яхши, ёруғ мақсадни кўзлаган алломалар курашганлар. Пинел деган франтсиялик олим руҳий беморларга нафрат билан қарамай, уларни даволаш шиорини олға сурди. Шу асосда беморлар сақланадиган қамоқхоналар шифохоналарга айлантирилди. Юз йил илгари Коколли деган инглиз олими руҳий беморларни камситмаслик масаласини кўтарди. Бу олимлар, шунчаки, раҳм-шафқатнинг қули сифатида руҳий беморларни ҳимоя қилмадилар. Уларнинг барча хатти-ҳаракатлари илмий асосга эга эди. Биз ўзимизни ана шу инсонсевар олимлар ишининг давомчилари деб биламиз. Шунинг учун ҳам беморларга бефарқ қаролмаймиз.

Дилмурод руҳий беморларни диндорлар томо- нидан даволашга уриниш яхши натижага олиб келмаслигини гапириб, сўзини тугатди. Одамлар раисдан ҳайиқишдимиз, ё ҳамма гапга яхши тушунишдимиз, ёки аксинча бўлдимиз, ҳар ҳолда савол беришмади. Раис хўжалик ишларига оид масалада яна нутқ сўзлагач, мажлис ёпилди. Дилмурод ТЕТ ни синаб кўраётганини атайин тилга олмади. Аввало уни тушунтириш кўп вақт талаб этарди. Қолаверса, ҳозирча исботлаб бўлмаган тахминларни овоза қилишнинг фойдаси ҳам йўқ эди...

Мажлисга йиғилганлар тарқалишди. Фақат энг олдидаги сўрида ўтирган олти қария ўрнидан жилмади. Рҳақ-Мирзавой уларнинг мақсадини дарров англади. Дилмуродга яқинлашиб паст овозда «жангга ҳозирланинг», деди-да, ўзи чой дамлагани юқорига кўтарилди. Дилмурод унинг гапини тузукроқ фаҳмлашга улгурмай қарияларнинг энг озғини уни чақирди:

— Прапесур ўғлим, биз билан бир пиёла чой ичинг...

Дилмурод куллуқ қилиб келиб сўрининг бир четига омонат ўтирди.

— Сўзларингизни жон қулоғимиз билан эшитдик, хўп доно йигит экансиз, отангизга балли, — деди озғин қария. Қолганлар бош ирғаб унинг гапини тасдиқлашди. Сўрида бу қарияга нисбатан ёши улуғроқ оқсоқоллар ҳам ўтиришарди. Дилмурод уларнинг сукут сақлашидан бу қариянинг давра аҳли орасида алоҳида мавқега эга эканини сезди. Рҳақ-Мирзавой келтирган чойни соқоли кўксига тушган қария олиб, уч марта қайтарди. Ўзи бир хўплагина қуйиб ичгач, пиёлага икки хўплагини чой қуйиб, озғин қарияга узатди.

— Кўп билимли йигит экансиз, ўғлим, отангизга раҳмат. Аммо баъзан ўйламай гапириб юбориш одатингиз бор экан. Ҳали ноўрин сўзларни ҳам айтиб юбордингиз, нафас ютиб индамадик. Энди, насиҳат биздан лозим, ўғлим. Мусулмон дини динлар ичида энг покизаси. Унга тош отиш ярамайди. Динни назарга илмаслигингиз чакки.

— Отахон, хафа бўлмангу, аммо замонавий фан назарга илмаслик у ёқда турсин, динни зарарли деб ҳисоблайди.

— Нимаси зарарли экан, қани бизга бир тушунтириб беринг-чи?

— Дин билан боғлиқ ҳамма нарсалар зарарли.

— Шундан қай бирлари, аниқроқ айтвинг.

— Масалан, одамларни қилган гуноҳлари учун қўрқитиш, уларни ёлғон умид билан ушлаб туриш, Худо яратган турли ғаройиботлар билан бошларини айлантириш... Бу «ғаройиботлар» борган сайин фан ютуқлари олдида тиз чўкяпти.

— Ўғлим, сўзингиздан маълум бўлдики, диннинг зарарини ўзингиз ҳам дуруст билмайсиз.

— Нимага энди...

— Андак сабр қилинг. Гапларингизни яхшигина уқдим. Аслида сизга дўппим ёқинқирамабди, сиз эса мени бутунча ёмонотлиққа чиқардингиз. Фанимиз тараққий этяпти, дедингиз. Худо хоҳласа, бундан ҳам юксакроқ камолга етади. Дин пешволари ҳеч маҳал бунга шак келтирмаганлар. Чунки илм Оллоҳ томонидан яратилган ғаройиботларни бандаларга тушунтириб беради. Мен ҳам оми эмасман. Баъзи нарсалардан хабарим бор. Қадимги алломалар аввал Худонинг номини тилга олиб, кейин иш бошлаганлар. Ҳозиргилар ҳам шундай қилишса, ажаб иш бўларди.

— Бизда бундай тахминга муҳтожлик йўқ.

— Қадимнинг энг буюк алломалари Худога ишонганлар-ку? Илм билан дин келишиб яшаши мумкин.

— Худога ишонувчи айрим олимлар ҳали фан деган гап эмас. Умуман, улар бу соҳада янглишгандирлар, ёки келишишга мажбур бўлгандирлар. Дин ҳамиша фан йўлига тўғаноқ бўлиб келган. Жуда кўп олимларнинг қувғин қилинганини, ўлдирилганини билсангиз керак?

— Жаҳолат ботқоғидаги айрим одамлар — ҳали дин эмас. Сиз илм ва дин оламини бир бутун олиб қарши қўяпсиз, шекилли? Шундай олиб қарасақ, мусулмон дини илми сира инкор қилмайди. Сиз айтган қувғинлар, ўлдиришлар насроний дини тарихида бўлган. Ислон дини ўлимга ҳукм қилган биронта олимни айтинг-чи? Айтолмайсиз. Сизларнинг пирингиз бўлмиш Ар Розий, ибн Синолар ҳам мусулмон эдилар. Уларни шариат «жодугар» деб ҳукм қилганини эшитганмисиз? Ҳа, эшитмагансиз. Қуръони каримнинг биринчи нозил бўлган сураси қайси муборак сўз билан бошланади? Билмасангиз билиб олинг: Алақ сурасининг аввалида, астаъизубиллаҳи: «Икраъ бисми роббикал лази холақ. Холақал инсана мин алақ. Икра ва роббукал акрам», содоқоллоҳул азийм, дейилган. Бу дегани «Бутун борлиқни яратган зот бўлмиш Роббингиз номи билан ўқинг. У Инсонни лахта қондан яратди. Ўқинг! Роббингиз карамлидир». Хўш, ўқишга даъват этувчи дин илмга душман, жамиятга зарарли бўлармикин?

— Қуръонда айтилган бўлиши мумкин. Амалга оширилмаган гаплар кимга керак?

— Ўғлим, донолик яхши, омма муқаддас оятларни назарга илмай, қаттиқ гапиришингиз чакки. Дарвоқе, ўзингиз Қуръон билан танишмисиз?

Дилмурод бундай саволни кутмаган эди. Жавоб беришга тараддулланиб қолди.

— Таниш эмассиз, очиғини айтовринг. Шунчаки инкор этиш осон. Лекин моҳиятини билмай туриб рад қилмоқ эса гуноҳ саналади. Сиз аввало дин билан бидъат ва хурофотларни ажратиб олинг. Сиз айтган бекорчи урф-одатлар дин эмас, кераксиз бидъат ва хурофотдир. Мен Марғилонда сиз каби зиёли бир йигитнинг катта йиғилишдаги сўзларини тасодифан эшитиб қолдим. Азамат тозза бир соат гапириб, қуръонни ерга булғади. Сўнг мен унга ҳозирги саволни бердим. «Қуръонни сиздан ҳам яхши биламан», деб жавоб қилди. Шунда мен «Тўқсон олтинчи суранинг олтинчи, еттинчи оятларида нималар дейилган?» деб сўроққа тутдим. Бу ҳозир эшитганингиз Алақ сураси, оятлар эса инсоннинг қорни тўйиб, бадавлат бўлгач, такаббурлашиб туғёнга кетиши ҳақида эди. Йигит лом-мим деёлмади. Охири Қуръонни билмаслигини тан олди. Билмай туриб тош отгани учун шарманда бўлди.

— Отахон, сиз-ку Қуръонни билар экансиз, лекин ҳамма муллаларни ҳам шундай деб бўлмайди-да.

— Суриштираман десангиз, бу сизларда ҳам бор гап, ўғлим. Ҳар ҳолда, дин жамиятнинг бешигини тебратиб келган катта куч. Сизнинг бош кўтарганингизга ҳали ҳеч қанча вақт бўлмади. Катта чинорга отилган тош қайтиб тушаверади.

— Биз дин ожизларнинг иши, деб биламиз. Бундай касаллик билан курашиб, уни даволаш керак.

— Янглишяпсиз, ўғлим. Дин ожизларнинг эмас, доноларнинг иши. Худога ишонувчи одам манманликдан, бировга зулм қилишдан холи бўлади. Бу бирламчи, иккиламчи дин кишиларнинг руҳиятига кучли таъсир кўрсатади. Сизлар эса бу қудратдан маҳрумсиз. Динни мутлақо инкор этмай, келишувингиз сизга фақат фойда беради.

— Яхши, отахон, келишдик ҳам дейлик. Биз бир томонда одам Худонинг ғаройиботи эмас, табиатнинг бир бўлаги десагу, сиз бошқа томондан табиатни Оллоҳ яратган, деб турсангиз, бу ёғидан қандай наф унади?

— Чиндан ҳам табиатни Роббимиз Оллоҳ яратган-да!

— Яхши, табиатни Худо яратган, дейлик. Худони ким яратган? Йўқдан бор бўлганми?

— Хўп, табиатни Худо яратмаган экан, гапингизни маъқул дейлик. Хўш, одамни-чи? Унда одамни ким яратган?

— Одам табиатнинг қонуний ривожланиши маҳсули.

— Баъзилар маймундан пайдо бўлган дейишади шекилли? — қария шундай деб айёрона жилмайди.

— Тўғри, одам маймундан пайдо бўлган, — деди Дилмурод кинояни фаҳхламай.

Озғин қария кулди. Унга бошқалар ҳам қўшилди. Қария Рҳақ-Мирзавой келтириб қўйган ликобчадаги майиздан олиб оғзига ташлади.

— Нимага куляпсиз?

— Айбга буюрмасангиз, бир гап келди, ўғлим: Сизнинг ота авлодингиз маймунми ё она авлодингизми?— бу гапдан кейин оқсоқоллар баралла кулиб юборишди. Сал нарида баҳсни диққат билан эшитаётган Рҳақ-Мирзавой ҳам, Асқарали ҳам кулгидан ўзларини тиёлмадилар.

— Отахон, бу гапингиз янги эмас, — деди Дилмурод ҳам кулгига қўшилиб. — Мана шу назарияни яратган олимга ҳам шу саволни беришган. У киши: «Мен авлодимнинг маймундан келиб чиққани учун қайғурмайман. Аммо ҳали ҳам икки оёқда юривчи онгсиз, нодон маймунлар борлигидан афсусланаман», деб жавоб қайтарган эканлар.

Қариянинг танглайига майиз пўсти ёпишдими, ё қалқиб кетдими, ё Дилмуроднинг гапи таъсир қилдими, бехосдан йўтал тутди. Оқсоқол чойдан қуйиб узатди. Қариянинг йўтали босилгач, Дилмурод гапини давом эттирди:

— Олимнинг шогирди эса: «Мен ўз ҳаётини хавф остига қўйиб пода қоровулини қутқариш мақсадида ёвуз душманга ташланган маймун авлоди бўлишни бегуноҳ ғанимларни азоблаб лаззат топувчи, қонли қурбонликлар қилувчи, ўз фарзандларини ўлдирувчи, хотинларини чўри ўрнида кўриб муомала қилувчи, ҳеч бир уяти бўлмаган ҳолда Худога сиғинувчилар авлодига мансуб бўлишдан кўра юқориқ қўяман!» деган экан. Отахон, узр, бу сизга тааллуқли эмас. Юз йил илгариги гаплар билан саволингизга жавоб қилдим. Менингча, бундан бошқачароқ жавоб бўлмаса керак...

— Чиндан ҳам жавоблари ўткир экан, омма гапни кавлаштираманг, яна бир савол чиқяпти. Хўш, нима учун ҳозирги маймунлар одамга айланмайди?

— Отахон бу бир кун, икки кунда бўладиган гап эмас. Табиатнинг қонуний ривожланиши натижасида амалга ошадиган жараён. Бунга балки юз минг йил, балки миллион йил талаб этилар. Икки оёқли «маймун»ларни одам қилиш қийину сиз тўрт оёқлигини айтасиз.

Дилмуроднинг бу гапидан кейин яна кулги кўтарилди. Қариялар «тўғри-тўғри», деб бош силкиб маъқуллашди. Бундан фойдаланган Дилмурод қўққис бошлаган самимий баҳсни ўз фойдасига ҳал қилиш учун озғин қарияни бехос саволга тутди:

— Отахон, нима учун Худо Муҳаммад пайғамбардан сўнг ерга элчи юбормади? Нима учун Қуръон Худонинг охириги китоби бўлиб қолди?

— Янгисига ҳожат йўқ-да. Ислом дини охир замон дини, Муҳаммад алайҳиссалом охир замон пайғамбаридир.

— Агар диннинг талаблари ҳисобга олинса, ҳожат борга ўхшайди. Ахир, одамлар борган сари гумроҳ бўлиб кетяпти-ку, наҳотки, Худо бунга бефарқ қараса?

— Пропесур ўғлим, сиз андак қуюшқондан чиқиб кетдингиз. Нафсиламрини айтганда, мен ҳалиги маърузангиздан кейин сизни инсофга чақириб қўймоқчи эдим. Афсуски, инсофга юрмас экансиз. Ҳар ҳолда мусулмончиликка шак келтирмаганингиз маъқул. Бир танангизга ўйлаб кўринг. Дин илмини ҳам ўрганинг. Ана шунда баҳсга киришсангиз ярашади. — Қария шундай деб ҳамсубҳатларига қаради. Улар бош ирғаб маъқул ишорасини қилгач, фотиҳага қўл очди. Оқсоқоллар кетгач, Асқарали бу қариянинг Ўшдаги катта масжидда имом экани, бу ерга меҳмон бўлиб келганини айтди. Дилмурод диннинг моҳиятини билмай туриб баҳслашганидан изза чекди. Тўғри-да, бирор-бир саводсиз киши психиатриянинг асослари бўйича Дилмурод билан баҳс қилса, унга нима деб баҳо берарди? Дилмуроднинг ҳам кўнгли хира бўлиб Рҳақ-Мирзавой билан хайрлашди-да, Асқаралига қўшилиб уйга қайтди.

Рҳақ Дилмуроднинг мажлисдаги гапларини ҳам, қария билан қилган баҳсини ҳам эшитиб, Сабоҳиддинни кўз олдига келтирди. Сабоҳиддин ҳам жамиятни фақат дин инсофга келтиради, дер эди.

Янги жамият янги йўл танлаган бўлса-да, қарашлар кураши сўнмабди. Ерда эски хотиралардан бирдан қутулиш қийин. Тангда бўлак гап эди. Улар ҳозир Рҳақнинг Ер сайёраси ҳақидаги дастлабки таассуротларини унутишган. Унинг кундалиги тарих жавонига тушган.

Бугун-ерта Рҳақнинг куни битса, уни ким эслайди? Агар Ерда жон берса, «Мирзавой деган бир одамови дўхтир бор эди», деб ёдга олиб туришар. Қариялардан бири руҳига қуръон бағишлар. Тангда бўлса-чи? Куйдирилиб, кули устига тупроқ тортилиши билан ҳамма нарса тугайди. Ҳатто Фид ҳам эсламай қўяди. Чунки унинг бошида олам-олам ташвиш. Борди-ю, ундан аввал Фид ўлса-чи? Уни Рҳақнинг ўзи эслайдими?

Рҳақ дўстининг қиёфасини кўз олдига келтириб сесканди. «Йўқ, ўлмай турсин. Мен билан яна ким диллашади?»

Рҳақ мана шу ўйлар билан ётиб ухлаб қолди.

Дилмурод эса анчагача ухлай олмади. Кўзни юмди дегунча илонни четга олиб қўйган Девона гавдаланаварарди. Ўрнидан туриб ўтирди, ҳовлига чиқди. Сой бўйига тушди. Қайтиб кириб ётди. Кўзини юмди: ўша ҳол такрорланди. Яна ўрнидан турди. Ҳовлига чиқди-да, беихтиёр қабристон томон юрди.

Хужра эшиги берк, аммо ичкаридан Девонанинг овози келиб турарди. Дилмурод эшикка қўл юборди-ю, лекин ичкари кириш фикридан қайтиб, Девонанинг узук-юлуқ гапларига қулоқ солди:

— Норхўжа... қўрбоши... Норхўжа... Сожида, ана келди! Келди!

— Увв!..

Бирдан Девона жонҳолатда қичқириб юборди. Дилмурод беихтиёр ичкарига отилиб кирди. Ғира-ширада деворга биқиниб дир-дир титраётган Девона худди устига ажал бостириб келаётгандай юзини панжалари билан тўсиб, бақира бошлади:

— Бегим, бегим, тавба қилдим... Ака, қочинг! Увв...

Дилмурод аввалига қимир этмай турди. Кейин изига қайтиб эшикни ёпди.

Ичкаридан Девонанинг кулгиси эшитилди.

Кейин у йиғлади.

Сўнг жимиб қолди.

Дилмурод нима қиларини билмади. Чунки Девонанинг бу қилиғи унинг учун янгилик эди. Девона нималарнидир эслаяпти. Агар илгари бу номларни тилга олмаган бўлса, демак, ТЕТ кучини кўрсатяпти: Девонанинг мияси созлана бошлаган...

Бир ҳафтадан сўнг Девонани учинчи марта чарм қоплаган тахта сўри томон бошлашди. Девона бу сафар ҳам индамай кириб ётди-да, кўзларини чирт юмиб олди. Муолажа тугагандан кейин ҳам қимирламади. Дилмурод Мирзавой билан Сабоҳонни имлаб ташқарига чиқди.

— Сабохон, сиз Ҳақберди бувадан бир хабар олиб келинг, — деди Дилмурод тол соясидаги сўрига ўтирар экан, — бугун ўзлари келмоқчи эдилар, дараклари бўлмапти.

Сабохон кетгач, Дилмурод Рҳаққа юзланди.

— Мирзавой ака, Девонада ўзгариш бошланган, сезяпсизми?

— Пича ўзгарди шекилли?

— Бошқалар ҳам сезишганмикин?

— Нима эди?

— Девона сал эсини таниса, шов-шув бўлиб кетармикин, дейман?

— Қўрқяпсизми? — деди Рҳақ кулиб. — Меҳнат қилгандан кейин шуҳрат юкини ҳам кўтарасиз-да...

— Жуда ичим куйиб кетди. Мен бир чой ичиб келай, сиз қараб туринг. Ётаверсин, индаманг.

Дилмурод шундай деб чиқиб кетди. Рҳақ эса деразага яқинроқ бориб Девонага тикилди. Шу аснода унга Сабоҳиддиннинг кейинги ҳаёти аён бўлди.

## «ПОК» НИЙАТ

Сабоҳиддин, гўшангада чўзилиб ётган Зайниддин қорининг жағини танғигач, ташқарига чиқди-ю, шошилиб келаётган Норхўжага рўпара бўлди. Қўрбоши унинг қаршисида тўхтамай, нимадир деб пичирлаб ўтовга кириб кетди. Дам ўтмай изига қайтди-да, Сабоҳиддинга юзланди.

— Мулла Сабоҳиддин, йўлга ҳозирланинг. Зайниддин қорини Ўшга қўямиз. Мен асрга етиб бораман. Дев, отларни эгарла. Ўзинг Холикберди тўрамга хабар қил. Шилпиқни Ўшга жўнат. Барвақтроқ хабар етказсин.

Норхўжа «маъқулми?» дегандай Сабоҳиддинга нигоҳини қадади. Сабоҳиддин қўлини кўксига қўйгач, у: «Бевақт ўлимдан Тангрининг ўзи сақласин», деб оқ ўтов томонга юрди.

Сабоҳиддин: «Қўрбоши ҳозир ҳаммани буровга олади», деб ўйлаган эди. Унинг хотиржамлигидан ҳайратга тушиб, ўтовдан икки-уч қадам нарида турган синглисига қаради:

— Бўлди, ўзингизни босинг, кўпам ваҳмга берилманг, — деди уни овутиш мақсадида. — Қори домлам жонлари узилмай туриб бирон нарса демадиларми?

Машҳура ўйланиб қолди.

— Дедилар... дедилар, шекилли.

— Нима дедилар?

— Яхши эшитмадим. Охирида «Худо урди!» дедилар.

— Жон беришда қийналдиларми?

— Ҳа. Аввал «юрагим кўйяпти», дедилар. Чой сўрадилар. Чойни ичиб баттар бесаранжом бўлдилар.

— Нимага одам чақирмадингиз?

— Қўрқдим... Кейин яна чой бердим. Бир-икки қултум ичиб, кўзлари олайди...

— Чойни ким олиб кирган эди?

— Чойними? Анави..

— Юраклари куймасдан илгари ҳам ичган эдиларми?

— Ҳа, бир чойнакни бўшатганлар.

— Чойдан қолганми?

— Кейингисининг ярми шундай турибди.

Сабоҳиддинга воқеа равшанлашгандай бўлди. Ичкарига кириб чойнак-пиёлани олди-да, Норхўжанинг ҳузурига қараб кетди. Лекин: «Қўрбоши ухляпти», деб уни ичкарига қўймадилар. Сабоҳиддин нима қиларини билмай турганда, Норхўжанинг ўзи чиқиб келди.

— Ҳа, нима гап? — деди у норози оҳангда.

Сабоҳиддин бор гапни баён қилиб, чойнак-пиёлани узатди.

— Ол, — деди Норхўжа соқчига имо қилиб. Соқчи чойнак-пиёлани ичкари олиб киргач, Сабоҳиддинга қаради: — Сиз кетаверинг, арава тайёр бўлгандир. Мен гуноҳкорни ўзим топаман.

Дарҳақиқат, ҳозир айбдорни суриштирадиган вақт эмасди. Сабоҳиддин бўзлаётган синглиси билан хайрлашиб, аравага эргашди. Анча ергача отни етаклаб пиёда борди. Икки доvon ошилгандан кейингина отига минди.

Норхўжа айтганига амал қилиб, асрга етиб келди. Жанозанинг бошида ўзи бўлди. Қабристондан Зайниддин қорининг уйига келиб, тиловат қилди-да, изига қайтди. Кетар маҳалида Сабоҳиддинни бир четга тортиб: «Сиз йигирмаларини ўтказиб, сўнг қайтасиз, буни сарф-харажатга ишлатинг», деб халтачада пул узатди.

Келди-кетди билан бўлиб Зайниддин қорининг ўғиллари бехос ўлимнинг сабабини суриштиришмади. Сабоҳиддин эртами-кечми ҳисоб беришга мажбур эканини биларди. Норхўжа шунинг учун ҳам уни қолдириб кетди. Ахир қори унинг синглисига уйланиб, гўшангада жон берди-ку? Норхўжа, қори айтганидай, айёр экан. Сабоҳиддин буни жанозадан кейин тўла ҳис қилди. Ана шундай одамнинг миллат отаси бўлмоқчи эканини эслаб, ғазабдан вужуди ёнди. Бугун у ўзининг йигитларига ҳукм ўтказди. Эртага Холиқберди тўрани ямлаб, ҳокимлик қулочини кенгроқ ёяди. Кейин бошқа қўрбошиларни бўйсундиради. Миллат отаси бўлади. Юрт эса харобликка юз тутди. Халқнинг боши қирғиндан чиқмайди. У миллат, миллат деб, ваъз айтаверибди-ю, одамларнинг аҳвол-руҳиясига қарамабди. Виждон билан малъунликнинг бир вужудда яшашини ҳисобга олмабди. Одамнинг жиғилдони уйғонса, энг аввало виждонини кемиради. Ғазаб бош кўтарса, меҳр кетади. Малъунлик қад ростласа, яхшилик чирийди. Сабоҳиддин буни акаси Сибир қилинганидаёқ англаши лозим эди. Аммо у инсофга ишониб, саробни орзу қилиб юраверди. Ниҳоят, Норхўжанинг хатти-ҳаракатларини фикр тарозисидан ўтказгач, бу аччиқ ҳақиқатни тан олиб, юраги ларзага келди. Қалбида уйғонган нолаю афсуслар бағрини аёвсиз тилди. Энди у аросатга қадам қўйиб бўлган: на қайтиши, на илгарилаши мумкин. Фишт қолипдан кўчган, қилич қинидан суғурилган. Қароргоҳда Машҳура қон йиғлаб ётибди. Норхўжа бутун айбни унинг бўйнига қўяди. Сожидага тегмайди. Сожида... Бунчалар расво бўлмаса бу хотин. Келиб-келиб Норхўжага хизмат қиладими, аламини шу норасидадан оладими? Йўқ, унинг учун Машҳура бир восита. Машҳура орқали у Сабоҳиддиндан, Жамолиддиндан ўчини олди. Ҳа, маккор хотин! Ҳали қараб тур, Худо сени ит азобига солмасами...

Сабоҳиддин юрса ҳам, турса ҳам шу ўйлар ҳукмида эзилди. Эртасига, пешин намози пайтида, Холиқберди тўра етиб келди-ю, бу азобдан бир оз холи бўлди.

Холиқберди тўра намоздан сўнг қабристонга бориб тиловат қилди. Мозористон атрофидаги етим-есирларга садақа улашди. Кейин Сабоҳиддинни ёнига олиб шаҳар оралади. Сабоҳиддин йўл-йўлакай унга бўлган воқеани айтиб берди. Холиқберди тўра унинг гапларини индамай эшитди. Анчагина сукутда қолди.

— Гуноҳи менинг бўйнимда, — деди у ниҳоят синиқ овоз билан. — Била туриб ўлимга юборибман. Афсус чеккан билан мурда тирилмайди. Энди ўзингизни ўйланг. Жамол сиздан ризо эмас. Сизни деб мен билан хафалашди. Бир жиҳатдан у ҳақ. Ака бир ён, ука бир ён бўлгани мақбул эмас. Ихтиёрингиз ўзингизда. Истасангиз, уйингизга қайтинг. Бугун-ерта ўшни шўроларга топширамиз. Улар Андижонда катта куч тўплашяпти. Бас келишимиз қийинга ўхшайди.

— Синглим Норхўжанинг қўлида-ку?

— Ҳа, дарвоқе, аввал Норнинг олдига қайтар экансиз. Ўша ерда бўла туринг. Ҳеч бир ишга аралашманг. Сал тинчиб олганимиздан сўнг, сизни ҳузуримга чақиртираман.

Улар шаҳарни оралаб, болахонали уй қаршисида тўхташди. Ичкаридан болаларнинг овози эшитилиб турарди. Холиқберди тўра отдан тушиб ичкарига кирди. Бошқалар ҳам унга



эргашишди. Эшик тепасидаги: «Шўролар етимхонаси», деган лавҳага кўзи тушиб, Сабоҳиддин ажабланди.

Холиқберди тўра ичкари кириши билан ҳовли тинчиб қолди. Соч қўйган қилтириқ киши тўра билан қўшқўллаб сўрашди.

— Хўш, мудир афанди, аҳволлар дурустми? Болаларни зориқтирмаяпсизми?

— Кам-кўстимиз йўқ, тўрам.

— Қани, болаларни сафланг-чи. Нималарга ўргатаётибсиз?

Мудир ўттизга яқин болани дарров сафлади. Ораста кийинган болалардан беш-олтитаси қаддини ғоз тутиб шеър айтди. Шеърлари инқилобий руҳда бўлса ҳам, Холиқберди тўра уларни бўлмайд эшитди. Кейин ўрнидан туриб мудирга икки халта пул берди.

— Буларни зориқтирманг, — деди қатъий оҳангда. Сўнг болаларга юзланди. — Сизлар яхши ўқинглар. Ўқишдан бошқа ҳеч нарсани ўйламанглар. Замон ҳам тинчиб кетади. Келажакда юртга ўзларинг ҳокимлик қиласизлар. Ўқимас экансизлар, сизлардан эл рози бўлмайди.

Холиқберди тўра шундай деб изига қайтди.

— Ҳа, мулла, шўроларнинг етимхонасига мурувват кўрсатганимга ҳайронсиз-а? — деди у отга минар чоғида. Кейин жавоб кутмай гапини давом эттирди: — Болаларда гуноҳ йўқ. Катталар бир-бирининг гўштини еяпти. Бу ҳам жоҳиллик оқибати. Урушда биз енгсак ҳам, шўролар енгса ҳам, бари бир, эрта шу болаларники. Ўқиса, яхши-ёмонни ўзи ажратиб олади.

— Айтган шеърлари бошқача-ку?

— Ҳа, сизгақуръондан суралар ўқиб берсинми?— Холиқберди тўра кулди. — Йўқ, мулла, энди янгича савод чиқариш керак. Зайниддин қорини шунинг учун яхши кўрардим.

Холиқберди тўра ўттизга яқин йигити билан оқшомга яқин ўшдан чиқиб кетди. Сабоҳиддин, унинг буйруғига кўра, эртасига бомдоддан сўнг йўлга тушди. Бир кунгина Новқатга қўниб, онасини йўқлади. Сабоҳиддинга уйлари етимчадек мунғайиб кўринди. Бир ҳафта ичида онаси озиб, кўзлари киртайиб қолибди. Дармони йўқлигидан ҳовлига ҳам қаролмаган кўринади-райҳонларни зарпечак ўрабди. Сабоҳиддин онасига бўлган воқеани маълум қилиб ўтирмади. Акасининг озод этилганини билдириб, Машҳурани шу икки-уч кун ичида жўнатиб юборажагини айтди-да, йўлга отланди. Она яна ғамини ичига ютиб қолаверди.

Норхўжа Сабоҳиддиннинг барвақт қайтганидан ажабланмади. Ўтовга таъзим билан кирган Сабоҳиддиннинг саломига совуққина алик олиб пойгақдан жой кўрсатди.

— Холиқберди мени хушламай юрарди. Энди кўрарга кўзи қолмади. Бунинг боисини фаҳмлагандирсиз?— деди нигоҳини қадаб. — Унинг назарида қорини мен ўлдиртирганман! У ҳеч қачон сингилчангизни айбламайди.

— Ахир чиндан ҳам синглим...

— Ким бўлмаса?! — Норхўжа шундай деб бақириб юборди. — Қани, айтинг, ким? Сожидами? У ҳам бўйнига олмади. Чойнақда қолган чойни ичирдим. Бало ҳам урмади. Хўш? Балки бу тўранинг найрангидир? Яширмай айтовуринг, гуноҳингиздан ўтаман.

Сабоҳиддин бу гапни эшитиб, гарангсиб қолди. Тили айланмади.

— Найранг? Қанақа найранг, сўзингизни англамадим? — деди ғудраниб.

— Тушунмадингизми? — деди Норхўжа пичинг билан. — Холиқберди қорини ўлдиришни сизга топширмаганмиди?

— Ё, Оллоҳ! — Сабоҳиддин шундай деб ёқа ушлади. — Ўлимдан хабарим бор, аммо бу гап етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган. Қори домламнинг ўлимлари тўрамга нима учун керак экан? Ахир... тўй сизнинг ниятингиз билан бўлди-ку?

Бу гапдан кейин Норхўжа сал пасайди. Дарвоқе, Сабоҳиддинга айб тўқиётганда бунисини ўйламаган экан. Энди унга қарши сўз айтолмай юмшашга мажбур бўлди.

— Сожида айбни бўйнига олмаса ҳам уни жазога буюрдим.

— Ўлимгами?

— Йўқ, нимага энди? — Норхўжа захархандалик билан кулди. — Бизни бу даражада бемехр деб ўйламанг. Биз, одатимиз, бўйича, беозорлик либосларини кийганмиз, омма лозим бўлса, душман қонидан тепаликларни суғорамиз. Фикримча, сиз душман эмассиз. Шунинг учун акангизнинг гуноҳидан ўтдик. Синглингизни йигитлар қўлига никоҳсиз берилишидан сақлаб қолдик. Сизга бўлган ҳурматимиз бизни бу йўлдан тийди. Шу ҳурмат ҳаққи, яна бир карра марҳаматимизни дариф тутмай, синглингизни эмас, айбсиз жувонни калтаклатиб, гуноҳини бўйнимга олдим. Ахир бандаларига бесабаб жазо берилса, Оллоҳнинг ғазаби келади, шундай эмасми? Домлангизга айтинг, синглингизни олиб, Новқатга қайтсин.

Сабоҳиддин яна таъзим билан чиқди.

Норхўжа ҳали олдинда жиддий олишувлар борлигини сезарди. Шунинг учун ҳам беақл Султонмуроддан қутулиб, итоаткор бандага айланган Сабоҳиддиннинг хизматига умидвор эди. Худо хоҳласа, лак-лак муридлари бор эшонлардан бири Норхўжа қароргоҳига кириб келади. Ўшанда мулла йигитнинг ҳам баҳридан ўтади-қўяди!

Сабоҳиддин ўтовдан чиққач ҳам, синглисини кузатиб қўйгандан кейин ҳам ўйлаб ўйига етолмади: «Қори ака Норхўжани қиморбоз, деб сўкардилар. Одатда қиморбозлар ҳам айёр, ҳам мард бўладилар. Ҳозир қўрбошининг мардлиги тутдими ё янги ҳийла ишлатмоқчимиз? Нима учун менга яхшилик қилмоқчи. Мендан қандай наф кўрмоқчи? Қори акамнинг ўлимларида ким айбдор? Сожидан ижрочи холос. У чойга захар қўшилганини билмаган бўлиши ҳам мумкин?»

Норхўжа бу кеч базмга изн бермади. Шунинг учун ҳам қароргоҳга барвақт осойишталик чўқди. Сабоҳиддин оқ ўтовга қўрбошининг яқинлари тўпланганини билиб: «Бир гап борга ўхшайди», деб қўйди. Оқ ўтовдан одамлар чиқиб кетгач, Норхўжа уни ҳам йўқлатди.

— Эртага йигитларим билан сафарга чиқаман. Холикберди тўра ёрдам сўраяпти. Шўролар Ўш билан овора бўлиб турганда Наманганни олмоқчи. Дўпписи сал торроқ. Бир ярим минг йигит сўраттирибди. Уни амиралмуслимин, деб фотиҳага қўл очганмиз. Истагини бажо келтиришга мажбурмиз. Худо хоҳласа, Наманганда қишлаб, Наврўзни Қўқонда қаршилаймиз.

— Иншооллоҳ.

— Бомдоддан сўнг йўлга чиқамиз. Бекларимнинг руҳига мадад берадиган ваъз айтинг.

— Хўп бўлади, тақсир.

— Сизни шу ерда қолдирамиз. Худо мададкор бўлиб Наманганни олсак, орқамиздан тушиб борасиз.

Султонмурод оқ ўтовга чорланмай қўйганидан хавотирда эди. Издиҳомдан сўнг йўқлов бўлганда бир оз чўчиган, аммо юзидан кулгини йўқотмаган ҳолда оқ ўтовга кирди.

— Тақсирим, кўринмайдилар? — деди Норхўжа пичинг билан.

— Соёи-давлатингизда...

Султонмуроднинг гапи чала қолди.

— Зайниддин қорининг ўлимидан куйиб кетганга ўхшайсиз? Рангингизни ҳам сал олдириб қўйибсиз. Ишқилиб, Худо асрасин сизни.

— Дуоларингиз, иншооллоҳ, ижобат бўлсин.

— Тақсирим, қорига ким захар берибди экан, билмайсизми?

— Ўлимдан хабарим бор...

— Билмайсизми?

— Айбдорни жазоладингиз-ку?

— Сиз мени ким деб ўйлаяпсиз? Онамдан калтафаҳм бўлиб туғилган эканман-да, а?

— Ундай деманг, эшоним, сиздай улўғзот...

— Бас! — Норхўжа тиззасига шапати уриб, ўрнидан туриб кетди. — Аслида мен сенинг терингни шилишим керак эди. Қорида нима қасдинг бор эди? Қушчани қизғандингми? Ё қори олдида обрўдан кетишдан қўрқдингми? Сенда обрў борми ўзи? Сарик чақага қиммат туллак эканингни биласанми ўзинг?! Зайниддин қори менга керак эди, сен уни единг. Энди кўзимга

кўринма. Қизни олиб, Новқатга қайт. Агар унинг юзига нопок нигоҳинг тушса, кўзларингни ўяман. Бор, жўна.

Султонмурод осон қутулганидан қувониб, Норхўжанинг этагини ўпиб, кўзига суртди-да, уни дуо қила-қила ўтовдан чиқди.

Бомдод намозидан сўнг Сабоҳиддин кўрбошининг истаги билан йигитларнинг руҳини кўтарувчи ваъз айтди:

— Азиз биродарлар, ҳозиргина барчамиз аҳли муслим бажо қилиши лозим бўлган фарзлардан бирини адо этдик. Муҳаммад алайҳиссалом айтадиларки, беш фарзнинг бири бўлмиш намоз бандаларни бузукликдан ва номаъқулчиликдан сақлайди. Бу ҳадиснинг нақадар чин экани ойдин равишда барчангизга аён бўлиб турибди. Шайтон васвасасига учиб намоздан қайтган, имонини сотган юрдошларимизнинг айримлари шу бузуклик йўлига кирдилар. Улар ўзларининг хатти-ҳаракатлари билан қиёмат-қойимни чақиряптилар. Бу дунёда ҳаёт кечираётган ҳар бир гуноҳкор банда кўзи очиқ бўлса ҳам баъзан қай йўл тўғри, қай бири жаҳаннам йўли эканини кўра олмайди. Бандалар ҳидоят йўлини кўрсатувчи Тангрига ва унинг марҳаматига ҳамиша муҳтожлар. Ҳижратдан ўн икки йил аввал, рамазон ойининг йигирма еттисига ўтар кечасида, яъни лайлат ул-қадр куни Оллоҳ-таоло Муҳаммад алайҳиссаломга ваҳий юбориб бандаларни ҳақ йўлга бошлашни буюрди. Юртимизни депсиб, хорлик сари бошлаётган имонсизлар Оллоҳ-таолонинг муқаддас сўзлари битилган Қуръони каримга ҳам шак келтирмоқдаларким, уларнинг охиратлари, иншооллоҳ, буткул куйгай. Тангри уларга дўзахдан макон ҳозирлаб қўйган. Муҳаммад алайҳиссалом айтадиларким, менинг умматларимдан кимки Оллоҳнинг амрига ҳозир турса, у сира камлик кўрмайди. Бундай умматларни хорловчи ва уларга зидлик қилувчиларга шодумонлик дарвозлари тақа-тақ беркилади. Бу имонсизлар Оллоҳнинг қаҳрига учраб, қиёмат-қойим бўлгунга қадар хорликда яшайверадилар.

— Сиз, азиз биродарлар, Оллоҳнинг амрини бажармоқ учун иссиқ уй-жойларингизни, бола-чақаларингизни ташлаб ислом лашкарлари сафига қўшилган экансиз, ишооллоҳким, Тангрининг мағфиратига чўмилгайсизлар. Роббимиз марҳамат қиладики, астаъизубиллаҳи: «Валлазийна ҳожаруна фий сабилиллаҳи сумма қутилуу ав мату лаярзуқаннаҳумуллоху ризқан хасан ва инналлоху лаҳум хойрур-розиқиин». Садоқоллоҳулазийм. Яъниким, Оллоҳ йўлида ҳижрат қилган, сўнгра қатл этилган ёки вафот топган зотларни, албатта, Оллоҳ гўзал ризқ яъни мангу жаннат билан ризқлантирур. Дарҳақиқат, Оллоҳнинг ўзи энг яхши ризқ берувчидир.

Сабоҳиддин сўзларини жон қулоғи билан тинглаётган одамлардан кўз узмасди. Гапира туриб: «Кеча йигитга гажак қўйиб, ўйнатиб, базм қилганлар шуларми? Улар ҳақида нотўғри тўхтамга келмадимми?» деган фикр хаёлидан ўтди. У: «Гапларим таъсир этяптимикин?» деган ўйда сал нарида турган кўрбоши томонга ҳам қаради. Норхўжа унинг ваъзини бошини қуйи эгган ҳолда тингларди. Хаёлидан нималар кечяпти — қилган гуноҳларига тавбами ё навбатдаги зулм режасими — билиб бўлмасди. Сабоҳиддин назарини ундан олмаган ҳолда сўзини давом этди: — Ҳар бир тирик жон токи нафас олар экан, Ватани озодлиги учун, дин поклиги учун курашмоғи лозим. Йўқса, бора-бора одамлар исломдан юз ўгирадилар, масжидлар молхоналарга айлантирилади, болалар оталарига қўл кўтарадилар, хотинларимиз, қизларимиз, опа-сингилларимиз кофирлар билан айшу ишратга бериладилар. Оқибатда, Оллоҳ қиёматни юборади. Қуръони каримда шундай зикр этиладиким: «Одамлар билан қилинадиган ҳисоб-китоб яқинлашди, улар бўлса бепарво юз ўгириб юрибдилар. Ҳа, улар муҳлатни ёлфон деб ўйлайдилар. Булар учун биз оловни тайёрлаб қўйдик». Фарғона вилоятида бош кўтарган имонсизлар қўли баланд келгудай бўлса, Тангри бу оловларни ерга юборади. Қиёмат келган тақдирда ҳам, Оллоҳ-таоло аҳли муслимни шафқат нурлари билан паноҳига олади. Чунки мусулмонлар Оллоҳ-таолонинг танланган бандаларидир. Қуръони каримда дейиладики, «кимки келажак ҳаёт экинларини экса, биз унинг ҳосилини кўпайтирамиз. Кимда-ким яқин ҳаёт

экинине афзал кўрса, биз унга хоҳлаганини берамиз, аммо унга келажакдан ҳеч қандай ҳисса йўқ». Кўфр йўлидагиларнинг оқибатини ҳам Яратган Роббимиз ўз каломида аниқ баён этгандир. Қачонки сур чалиниб, қиёмат бошланганида умри иймонсизлик билан ўтганларга қарата Оллоҳ айтадики: «Сизлардан олдин ўтган жин ва инсдан иборат кофир умматлар ичида сизлар ҳам дўзахга кинглар!» Ҳар бир уммат дўзахга киргач, шеригини лаънатлайди. У ерда бир-бирлари билан жам бўлиб топишишгач, охирги уммат ўзидан олдингиси ҳақида «Ей Роббимиз, ана ўшалар бизларни адаштирганлар. Уларга дўзах азобини икки баробар қилиб бергин», дейдилар. Шунда Оллоҳ «Ҳар бирларингиз учун икки баробардир, лекин сизлар бунинг ҳикматини билмайсизлар», дегай. Яна Тангри-таоло золимларнинг жазосини аниқ баён этадики, «Уларга жаҳаннам ўтидан остиларига гилам ва устиларига ёпинчиқ бўлур...» Сиз, муҳтарам биродарлар, ўз хатти-ҳаракатларингиз билан бугун келажак уруғларини сепмоқдасизким, инша Оллоҳ, унинг ширин меваларидан баҳраманд бўлурсиз. Орага шайтон қўшилиб, бир миллат, бир дин фарзандлари бир-бирларининг қонларини тўкмоқдалар. Наилож, бу ҳам Оллоҳнинг иродаси, улуғ синови. Оллоҳнинг ижозатисиз дарахтлар куртак ҳам чиқармайди, урғочилар ҳомиладор ҳам бўлишмайди. Оллоҳ иймонсизларга «Жонингни ўз биродаринг олсин», деб жазо юборган экан, инша Оллоҳ, шундай бўлаверади. Агарчи, миллатимизнинг озодлиги, динимизнинг поклиги йўлида жонингиз қурбон бўлса, тўғри жаннатга равона бўласиз. Шаҳид кетганларнинг у дунёдаги ҳаёти боқийдир ва роҳат билан ўтади. Агар ўлим тақдирга ёзилмаган бўлса, қирқ йил қирғиндан ҳам омон чиқасиз. Тақдирдаги ўлим муддати келган бўлса, уйингизда ҳам ўлаберасиз. Шунинг учун барчангиз Оллоҳ-таолонинг номини дилга жо қилиб, умрларингизга барака сўрангиз. Чунки «Ҳеч бир жон Оллоҳнинг изнисиз ва ёзуғда белгиланган муҳлатга етмасдан ўлмайди». Инша Оллоҳ, ўлим ёмғирининг барчаси ғанимлар устига ёғилгай. Ваъзамиз сўнггида яна Оллоҳ таборак ва таоло марҳамат қилган оятлардан бирини зикр этайлик. Роббимиз дейдики, астаъизубиллаҳи: «Я айюҳаллазийна оману сабиру ва собиру ва робиту ваттақуллоҳа лаълакум туфлихуун». Садоқоллоҳулазийм. Яъниким, эй иймон келтирганлар, сабр қилингиз ва сабр тоқат қилишда кофирлардан устун бўлингиз ҳамда доимо кураш, яъни жиҳод учун белингиз боғлиқ ҳолда ҳозир бўлиб турингиз. Ва Оллоҳдан кўрқингизким, шунда шояд нажот топгайсиз». Оллоҳнинг амрига итоат этмоқлик ва нажот топмоқлик барчамизга насиб айласин. Қани, омин, ғалабаёр ислом лашкарини Тангрининг ўзи қўлласин! Душманга хорлик, дўстга фароғат ато этсин! Оллоҳу акбар!

Сабоҳиддиннинг ваъзаси одамларни гўё сеҳрлаб қўйган эди. Норхўжа буни сезди. Сезди-ю, «Бу мулла бало экан, ҳали кўп каромат кўрсатади», деб қўйди.

\* \* \*

Тоғларга қиш эрта келади. Норхўжа кетган кундан уч кеча-кундуз ўтгач, қор тушди. Аммо пешинга қолмай эриб кетди. Ўша дамда Сабоҳиддинни базмларни қизитиб юргувчи Асқар чўтир йўқлаб келди.

— Тақсир, малол келмаса, ўтовимизга бирров кирсангиз, деб келиб эдим. Сожиданинг айтадиган гапи бор экан.

— Унинг сўзларини эшитадиган қулоқ йўқ.

— Бечора ўша кундан бери ўнганмаяпти. Кўзим очиқлигида бир сирни айтиб кетай, деяпти. Бу сирдан беҳабар қолсангиз, увол бўлишингиз мумкин экан.

Сабоҳиддин Сожиданинг калтакланганини кўрмаган бўлса-да, одамлардан эшитган, «ўзи Худо урадиган эди», деб эътибор қилмаганди.

— Азбаройи худо, буни ҳийла деб ўйламанг, тақсир.

Сабоҳиддин чопонини кийиб унга эргашди. Ўтовга яқинлашгач, чўтир секин йўталиб қўйдиди, ичкарига кириб кетди. Дам ўтмай қайтиб чиқиб: «Кираверар экансиз», деди. Ўтовнинг бир

чеккасига тўшалган ўринда Сожида ҳаракатсиз ётарди. Нимқоронғида унинг ранги ўликка ўхшаб кетган эди.

— Чиқиб туринглар, — деди Сожида чўтир билан буқоққа. Унинг овози синиқ, сўзлар узилиб-узилиб чиқарди. Холи қолишгач, Сожида яна гапира бошлади:— Муллака, берироқ ўтиринг. Худо омонатини сўраяпти шекилли. Умрим охирида бир савоб иш қилай, рози-ризолигингизни олай, деб сизни айттирдим. Жаҳлингиз чиқмасин. Ҳар қалай бегона эмассиз. Пешонамга шундай ишлар ёзилган экан, нима қилай? Кейинги эрим тирик бўлганда, балки... — унинг сўзи ичида қолди. Баданида оғриқ туриб ингради, кейин «Сув беринг», деб пичирлади. Сабоҳиддин пиёладаги сувни тутди. — Илоҳи бу дунёда кам бўлманг...

— Менга қандай сирни очмоқчи эдингиз?

— Қори аканинг ўлимларида айбим йўқ. Чойни менга уйинг куйгур имом-домлангизнинг ўзи дамлаб берган эди.

Сабоҳиддин сесканиб кетди.

— Султонмурод аками?

— Ҳа, ўзингизнинг тақсирингиз. Сиз ҳали кўп гаплардан беҳабарсиз. Эҳтиёт бўлинг. Илондан қўрқмасангиз-қўрқманг, аммо булардан ҳайиқинг. Агар керак бўлмай қолсангиз, сизни ҳам қорига ўхшаб...

— Очмоқчи бўлган сирингиз шуми?

— Ҳа, шу, сиздан фақат бир ўтинчим бор?

— Айтинг.

— Менинг куним битганга ўхшайди. Ташқарида турган икки кишини танийсиз-а? Шуларни тезроқ бу ердан чиқариб юборинг.

— Нимага?

— Бизни бу ерга акангиз юборган эдилар.

— Акам?

— Ҳа, базмларни қизитган бўлиб, шўроларга маълумот йиғиб беришади. Худо хайрингизни берсин, уларнинг кетишига ёрдам қилинг.

— Норхўжа ўрнига Аҳмад девни ташлаб кетган. Унга айтиб кўраман.

Сожида бу гапни эшитиб, аянч билан жилмайди.

— Девдан марҳамат кутгунча кофирдан имон кутинг.

— Хотиржам бўлинг, учовларингизни кузатиб қўяман. — Сабоҳиддин шундай деб ўрнидан турди.

— Муллака, яна бир гапни айтиб кетай: мен акангиз олдида покиза эдим. Отга вақтида ем ташламаганим учун аччиқ устида талоқ қилган эдилар. От деса ҳамма нарсадан кечадиган бўлиб қолган эдилар, эслайсизми? Кейин бўзахўрликка ҳам майл қўйдилар. Талоқ хатимни берганларидан кейин, мени бузуққа чиқариб, ўзларини оқламоқчи бўлдилар. Ишонмасангиз ўзларидан сўранг. Умрим қисқа бўлмаганида сирни ўзим билан олиб кетардим. Яна орқамдан ёмон ўйлар билан ёдламанг, деб айтдим. Рози бўлинг... Мен сизлардан — розиман...

Сожида кейинги гапларни йиғламосираб айтди. Сабоҳиддин нима дейишини билмай ташқарига чиқди.

— Тақсир, — деди буқоқ унинг йўлини тўсиб, — биз кетадиган бўлсак, ўзимизни эплаймиз, омма бу жувонга қийин. Ўрис табиблар кўрмаса, нобуд бўлади. Шу бугуноқ жўнатишнинг имконини топинг.

— Яхши, тайёр туринглар.

Сабоҳиддин шундай деб тўғри оқ ўтов томонга юрди. Норхўжа кетгандан кейин Аҳмад дев шу ерни эгаллаб олган, Сабоҳиддин кирганда у бўзанинг кучидан маст бўлиб ўтирган эди.

— Ҳа, мулла йигит, келсинлар, — деди у жойидан жилмай.

— Ҳозир яллачиларнинг ўтовига кирган эдим.

— Хўш!

— Сожиданинг жони ҳалқумига келиб қолибди...

— Мен нима қилай, жонини қайтарайми? — Дев бўза қўйиб симирди-да, оёқларини узатиб ёнбошлади.

— Агар омонатини топширса, ким ғассол бўлади?

— Сиз! — Аҳмад дев шундай деб хахолаб кулди. Кейин хиқичоқ тутиб кулгидан тўхтади.

— Уни уйига жўнатиш керак.

— Мумкин эмас, қўрбоши қайтгунча қумурсқа ҳам жойидан жилмайди. Сиз ҳам, мулла, — Аҳмад дев кейинги сўзларни ғудраниб айтди-да, бошини ёстиққа қўйди. Сабоҳиддин энди тураман деганда у: «Шилпиқ!» деб бақирди.

Ўтов оғзида соқчилик қилиб турувчи тўладан келган хунук одам ичкарига мўралади. Девнинг ухлаб қолганини кўриб, Сабоҳиддинга савол назари билан қаради.

— Нимага чақирдилар? Бўза келтирайми?

— Арава тайёрлаб, анави яллачиларни йўлга солиб юборар экансиз.

— Ие, кўнгилхушлик нима бўлади?

— Биродарларимизнинг қони тўкилаётган маҳалда кўнгилхушлигингиз нимаси?

— Узр, тақсир, тилимдан бехос учди.

Шилпиқ одам беўхшов таъзим қилиб чиқди. Сабоҳиддин хаёлига келган бехос фикрдан мамнун бўлиб ўтовига қараб кетди.

Ертасига кўзлари қизарган Аҳмад девнинг ўзи унинг ўтовига кириб келди.

— Бу қанақаси бўлди, мулла йигит? Яллачиларни нимага қўйиб юбордингиз?

— Менми?

— Ҳа, сиз! Шилпиқ!

— Лаббай бегим.

— Шу одам айтдимми?

— Ҳа.

— Эшитдингизми?

— Бўзахўрлик эплаган одамга ярашади. Агар хушингиздан айрилган бўлсангиз, қўрбоши келганда маълум қилиб қўяй. «Айтинг, бажарсин», деб уни чақирган ўзингиз-ку? Сизни мен чақирдимми, ё бу кишими?

— Бегим ўзингиз чақирдингиз.

Шилпиқ шундай дейиши билан Аҳмад дев унинг юзига шапати тортиб юборди. Кейин сўкинди-да, чиқиб кетди.

Ўша куни шомга яқин қор ёға бошлади. Дарахтларнинг заъфарон барглари гўё кафт ёйиб, қорларни тутиб оларди. Лекин аллақачон жон томиридан узилган бу баргларга қор узоқ кўниб турмайди. Уларни титратиб пастга сирғалиб тушади. «Қор ернинг ғуборини беркитмоқчи бўлади. Одамлар эса турли баҳоналар билан гуноҳларини яширмоққа интиладилар. Аммо қор эриб, ернинг қора юзи кўрингани каби ҳақиқат қуёшининг чехраси очилганда, уларнинг гуноҳлари аён бўлади-ку! Нима учун буни ўйламас эканлар? Мана шу Аҳмад дев гуноҳлари ошкор этилгач, одамларнинг юзига қандай қарар экан?»

Сабоҳиддин биринчи қорни шу хаёллар билан кутиб олди.

Орадан кунлар ўтаверди.

Норхўжадан ярим ой дарак бўлмади. Аҳмад дев йигитларни олиб икки марта пастдаги қишлоқлардан озик-овқат ғамлаб келди. Қор тизза бўйи бўлганда Норхўжа бекларини олиб қайтди. Лашкарларнинг ярмидан кўпи йўқлиги, қўрбошининг киртайган кўзлари, маъюс чехраси уларнинг мағлуб қайтаётганини ошкор қилиб турар, ҳол-аҳвол суриштириш ортиқча эди. Зеро, Сабоҳиддин бунга эҳтиёж сезмади. У Сожида айтган сўзлардан сўнг Норхўжанинг мақсади ҳақида кўп бош қотирди. Норхўжа нима мақсадда уни ушлаб турибди? Қорини нима учун аввал уйлантириб, кейин ўлдирди? Гуноҳни синглисига ағдариш, кейин қизга шафқат

кўрсатиб, эвазига Сабоҳиддинни бурундуклаш учунми? Бунчалик хатти-ҳаракатнинг боиси нима? Норхўжа уни фақат ваъз айттириш учун ушлаб тургани йўқдир?

Сабоҳиддин эртами-кечми Норхўжа мақсадини аён қилажагини билар, шу сабабли унинг қайтишини сабрсизлик билан кутарди. Ибодатларида Худога нола қилиб, акасининг гуноҳларини сўрарди. Чунки унинг тахминича, акаси бу пайтда Наманганда ҳам бўлиши мумкин эди.

Норхўжанинг ҳузурига Сабоҳиддин ҳол сўрагани эмас, мажбур бўлгани учун кирди. Қўрбошининг гапиришга ҳам ҳуши йўқ эди. Сабоҳиддин ундан фақатгина: «Сиҳатингиз яхшими?» деб сўради.

— Алҳамдулиллоҳ, — деди Норхўжа. Кейин жим қолди. Дам ўтмай Сабоҳиддинга қараб сўз бошлади:— Тангри бизнинг дуоларимизни инобатга олмади. Наманганни бизга раво кўрмади. Шаҳарга киролмадик.

— Худо хоҳласа...

— Йўқ, Худо хоҳламайди. Тўрангизнинг қилаётган ишлари тоат-ибодатларимизни елга совуряпти.

— Нимага, тақсир?

— У ўрислар билан тил бириктирган.

— Шўролар биланми?

— Йўқ, оқпошшонинг одамлари билан. Эртага қўйлар сўйиб, хайри-худойи қиламиз. Шунча бало-қазодан асраган эгамга минг қатла шукр. — Норхўжанинг бу сўзлари «гап тамом» дегани эди. Сабоҳиддин буни сезса ҳам ўрнидан жилмади.

— Менга гапингиз борми? — деб сўради қўрбоши унинг қимирламаётганини кўриб.

— Ҳа, тақсир, бир нарсага фикрим ожизлик қилиб қолди.

— Нимага?

— Қароргоҳингизга келганимдан бери қирқ кун ўтди. Аммо бу ерда бўлишимнинг боисини билолмай гарангман.

— Гарангсираманг. Ўз ишингиз билан машғулсиз-ку?

— Мен бу ёқларга жиҳод истаб келиб эдим. Сиз эса... мени фақат тоат-ибодат ва ваъз учун ушлаб турмагандирсиз?

Норхўжа Сабоҳиддиннинг ниятини англади. Бир оз ўйга толди.

— Сиз айтган ваъздан сўнг лашкарларнинг бир кучига ўн куч қўшилади. Сизнинг жиҳодингиз шу. Буни фаҳлашингиз керак эди. Қолганини бизларга қўйиб беринг. Сизга ижозат.

Сабоҳиддин таъзим қилиб чиқиб кетишга чоғланди.

— Тўхтанг, ўтира туринг, — Норхўжа шундай деб ўрнидан турди-да, ташқарига чиқди. Соқчига «Ҳеч ким ўтовнинг яқинига йўламасин», деб буюриб ичкарига қайтди. — Менинг бир режам бор эди. Наманганни олган тақдиримда бу режамдан воз кечардим. Энди уни амалга оширишга мажбурман. Бу ишни сиз бошлаб берасиз... Тоғларга чиқиб келганимга икки йил бўляпти. Ҳали унга-ҳали бунга қўшилиб юриш ҳалқумимга келди. Бир ёқда Муҳиддин, бир ёқда Шермат, яна бир ёқда Эргаш, Ҳамдам, Исмонқул... Э, саноғи йўқ бу қизигарларнинг. Бири бирининг ўлимини пойлайди. Уларнинг бошини бирлаштиришнинг биргина йўли бор. Фарғонада маҳди пайдо бўлиши керак.

— Маҳди?

— Ҳа, маҳди. Қўрбошилар амиралмуслиминга зоҳиран бўйин эгсалар-да, ботинан кўрарга кўзлари йўқ. Ҳали Фарғона ғайридинлардан тозаланмай туриб тахт талашишади. Маҳди пайдо бўлса, улар мажбуран бўйин эгадилар. Чунки лашкарлар энди маҳдининг этагини тутадилар... Режа маъқулми?

— Маъқулликка маъқул... Аммо маҳдини Тангрининг ўзи юборади. Биз уни чорлаганимиз билан Оллоҳнинг истаги...

— Ўз амрини бажараётган лашкарлардан Оллоҳ марҳаматини аяйди, деб сизга ким айтди? Гўл бўлманг, мулла. Ғанимни мағлуб этиш учун ҳийла ҳам ишлатиш керак. Ҳийла ёлғонсиз ўтмайди. Ғалаба бизга ёр бўлгач, Оллоҳ гуноҳларимиздан кечади. Сиз эртагаёқ қишлоғингизга қайтасиз. Масжидда тухум босиб ўтирмай, қишлоқма-қишлоқ юриб ваъз айтинг. Муслмонларни жиҳодга чорланг. Ора-сира бир туш кўрганингизни, Худо хоҳласа, юртимизга маҳди келажани айтинг. Баҳорга қадар қиладиган ишингиз шу. Ақлли кишининг тили ҳадеб тиш ҳатламайди. Сиз ақлли одамсиз.

— Демак, кўрбошилардан бири маҳди<sup>6</sup>, деб эълон қилинадими?

— Ҳа.

— Ким?

— Бу ёлғиз Оллоҳнинг ўзигагина маълум.

Ғарчи Норхўжа шундай деб мақсадини яширган бўлса-да, Сабоҳиддин бўлажак маҳдининг ким эканлигини англади.

Сабоҳиддин Холиқберди тўра билан биринчи учрашувдаёқ очиқ фикрлаша олган эди. Норхўжа билан анча фурсатдан буён бирга бўлса-да, у билан эркин суҳбатлашишга журъат этолмасди. Кўрбошининг андак қўпол муомаласи, чўрткесарлиги Сабоҳиддинни чеклаб қўйган эди. Бу сафар ҳам кўрбошининг орзуси аҳмақона эканини билса-да, «тушунтиришга уриниш бефойда», деган ўйда тилини тийди.

Кўрбоши ҳузуридан чиққач ҳам унинг режасини ўйлаб, боши қотди: «Нобоп одам, деб юрсам, қип-қизил телбага ўхшайди-ку? Бу фикрни унга ким берди экан? Ҳар ҳолда қори домладан бунақа бемаъни маслаҳат чиқмасди. Куракда турмайдиган бу ақлни Султонмурод домламиз ўргатгандирлар. Маҳдилик ғояси шиа мазҳабида туғилганини мендан бошқалар ҳам билар. Мен даъват этсам, кўрбошига қўшиб мени ҳам телбага чиқаришмасмикин? Тарихда Саййид Али Муҳаммад деган зотнинг ўзини маҳди, деб эълон қилгани, оқибат Эрон шохи томонидан Табризда қатл этилганини айтсам, қулоғига олармикин? Йўқ, бу гапни эшитиб, фикр қилғувчилардан эмас бу одам. Ўртада мен иснодга қоладиганга ўхшайман...»

Ертасига у қишлоққа қайтди.

Ўйда акасини кўриб, Худога шукр, деб қўйди. Жамолиддин у билан совуқроқ кўришди. Машҳура билан онаси бошқа уйга чиқишгач, ака-ука ёлғиз қолди.

— Норхўжа нима учун мени қўйиб юборди? — деди Жамолиддин тик турганича.

— Ака, бесабр бўлманг, ўтиринг, бафуржа гаплашайлик.

— Фақат илтимос қилганингни айтма. Кўрбошининг бошқа нияти бўлиши керак.

— Мен уларнинг режасини тузук англай олмадим. Аммо бўлак режаси борлигини юрагим сезиб турибди.

— Дуруст... Машҳурани нима учун куёвга бердинг?

— Ахир...

— Ҳеч ким билмайди, деб ўйладингми?

— Мажбур эдим. Қўлимдан нима келарди? — Сабоҳиддин бўлган воқеаларни бирма-бир айтиб берди. Бироқ, қотилликда кўрбоши билан Султонмуроднинг қўли борлигини яширди.

— Қўрқоқ, бошингга рўмол ўраб юр энди!

— Ака, ундай деманг, мен фақат... Худодан кўрқаман.

— Ҳа, ана энди ўзингга келдинг. «Худодан кўрқасан!» Худонинг севимли бандалари эса орномусингни истаганча эрмак қилади. Сен чидайсан. Чидашга мажбурсан. Чунки тепангда Худо бор. Худонинг қиладиган иши йўқ. Нигоҳини фақат сенга тикиб олган. Ҳар қадамингни ўлчайди.

— Ака, ҳаммамиз муслмон фарзандларимиз, у қадар ёмон гапларни айтманг.

— Шаккоклик қилманг, дегин... Қайтишингда Норхўжани кўрдингми?

— Кўрдим.

<sup>6</sup> Qiyomat yaqinlashganida tirilib kelib, Dajjolga qarshi kurashuvchi va adolatli tuzum o'rnatuvchi imom.



— Қанча аскар билан қайтди?

— Билмайман, бундай гапларни мендан сўраманг. Билган тақдиримда ҳам айтмас эдим. Мен айғоқчи эмасман.

— У ҳолда сен билан гаплашиб ўтирмасам ҳам бўлади.

Сабоҳиддин бошини эгди-ю, «Акам шаштидан тушиб қолар», деган умидда сукут сақлади. Жамолиддин ҳам ҳозирги аҳдида қатъий қолиб, гапирмади. Шунда Сабоҳиддин бошини кўтариб акасига қаради-да, маъюслик билан сўз бошлади:

— Ака, сизга ақл ўргатишга ҳаққим йўқдир... Лекин бир гапни айтиш мен учун фарз: Оллоҳ сизга ҳидоят берсин, иймонга қайтинг.

— Бекорчи гапларни гапириб, бошимни оғритма,— деди Жамолиддин кескин тарзда.

— Ака, — бу сафар Сабоҳиддин ўзи кутмаган ҳолда йиғламсиради, — иймонга қайтинг..

— Бас қил, дедим...

— Иймонга қайтинг, ака, охиратингизни куйдирманг. Бир онадан туғилиб, у дунёда айри-айри бўлмайлик.

Жамолиддин «Ростдан йиғлаяптими ё хийла қияптими?» деган ўйда укасига тикилди. Кейин аввалгидан сал юмшоқроқ оҳангда:

— Мен тўғри йўлимни танлаганман. Биз қурадиган жамиятда Худо деган гап бўлмайди, — деди.

— Ака, Худосиз жамият яшай олмайди, — деди Сабоҳиддин.

— Шундай яшасинки, ўзинг қойил қолгин. Ҳали кўриб турасан. Бу боши бузуқ босмачиларни тинчитиб олайлик, кейин сенга ўхшаганлар билан ҳам шуғулланамиз. сен менга ақл ўргатмагину ўша пайт келгунича эсингни йиғиб ол, бола.

Бу гаплардан сўнг Сабоҳиддин жим бўлди-ю, дардини ичига ютди.

Кечаси сандалнинг икки томонини эгаллаган ака-ука гўё дарёнинг икки соҳилида қалтираб ётгандай эдилар. Сандалнинг ўтхонасидаги чўғ уларни гўё иситмас, оёқлар гўё дарёнинг музлай бошлаган сувида зириллаётгандай эди.

Сабоҳиддин тонгга қадар Худодан акасига ҳидоят тилади.

Жамолиддин укасини қандай қилиб тўғри йўлга солиш мумкинлигини ўйлади...

Жамолиддин эртасига кетди. Қайтар маҳали укасига: «Қишлоқдан жила кўрма», деб тайинлади. Бошқа сўз айтмади...

## ЎРТА ВАГОН

Рҳақ ҳаракатсиз ётган Девонага қараб туриб қолди.

Ерликлар орасида олчоқ, малъун одамлар борлигини у аввалги сафари чоғида айтарли сезмаган экан. Рҳақ одамларнинг қалб ғалаёнларини, қайғуларини вужудларида яшира олишларини билганда уларга нисбатан бўлган меҳри янада ортган эди. Сабоҳиддин хотирасида уйғонаётган воқеалар, шунингдек, унда-бунда учрайдиган хийлагарлар унинг руҳини чўқтирди. Ораларида бундай маккорнинг борлигига одамлар кўникиб қолганлар. Ҳамиша улардан эҳтиёт бўлишга уринадилар, ҳатто ботиний таҳликада ҳам яшайдилар. Нима учундир хийла соҳибларини, қалбан пароканда одамларни фош қилишга журъат этолмайдилар. Ахир ҳаёт шундай давом этаверса, бундай малъунларнинг сафи кенгаяверади-ку. Улар турли кўринишларда илдиз отиб, охир-оқибат сайёрани ҳалокат ёқасига олиб келмайдиларми? Илгари амир ёмон эди. Бой, босмачи ёмон эди. Қанча қон тўкиб, уларни маҳв этдилар. Одамлар нима учун ёмонларга бефарқлар? Агар Рҳақ буларни илгарироқ фаҳмлаб, кундалигида зикр этган тақдирда, Лукннинг қарашлари тўла маъқул этилиб, Ер хусусидаги баҳсга ўрин қолмаган бўларди.

Рҳақ ўзини ўзи саволга кўмиб, яна жавоб изларди. Жавобни унга Асқарали, Дилмурод, Ақида, Рҳақ ҳали ўзи кўрмаган Асқаралининг ўғли билан профессор Раззоқов берарди. Рҳақ узоқни кўра билиш хусусияти билан уларнинг келажагига ишонарди...

— Шопўлат акамиз ҳали ҳам ухляптиларми? — эшикдан кириб келган Дилмурод шундай деб Рҳақ-Мирзавойнинг хаёлини тўзитиб юборди. Кейин тўғри ичкари кирди-да, Девонанинг билак томирини ушлади. — Қани, Шопўлат ака, туринг энди, ётавериб белингиз қотиб кетгандир.

Девона ярқ этиб кўзларини очди. Дилмуродни биринчи кўраётгандек унга бошдан-оёқ разм солди. Кейин қаддини аста тиклади. Чарм қопланган тахта сўрида, оёғини осилтириб ўтирди. Сўнг эски калишини кийди-да, ҳорғин бир аҳволда уйдан чиқди. Дераза олдида турган Рҳаққа ҳам бургут қараш қилди-да, кўча эшиги томон юрди.

— Сезяпсизми? — деди Дилмурод қувноқ бир оҳангда. — Яна икки марта муолажа қилсак, эсини йиғиб олади. Энди бунга тўла аминман.

— Кейин-чи?

— Нима кейин? — Дилмурод Рҳаққа ҳайрон бўлиб қаради. — Одамларга қўшилиб яшайверади. Балки уй-жой қилар...

— Унинг жинни бўлганини қишлоқдагилар унутади деб ўйлайсизми?

Дилмурод хаёлга толди.

Раис шифохонада Сабохон қиладиган иш йўқ экан, деб уни идорага олди. Идорада иш кўпмиди, ё ўзининг келгиси келмадими, ҳар ҳолда Сабохон шифохонага йўламай қўйди. Дилмурод бунга эътибор бермади. Рҳақ Сабохоннинг нима учун келмай қўйганини билса ҳам, ўзини билмаганга олиб юраверди. Бу орада Дилмурод раиснинг буйруғи билан тоққа, чўпонлар олдида чиқиб кетди. Эртаси куни, кутилмаганда, шифохонага Сабохон кириб келди. Рҳақ уни илиқ қаршилаб, ўтиришга таклиф қилди.

— Йўқ, раҳмат, тезда қайтишим керак, — деди Сабохон бир оз гапидан тутилиб.

— Оловга келган экансиз-да?

— Сизни раис чақиряпти.

— Ҳозир борайми?

— Ҳа, кутиб ўтиришибди.

Рҳақ Сабохон билан кўчага чиқди. Унинг гапларига жувон баъзан жавоб қилмас, баъзан «ҳа» ёки «йўқ» деб қўя қоларди. Рҳақ бундан ажабланди.

Раиснинг хонасида ўтирган йигитни дарров таниди. У билан икки ой бурун раён марказида тасодифан кўришган эди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида ишловчи бу йигит Дилмуроднинг курсдоши экан. Дилмуродга айтганда, у қўл силтаб қўя қолган эди. Дилмурод уни хуш кўрмас, ҳар нарсадан ҳадиксировчи, ўзини четга олиб юрувчи, «сен менга тегма, мен сенга» қабилдаги ҳаётни афзал билувчи бу йигитдан ҳатто нафратланар экан. Анвар шаҳарда ҳаммавақт трамвайнинг иккинчи вағонида юраркан. Биринчиси билан учинчиси издан чиқиши мумкин, ўртадагиси хавфсиз, деб ҳисобларкан...

— Салом Дон Жуан, аҳвол қалай? — деди Анвар совуқроқ оҳангда.

Рҳақ бу гапни эшитиб ғижинса ҳам сир бой бермади.

— Энди мақсадга кўчсак ҳам бўлади, — деди Анвар расмий тарзда.

— Аввал бир пиёла чой... — деди раис.

— Чойни кейин, бафуржа ичармиз. Хўш... — Анвар бақалоқ портфелидан қоғоз чиқарди. — Бизга бир хат тушди. Шунини аниқлагани келганман. — У қоғозни раисга узатди. — Сиз юборганмисиз?

Раис қоғозга астойдил қаради.

— Штампаси бизди колхозники, — деди. Сўнг ҳижжалаб ўқий бошлади. Мирзавойнинг Сабохон билан «ошиқ-маъшуклиги», жувоннинг шифохонадан кетиб қолиши ҳақидаги жумлани ўқиб бўлгач, Анварга савол назари билан қаради.

— Меҳмон буни қайдан олдингиз? Тоза ғийбат қилибди-ку? Сабохонни ўзимиз чақириб олганмиз. Ана, ўзидан сўраймиз.

— Охиригача ўқинг.

Раис «хўп», деб хатни охиригача ўқиб чикди.

— Йў-ўқ, — деди у хатни қайтариб берар экан.— Буни мен ёзмаганман. Қўл меники эмас. Мен юборадиган хатларимга юмалоқ муҳр босаман. Бунинг муҳри ҳам йўқ. Биров номимни сотибди.

— Штамп-чи?

— Штамп — ҳисоб эмас. Юмалоқ муҳр ҳисоб.

— Хатдаги гаплар тўғрими?

— Тўғри ҳам деёлмайман, нотўғри ҳам. Дўхтиримизнинг чакки қадам қўйганини шу топгача эшитганим йўқ.

— Сўққабаш эканлар. Сиз эшитмаган бўлсангиз...

— Мен эшитмаган бўлсам, демак, дўхтиримиз суюқлик қилмаган. Хатингизга қараганда, улар ошиқ-мошиқ эмиш. Бе, қишлоқда шундоқ юриб бўладими? Сиз бир қизга учта гап айтаман деб, оғиз жуфтланг, бир сўзингизни тугатмай нима деганингиз қишлоққа маълум бўлади. Ўйнаш тутиш катта шаҳарда ярашади. Бу ерда ҳар қадамингиз ўлчоғлик. Агар текширгани келган бўлсангиз, Сабонинг ўзидан сўранг, қўйинг. Гап қишлоққа ёйилмасин. Ёлғон гапни чинга айлантириб юборадиганлар бор. Сабохон! — раис шундай деб ўтирган еридан бақириб чақирди. — Баққа бир қаранг.

Сабохон кирди. Анвар унга хатни узатди. Сабохоннинг ранги бўзарди. Рҳақ хат ушлаган бармоқларнинг қалтираганини сизди. Сабохон хатга тикилиб турар, аммо ўқимасди. Рҳақ буни ҳам пайқади. Раис билан Анварга қаради: Мамарайим чарм креслосига ястаниб ўтирибди. Анвар стол устидаги китобчани варақлаяпти...

Сабохон хатни узатди.

— Ҳаммасини ўқидингизми? — деб сўради Анвар.

— Ҳа.

— Гаплар ростми?

— Йўқ.

— Буни ким ёзган бўлиши мумкин?

— Невлай?

— Штамп сизда турадими?

— Йўқ, раисда.

— Унда...

— Штамп менда туради, меҳмон. Мен беш-ўн варақ қоғозга уриб бераман. Вақт-бемаҳалда мен йўғимда испропкага керак бўлиб қолади. Бу қоғозлар стол устида туради. Битта-яримта олгандир-да. Энди, Сабохон, қоғозларни беркитиб юринг. Одамларга ишониб ҳам бўлмайди.

— Энди нима қиламиз? — деди Анвар, раиснинг сўзини шарт бўлиб.

— Нима қилардингиз? Тухмат экан, деб борасиз. Дўхтиримиз яхши ишляптилар.

— Шу гапларингизни ёзиб беролмайсизми?

— Керак бўлса, хат ҳам қиламиз. Сабохон, ёзиб туринг, биз чой-пой ичиб олайлик.

Тамаддидан сўнг Анварнинг истаги билан шифохонага боришди. Шамол хазонларни гала-гала қилиб учириб юрарди. Эшикларнинг ланг очиқлигини кўриб, Рҳақ ҳайрон бўлди. Шошиб ичкарига кирди: ТЕТнинг филофи очилган, симлар эса узилиб ётарди. Рҳақ бу манзарани кўриб, остонада қотиб қолди. Сўнг ТЕТга яқинлашиб, синчиклаб кузатди.

— Нима бу? — деди Анвар ичкарига кириб.

— Дилмуроднинг асбоблари.

— ТЕТми?

— Эшитганмисиз?

— Ҳа. Озгина ишлаб душман орттириб олганга ўхшайсизлар.

— Бу душманнинг иши эмас. Душман бўлганда фақат симларни узмай, ТЕТни пачақлаб ташларди. Қолаверса, душман сизга эмас, бошқа ерга, бўлак мазмунда хат ёзарди.

— Булар дўстнинг иши экан-да?

— Йўқ, дўст эмас. Аммо душман ҳам эмас.

— Мен хатни ёзган одамни аниқлаб кетсам бўларди.

— Қишлоқда гап кўпаяди. Энг муҳимини аниқладингиз-ку, бўлар.

Анвар узоқ турмади. Юк машинасига ўтириб, изига қайтди.

Рҳақ бўлиб ўтган воқеадан таажжубга тушиб қолган эди. Сабохоннинг фикрини ўқий олгани билан, унинг ҳаракатларига тушуниб ета олмади.

Бунинг устига ТЕТ... Бу Сабоҳиддиннинг иши. Хотиралари тикланяпти. Вужудида ғалаён уйғоняпти. Энди ўйлаб иш юритиш керак. Буни Рҳақ Дилмуродга қандай тушунтиради?

ТЕТнинг узилган симларини созлаш учун ўтирганда эшик олдида Сабохон кўринди. Рҳақ: «Келинг», деб қўйиб ўз иши билан машғул бўлди. Сабохон ичкарига бир қадам қўйганича тураверди. «Кириг, ўтириг», деди Рҳақ унга бир қараб олиб.

— Йўқ, кетаман, — деди Сабохон. Рҳақ индамади.— Сизга бир гап айтмоқчийдим.

— Нима демоқчилигингизни биламан.

— Билмайсиз.

— Нимага энди, биламан, — Рҳақ ўрнидан туриб, Сабохонга яқин келди. — Хатни сиз ёзгансиз.

— Йўқ.

— Сиз айтиб тургансиз, бошқа одам ёзган. Ҳар ҳолда хатнинг мазмуни сизга таниш эди. Қўлингиз титрашидан сезганман. Уни тузукроқ ўқимадингиз ҳам, тўғрими?

Сабохон қўллари билан юзини тўсиб олди. Тескари қаради. Елкалари силкинди.

— Нимага йиғлаяпсиз?

— Сиз ҳеч нарсани билмайсиз! — деди Сабохон шашт билан ўгирилиб. Кўз ёши ёноғида из қолдириб пастга томди. — Нима учун шундай қилганимни биласизми?

— Балки раис...

— Раис! Йўқ. Ўзим қилдим бу ишни.

— Сабохон, ўзингизни босинг. Айбим бўлса, юзимга айтинг.

— Айб? Йўқ, сиз бегуноҳ фариштасиз. Сиз... сиз... ҳеч нимани сезмайсиз!

— Нимани сезишим керак?

Рҳақ Сабохоннинг ёш тўла кўзларига қараб, юраги ўртаниб кетди. Воқеа энди ойдинлаша бошлаган эди. Дарвоқе, у Сабохоннинг сирли қарашларини сезарди. Лекин бу қарашларга қандай жавоб беришни, ўзини қандай тутишни билмасди.

— Ахир, сизни кетинг, деб шу ишларни қилдим.

— «Кетинг» деб?

— Ҳа... Мени... қийнаманг, кетинг бу ердан!

Сабохон шундай деб ҳўнграб юборди. Бошини Рҳақнинг елкасига қўйди.

Кутилмаганда Рҳақнинг бағрига илиқлик югурди. Жувоннинг илиқ нафаси елкасини куйдиргандай бўлди. Вужудида ғалати ҳис уйғонди. Ғалати ҳис... Эслади! Хотини билан илк бор қовушганда шу ҳолга тушган эди. Ажаб!!! Генетик код асосида ерлик қиёфасига кирадиган танглик бундай ҳислардан маҳрум этилар эди-ку? Қаердан келди бу ҳис? Жувон унинг елкасига бош қўйиб турибди... Рҳақ эса саволига жавоб топа олмайди. Аксинча, бадани қизиби, майлини янгидан уйғонган ҳисларга топшира бошлаганини ўзи ҳам сезмай қолди; жувонни маҳкам қучоқлаб, ўпа кетди. Сабохон қаршилиқ кўрсатмай йиғлар, Рҳақ эса ўзини тамом унутиб,

жувонни бағрига тобора қаттиқроқ босарди. Қўллари бежо ҳаракат қила бошлагач, Сабохон уни итариб юборди. Шундагина Рҳақ ўзига келиб, хансираганча унга тикилиб қолди.

— Сабохон...

— Йўқ! Яқинлашманг! Сиз... ёмон одам экансиз...

— Сабохон!

— Номусдан ўлдирасиз мени...

— Сабохон, ахир ўзингиз...

— Ўзим... ўзим аҳмоқман... Бу ердан кетинг, ўтинаман. Бўлмаса... мен кетай. Сизни кўрсам... мени гуноҳга қўйманг. Энди сизга ишонмайман. Сиздан кўрқаман.

Сабохон шундай деб чиқиб кетди.

Рҳақ: «Е, аҳмоқ калла!» деб ўзини ўзи койиганча, юраги сиқилиб ўтирди. Энди у ҳамиша эҳтиёт бўлиб юрган дардга чалинганига — ерликлар туйғуси вужудига бутунлай сингганига амин эди.

Рҳақ ўзини овутиш учун узилган симларни улади. Оқшомга яқин Дилмурод қайтди. Унинг илтимоси билан Девонани топиб келди.

Девона чарм қопланган тахта сўрига итоаткорлик билан ётди. Аммо муолажа яримлаганда титрай бошлади. Дилмурод буни сезиб асбобни ўчирди. Девона шу заҳотиёқ ўрнидан туриб кетди.

— Қонхўр! — деб бақирди у бор овози билан. — Ўлдираман! — у атрофига аланглаб бир нарса излади.— Ўлдираман! — деб бақирди яна. Рҳақ вазиятни тушуниб, унга кўзларини қадади-да, фикран буйруқ берди. Девона юзини кафтлари билан тўсиб сўрига ўтирди. Дилмурод ҳар эҳтимолга қарши тайёр қилиб қўйган тинчлантирувчи дорини олиб, уни эм игнаси билан Девонанинг билагига юборгач, елкасидан ушлаб ётқизди.

Девона уйкуга кетди. Рҳақ воқеа оидин бўлгани учун ташқарига чиқди. Дилмурод эса гарангсиз, Девонага тикилганча ўтириб қолди.

## ҚОЧОҚЛАР

Бу қиш Новқат атрофларига қор қалин тушди. Совуқ ҳамма ерни қақшатиб юборди. Барча баҳорни интиқлик билан кутар, аммо табиатнинг илиқ нафаси ҳадеганда сезилмас эди.

Сандалнинг тафти пасайгани учун Сабоҳиддиннинг эти жунжикиб уйғонди. Лекин ўрнидан туришга, кул босган чўғни титиб қўйишга эринди. Булут тарқаб, ҳаво очилибди — ой нури қор зарраларида ялтирайди. Итдан ҳам совуқ ўтганми, инида ётганча ғингшийди. Сабоҳиддиннинг кўзи яна илинди. Босинқиради. Тушига Сожида билан Маъмурбойвачча кирибди. Иккови ҳам қонга беланган. Сабоҳиддинга хунук тикилишади. Индашмайди. Сабоҳиддин калима келтирса ҳам жойларидан жилишмайди. Тирноқлари орасидан чак-чак қон томади. Қон, қоп-қора қон... Ер уни шиммайди. Худди лағча чўғ устига сув томчиси тушиб, жизғанак бўлгани каби улардан томган қон ҳам ер устида оловланиб туради-да, сўнг тошга айланади. Бирпасда уларнинг тиззасигача тош бўлиб кетди. Кейин Сожида тошларни олиб, Сабоҳиддинга отди. Сабоҳиддин қочишга ҳаракат қилди. Лекин илдамлашга қанча уринмасин, оғир оёқларини судрай олмади.

Шу пайт ит қаттиқ ҳуриб, уни уйғотиб юборди. Кимдир қорни ғирчиллатиб босиб келиб, уйга яқинлашди. Айвон устунига қамчин дастаси билан аста уриб, тақиллатди.

— Ким? — деди Сабоҳиддин уйқу аралаш.

— Тақсир, отланинг, бегим йўқлаяптилар сизни, — деди кутилмаган меҳмон паст овоз билан.

— Нима учун? Тинчликми?

—Тинчлик. Тез бўлинг. Вақт ғанимат.

Ичкари уйдан Соҳиба аянинг овози келди. Сабоҳиддин ўша томонга ўтди. Онаси билан синглисини тинчлантириб, хайр-хўшлашиб, тўрвани елкасига ташлади-да, ташқарига чиқди. Сабоҳиддин учун ҳам от келтиришган экан, катта довон сари йўлга тушдилар. Кеча яримлаган, чароғон юлдузлар тўлин ой измига бўйсуниб, гўё ерга аёз уфурарди.

Тонг отди. Кун машаққатли йўл азоби билан ўтди.

Қароргоҳга шом қоронғисида етиб бордилар. Отлар ҳам хориди. Ўзлари ҳам ҳолдан тойдилар.

Сабоҳиддин отдан тушиб, оқ ўтов сари юрди. Қора чироқ ичкарини хира ёритиб турибди. Норхўжа ёнбошлаб, Аҳмад дев эса чордана қуриб олган. Ўртада дастурхон ёзиғлиқ. Норхўжа Сабоҳиддинни кўриб кўзғалди. Рухияти ҳорғин бўлса-да, илиқ сўрашди.

— Тинч келдиларингми? — деди фотиҳадан сўнг.

— Алҳамдулиллоҳ. Довондан ўтишда бир оз уриниб қолдик чамаси.

— Илож қанча. Илгарилари бунақа пайтда эси бор одам довонга яқинлашмасди. Худо хоҳласа, яна ўша кунларга етиб қолармиз.

— Инша Оллоҳ. Кела-келгунча нима гап экан, деб хавотирда бўлдим.

Норхўжа мийиғида кулди.

— Сизни хийла азобга қўйибмиз-да. Хавотирли юмуш йўқ. Ҳамма иш жойида. Сизни бир қувончли хабардан огоҳ қилиб қўяй, деб йўқлатган эдим.

— У ҳолда, нур — аланнур, тақсир. Бу қулоқлар шодиёна хабарларга чанқоқ бўлиб қолди.

— Биз шўролар билан ярашишга аҳд қилдик. Ортиқча қон тўкмай, қуролларимизни уларнинг оёғи остига ташлаб, иссиқ уйимизда жон сақлайлик, деган ниятдамиз. Сиз бунга нима дейсиз?

Бундай гап Сабоҳиддиннинг етти ухлаб тушига кирмаган эди. Агар бирор мурда тирилиб келибди, дейилса, ишонарди. Аммо бу гапга... Ё Норхўжа синаяптими? Балки ростдир. Тушида қон кўрган эди. Қон ёруғлик дейдилар.

— Тақсир, сўзларингизни сал янглиш англадим шекилли?

— Назаримда айнан тушундингиз.

— Ё мени синамоқчи бўляптиларми?

Норхўжа кулиб юборди. Лекин Аҳмад девнинг юзида ўзгариш сезилмади. У чордана қурганича пиёладаги икки қултумгина чойни айлантриб, ўй сурарди. Гўё Сабоҳиддин билан қўрбошининг суҳбатлари қулоғига кирмаётган эди.

— Сизни синаб эсимни ебманми, мулла Сабоҳиддин, нафсиламрини айтяпман.

— Бу қадар осонлик билан бўйин эгиш...

— Номарднинг иши! Ҳа! Дев, эшитдингми, мулла ҳам шу фикрда. Лекин менинг қарорим қатъий. Холиқберди тўрага қўшилиб, болшавойларга таслим бўламан.

Сабоҳиддин нима дейишни билмади.

— Гап бундай, мулла Сабоҳиддин, тахминим тўғри чиқиб, тўранинг шўролар билан ярашиши аниқ бўлди. Тўртинчилар бизни айри-айри қилиб, бирма-бир янчиб чиқишлари мумкин. Кучимиз анчайин қирқилган. Шунинг учун хийла ишлатмасак бўлмайди. Бекларимнинг ичида бу ҳаётдан норози бўлиб юрганлар бор. Шуларни олиб Холиқберди билан бирга бўйин эгиб бораман. Қолган асл бекларимга Аҳмад дев бош бўлиб Шерматга қўшилади. Сиз ҳам мен билан бирга борасиз. Тўранинг мингдан зиёд бекларини ҳам Шерматга қўшишга улгурдик. Холиқберди таслим бўлгач, Шерматнинг пайига тушишади. Ана шунда биз хоин билан ҳисоб-китоб қиламиз.

— Таслимнинг боиси фақатгина ундан қасд олишми?

— Мени шу қадарли фаросатсиз, деб ўйлайсиз, чоғи-а, мулла Сабоҳиддин?

— Афв этинг, тақсир, менда сира бундай ўй бўлган эмас. Фақат мақсадингизни англаб етишга фикрим ожизлик қилиб қолди.

— Ҳар бир ишнинг вақт-соати бор. Худо хоҳласа, бирин-сирин барча ишлардан огоҳ бўлиб борасиз. Сизга ҳозир фақат бир нарсани айтиб қўяй: мен қўлимга қилич олганимда бўйнимга

ўлимни ҳам олганман. Азроил, мен қаерда бўлмай, бир кунмас-бир кун жонимни олади. Мен Худодан бир нарсанигина сўрайман: мени шармандалик кафанига ўрамасин. Жағимни «хоин» деб танғишмасин. Шуни билиб қўйинг, мулла, агар биз бугун хоинлик қилсак, жон роҳатини ўйласак, эртага зурёдларимиз бизни лаънатлашади. Бизнигина эмас, «шу хезалакларни туққанга минг лаънат» деб оналаримизни ҳам қарғашади. Мен бунга йўл қўймайман. Сўнги нафасим чиққунча олишаман. Тирноқларим кўчгунча тирнайман, тишларим емирилиб битгунча тишлайман. Мен учун бошқа йўл йўқ. Сиз учун ҳам! Буни фаҳм этинг, мулла! «Жиход» деган эдингиз. Ҳақиқий жиҳод ана энди бошланади.

Норхўжа чиройли сўзлар тизимини куюниб айтган бўлса-да, Сабоҳиддин унинг гапларига ишонгиси келмади. Суюги йўқ тил сайрайверар экан, дилда бир покизалик, бир чўғ бўлмаса жонсиз сўзлар тезгина ўлар экан. Сабоҳиддиннинг назарида қўрбошининг тилидан учган сўзлар акс-садо бермай, ўлаверди... ўлаверди...

Сабоҳиддин бу одамдан дурустроқ мужоҳид чиқишига ишонмасди. Унинг маҳди ҳақидаги гапларини ҳали унутмаганди. Гарчи бу телбаларча режасидан бошқа сўз очмаган бўлса-да, унинг қалбида ёвузлик қуши тухум босиб ётганини Сабоҳиддин ҳис қилиб турарди. Шу боис ҳам энди босилажак ҳар бир қадамидан эҳтиёт бўлиши жоизлигини англади. Сабоҳиддин қўрбошининг ғазабига учрашидан ёки ўлимдан чўчимасди. У ниятига етмай, бемақсад ўлим топишдан қўрқарди...

Уч кундан сўнг олти юздан зиёд отлиқ довон ошиб ўтиб, Шоҳимардон томон йўл олди.

Қуёшнинг ўлимтик нурларида сал ҳарорат сезилди. Адирларнинг этаклари мош-гуруч бўлиб қолди. Табиатнинг зириллатадиган қаҳри ўрнини дилхуш ҳаво эгаллай бошлади. Ана шундай бир дамда улар Холиқберди тўранинг лашкарларига қўшилиб, Искобил сари юрдилар. Пешиндан сўнг манзилга етишди. «Тартиб билан қатор саф тортилсин!» деган буйруқ бўлди. Сабоҳиддин лак-лак лашкарнинг бир ерга тўпланишини хаёлига келтирмаган эди. Саф қаердан бошланиб, қаерда тугаганини билиб бўлмайди. Ҳаммада милтиқ, елкаси оша ўқдон. Отлар учаман, деб турибди. «Норхўжанинг, орқаворатдан сўкингани билан, тўрамга бўйсунисида гап бор экан», деб ўйлади Сабоҳиддин.

Гузарда жонланиш сезилди. Бир гуруҳ отлиқ кириб келди.

— Ҳов анави олдинда келаётган Низомиддинхўжа дегани. Фрунзенинг ишончли одами экан. Акангизнинг улфати. Баччағар хўжа номига ҳам иснод келтирибди. Худо хоҳласа, хўжа бўлиб туғилганига ҳам пушаймон ейди.

— Тақсир, сиз ҳозир унга таслим бўляпсиз, — деди Сабоҳиддин овозини пастлатиб.

— Мулла, кўчқор зарб билан калла қўйиш учун орқага тисарилади, ҳеч кўрганмисиз?

Сабоҳиддин жавоб бермади. Саф олдида Холиқберди тўра пайдо бўлди. У оқ отда, жигаранг чакмон кийган, бошида қундуз телпак. Қўлидаги қилични ўйнатганча отини йўрттириб бориб, Фрунзенинг одамларига пешвоз чиқди. Нимадир деди. Лекин Сабоҳиддин унинг гапларини эшита олмади. Отлиқлар орасида акасини кўриб, юраги ҳаприқиб кетди. Кейин Холиқберди тўранинг аслаҳаларини ечиб, ерга қўйганини кўрди. Сўнг гузар ўртасида қуроллар уюми қад кўтара бошлади. Акаси бу уюм орқасида кўринмай кетди.

Норхўжа сулҳдан сўнг ҳам Сабоҳиддинга рухсат бермади. Сабоҳиддин Марғилон масжидидаги мутаваллининг уйида қўноқ бўлди...

... Ҳамал келди, амал келди. Сумалак қайнатиш учун дошқозонлар осилди. Марғилон атрофидагилар икки йиллик бесаранжомликдан сўнг эркинроқ нафас олиб наврўзни байрам қилишди. Сайлгоҳлар одамларга тўлди. Наврўзнинг биринчи куни Сабоҳиддинни акаси чақиртирди. Ҳарбий аслаҳаларини тақиб олган Жамолиддин укасининг саломига алик олмади. Отдан ҳам тушмади.

— Нимага қишлоққа кетмаяпсан?

— Наврўз ўтсин.

- Шу бугуноқ жўна. Қайтиб келганимда бу ерда қорангни кўрмай. Бўлмаса... Норхўжа қани?
- Яқин-атрофдадир?
- Нима қилмоқчи у, писиб юришидан бир гап борга ўхшайди
- Билмайман...
- Билмайсан-а?..
- Худо урсин, мақсадидан хабарим йўқ.
- Бўпти, бориб нарсаларингни йиғиштиравер.
- Ака, Сожида ҳақида ғалати гаплар эшитдим?
- Қанақа гап?
- Уни ўқишга юборар эмишсизлар?
- Ҳа, нима эди?
- Ўқиса, демак, рост экан-да?
- Чайналмай очиқроқ гапир.
- Ўқиса очиқ юрадиган бўладими?
- Ҳа.
- У ҳолда... бузуқлик...

— Бузуқлик қонида бўлса очиқ юрса ҳам, паранжида бўлса ҳам барибир. Битта бузуқни деб ҳаммасини чордевор ичига қамаш керакми? Аёл ҳам одам. Одамдай яшасин энди. Сенга ўхшаган муллалар фисқу фасод тўқийвериб, уларни қон қилиб юборишди-ку.

— Ака!

— Бас қил. Ҳозир айтишадиган пайт эмас. Гапинг бўлса йиғиб тур, уйда гаплашамиз.

Жамолиддин шундай деб отга қамчи босди.

Ертаси масжидга Норхўжа кириб келди.

«Тезда отланинг, йўлга тушамиз, — деди у. Қўрбошининг ўзи сафарга тайёр эди, шунинг учун Сабоҳиддинни шошилтирди.

Улар ўнта ўзларининг йигитларидан, бешта шўро аскарларидан олиб Риштон томон юрдилар.

— Тақсир, бир гап бўлдими, яна аслаҳаларни тақиб олибсиз? — деб сўради Сабоҳиддин шаҳардан чиқишгач.

— Собиқ бекларимдан бир қанчаси Шерматга қўшилиб бебошлик қилаётган экан, шуларни инсофга чақиргани боряпмиз. Холиқберди Шерматнинг олдида кетган.

Норхўжа бошқа йигитлар олдида сирни фош қилмаслик учун гапни айлантирган бўлса-да, Сабоҳиддин унинг мақсадини тушунди. Қасос они яқинлашганини, бирга кетаётган йигитларнинг, айниқса қи-зил аскарларнинг тақдири аллақачон ҳал этилганини фаҳмлади.

Йўллар тинч. Норхўжа билан Сабоҳиддин олдинда. Отлиқлар бир-бирлари билан деярли сўзлашишмайди.

Баҳор офтоби уларни бир оз ланж қилган, кўз баъзан уйқуга тортиб кетарди. Риштонга оқшомда кириб келиб, Кўршерматга қўшилиб кетган Каримбойнинг қўрғонида тунашди. Ярим кечада олатасир бошланди-ю, дам ўтмай тинди. Ҳовлида беш-олти киши машъала кўтариб турар, ерда эса Сабоҳиддиннинг ҳамроҳлари чўзилиб ётарди. Сабоҳиддин машъала кўтарганлар орасида Аҳмад девни кўриб, тинчиди. Аммо, у бекбошига яқинлашиб: «Иблис, сотқин!» деб қамчилай кетгач, лол қолди. Сўнг қамчи ўз елкасига ҳам бир-икки тушди. Аҳмад дев: «Сотқинларга ўлим!» деб бақириб, қолган қизил аскарларга ўқ узди. Тўрт кишини ер тишлатиб, бешинчисига қамчи урди.

— Сен тирик қоласан. Хўжайинларингга совға бериб юбораман, — деди унга. Сўнг йигитларига қараб буюрди. — Сотқин қўрбошининг мияси айниб қолибди. Бундай мияни кўтариб юриш ҳар қандай гавдага малол. Елкасини енгиллаштириб, ачиган каллани болшавойларга совға қилинг.



Норхўжани судраб олиб чиқишмоқчи бўлишди. Қўрбоши дод солди. Сабоҳиддинни ҳам туртиб кўча томон ҳайдадилар. Бироқ кутилмаганда кўчага чиқишлари билан муомала ўзгарди. Норхўжа, унга тегишмаса ҳам бақирар, тез-тез ечинарди. Йигитларнинг бири унинг кийимларини олиб нари кетди, Аҳмад дев эса унга бошқа уст-бош берди. Қоронғи кўча бўйлаб юришгач, отларга миндилар. Аҳмад дев қолди. Аммо қишлоқдан чиқишга улгуришмай, уларга етиб олди.

— Ҳамма иш тинчидими? — деди Норхўжа отга енгил қамчи уриб.

— Айтганингиздай бўлди, бегим. Қизил аскарни отга мингазиб, оёғидан боғладим. Хуржунга Тилаволдиннинг калласини солдим. «Сотқиннинг жазоси шу!» деб икки энлик хат ҳам ташлаб қўйдим. Омма соқолингизни олдириб, яхши қилган экансиз. Чиппа-чин ишонишади энди.

— Қаллани кўриб эси оғиб қолгандир?

— Йўқ, дийдаси қаттиқ экан, занғарнинг.

— Тақсир, Тилаволдиннинг калласини, дедингизми?— деб сўради Сабоҳиддин.

— Ҳа.

— Ўзларининг жиянларими?

— Ҳа, жияним. Уни хайрли иш йўлида қурбон қилдик.

Сабоҳиддин ёқа ушлади. Бундай ишлардан кейинги пайтларда ҳайратга тушмай қолган бўлса-да, вужуди ларзага келди. Қароргоҳда Тилаволди билан қилган суҳбатларини эслаб, қулт этиб ютинди. Норхўжа ундаги ўзгаришни сезмай, сўзини давом эттирди:

— Муҳаммад алайҳиссаломнинг қайси бир катта боболари зам-зам булоғининг сувини кўпайтириб бер, деб Тангрига ёлвориб, фарзандларидан бирини қурбон қилган эканлар. Тўғрими? Азиз-авлиёлар бир қултум сув учун фарзандларини худойи қилганларида, биз юртнинг ҳаловатини кўзлаб, бир кишини қурбонликка атасак айб эмасдир?

— Дин ат-тавҳидда қурбонликка одам.. сўйиш тақиқ этилган.

— Шундайми? Биз бундан беҳабар эканмиз. Оллоҳнинг ўзи кечиради гуноҳларимизни...

Отларга аччиқ қамчи урилди. Сабоҳиддин орқада қолди.

— Муллангизнинг фикри бузилмадимикин? Орқада қоляпти, — деди Аҳмад дев.

— Йўқ, кетмайди. Ундан кўнглим тўқ. Чизган чизигимдан чиқмайди.

— Унга совға олиб келувдим.

— Қандай совға?

— Акасининг калласини.

— Жамол ўрисними? Қаерда кўрдинг уни?

— Холиқберди билан бирга келган экан. Тинчитиб қўя қолдим. Шермат қўрбоши сизга ҳам совға атаган эканлар, уни ҳам олволдим.

— Нима экан?

— Озгина зеби-зийнат. Йўл харжи... Кейин Фулжадаги оға-иниларига кўрсатсин, деб Холиқбердининг калласини бериб юбордилар.

— Оббо баччағар, кўр чаққонлик қилибди-да, унинг калласини ўзим олиб, бир роҳатланмоқчи эдим. Совғалар қани?

— Хуржунда.

— Жамолникени ташлаб юбор, укаси кўрмасин.

— Кўргани маъқулмикин?

— Бўлмаса ўтиб кетгунимизча индамай тур.

Тонгда уларни уч юзга яқин яхши қуролланган йигит кутиб олди. Норхўжа одамларни шоширар, дам олишга деярли рухсат бермасди. Қашқар йўлига чиқишгач, Сабоҳиддин Норхўжанинг ниятини англади. Демак, у хорижга ўтиб кетмоқчи. Шунинг учун ҳам: «Қаерга кетяпмиз?» деган саволи жавобсиз қолган экан-да.

Йўл юқорилагани сайин юриш оғирлашди. Отлар чарчади. Одамлар ҳам ҳолдан тойди. Жар ёқасидаги тор сўқмоқларда отлар ҳуркийди. Беш-олти от пастликка қулади. Бир довонни ошиб

ўтишгач, Норхўжа ҳордиқ чиқаришга рухсат берди. Шунда Сабоҳиддин орқага қайтиш учун кўрбошидан изн сўради.

— Сизнинг мақсадингиз аниқ, у ердан лашкар тўплаб қайтасиз. Бегона юртларда менинг юришимга ҳожат бормикин? — деди у.

— Ислон лашкарларининг сафи сийраклашиб қолди. Ҳар бир одам ҳисобли. Сиз қайтсангиз, изингиздан ўнтаси эргашади. Қўрқманг, Ғулжада зерикиб қолсангиз, қайтариб юбораман. Дунёни кўрганингиз қолади.

— Дунёни кўриш қочмас. Мен яқин-йироқларим билан хайр-хўшлашганим ҳам йўқ эди.

— Ким хайрлашибди? Менми? Бу гапларни қўйинг, мулла. «Жиход, жиход!» деб оғиз кўпиртирувчи сизмидингиз? Бир чўқишга чидамай қочмоқчимисиз?

Сабоҳиддин лаб тишлади-ю, индамади.

Улар яна йўлга тушдилар. Кечга яқин пистирмага дуч келдилар. Сабоҳиддин чегарага яқинлашганларини шунда билди. Олишув узоққа бормади. Норхўжа ўликларни кўмишга ҳам рухсат бермай, йўлда давом этди.

Юриш тобора оғирлашди. Ҳаво етишмайди. Сув ичиб қўйган саккизта от шишиб ўлди. Сулайиб, ҳолдан тойган йигитлар орқада қолиб кетавердилар. Тунги совуқ зириллатиб юборади. Эрталаб қорли чўққиларга етиб оладилар. Норхўжа шуни ўйлайди. «Қор кўчмаса эди», деб хавотир олади. Худодан мадад сўрайди. Энг хавфли манзилга етишганини фақат у билан Аҳмад дев билади. Бошқалар авваллари бу йўлдан юрмаган.

Норхўжанинг кутгани бўлди. Оқшомга яқин қор кўчди. Қанча йигит кўчки остида қолди. Қанчаси қутулди, билмайди. Олдинда келаётганлардан ўттизга яқини бу офатдан омон чиқди. Орқада келаётганлар балки соғ қолгандир. Ўртадагилардан эса умид йўқ...

Сабоҳиддин изига қайтажагини яна айтди.

— Оллоҳ бизнинг йўлимизни тўсди. Қилаётган ишимиздан норози, — деди у.

— Бизни омон сақлаб қолди-ку? — деди Норхўжа.

— Оллоҳ гуноҳларимизни ювишга имкон яратиб, жонимизни қайтариб берди.

— Биз гуноҳларимизни ювиш учун кетяпмиз.

— Мен қайтаман.

— Қўрқяпсизми?

— Мен фақат Оллоҳнинг ғазабидан кўрқаман. Боргим йўқ.

— Ҳаммаёқни қор босди-ку, қандай қайтасиз?

— Бир амаллаб ўтаман.

— Йўқ, мулла, бу хаёлни миянгиздан чиқариб ташланг. Сиз мен айтган ишни қиласиз.

— Нима учун?

— Сабаби кўп. Айтайлик, сирингизни яширганим учун.

— Қандай сир?

— Маъмур бойваччанинг ўлими менга ҳам маълум. Аммо сиз Аҳмад девнинг кимлигини яхши билмайсиз. У бойваччанинг ўшдаги бўласи. Дев қотилни билмайди. Мен эса унга айтмайман. Эски ярани кўзғашнинг нима ҳожати бор? Қолаверса, ҳисобли дунё деганларидек, елкангиздаги қарзни узишингиз керак. Акангизнинг жонини, синглингизнинг номусини сақлаб қолдим. Бу анов-манов гап эмас, мулла, ўйлаб кўринг. Мен Норхўжа кўрбошиман, а? Ҳадеб ноз-финоқ қилаверманг. Аччиғим чиқса... Жиянимни ҳам аямадим, а?

Сабоҳиддин у билан тортишиш ортиқчалигини билиб, индамади. Фурсат пойламоқни лозим кўрди. Сукутни ризолик аломати, деб фаҳмлаган кўрбоши гапини давом эттирди:

— Биз бир-биримиз билан аччиқлашмаслигимиз керак, мулла. Эсингиздами, маҳди ҳақида гапирган эдим. Шу режаларни амалга ошириш фурсати келди. Риштонда Норхўжанинг, яъни менинг каллам олинди. Ҳозир ҳамма мени ўлдига чиқарган. Душманларимнинг кайфи чоғ, маҳди учун яна нима керак. Қашқарга боргач, сиз Макка сари отланасиз. Харажатларни мен кўтараман. Уйингизга Сабоҳиддин хожи бўлиб қайтсангиз ёмонми? Мана шу яхшиликларим

эвазига «Ислом юрти учун Худо Норхўжанинг жонини қайтариб берди», деб гап тарқатасиз. Бор юмушингиз шу!

Сабоҳиддин яхшилик билан жавоб ололмаслигини билиб, қочишни хаёл қилди. Қаттиқ-қуруқ сўзлари учун кўрбошидан узр сўради.

Тоғнинг тунги аёздан ҳам уйқу зўр келиб, барча пинакка кетди. Фақат Сабоҳиддин ухламади. Тун яримлаганда ўрнидан турди. Ёнидаги хуржунни аста кўтарди-да, изига қайтди.

Ерта тонгда Норхўжани Аҳмад дев туртиб уйғотди.

— Бегим, муллангиз қочибди?

— Қаёққа қочади?

— Қаёққа қочарди? Занғар, менинг хуржунимни кўтариб кетибди.

— Нима бор эди?

— Ўзининг нарсалари... Қиёмат қарздан қутулибман. Озгина тилла билагузуклар ҳам бор эди. Орқасидан тушамизми?

— Йўқ, — деди Норхўжа бир оз ўйланиб, — орқага қайтиш хосиятсиз. Ҳали қочганига пушаймон ейди. Қайтган куним биринчи бўлиб шу маҳлуқнинг терисини шиламан.

Улар яна йўлга тушдилар.

... Сабоҳиддин хуржунни елкасига олиб узоқ юрди. Кўчки босган жойга етиб келгунча оёқлари қақшаб кетди. У ҳали кўчки нима эканини билмасди. Белга қадар қорга ботган кезларда изига қайтганидан пушаймон бўлар, чиқиб олганда эса: «Ота юртдан узилгандан кўра музлаб ўлганим афзал», деб қўярди.

У оқшомга бориб силласи қуриганини, очиққанини сизди. Тўхтади. Тамадди қилиб олиш учун хуржунни қўйди, ўтириб нафасини ростлади. Кейин қўлини хуржунга тикди, Силлиқ, совуқ, юмалоқ бир нарсага панжалари тегиб кетди. Сесканди. Хуржунни очиб, икки қўллаб уни чиқарди. Чиқарди-ю, серрайиб қотиб қолди. Нафаси ҳам, юрак уриши ҳам тўхтади. У хуржундан акасининг калласини олган эди!..

Ана шунда...

Тоғлар ҳам қотиб қолди. Осмон ҳам. Дунёнинг ҳаёт томирларидан жон чиқиб кетди.

Бир зум, фақат бир зум шундай бўлди. У қўлидаги каллани ташлаб юборди. Акасининг кесилган боши қорга чўқди. Сабоҳиддиннинг қалбидан отилган фарёд сукунатни қалқитиб юборди. Тоғлар акс-садо берди. Йўқ, садо эмас бу. Тоғлар ҳам фарёд чекди. Бу фарёдни қорлар ўзига шима олмади — осмон бағрига сингдирди.

Ҳозиргина оқлиги билан кўзни қамаштираётган қор бир нафасда қоп-қора бўлиб қолди. Кейин аста қизарди. Чўққилардан қип-қизил қон оқиб кела бошлади. Иссиқ қон Сабоҳиддинни ҳам қаърига тортиб, аввал товонини кўйдирди, кейин баданига тарқалди. Сўнг мияси қизий бошлади. Томоғи қуриб, қонни симира кетди. Самирган сайин ичи куяверди. Кейин қон қорга сингиб, атроф аста оқарди. Шунда Сабоҳиддин қорга ботиб турган каллани авайлаб қўлга олди. Юмуқ кўзларни, ўсиқ қошларни силади. Силай туриб вужудидан яна фарёд отилиб чиқди.

Осмон қаърига икки кунгача фарёд отилиб турди. Кейин бу аламли овоз бошқа ерларга кўчди.

Сабоҳиддин озиб-тўзиб кетди. Борар жойини ҳам унутди: телба бўлиб қолди. Каллани қўлдан қўймай тентираб юраверди. Бир ерда оёғи тойиб, пастга қараб юмалаганда уни йўқотди. Алам билан нола чекди. Охири бир думалоқ тошни калла хаёл қилиб авайлаб олди. Қош-кўзни излади. Тополмай уввос солиб йиғлади. Лекин уни ташлаб юбормади. Эҳтиётлаб кўтариб юраверди.

Орадан бир неча кун ўтгач, савдо важдан Қашқарга бориб-келиб юрувчи ўзбеклар уни кўриб қолиб, хачирга мингаштириб олдилар.

Чарх ураётган қузғунлар емишларидан маҳрум бўлдилар. Кўчкини пастлаб ўтган савдогарлар Сабоҳиддиннинг йиғисидан безор бўлиб, уни яна ташлаб кетдилар.

\* \* \*

Мудҳишликнинг гувоҳи бўлган Рҳақ деразадан нари кетди. Бошидан бундай азобларни кечириб, охир-оқибатда чарм қопланган тахта сўрида итоаткорлик билан ётган Сабоҳиддинга бошқа қараб туролмасди. Юксак салоҳият эгаси бўлган, аммо бу имконни керакли йўналишга мутлақ сарф этолмаган, мавҳум мақсад йўлига тушиб, ўзгалар нияти учун қобилиятини қурбон қилган Сабоҳиддиннинг тақдири Рҳақнинг юрак-бағрини эзиб юборди.

Дилмурод эса нима воқеа юз берганини билолмай гангиб ўтирибди. Агар Сабоҳиддиннинг бошига тушган кулфатлар унга ҳам рўпара қилингудай бўлса, эсини йўқотиб қўйиши аниқ. Одам боласи тишини-тишига қўйиб ҳар қандай азоб-ташвишларга чидаса ҳам, мияси охир-оқибат бу юкни кўтаролмайди. Одамлар ўз аъзоларининг имконини билмаган ҳолда табиат қоидаларига қарши турмоқчи бўладилар. Табиатдан ҳеч қачон устун келиш мумкин эмаслигини билмайдилар.

Ешик очилиб, остонада Дилмурод кўринди.

Унинг руҳи анчайин паст, кўнглига ҳеч нима сиғмасди. Девонанинг мавҳум ҳаракатлари, ТЕТнинг ҳали мукамал эмаслиги, уни такомилга етказиш учун кўп иш қилиш керак экани Дилмуроднинг фикрини банд этган эди. У бир-бир босиб Рҳақ-Мирзавойнинг ёнига ўтирди.

— Биз муолажани кеч бошладик, шунинг учун тушуниб бўлмайдиган воқеалар юз беряпти, — деди Дилмурод ҳамкасбига.

— Ҳозирча ҳамма касалликни ҳам сўнгги босқичда даволашга тўғри келяпти, — деди Рҳақ унга далда бериш учун. Аммо унинг гапи оловга ёғ сепгандай бўлди.

— Худди шу медитсинанинг энг катта айби, — деди Дилмурод қизишиб. — Биз ҳали одам анатомиясини тузук билмаймиз. Ҳа, юзаки биламиз. Одам миясига ҳомиланинг тахминан ўн саккиз-йигирманчи кун асос солинади. Ўша ондан бошлаб ҳар дақиқада ўртача йигирма минг асаб ҳужайраси туғилади. Биз текширишни, ўрганишни худди шу дамдан бошлашимиз керак эмасми? Мия асосан она қорнида камол топар экан, онанинг ташқи муҳитдан таъсирланиши болага қор қилмайдими? Масалан, оч-наҳор бўлса, хўрланса, ташвиш чекса... дақиқасига йигирма минг ҳужайра туғилармикин? Менинча йўқ. Демак, мия бир меъёрда шаклланмайди. Ёки, йигирма ёшли одамнинг мияси ўртача бир минг тўрт юз грамм. Уч ёшли гўдакники эса бир минг икки юз грамм. Ўртача ўн етти йилу яна икки юз грамм фарқ бор. Янги туғилган гўдак миясининг оғирлиги уч юз қирқ грамм бўлса, дастлабки уч йилда саккиз юз олтмиш, кейинги ўн етти йил ичида эса икки юз граммга ошади. Демак, биз ана шу дастлабки уч йилга кўпроқ эътибор беришимиз керак эмасми? Ана шуларни тадқиқ қилиш ўрнига, хасталик сўнгги нуқтага келганда югуриб қоламиз.

— Ҳадеб куйинаверманг, Дилмуроджон, ахир машойихлар: «Мусулмончилик ҳам аста-секин», деганлар-ку.

— Э, — Дилмурод қўл силтади, — аста-секинликнинг вақти ўтди. Замонни қаранг, зир титраб турибди...

Дилмуроднинг гапи оғзида қолди. Бўсағада Девонани кўриб иккови ҳам ўрнидан турди. Девона паст бўйли тўладан келган Дилмуродни, қорувли Рҳақ-Мирзавойни энди кўраётгандай кўзларини чақчайтирди-да, аста бурилиб, кўчага чиқиб кетди.

\* \* \*

Тоғларга қалин қор тушди. Дарахт шохлари мажнунтол сингари эгилиб қолди. Шамол йўқ, офтоб чарақлаб чиқади-ю, тафти сезилмайди. Фақат дарахт сурхларидан тўкилувчи қор учқунларини майда юлдузчалар сингари жилвалантиради. Одамлар уйларига қамалганлар. Сандалнинг бозиллаган ўти кишини элитади. Дангасалик тутиб, қимирлашга тоқат қол-майди.

Девона ҳам ҳужрасига танча қилиб олган. Кундузи ёлғизоёқ йўл билан пастга тушиб, хонадонларнинг қорини кураб беради. Оқшомга яқин битта нон билан бир хокандоз чўғ олиб

маконига кетади. Шифохонага онда-сонда бир киради. Кеч кузақда келган Умида билан ҳам унча иши йўқ. Унинг «ёввойилашиб» қолганига қизча ҳам кўниккан. Ақида енгил тин олди. Рҳақ-Мирзавой шифохона ёнидаги ҳужрасидан пастга тушмади. Сабохон билан (бирон иш баҳонасида) учрашиб туришни одат қилди. Уларнинг муносабатларидаги илиқликни сезган Асқарали Сабохоннинг отасига маслаҳат солди. Бир неча йилдан бери салом-алик қилмайдиган икки қария шу баҳонада гаплашиб, Сабохоннинг эридан дарак чиқишини яна пича кутишга қарор қилишди.

Осмон камроқ булутланиб, қуёшли кунлар кўпроқ бўла бошлади. Серқатнов йўлларда қор эриб, пилчиллаб қолди. Девонанинг иши камайди. Ана шу пайтдан фойдаланиб, Дилмурод яна муолажа қилмоқчи бўлди. Унинг режаси бўйича шундан сўнг тажриба натижалари маълум бўлиши керак эди. ТЕТни жинни бузганлигига амин бўлгач, Дилмурод тажрибанинг ижобий яқунланишига ишониб қолган, шунинг учун беморнинг хатти-ҳаракатини диққат билан кузатар эди. Ҳатто қишлоқ аҳолиси «жиннига бир гап бўлганини», одамларга унча қўшилмаётганини, мутлақо тиржаймай қўйганини пайқади. Рҳақ эса Дилмуродни ташвишга кўмувчи воқеалар яқинлашаётганини билиб, муолажани кейинга суришга ҳаракат қилаверди.

Дилмурод Девонани синаб кўриш учун қизил аскарлар ҳаётига доир ҳикоялар тўплаб юрган пайтда қишлоққа «Чапаев» филмини олиб келишди. Қиш бўйи кино келмагани учунми ёки «Чапаев»нинг шўхрати баландмиди, ҳар ҳолда, бу воқеа салкам байрамга айланди. Дилмурод Девонани ҳам кинога олиб келиш учун ҳужрасига борди.

— Юринг, томошага кирамиз, — деди Дилмурод.

Девона таклифни эшитмагандек индамасдан ўтираверди. Дилмурод «юринг», деб унинг билагидан ушлаб, турғизмоқчи бўлди. Девона унга бир қараб кўйди-да, ўрнидан туриб, итоаткорлик билан эргашди. Девона то кино тамом бўлгунча қимир этмай ўтирди. Ҳаммадан кейин ўрнидан турди-да, ҳужрасига кетди. Дилмурод унда бирор ўзгариш бўлишини кутган эди. Тахмини бекор бўлиб чиқди.

Ерталаб шифохонага етиб улгурмаган ҳам эдики, Дилмуродни бир бола чақирди. У тўхтаб, орқасига қаради. Югуриб келаётган бола ҳансираганича гап бошлади:

— Пропесур тоға, жинни ўлиб қолибди.

— Нима дединг?

— Ўзини осиб қўйибди.

— Қаерга?

— Абдулхай амакимизнинг боғига. Шийпон қурилаётган боғ бор-ку, аши ерда.

Дилмурод қадамни тезлатди. Абдулхайнинг боғига одамлар тўпланган. Мурда ерга олиб қўйилган эди. Ўрик шохида сиртмоқ осиглиқ, пастда эса... гўр қазилган эди. «Дарров улгуришибдим, нимага бу ерга қўйишмоқчи», деб ўйлади Дилмурод мурдага яқинлашиб. У Девонанинг мижжаларини қайириб кўрди. Кимдир мурда устига уриниб қолган тўн ташлади. Бу орада ҳаллослаб гўрков етиб келди. Қазилган қабрга қараб бош чайқади.

— Ўзига ўзи тайёрлаб кетибдимми? Тириклигида ҳам ҳеч кимга оғирлиги тушмаган эди, — гўрков шундай деганича энгашиб, лаҳадга қаради.

— Шу ерга кўмамизми? Қазиган қабрига қараганда... — деб сўради Дилмурод.

— Дуч келган жойга қўявермайлик. Ҳеч бўлмаганда ўлганда ҳамжиҳат ётишсин.

Девонани ҳужраси яқинига кўмдилар.

Одатда инсон боласи камдан-кам ҳолларда ғалаёнга журъат этади. Ҳаёти давомида ўнлаб, балки юзлаб воқеага нисбатан бағрида исён уйғонса-да, уни юзага чиқармайди, бўғиб яшайди. Айниқса, бу ҳол Девона-Сабоҳиддиннинг ҳаётида кўп бўлди. Сабоҳиддин умрида икки марта ғалаёнини жиловлай олмади. Унинг қалбида кўз очган дастлабки исён оила номусини поклашга ундади. Иккинчи марта жамиятга, наинки жамиятга, балки ўз-ўзига қарши исёнга журъат этди. У икки мартагина ғалаён қилди. Аммо ҳар иккала ҳаракати изсиз кетди. Биринчи гал унинг журъати акасига муҳрланди. Иккинчи ва сўнгги марта қилган ғалаёнида у ўзи гўр қазиб, бош

томонига акасидан ягона хотира — аскар қалпоғини қўйган эди. Аммо одамлар буни англаб етмай, уни бошқа қабрга кўмдилар.

Кўп ўтмай раиснинг буйруғи билан Девонанинг ҳужраси бузиб ташланди.

Дилмурод нима қиларини билмай қолди. У Девонанинг тузала бошлаганига ишонарди. Унинг ўзини осиб қўйиши ҳам шундан. Лекин Дилмурод буни қандай исбот этади? Балки Девонанинг ўлимида Дилмуроднинг айби бордир? Миясидаги айрим хотиралар уйғониб, уни азобга солгандир? Одамови бўлиб қолгани ҳам шундандир? Норхўжани тилга олиб талвасага тушганда, нима учун тузукроқ аҳамият бермади? Мудҳиш хотираларининг ўша кезлари уйғона бошлаганини тахмин қилган эди-ку? Ҳа, айб Дилмуродда. Агар Девона доимий назорат остида бўлганда...

Қорлар эриб, ернинг нами кўтарила бошлагач, барча даладаги ишлар билан овора бўлди. Қишлоқдаги мудроқлик, дангасалик баҳор офтоби билан ҳовур сингари кўтарилди.

Дилмуродга эринчоқлик юқиб самовархонада Асқаралининг суҳбатини олай деб чиққан эди. Гузар томонга усти берк машина келаётганини кўриб, Дилмурод сергакланди. Машина гузарда тўхташи билан ундан икки номаълум киши тушиб атрофга аланглаб олди. Сўнг... Анвар тушиб самовархонага қаради. Сўри панжарасига тирсагини тираб ўтирган Дилмуродни кўриб икки кишига нимадир деди.

Нотаниш кишилар тез-тез юриб самовархонага кўтарилдилар. Бири Дилмуроднинг рўпарасига туриб олди, иккинчиси орқасига ўтди.

— Сен қамоққа олиндинг, — деди рўпарадаги одам дағал оҳангда.

Дилмурод қайнотасини қамоққа олинганини кўрган, буларга гап уқтириш мумкин эмаслигини биларди. Шу сабабли индамай ўрнидан турди.

Ногаҳоний бу ташрифдан, бу гапдан ҳайратга тушган Асқарали эса Дилмуродга ўзини қалқон қилмоқчи бўлди.

— Иним, Дилмуроджоннинг айблари нима, аввал тушунтиринг. Яна янглиш келган бўлманг?

— Сен нари тур, — у беписандлик билан шундай деб худди хасни суриб қўйгандек Асқаралини туртди.

— Асқарали тоға, қўйинг, буларга бас келиб бўлмайди, — деди Дилмурод.

— Сен халқ душмани Раззоқов билан бирга Ватанга қарши жиноий иш олиб борганда айбланасан, олдимга туш. Қўлингни орқага қил.

— Ҳой, иним, инсоф қилинг, бола-чақаси шу ерда, кўришиб олсин.

— Наридур.

Бу сафар қаттиқроқ туртган эди, Асқарали гандираклар сўрига ўтириб қолди.

Бу воқеани Рҳақ-Мирзавой Асқаралидан эшитиб ўйга толди. Умидани бағрига босиб ўтирган Ақидага қарай олмади. Ақида жим эди. Унинг кўз ёшлари қуриб бўлган. Йиғлашга мадори ҳам йўқ эди.

Рҳақ нима дейишни билмай турганида Ақиданинг ўзи сўз очди.

— Мирзавой ака, яхши ҳам сиз тоғда экансиз... Энди бу ердан тезроқ кетинг. Эрта-индин сизни излаб келишади. Дадамга яқин одамларни териб бўлишди. Энди Дилмурод акамнинг яқинларини теришади.

— Ҳеч ишонгим келмаяпти, — дерди Асқарали, — қанақа замон бўлди бу, а?

— Шайтанат замони, — деди Ақида ҳазин овозда.

## ХОТИМА ЎРНИДА

Рҳақ эрталаб шаҳарга тушиб ҳужжатларини суриштириш баҳонасида Бухорога йўл олди. Тангда берилган кўрсатмага мувофиқ, биринчи алоқа муддати яқинлашганди. У Қизилқумда қолган кемага қайтиб, бир-икки кун тиниқиб олмоқчи, кўрган-билганларини фикр ойнасидан ўтказиб, ҳисобот тайёрламоқчи эди.

Рҳақ кемага кирди-ю, чақириқ чироқларининг тинмай ёниб-ўчаётганини кўриб ҳайрон бўлди. Алоқа боғлашга ҳали уч кун вақт бор эди. Бирор кор-ҳол юз бердимикин? У курсига ўтириб Ер атрофида йўлдош каби учаётган асосий ясси кема билан алоқа боғлади. Бошлиқ дарҳол йўлга отланишни буюрди. Бошқа барча тангликлар кемага қайтганини айтиб, Ерда катта уруш бошланаётгани учун Тангга қайтишлари лозимлигини билдирди. Рҳақ бу янгиликни эшитиб, ҳанг-манг бўлиб қолди. Ахир, одамлар орасида: «Гитлер билан сулҳ тузилди, уруш бўлмайди», деган гап юрарди-ку! Наҳот ҳамма алданган бўлса? Наҳот қирғин бошланса? Асқарали, Дилмурод, Умида, Ақида, Кесганбелнинг меҳр-оқибатли одамларининг умрига нуқта қўйилса? Рҳақ ерликларни самимий бир муҳаббат билан севиб қолган эди. Мана шу Ер, мана шу одамлар унинг қалбида изсиз йўқолиб кетган меҳр, севги, оқибат туйғуларини қайтардилар. Энди бу одамларни ташлаб, қаерга қайтади? Ҳиссиз юртигами? Уни ким кутяпти? Унинг гапига ким қулоқ солади? Бу ерда-чи? Тараққиётни белгилайдиган нодир истеъдод эгалари бўлмиш одамларидан воз кечаётган жамият энди Рҳаққа меҳр кўргаза олармикин?

Шу саволлар ўтида қоврилган Рҳақ оғир иш қилиб толиққандай кўзларини юмди. Беозор девона— Сабоҳиддин, унга меҳрибонлик қилаётган Умида, куюнчак Дилмурод, вафодор Ақида, ҳазилкаш Асқарали, иффатли Сабоҳон, бир-бирларига оқибатли ҳамқишлоқлар, Шоазиз, Мамарайим каби темир одамлар кўз олдидан ўта бошладилар. Ҳозир ана шу хилма хил одамлар билан видолашиб учиб кетиши керак. Бўйруқ шундай. Қўнғир мурватни бураса бас. Ҳаммаси ортда қолади: ширин туш кўраётиб чўчиб уйғонган одам ҳолига тушади. Туғилиб-ўсган юртига қайтиш қанчалик лаззатли бўлмасин, туйғулари туғилган Ерни ташлаб кетиш азоби шу қадар улкан эди. Икки қудратли куч уни икки ёққа тортқиларди. Шу онда, шу нафасда икки йўлдан бирини танлаши керак. Ўйлаб кўришга фурсат йўқ. Икки қудратнинг бирига майл бериши шарт. Нима қилсин? Ҳаммасини ташлаб кетсинми?

Рҳақ энтикиб кўзларини очди. Қўнғир мурват... Танг, ҳиссиз ҳамюртлари... Улкан сайёрада бир ўзи танҳо... Бошқалар бегона! Бегона... Ерда-чи?

Қўнғир мурват...

*1976—1982. Ўш — Тошкент.*

[www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com)

2008